

25340


АЖДОДЛАРИМИЗ  
МАЪНАВИЙ  
МЕРОСИДАН



«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

# АЖДОДЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2014

*Азизмат*

УЎК: 17(173-177); 2(241)

КБК: 87.60

А 35

Ушбу рисолада Марказий Осиёда яшаб ўтган мутафаккирлар томонидан араб, форс, туркий тилларида ёзилган асарлардаги одоб-ахлоқ масалаларига оид қисмлар таржима ва таъдил этилган ҳамда асар муаллифларининг ҳаёт йўллари ва илмий фаолиятлари ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Рисола материалларидан Ўзбекистон тарихи, фан тарихи, манбашунослик, исломшунослик, маданият тарихи бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда, шунингдек, маънавий-маърифий йўналишдаги тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3719-рақамли тавсиясига кўра чоп этилди.*

Масъул муҳаррир ва  
сўзбоши муаллифи:  
тарих фанлари номзоди **Омонullo Бўриев**

Тақризчилар:  
тарих фанлари доктори **Маҳмуд Ҳасанов**,  
тарих фанлари номзоди **Одил Қориев**

ISBN 978-9943-19-285-0

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2014 й.

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон халқлари кўп асрлик тарихни ўз ичига олган сермазмун маънавий меросга эга. Уни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш шахснинг маънавий баркамоллигини таъминлашда зарур аҳамият касб этади.

Бу борада Президентимиз Ислоом Каримов: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошғезув битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Булчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаб ўтгани ҳам бежиз эмас. Дарҳақиқат, тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, юртимиздан чиққан жаҳон миқёсида маълум ва машҳур алломаларимиз бўлгани, улар илм-фаннинг турли соҳаларида ижод қилиб, қимматли асарлар қолдирганларига гувоҳ бўламиз.

Маънавий меросимизнинг салмоқли қисмини кейинги минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида яратилган араб, форс, туркий тилларда ёзилган ёзма манбалар ташкил қилади ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ушбу дурдоналар ўрин олган машҳур хазина саналади. Институт фондида тахминан 25 мингдан ортиқроқ қўлёзма ва 30 мингга яқин тошбосма асарлар сақланади. Бугунги кунгача мазкур ёзма манбаларнинг бир қисми институт олимлари томонидан ўрганилиб, каталоглар, алоҳида нашрлар, таржималар шаклида илмий жамоатчиликка етказилган. Айрим нашрлар давлатлараро илмий ҳамкорлик дастури доирасида бажарилган ва хорижда ҳам чоп этилган.

Институтда амалга оширилган тадқиқотларнинг катта қисми ўзбек тилида ва унда ўзбек китобхонларини Шарқ ёзма

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 30–31.

мероси деб аталмиш бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд этиш мақсад қилиб белгиланган. Чоп этилган китобларнинг бир қисмини аниқ мавзуларга бағишланган тўпламлар ташкил қилади. Чунончи, кейинги йилларда нашрдан чиққан “Маънавият юлдузлари” номли тўпламда жаҳон цивилизациясида ёрқин из қолдирган аждодларимиз ҳақида маълумотлар қайд этилган. Мазкур тўплам кенг жамоатчиликка жуда манзур бўлди.

Китобхонларга тақдим этилаётган “Аждодларимиз маънавий меросидан” деб номланган ҳозирги тўплам юқоридаги нашрнинг узвий давоми саналади. Унда ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма асарлардан маълум мавзуга, аниқроғи, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган маълумотлар араб, форс ва туркий тиллардаги манбалардан терма таржималар, баъзи ҳолларда эса табдидан иборат лавҳалар шаклида берилган. Умуман олганда, тўплам мазмун жиҳатдан одоб-ахлоқ мавзусининг турли қирраларини қамраб олади (илмнинг фазилати, ота-онани ҳурмат қилиш, сўзлашув одоби, нафсоний касалликлар муолажаси, таом емоқ одоби, Луқмони Ҳаким насиҳатлари, ғийбат бобида, сабр-қаноат хусусида, ҳалол ризқ излаш, тижорат одоби ва ҳ.к.). Тўпламдаги материаллар даврий жиҳатдан Х–XX аср бошларига тўғри келади.

Тўпламда араб тилида ёзилган “Равзат ал-уламо”, “Ал-Амад ал-ақсо”, “Таҳзиб ул-ахлоқ”, форс тилида ёзилган “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи Жалолий”, “Фавойид”, туркий тилда ёзилган “Ахлоқи хоний”, “Муфарриҳ ал-қулуб”, “Мақсуд ал-мутааллимин” каби асарлардан – жами йигирмата манбадан олинган парчалар берилган. Улардан қарийб барчаси ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда. Парчалар сайланма тарзида олинган бўлиб, айрим тахририй ўзгартиришлар қилинган. Тўпламдаги таржималар матнидаги ўрта қавс [] таржимон қўшимчаларини ва оддий қавс () эса изоҳларини англатади.

Мазкур тўплам ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг “ФА-ЁФ8-003: “Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида одоб-ахлоқ мавзуси (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосида)” йўналиши бўйича амалга оширилган амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида 2008–2010 йилларда бажарилган бўлиб, институтдаги бир гуруҳ ёш олимлар (М.Исмоилов (лойиҳа раҳбари), Ў.Султонов,

Ҳ.Аминов, Ҳ.Лутфиллаев, С.Муҳаммадаминов)) илмий изла-  
нишларининг самарасидир. Бунга ўхшаш хайрли ишларни да-  
вом эттиришда уларга келажакда янги муваффақиятлар тилаб  
қоламиз.

Ушбу китоб турли соҳа тадқиқотчилари, олий ва ўрта бўгин  
ўқув даргоҳлари ўқитувчилари, аспирантлар, магистрантлар учун,  
умуман олганда, ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбия-  
лашда асқотади деган умиддамиз.

**Омонулло Бўриев,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди



## ҲАСАН ИБН ЯҲЁ АЛ-ЗИНДАВИСТИЙ

(вафоти 1010 йил)

Илмга бахтлилар мушарраф бўлади,  
бахтсизлар илмдан маҳрум қолади.  
(Зиндавистий)

Тўлиқ номи Абу Али ал-Ҳасан ибн Яҳё ибн Али ибн Абдуллоҳ ал-Зиндавистий ал-Бухорий ал-Мубтағий ал-Ҳанафий бўлган фақиҳ ҳаёти ҳақида манбаларда маълумотлар жуда кам. Унинг 1010 йилларда вафот этгани қайд қилинади, холос. У Бухоронинг Зиндавист қишлоғида туғилиб, Бухорода униб-ўсган, шу ерда таълим-тарбия олган. Унинг ўша давр анъанасига кўра таълиф қилган – Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (749–805) “Ал-Жомий ал-кабир” (Катта тўплам) асарига ёзган шарҳи, шунингдек, “Равзат ал-уламо” (Олимлар боғи), “Мубкиёт” (Ийғлатувчилар), “Мутаҳайиз ал-алфоз” (Лафзларнинг чегаралари), “Назм ал-фиқҳ” (Фиқҳ манзумаси) каби асарлари бўлганлиги маълум. Шулардан энг машҳури, шубҳасиз, араб тилида битилган “Равзат ал-уламо” бўлиб, Урта Осиёда кенг тарқалган китоблардандир.

“Равзат ал-уламо” илм ва унинг фазилатига доир Мовароуннаҳрда яратилган илк асарлардан ҳисобланади. У 107 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда мавзуга тааллуқли фиқҳий масалалар, оят ва ҳадисдан далиллар, шу мавзуга оид донишмандларнинг фикрлари ва ибратли ҳикоялар келтирилган.

“Равзат ал-уламо”да илм-фан мадҳ қилинади, илм аҳли улуғланади. Илмга, илм олишга, илм ўргатишга тарғиб этилади. Шунингдек, асардан одоб-ахлоқ масалалари ҳам ўрин олган бўлиб, яхши хулқлар мақталиб, ёмон хулқлардан қайтарилади. Жумладан, аҳдга вафо, садоқат, қариндошлик алоқалари, ота-онага яхшилик қилиш, бировларнинг айбларини ошкор этмаслик, қўни-қўшни билан яхши муомалада бўлиш, мазлумга ёрдам қўлини чўзиш, тилни ёмон гап-сўзлардан асраш каби ҳислатлар мадҳ қилинса, ароқхўрлик, зино, ҳасад, мунофиқлик, очкўзлик каби иллатлардан қайтарилади. Ҳалол касбга ундалади, оиласига яхши муносабатда бўлиш улуғланади.

Ҳасан ибн Яҳё ал-Зиндавистий “Равзат ал-музаққирин” (Эсла-тувчилар боғи) номли асарини ёзгандан кейин уни дўстлари ил-тимосига кўра кенгайтириб, “Равзат ал-уламо”ни яратган. Бу ҳақда муаллиф китоб муқаддимасида шундай дейди: “Ушбу китобни мен бигганимдан сўнг шоғирдларга бир неча бор имло қилдириб ёз-дирдим. У фикҳий масалалардан, ҳикматли гаплардан, зарбулмасал-лардан ҳамда оятлардан холи эди. Омма орасида чиқиш қиладиган илм аҳлидан баъзиси уни иккинчи бор ёзишимни сўрашди. Ҳар бир бобга муносиб равишда мавъиза-масалаларни тақдим қилишим керак эди. Мен уларнинг гапларини инобатга олдим ва вақтим бўлганда ишга киришиб, бу китобни ёздим. Ҳар бир боб аввалида бештадан ўнтагача бирин-кетин масалаларни тўплادим. Сўнгра унга Аллоҳнинг китобини, Расулуллоҳ хабарларини ҳамда ҳар бир мавзуга оид муфассал ҳикоятларни келтирдим. У китобни “Равзат ал-уламо” деб номладим, аввалги исми “Равзат ал-музаққирин” эди”.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Равзат ал-уламо”нинг тўртта қўлёзма нусхаси мавжуд. Унинг қадимий нусхаси 3229 тартиб рақами билан сақланади. Ушбу нусха насх хатида ҳарф ҳаракатлари қўйилган ҳолда кўчирилган. Қўлёзманинг энг охирида Муҳаммад Юсуф ас-Салитий деган шахс уни 869 йил 13 муҳаррамда кўриб чиққанини қайд қилган. Бу милодий 1464 йил 15 сентябрга тўғри келади. Демак, қўлёзма XV асрнинг биринчи ярмида ёки ундан аввал китобат қилинган.

ЎзР ФА ШИДа сақланаётган “Равзат ал-уламо”нинг тўлиқ нусхаларидан яна бирини бухоролик моҳир хаттот Раҳматуллоҳ ибн Аваз ал-Жуллий ал-Бухорий 1253 йил 21 ражаб (1837 йил 21 октябрь)да кўчириб тугатган. “Равзат ал-уламо”нинг қолган иккита нусхаси нуқсонли.

“Равзат ал-уламо”дан парча ўзбек тилига илк бор таржима этилмақда.

Ҳ.АМИНОВ

### “Равзат ал-уламо”дан<sup>1</sup>

(2<sup>а</sup>) Дарҳақиқат илм қалбнинг оби ҳаёти, кўзлар чироғи, ба-данлар қуввати бўлиб, инсон дунёю охиратда яхшилар ўрнига – олий даражаларга етишади. Илм борасида фикрлашиш нафл

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 3229 рақамли қўлёзма.



рўза тутишдан, кечалари намоз ўқишдан яхши. Илм билан меҳр-шафқат жўш уради, у билан ҳалол-ҳаром танилади. Илм йўл-бошчидир, амал эса унга эргашади. Илмга бахтлилар мушарраф бўлади, бахтсизлар илмдан маҳрум қолади.

Абдуллоҳ ибн ал-Муборақдан: “Эртага ўлишинг маълум этилса, яхши амаллардан қайсисини қилиб қолардинг?” деб сўрадилар. У: “Илм ўрганиб, илм излаган бўлардим!” деб жавоб берди.

Абул Асвад ад-Дуалий: “Илмдан азизроқ нарса йўқ. Подшоҳлар одамларга ҳоким бўлса, олимлар шоҳларга ҳокимдир”, деган.

(2<sup>o</sup>) Донишмандлардан бири бундай дейди: “Илм уч ҳарф: “айн”, “лом”, “мим”. “Айн” иллиййин (олий мақом)дан, “лом” лутфдан, “мим” мулкдан олинган. Демак, “айн” илм соҳибини иллиййинга етказди; “лом” уни латиф қилади; “мим” эса уни халққа малик (подшоҳ) қилади”. Баъзилар буни бошқача изоҳлаб: “Аллоҳ олимга “айн” баракаси билан иззату шараф, “лом” ила латофат, “мим” ила муҳаббат ва малоҳат ато қилади”, деганлар.

Бир донишманд ўз ўғлига бундай деб насиҳат қилган: “Илм ўрган, агар молинг бўлса, илм сенга чирой бўлади. Агар молинг бўлмаса, илм сенга мол бўлади”. Бошқа донишманд бундай деган: “Илм ўрганинглар. Агар халқнинг кичиги бўлсангизлар, тез орада халқнинг улуғи бўлурсизлар”.

(3<sup>a</sup>) Олимлар замона чироғларидир. Ҳар бир олим ўз замонининг чироғи бўлиб, замондошларига зиё тарқатади. Қайси маҳаллада олим бўлса, ўша маҳалла тирик, қайсисида олим яшамаса, ўша маҳалла аҳдининг ҳаммаси ўликдир. Молу давлатни улуғласанг, у тез қўлга кирган нарса сифатида тез кетиб қолиши мумкин. Подшоҳни улуғласанг, бир куни сенга фойда бўлса, бир куни зиён. Обрў-эътибор эса дабдабали лаганбардорларнинг бор-йўқлигига боғлиқ. Улуғламоқчи бўлсанг, илму одобни улуғла! Чунки у молу давлат кетгани билан кетиб қолмайди, подшоҳлар ўзгаргани билан ўзгармайди, маддоҳларнинг мақтовларига боғланиб қолмаган.

Ҳар қандай олим билан ўтираверманглар. Беш нарсдан қайтариб, беш нарсага – қониқишдан қоникмасликка, гумондан аниқликка, риёдан ихлосга, ҳасаддан насиҳатга қақирадиган олимлар билан сўхбатлашинглар.

Олимлар уч хил бўлади. Бир тоифаси ўз илмини фақат молу дунё топишга сарфлайди, подшоҳ ва ҳокимларга, бойларга лаганбардорлик қилиш билан кун ўтказади, илмини пеш қилиб, ўзини улардан катта олишга интилади. Зотан, подшоҳ ва ҳокимлар

эшигига тама билан келадиган олимлар ўғри мисолидир. Бир тоифаси ўз илми билан одамларга бахт-иқбол келтиради, еб-ичиради, илмини инсониятнинг манфаати учун ишлатади. Бошқа тоифаси эса илм олиб, уни бошқаларга ўргатиш билан машғул бўлади, молу дунё тўплашга ҳирс қўймайди. Мана шу охиргиси энг яхшисидир. Ёмон олимлар билан ошно бўлишдан сақланиш даркор. Чунки улар ўз илмлари билан мол-дунё орттиришга ҳирс қўядилар, одамлар улардан нафратланади, масхара қилади. Бундай олимлар бир-бирларига душманлик қилдилар.

(50<sup>6</sup>) **Ота-онани хурмат қилиш** ва уларни беҳурмат этишнинг оқибати ҳақида мана бу ҳикояни эшитган эдим: Исфарионда бир бадавлат, обрў-эйтиборли кимса бор эди. Унинг улуғ ёшдаги онаси бўлиб, уни жуда хурмат қиларди. Отда кетаётганида онасини кўриб қолса, унинг хурматидан дарҳол отдан тушарди, онаси олдида эҳтиром ила қўл қовуштириб турганини кўпчилик бер неча бор кўрган эди. Онаси унинг ҳаққига доим: “Молу давлатингга ва савлатингга барака берсин”, дея дуо қиларди. Дуонинг шарофатидан унинг молу дунёси кўпайиб, обрўси кун-кундан орта борди. Бир куни маст-аласт отда келаркан, онаси қаршисидан чиқди. У онасига қиё боқмади, бир нималарни минғирлаб, отда ўтиб кетаверди. Она бундан хафа бўлиб, уни дуои бад қилди. Оқибатда давлати қўлдан кетди, ҳатто одамларнинг қўлига қарайдиган бўлиб қолди. Бир жинни ҳаммомнинг ўтинхонасида ётган битта тошни унга қараб отди. Тош унинг бошига тегиб йиқилди. Ўлим талвасасида: “Мени онамнинг дуои бади урди”, дея жон таслим қилди.

(51<sup>1</sup>) Самарқандда бир сувфуруш бор эди. Бир куни у касал бўлди. “Агар касаллигимдан шифо топсам, топганимдан ҳар жума куни ота-онам номидан садақа қиламан”, деб ўзига ўзи назр қилди. Касалига шифо топди, шундан сўнг ҳам кўп вақт яшади. Назрига вафо қилиб кун ўтказди. Йиттифоқо, бир жума садақа қилгудек ҳеч нарса топа олмади. Олимлардан нима қилиш кераклигини сўради. Унга: “Чиқиб, қовун пўчоқларини йиғиштиришини, уларни ювиб-тозалаб, қишлоқ йўлида туришини буюришди. Уйларига қайтаётган қишлоқдан келганларнинг эшакларига биттадан қовун пўчоғини едиришини уқтиришди. У худди шундай қилди. Ўша кеча ота-онасини тушида кўрди. Ота-онаси уни қучоқлаб, ўз розиликларини билдирдилар.

## АБУ ЗАЙД АД-ДАБУСИЙ

(вафоти 1039 йил)

Қаноат соҳиби инсонлар билан  
мунозара қилиб,  
дунё йиғишда мусобақа қилмагани учун  
душмани кам бўлади.

Озига қаноат қилиш бир жиҳатдан  
тамасиз эҳсон қилишдир.  
(Абу Зайд ад-Дабусий)

Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Ийсо ад-Дабусий (ваф. 1039 й.) бухоролик машҳур фақиҳ ва олимлардан биридир. Унинг бир қатор асарлари бўлиб, улардан бири “Ал-Амад ал-ақсо” (Камолот чўққиси) араб тилида ёзилган, унинг қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ хазинасида сақланади.

“Ал-Амад ал-ақсо”да ахлоқ-одоб ва илоҳиёт мавзуларидан ташқари фикҳга оид масалалар ҳам кўриб чиқилган. Масалан, намоз, рўза, ҳаж каби фарзларнинг моҳияти баён этилган.

Асарда фалсафий масалалар ҳам муҳокама қилинган. Уларни таҳлил этиш натижасида ад-Дабусийнинг фалсафа, илоҳиёт ва фикҳ мавзуларини бир-бирига боғлаган ҳолда ёритганлиги маълум бўлади.

Асарнинг бир неча ўзига хосликлари бор. Ад-Дабусий ўз фикрларини баён қилиш учун асарнинг бир неча ўринларида савол-жавоб услубини қўлайди. Асардаги яна бир хусусият – ад-Дабусийнинг тўрт рақамга эътибор қаратганидир. Олим кўпгина масалаларни тўртга боғлаб баён қилади. Масалан, инсонлар тўрт хил бўладилар, улардан ҳар бири, ўз навбатида, яна тўрт гуруҳга бўлинадилар. Пайғамбарлар ҳам тўрт мақомга эгадирлар. Мўминлар ҳам, гуноҳкорлар ҳам тўрт тоифага бўлинадилар каби.

“Ал-Амад ал-Ақсо” муқаддимадан ташқари, ҳар бири китоб деб номланган қуйидаги бўлимлардан иборат: ўз ички дунёсидаги ёмонликларга қарши кураш; яратилишининг аслидаги ҳикматлар; тўрт фасл; бандалик; камбағаллик; амр этиш (фар-

мон бериш, буюриш); қамоқхона ва подшоҳлик; тарози; динда инсонларнинг бўлиниши; имтиҳон ва алдов; даъват қилиш, туш кўриш ва башорат қилиш каби бўлимлар.

Биринчи марта асарнинг айрим бўлимларидан таржима эълон қилаяпмиз.

**М.Исмоилов**

### “Ал-Амад ал-ақсо”дан

(114<sup>б</sup>) Фақир – камбағаллик ҳақидаги фасл. Билгилки, Аллоҳ таоло бандани (яъни сени) яратган вақтида сенга камбағалликни лозим қилиб қўйгандир, бу эса бандалик сифатларига биноандир. У Зот мазкур сифатга боғлиқ бўлган тўртта ишни сенга юклади:

- 1) ал-Ғанийни таниш;
- 2) борига қаноат қилиш;
- 3) мулкиннга фахр қилмаслик;
- 4) қўлдан кетиб қолган нарсаларга афсусланмаслик.

Мазкур тўрт ишга боғланиш сабаби шуки, банда фақир (камбағал) бўлса-да, ўзига кифоя қиларлик нарсага эгаллиги боис беҳожатдир. Демак, ана шу унга ал-Ғаний томонидан берилган неъматдир. Шу боис у ал-Ғанийни таниши лозим бўлади. Шунингдек, қаноат ҳам бир неъмат.

Банда қўлидаги нарсага ҳам фахр қилмасин, чунки у бандалик эътиборидан фақир – бечорадир.

Шунингдек, қўлдан кетиб қолган нарсаларга ҳам афсус қилмаслиги керак, чунки Аллоҳ таоло берган вақтида ўша нарсалар ўзиники эмас эди.

Кимки ўзига мулкнинг келишидан олдинги ҳолига боқса, ўзини ҳеч нарсага эга бўлмаган фақир сифатида кўради. Ўзи эгаллик қилиб турган озуқа ва кийимларини ғанимат эканлигини ва уларнинг бир Ғаний зот тарафидан инъом этилаётганини билади. Шу асосда ўзининг ота-боболари ҳам фақир (камбағал) бўлганликларини ҳис қилади. Кейин банда тўшалган гиламлари ва мустаҳкам қурилган биноларига қарайди ва уларнинг асли-асоси сув ва ўсимликлар эканлигини эслайди, бу нарсаларнинг бўйсундириб қўйилганини тафаккур қилади. Натижада ҳақиқий Ғаний Зот – Ёру осмонларни яратган Аллоҳ таолодир деб билади.

Қаноат соҳиби инсонлар билан мунозара этиб, дунё йиғишда мусобақа қилмагани учун душмани кам бўлади. Озига қаноат

этиш бир жиҳатдан тамасиз эҳсон қилишдир. Албатта, дунё дегани эрлари учун безанган, эрга тегишга тамагир бўлган қари киздир. Ҳамма уни севади, ҳамма унга ошиқ бўлади, фақатгина Аллоҳ таоло хоҳлаган, танлаган бандалар бу балодан сақланиб қолгандурлар. Ана шу дунёга мухлис бандалар бир-бирлари билан мунозара қилиб, унга етишдан олдин ҳалок бўладилар... Зарурат учун унга қўл урган киши эса рашк юзасидан дарҳол пушаймон бўлиб, уни талоқ қилади...

Агар билсанг, қаноатни тарк этишда машаққат чекиш бойлик сифатини жалб қилиш учун бўлади.

Агар сен бой деб ном олганлар мақомига етган бўлсанг, мана шу ҳолингни сақлаб қолиш учун ўзингдан пастларга муҳтож бўласан. Бу муҳтожлигинг ўз ихтиёринг ила бўлаяпти, ваҳоланки, етарли миқдорга эгасан.

Албатта, сен кўпгина қаноатли камбағалларга қарасанг, уларнинг тақводор, тарки дунё қилган зоҳид эканлигини кўрасан. Ҳайвонларнинг бирор нарсани ғамлаб қўймаганлигини биласан. Демак, уларнинг бойларга ҳеч бир ҳожати йўқлигини кўрасан.

Аммо бойлар хизматкорга, амирлар аскарларга муҳтождирлар. Хўш, нега энди сен камбағалликдан ор этиб, бойликни ҳавас қиласан.

Демак, ўз ҳолатига қаноат қилувчи киши ўз иффати ва поклиги ила бой ва беҳожатдур. Бундай кишилар муруввати боис севилувчи, фикри, раъйи гўзал бўлгани боис маслаҳати олинувчи ва тўғри йўлни билагани учун итоат қилинувчи зотлардир.

Бас, ана ўшалар барчанинг мақсади ва орзусидир, улардаги нарсалар ҳашам юклари ва халойиқ гуноҳлари эмас. Яъни улар оритикча ҳашамат соҳиблари каби оритикча юкларни кўтариб юрмаслар ва одамларнинг гийбатларига сабаб бўлиб, бировларнинг ҳаққини еб, гуноҳ юкин остида қолмаслар. Уларга рақиблар қарши чиқмайди ва ҳасадчиларнинг ҳасадига ҳам қолмаслар.

Бу эса ҳаммага очиқ бўлган эшиқдир (яъни ким хоҳласа, мазкур сифатга эга бўлиши мумкин). Кимки бу бахтнинг сабабини чуқур тафаккур қилса, Аллоҳ таолога ҳамду сано айтади. Ана шунда банда неъмат мақомида турганини ҳис этади ва ўзи учун ҳасадга сабаб бўладиган нарсаларни талаб қилмайди. Чунки ҳасад бор неъматни ҳам куйдириб юборадиган иллатдир.

Албатта, халойиқнинг карами, улуғ бўлишлари дунёни дунёсе-

нарларга топширишлари сабабли бўлур. Чунки дунёсеварлар унинг толибларидурлар. Бир нарсани истаб юриб, кейин шу нарсага бахиллик қилиш соғлом назар билан қараганда жуда хунукдир.

Аммо муруватга келсак, у бошдан оёқ эҳсон бўлиб, ўз ҳаққингни ўзгалар учун бағишламоғингдур. Бунинг асли шуки, ўзингга яхши, фойда бўлган ўринларда зарар қилсанг ҳам мунозара ва мухолифатни тарк этмоғингдир.

Агар мана шуларни билиб олган бўлсанг, ризқнинг боқичлари халойиқ орасидан қаноат соҳиблари учунгина мукамал, тўла-тўкис эканлиги ҳам сенга ойдинлашгандир.

Биз сени фақир-камбағалликнинг сирлари кашфидан бир оз насибалантирдик, чунки ҳирс, нафсни уринтириш, тама қилиб хорлашиш каби балолар бойлик илинжидаги кишиларда кўпроқ бўлади.

Аммо қаноат қилувчининг мулки махфий бўлиб, бу давлатга фақатгина солиҳ амал қилган, заковати уйғоқ қалб соҳиби етади. Зеро, Аллоҳ таоло унинг кўксини ақл нури билан нурлантирган ва руҳини қалб кўзи ила басиратли қилиб қўйгандир.

Одамлар покиза, таййиба ҳаётнинг маъноси, таърифи ва таъвили ҳақида мунозара қилишди. Баъзилар хотиржам ҳаёт бу – нафс саломат бўлиб, тўкис яшамоқдир дейишди. Бунга қаноат соҳиби Аллоҳ таолодан ато этилган бир лутф сабаблигина етади, пайғамбарлар нафсларини уринтирмай, таналарини чарчатмай улуг даражага етганлари каби.

Бошқаларнинг фикрича, тўкис ҳаёт бу – жисмоний қувватларидан баданий сиҳатлари лаззат топган ва ўзидан фавт бўлган (кетиб қолган) неъматларга ачинмаган кишиларнинг яшаш тарзидир.

Яна баъзилар ҳаёти таййиба – дунёни тарк қилиб, Мавло билан машғул бўлган бандаларнинг ҳаётидир дейишган. Натижанда уларнинг ҳаёти хилват мақомида пок, хотиржам, тоза бўлади ҳамда орадаги парда ва воситалар кетиб, масрур, ишончли ҳолда қурбат – Аллоҳга яқинлик ҳосил қилади.

Жаъфари Содик раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: “Ризқимни ўзимдан бошқа биров ея олмаслигини билиб, хотиржам бўлдим, амалимни ўзимдан бошқа биров қилиб бермаслигини билиб, гайрат қилдим, Аллоҳ таоло ҳамма ҳолатда мени кўриб турганини ҳис этиб, ҳаё қилдим, ўлимнинг доимо пистирмада турганини билиб, тайёр турдим”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Рухул-амин (Жаброил алайҳиссалом) қалбимга пуфлаб илҳом қилдиларки, ҳеч бир нафс ўз ризқини тўлиқ олмагунча ҳаргиз ўлмайди. Бас, Аллоҳ таолога тақво қилинглар ва талабни, амални чиройли, гўзал қилинглар”.

Агар сен, тўғри, аммо қанча-қанча тама қилиб, дунёга талабгор бўлганлар унга етишганларини кўриб турибмизку десанг, қуйидагича жавоб оласан.

Тўғри, аммо у бечоранинг етган нарсаси орттирган ёмон хулқлари ва ифлос кирларига баробар бўладими? Агар баробар бўлса, у бечора нимага эришган бўлади. Аслида у ҳарис бўлмаган ва тама қилмаган кишидан жуда ҳам ошиб-тошиб кетмайди.

Мен сени бойлиқдан қайтарганимнинг сабаби шуки – қўлинг оғирлашиб, қалбинг машғул бўлиб қолмаслиги учун ҳамда дунёнинг меҳнат уйи эканлигини ва неъмат ҳовлиси эмаслигини билмоғинг учундир.

Аммо муҳаббат мақоми ҳақида гапирсак, токи банда дунёни ёмон кўрмас экан, ҳеч қачон Аллоҳ таолони севолмас...

Кейинги мақом – туҳр-поклик мақоми бўлиб, бундаги асослардан бири эҳсон қилиш: бу амал бандани дунёвий ҳар хил кирлардан поклайди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда “Хуз мин амволиҳим... татахҳирум”, – деб марҳамат қилган. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам “Садақа Парвардигорнинг ғазабини ўчиради, чунки Аллоҳ таоло гуноҳ ишларгагина ғазабланади”, – дедилар.

Шукр мақоми борасида шуни айтиш мумкинки, шукр қалб билан бўлади. Чунки ҳар бир неъмат Аллоҳ таоло тарафидан келтирилган марҳамат эканлигини билмоғинг ҳам қалб билан бўлади. Аммо бу неъматларни Аллоҳ таолонинг бандалари орасидан энг муҳтож кишиларга бермоқ эса аъзоларинг билан бўлади.

Шукр қилиш бандага вожибдур, зеро бунда миннатдорлик билдириш маъноси бор. Бир нарса дастлабки ҳолида – ибтидо-сида қандай бўлса, ўшандай миннатдорлик, мукофот берилади. Банда эса ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларнинг айна қадри даражасида адо этишдан ожиздур. Шунинг учун бандада қалби тўридан Парвардигорни эътироф этиб, ўз ожизлигини иқрор қилмоқдан ўзга чора қолмайди.

Ҳадисда “Садақа умрни узайтиради”, дейилган. Бунинг таъви-ли шуки, Аллоҳ таоло азада бандасининг садақа қилишини билган ва унинг умри узайишини шунга қисман боғлиқ этгандир.

Шунингдек, садақа бериш кишининг моли дунёсига ҳам фойда келтирар экан. Ҳадиси шарифда "Молларингизни садақа бериш билан қўриқланглар", дейилган. Садақа Қиёмат куни ёмон ҳолатга тушиб қолишдан сақланишга ҳам сабаб бўлади, у кунда одамлар яланғоч турганда, кишига кийим бўлади, соя бўлади ...

... Аслида эҳсон тўрт босқичда бўлади:

1) тағофул – ўзини ғафлатга солиш (билиб туриб билмагандек тутиш);

2) тановум – ўзини уйқудагидек тутиш;

3) тажохул – билиб туриб билмаганга солиш;

4) имҳол – бўш қўйиш, ўтказиб юбориш.

Кимки ўзини гофилликка солса, нафси хотиржам бўлади ва "ухлайди", натижада билмай қолади ва баъзи нарсаларни ўтказиб қўяди.

Эҳсон ишларида кўпчилик уламолар мазкур тартибни ихтиёр қилишган. Чунки улар ўз сирларини ўзгалар билишини маъқул кўрмаганлар.

Аммо анис – улфат бўлиш эса сени тўрт нарсага мойил қилади: бекорчилик, хурсандчилик, аҳмоқлик ва ёлгон.

Булардан бекорчилик ҳам тўрт нарсага боғлиқ: молу мулк исрофи, моли дунёдан юз ўгириш, борини совуриш ва ғойибни унутиш.

Мулкка эътибор бериб, янгилаб туришда уни талафотга етказиш эҳтимоли ҳам бор. Тежамкорликдан юз ўгиришда ҳалокатга юзланиш (оғиш) бор. Тажрибасизларча нақд нарсани бепарво сарфлашда ошқора зарар бор. Ғойибни унутишда доимий маҳрумлик бор.

Тараб, яъни шодлик тўрт нарса биландир: ичмоқ, эшитмоқ, назар, фикр.

Калтафаҳмлик ҳам тўрт нарсада кўринади: хасислик, пастлик, билимсизлик ва аҳмоқлик. Зеро, аҳмоқ бўлмаган киши жоҳилликка рози бўлмайди, ўз навбатида, нодон-жоҳил бўлмаган киши пасткашликка рози эмас, пасткаш бўлмаган киши хасис бўлмайди; хасислик қилмаган киши калтафаҳмликка улфат бўлолмайди.

Кизб, ёлгон ҳам тўрт илаатдан келиб чиқади: ялтоқилик, мунофиқлик, айёрлик ва нодонлик. Кимки нодон бўлса, айёрлик йўлига ўтади, натижада унда мунофиқлик белгилари куртак ота бошлайди; оқибатда ялтоқиликни касб қилиб олади, сўнг ёлгон сўзлай бошлайди; омма унга ишонмай қўяди, атрофдагилар ундан нафратланиб, қочадилар. Бундай киши қалблардан чиқарилади, назардан қолади.



Қалбнинг фориғлиги тўрт нарса биландир: ғойибни унутиш, ҳозирга бепарво бўлиш, яна ғойибни билмасликни эйтироф этиш ва доимий уйқу.

Кимки қўлидан кетган нарсаларни унутса, фаразу хаёлларга эргашмайди, ҳозир қўлидаги нақд нарсаларга бепарво бўлса, бори ҳам кетиб қолади. Кимки ғойибни билмайман деса, уни қўлга киритиш билан ҳам шуғуланмайди. Кимки ухласа, ўз танасидан ҳам ғойиб бўлади ва дарҳол уйғонади. Бундай киши дунё толибидур, ўзгалар қўлидагига тамаси бордир, унинг қалби сабаб излаб, қўли талаб қилиб, бели оғриб, обрў топиш учун гимирлаб юради...

... Бас шундай экан, сени нафсинг дунё талабига чақирса, уни ёлғончи бил, сўнг пушаймонлик фикрларига қулоқ сол, Аллоҳ таолонинг билим ва ҳикмат соҳиби эканлигини унутма! Шунда қалбнинг фориғ бўлади, қўлинг бўшайди ва чарчоғинг чиқади.

Буларнинг барчаси нафсингни тарбия қилишинг натижаси ва ўзингдан кўра бошқа инсонларнинг манфаатларини устун қўйишингдан олган насибанг бўлади.

Бу ақлу сезгиларинг билан қисматни ўзгартиришга ҳеч уринма, токи бу бино торлик қилиб қолмасин! Балки биз сенга айтган кўрсатма бўйича юрсанг, одамлар учун бир фойда келтирувчи ҳур инсон бўласан.

Дунё ва охират зикридаги фасл. Дунё охиратнинг муқобилида намуна, ҳижоб ва ҳисобдур. Намуна эканлиги шуки, Аллоҳ таоло дунёни имтиҳон учун ҳисобхона сифатида яратгач, қизиқтириш учун жаннатларни ваъда қилди. Аслида бир нарсага ваъда қилиб, қизиқтириш қиёс ва баённи билишдан сўнггина бўлади. Нафс неъматларни сезги орқали билади, холос. Шу боис ваъда қилинган неъматларнинг намуналари бу дунёда яратиб қўйилган.

Дунёнинг ҳижоб эканлигига келсак, Аллоҳ таоло халқни ғайб ишлари воситасида ёмонни яхшидан ажратиш учун яратди. Зеро, оят-белгилар аён бўлса, банда гуноҳ қилмайди. Оят-муъжизалар фақат дунёда ғойиб бўлади ва банд билан Мавло ўртасида ҳижоб бўлади. Агар шундай бўлмаганида, дунё неъматдан иборат бўлиб қоларди. Бу эса ҳикмат нуқтаи назаридан жоиз эмасдир. Демак дунё имтиҳон ҳовлисидир.

Дунёнинг зод-озуқа эканлиги шуки, жисмлар дунёда маҳбусдирлар, руҳлар эса охират сафарига чиққандирлар. Модомики руҳлар ҳаёт эканлар, озуқага муҳтож бўладилар.

Шу жиҳатдан дунёнинг ҳисоб сифатини олиши ҳам келиб чиқади. Зеро, ундан фойдаланишда буйруқ, қайтариқ, савоб-гуноҳ бордир. Агар шундай бўлмаганида, дунё фақат мулк бўлиб қоларди.

Дунёнинг намуна ўлароқ яратилгани уни тарқ қилиш лозимлигига далилдир:

Бас дунё талаб қилиш учун эмас, балки охиратга қизиқтириш учун воситадур;

Дунё бир оз тотиниш учундир, тўйиниш учун эмас;

Соил учундир, тожир учун эмасдир.

Ҳа, дунё озгина фойдаланиш учун матодур. Ана шу маъно Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган “Агар дунё Аллоҳ таолонинг наздида бир пашшанинг қанотичалик қадрга эга бўлсайди, кофирга бир ҳўплам сув бермасди” ҳадиси шарифининг тавбилидир.

Кучли қудрат соҳиби бўлган Ҳаким зот нақд нозу неъматларни ўз бандаларига жисмоний имтиҳон дунёсида кўрсатиб, айни шу жинсдаги неъматларни охиратда мукофот сифатида тайёрлаб қўйганига далолат қилди. Ҳа, ваъда қилинган неъмат ва кўриб турилган нақд неъмат иккиси банданинг дунёдаги кирлик ва охиратдаги покиза сифати муқобилидир. Ана шу жиҳатдан ҳам дунёни тарқ қилган авлодир.

Аллоҳ таоло тавфиқингни бардавом этсинки, сен сидқни кўзлаб, Ҳаққа етиш учун дунёда узлат қилиб, чекиниш ва хилват йўлидан боришга қаттиқ уриндинг. Бунга ҳар қандай инсон қодир эмас.

Юқорида дунёнинг фойдалари ва у билан муомала қилиш йўлларини яхши билиб олдинг. Бундай йўл тутувчилар бир қарашда кўпчиликни ташкил қилади. Дунёдагилар тўрт қисмга бўлинади: хиёнат этувчи, такаббур, тожир ва насиҳат қилувчи.

Аввалги иккитаси дунё толиби ҳисобланади, кейингилари эса охират толиблари бўлиб, Худо учун яшайдилар.



## ИБН МИСКАВАЙҲ

(вафоти 1030 йил)

Ҳар бир мавжудотнинг бахти – ўзига хос бўлган ишларни тўлик, мукаммал содир қилишидадир.  
(Ибн Мискавайҳ)

Марказий осиёлик машҳур олимлардан бири Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Мискавайҳ ҳикмат, тиб, калом, тарих, адабиёт каби қатор илмлар соҳасида фаолият олиб борган.

Унинг мазкур соҳаларга оид “Таҳзиб ул-ахлоқ” (Ахлоқни поклаш), “Китоб одоб ал-араб вал-фурс” (Араб ва форслар одоби китоби), “Китоб тартиб ас-саъада” (Бахт топиш тартиби ҳақидаги китоб), “Китоб ас-сияса” (Сиёсат китоби), “Китоб надим ал-фарид” (Яккаю ягона хизматкор китоби), “Китоб ал-фавз ал-акбар” (Қатта муваффақият китоби), “Китоб ал-фавз ал-асгар” (Кичик муваффақият китоби), “Китоб ал-жамийъ” (Жамловчи китоб), “Китоб тажариб ал-умам ва таъақуб ал-ҳимам” (Халқлар тажрибаси ва ҳимматлар кетма-кетлиги китоби) каби ўндан ортиқ асарлари мавжуд.

Ибн Мискавайҳнинг араб тилида битилган “Таҳзиб ул-ахлоқ” (Ахлоқни поклаш) номи асаридан айрим парчалар илк бор ўзбек тилида эълон қилинмоқда. Асарнинг бир кўлёма нусхаси ЎзР ФА ШИ хазинасида 12060 рақами билан сақланади.

М.Исмоилов

### “Таҳзиб ул-ахлоқ”дан

**Нафснинг фазилатлари ҳақида.** Нафснинг ўзига хос ишларга, яъни илму маорифга қизиқишига сабаб – бу ишлар жисмга хос феъллардан бўлиб, нафс уларни ёқтирмасдан қочсада, ўзининг фазилати ҳисоблайди. Инсон ушбу фазилатни талаб қилиши ва ҳирс билан уларни излаши унга фазилатдир.

Мазкур фазилат инсон ўз нафсини маърифатга оид ишлардан сабру тоқат, жидду жаҳд ила буриши ва жиловлашига кўра зиёда бўлиб бораверади.

Юқоридаги таърифдан бизга фазилатларга ундовчи нарсаларнинг нима эканлиги равшан бўлди, яъни улар жисмоний хусусиятлар, сезги органлари ва шуларга боғлиқ нарсалардир.

Аммо фазилатларнинг ўзи эса фазилатга тескари бўлган разолатдан нафсимизни тозалаганимиздан кейингина бизда ҳосил бўлади, яъни улар жисмоний ёмон шахватлар ва ҳайвоний ортиқча хоҳишлардир.

Демак, инсон мазкур нарсаларнинг фазилат эмас, балки разолат эканлигини билсагина, улардан қочади ва улар билан сифатланиб қолишни хоҳламайди. Шунингдек, инсон фазилатларни таниб олса, уларни ўзига лозим тутади ва фазилатлар унинг учун одат бўлиб қолади; фазилатларга яқинлашиб бориши натижасида бошқа кўпга фазилатларни қабул қилувчи бўлиб қолади.

Ҳоҳида инсон жисмоний сезги органлари қизиқадиган, кўпчилик хоҳлайдиган ейиш, ичиш, жинсий майл каби нарсаларнинг фазилат эмас, балки разолат эканлигини англаб етади. Бу нарсаларни чўчқа, ит, турли ҳайвонлар, йиртқич паррандаю даррандалар кўпайтиришга интилишларини фаҳмлайди. Дарҳақиқат, мазкур нарсаларга ҳайвонлар инсондан кўра ҳарисроқдирлар, ҳолбуки, ҳайвонлар инсондан афзал эмасдирлар.

Бундан ташқари, агар инсонга айни фазилатларни кўпайтириш таклиф қилинганидек, таоми, шароби ва бошқа жисмоний лаззатларида ҳам кўпайтириш таклиф қилинса, албатта, бош тортади, унга яна ортиқчасини бераётган кишига нисбатан хунук тасаввур пайдо қилади, балки бундай кимсани ёмонлаш ва ёмон кўриб қолишга бориб етади, бу ҳолат, айниқса, лаззатлардан кифояланган, беҳожат бўлган парҳезкор кишиларда очикроқ кўринади. Бундай зотлар ҳалиги кимсаларни тўғрилаш, уларга одоб беришга мажбур бўладилар.

Шу боисдан биз ҳозир нафснинг саодати ва фазилатида талаб қилаётган нарсаларимизнинг энг авлоларини тақдим этишимиз ва тушуниш осон бўладиган маълумотни келтиришимизга тўғри келади. Шунинг учун ушбу китобда қуйидаги сўзларни келтирамиз.

**Инсоний қувват ва малака ҳамда инсоннинг ҳайвонлар билан шерик бўлмаган феълларининг зикри.** Ҳар бир мавжу-

дот, у ҳайвонот, наботот, жамодот бўладими ёки уларнинг ун-сурлари – олов, ҳаво, тупроқ, сув бўладими, шунингдек, самовот бўладими, уларнинг барчаси учун бир қувват, малака ва ўз феъли – ўзига хос иши борким, ана шу хусусиятлар воситасида ўша мавжудотнинг моҳияти белгиланади ва, айни пайтда, мазкур қувватлар орқали бир мавжудот иккинчисидан ажралиб туради, шу билан бирга барча мавжудотлар ўзаро шерик бўладиган хусусият ва қувватлар ҳам бордир.

Мавжудотлар орасида инсонгина яхши хулқлар ва рози бўлингувчи феълларни истовчи эканлиги бор гап бўлгач, унинг бошқа мавжудотлар билан шерик бўладиган ҳар хил қувватларини ўрганмаслигимиз керак. Зеро, улар табиий илмлар деб аталмиш бошқа бир фан соҳасига тегишли ҳисобланади.

Аммо инсоннинг инсон эканлигидан унгагина хос бўлган малакалари ва одамгарчилигини мукамал қиладиган фазилатларига келсак, улар *тамйиз* (ажратиш) ва тафаккур қувватига тааллуқли бўлган иродавий ишлар бўлиб, бу соҳадаги нуқтаи назар амалий фалсафа деб аталади.

Инсонга нисбат бериладиган иродавий ишлар иккига – яхши ва ёмон ишларга бўлинади. Чунки инсоннинг яратилишидан мақсаду ғараз бўлган ишларга бирортамиз йўналтирилсак, шу кишини яхши ва бахтиёр деб аташ вожиб бўлади. Аммо кимни мазкур ишлардан ҳар хил тўсиқлар тўсиб қолган бўлса, у киши ёмон ва бадбахтдир.

Демак, яхшиликлар инсоннинг яратилиш ва борлиги асо-си бўлмиш ишларга саъй-ҳаракат қилиш ва ирода-хоҳиши билан ҳосил бўладиган ишлар экан. Ёмонликлар эса инсонни ўз хоҳиши ва ҳаракати ёки ялқовлиги ва юз буриши сабабли мазкур яхшиликлардан маҳрум бўладиган ишлар экан.

**Яхшиликларнинг шарофатли, мақталгувчи, фойдали ва бундан бошқа турларга бўлиниши ҳақидаги фасл.** Аввалги олимлар яхшиликларни кўп қисмга бўлиб ташлаганлар. Чунки яхшиликлар шарофатли, мақталгувчи, фойдали каби турларга бўлинади. Шунингдек, яхшиликларнинг қувват, яъни тайёрла-ниш ва истеъдодга боғлиқ турлари ҳам бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир мавжудот учун ўзи-га хос бир камолот ва айни нарса эканлиги жиҳатидан бошқа нарсалар шерик бўлмайдиган бир феъл бўлади. Яъни мана шу

маълум бир феълда ундан бошқа мавжудот салоҳиятли бўлмайди. Бу – само ва ердаги ишлар учун давомли бир ҳукмдир. Масалан, Қуёшу юлдузлар, оту лочин каби барча ҳайвонлар, ўсимликлару маъданлар, кенг тарқалган унсурулар юқоридаги ҳукмга мисол бўладики, мазкур айтган ҳукмимизнинг дурустлиги қачонки мазкур нарсаларнинг барчасига диққат билан назар солганингдан кейингина сенга равшан бўлади.

Шундай экан, бошқа мавжудотлар орасида инсоннинг ҳам ўзига хос бир феъли бўлиб, бунда ўзидан бошқаси унга шерик бўлмайди. Бу аввалги фаслда баён қилинган ажратувчи қувватдан содир бўлган феълдир. Демак, кимнинг ажратуви тўғри, фикру ўйи рост, танлови афзал бўлса, одамгарчилиги энг мукамал бўлади.

Бу қилич ва арранинг мисолига ўхшайдики, гарчи уларнинг ҳар биридан ишлатилишига кўра ўзига хос феъл содир бўлса-да, тиларнинг энг афзали кескир ва ўткирроқ бўлгани ва тайёрланган мақсадига тўлиқ етиши учун озгина ишора ҳам кифоя қиладиганидир.

Шундан келиб чиқиб от, лочин ва бошқа ҳайвонларда ҳам ана шу ҳолатни кўриш мумкин.

Шубҳасиз, отлар ичида энг афзали – энг тез ҳаракат қиладиган, юган ишораси бўйича чавандознинг муродига сергак турадиган, ҳаракатларни гўзал тарзда қабул қиладиган, энгил, чаққон юрадиган отдир.

Шунга ўхшаш одамларнинг афзали – ўзига хос бўлмиш феълларида энг иқтидорли бўлган ва мавжудотлардан ажратиб турувчи жавҳарининг шарт-шароитларини маҳкам ушлайдиган одамдир.

Бас, шундай экан, ўз камолотимиз ҳисобланган ва яратилишимиздан мақсад бўлган яхшиликларга ҳирс қўйишимиз, шу яхшиликларнинг охирига етишиш учун жидду жаҳд қилмоғимиз ҳамда ёмонликлардан тийилмоғимиз ва улардан насибамизни камайтириб бормоғимиз, шубҳасиз, зарурот – вожиботлардир.

Агар от ўз камолотида ноқис бўлса, ўзига хос бўлган ишларни энг яхши ҳолатда бажармаса, отлик мартабасидан тушиб қолади ва эшаклар учун фойдаланиладиган тўқим билан тўқимланади.

Қилич ва бошқа асбобларнинг ҳам аҳволи худди шундай бўлиб, улар ўзларига хос бўлган феълларда нуқсон ва камчиликка йўл қўйсалар, ўз мартабаларидан тушиб, улардан паст ишларда фойдаланиш бошланади.

Инсон ўз ишида нуқсонга, ўзига юкланган вазифасида камчиликка йўл қўйса, яъни ўзига хос феълларни мукаммал адо этмаса, инсонлик мартабасидан ҳайвонлик даражасига тушиб қолишга лойиқ бўлади, зеро, унинг инсоний феъллари номукаммал, ноқис бир ҳолда содир бўлди.

Энди агар инсон ўзининг яратилишидан мақсад бўлган ишларнинг зиддини қилиб қўйса, яъни аввало ҳайвонлар шерик бўладиган шаҳват туфайли юз берадиган ва ночор кўринишга соладиган ёмонликларни қилиб қўйса, абадий саодатдан маҳрум бўлади.

Шунингдек, инсонга таклиф қилинган савоб ишлардан уни чалғитиб, Олий Подшоҳ ҳузуридаги ҳақиқий шодликка етказадиган нафси поклашдан чалғитадиган ҳис-туйғуларга алданиб, “қуррат ул-айн”дан (жаннатдан) бебаҳра қолиб кетиши ҳам мумкин.

Демак, инсон субутсиз пасткашликлар туфайли Парвардигори олам тайёрлаб қўйган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, одам боласининг хаёлига келмаган жаннат лаззатларига етолмай қолади. Натижада бундай киши Яратганнинг ғазабига лойиқ бўлади, дунёда ҳам унга тез уқубат етиб, шаҳару овулидан файз-барака кетади.

Ҳа, маълум бўладикки, ҳар бир мавжудотнинг бахти – ўзига хос суратда белгиланган ишларни тўлиқ, мукаммал содир қилишида экан. Демак, инсоннинг бахт-саодати ўзининг фарқлай олиш (*тамйиз*) ва ўй-фикрлаш хоссаси тақозосига кўра инсоний феълу амалларни содир қилишида бўлар экан. Албатта, ушбу саодатнинг ақлу онг тақозосига кўра даражалари жуда кўпдир. Шу жиҳатдан, энг афзал фикру хаёл афзалроқ ақлу онгда бўлади дейилган.

Иккинчидан, мартаба дегани – бу ҳиссий оламда ҳақиқий ўз-ўзидан бор бўлмаган паст сифатли мумкинотлардаги назар ниҳоя топгунига қадар кейинги даражага тушиб бораверади. Шунда ўшал нарсаларга қаровчининг назари Абадий Подшоҳнинг назарига тушишдек ва безавол неъматларга етишишдек бахт топишига сабаб бўлган махсус сурат ҳамда фикру хаёлни истеъмол қилган бўлади.

Хуллас, бахтнинг турлари ва унинг зидди бўлмиш бадбахтликнинг хиллари лўнда баён қилинди. Албатта, иродавий ишлардаги яхшилик ва ёмонликлар афзални ихтиёр этиб, унга амал қилиш ёки паст ишни танлаб, унга майл билдириш сабабли бўлур!

## НОСИРУДДИН ТУСИЙ

(1201–1274)

Қачонки нафс яхши ва фозил бўлиб, ҳақиқий илмлар ва яқиний маърифатларга ошно экан, унинг соҳибига бундай нафсни турли ёт нарсалардан сақламоғи вожиб бўлади.  
(*Носируддин Тусий*)

Носируддин Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тусий 1201 йили 17 февралда Тус шаҳри яқинидаги Жаҳрун мавзесида туғилган. Нишопур ва Тус шаҳарларида таълим олган.

Кўхистон ҳокими Носируддин ва унинг ўғли Муиниддинларнинг саройида хизмат қилган пайтларида уларга бағишлаб “Ахлоқи Носирий” (Носириддиннинг ахлоқи) ва фалакиёт илмига оид “ал-Муинийя” (Ёрдамчи) номли рисоалар ёзган. Файласуф, табиатшунос, диний-сиёсий арбоб, тиббиёт, риёзиёт, миниралогия, мантик, калом илмлари билимдони бўлган аллома мазкур соҳаларда асарлар ёзиш билан бирга, юнон тилидан қатор таржималар ҳам қилган. Фалакиётга оид асарлар ёзиб, 1259 йилда Мароға расадхонаси қурилишида бош бўлган. Унинг “ат-Тажрид” (Нутқ поклиги), “Қавоид ал-ақоид” (Ақоид қоидалари), “Таҳрири Уқлидис” (Евклид “Негизлар”ига қўшимчалар), “Шакул-қиттаъ” (Тригонометрия асослари) каби асарлари машҳур. Носируддин Тусий 1274 йили 25 июнда Бағдодда вафот этган.

Алломанинг форс тилидаги “Ахлоқи Носирий” асаридан кейинги давр муаллифлари ўз асарларида кенг фойдаланишган. Мазкур асардан айрим парчалар таржима қилиниб, эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

**М.Исмоилов**

### “Ахлоқи Носирий”дан

**Гапириш одоби ҳақида.** Киши кам гапириши ва бировнинг сўзини бўлмаслиги керак. Шунингдек, биров ҳикоят ёки ривоят



айтаётганида, гарчи ундан хабардор бўлса ҳам, буни билдирмаслиги лозим, токи у киши ўз сўзини тугатиб олсин.

Яна бир одоб шуки, бошқалардан сўралган саволга жавоб бермаслик зарур. Агар савол жамоат ўртасига ташланган бўлиб, шу киши ҳам мазкур жамоат орасида бўлса, ўзгалардан олдин жавоб бериб қўймасин. Саволга кимдир жавоб бераётган бўлсаю, бу киши ундан яхшироқ жавобга эга бўлса ҳам нариги киши сўзини тугатиб олгунича сабр қилиб, кейин ўзининг жавобини айтсин. Аммо бунда ўзидан олдинги кишига таъна қилмасин.

Икки киши бунинг олдида гаплашишса, уларнинг гапларини тарқатмасин, агар махфий гаплашсалар, унга қудоқ солмасин. Қачонки улар буни ҳам ўз сирларига ошно қилсалар, кейин аралашса дуруст бўлади.

Киши ота-онаси билан гаплашганида кинояли тарзда, шунингдек, баланд овозда ҳамда жуда паст гапирмасин. Балки муътадил гапирсин ва гапида бирор мужмаллик ўтса, дарҳол уни мисоллар билан изоҳлаб тушунтирсин. Умуман, мужмаллик ва гаройиб сўзларни ишлатишдан, киноялардан сақлансин.

Сухбатдошининг гапи тугамагунича жавоб беришга киришмасин. Хотирасида пишитилмаган сўзни айтмасин ва сўзни такрор гапирмасин, аммо такрорга ҳожат бўлса, бошқа гап.

Гапирганда қўпол, уришиш, сўкиниш, фаҳш сўзларни ишлатмасин. Агар бирор фаҳш сўзни ҳикоя тарзида айтиб беришга тўғри келса, таъриз ва киноя йўли билан айтсин.

Ҳар бир мажлисга мос гапирсин. Гапираётганда кўз, қош, қўл билан имо-ишора қилмаслик лозим, аммо сўз имо-ишорани тақозо қилиб қолса, жуда нозиклик билан фойдаланиш мумкин.

Мажлисдошларнинг рости ёлғонларига эътироз қилиб ўтирмасин, айниқса, ота-она ва ақли ноқислар билан гаплашганда, шунингдек, эътироз қилишнинг фойдаси бўлмаган қайсар одамлар билан гаплашганда эътироздан сақланиш яхшироқдир.

Ўзига қарши кишилар билан мунозара қилаётган одам нариги томоннинг далиллари кучли эканлигини билса, инсоф юзасидан уларга ён бериши лозим.

Иложи борича жоҳиллар, ёш болалар, хотинлар, аҳмоқлар, мастлар билан суҳбат қуришдан сақлансин. Ўзини тушунмаган кимсаларга сўз айтмасин.

Сухбатларда юмшоқликка эътибор қилсин, нафратомуз сўзларни ишлатмасин, ҳеч кимнинг ҳаракати ва сўзларига тақлид қилмасин.

Ота-онасининг олдида гап бошлайдиган бўлса, вазиятни тўғри баҳолаб, шунга мос сўз очсин.

Чақимчилик, ғийбат, бўҳтон, ёлғон кабилардан узоқ бўлиш керакким, ҳеч қандай ҳолатда булардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш ҳамда ўшандай тоифаларга аралашмаслик, уларнинг сўзларини эшитмаслик зарур. Билмоқ керакким, бундай сўзларни эшитиш айтишдан кўра ёмонроқдир. Бир ҳакимдан “Нега сиз айтишдан кўра кўпроқ эшитасиз?”, деб сўраганларида “Менга икки қулоқ, бир тил берилган”, деб жавоб берган экан. Яъни эшитиш гапиришдан кўра икки карра ортиқ бўлиши авлодир.

**Ҳаракат ва сукунат одоби ҳақида.** Киши юрганида сушт бўлиши ва, айти пайтда, шошқалоқ бўлиши ҳам керак эмас. Чунки бундай ҳаракат ақлсизлик белгисидир. Шунингдек, сустилик ва хотиржамликда ҳаддан ошиш ялқовлик белгисидир.

Киши мутакаббирларга ўхшаб одимламасин, аёллару хунасалар сингари кифтини қимирлатиб юришдан, ҳатто қўлини ҳам ташлаб, ликиллатишдан сақлансин. Балки барча ҳолатда мўътадилликни кўзда тутсин, ўйноқламасин. Бошини олдинга энгаштириб юрмасинки, бу ҳолат қайғудан ва чуқур ўйга толишдан дарақдир.

Уловда юрганда ҳам мўътадилликни тутсин: оёғини чалиштирмасин, бир томонга оғмасин ва тиззалаб ўтирмасин. Аммо подшоҳ, бир жамоатнинг ҳурматаи кишиси, ота ёки устоз олдида бунга рухсат бор. Отда ўтирганда бошини тиззасига қўймасинки, бу хафалик ва дангасалик аломатидир. Бўйинини ҳам қийшайтирмасин, соқол, бармоқ сингари бирор аъзосини ўйнамасин, бармоғини оғзига ёки бурнига суқмасин, бурни ва оғиз сувини одамлар олдида тортмасин, мабодо зарурат туғилиб қолса, овозини чиқармасдан, енги билан тўсиб, дастрўмол ишлатсин.

Мажлисларда ҳам ўз ўрнини топиб ўтирсин ёки кўрсатилаган жойни лозим тутсин, ўз мартабасига мос ҳаракат қилсин. Одамлар олдида юзи ва қўлинигина кўрсатиб юриши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда бўлса ҳам тиззасидан киндигигача кўрсатиши асло мумкин эмас, хоҳ хилватда, хоҳ одамлар олдида. Одамлар олдида қашиниш ҳам мумкин эмас.

Одамлар билан ўтирган кишини мудроқ босса, дарҳол туриб кетиб, ўзини бирор фикр ёки гап билан чалғитиб туриши лозим, қачон ҳамма уйқуга ётса, шунда ухласа бўлади.

Киши ҳеч кимга ва ҳеч бир мажлисга ўз оғирлигини ташламасин. **Таомланиш одоби.** Киши дастлаб қўлини, юзини ва оғиз-бурнини ювиб, кейин дастурхон яқинига келиши лозим. Киши овқатга қўл уришга шошилмаслиги керак, аммо ўзи мезбон бўлса, бошлаб бериши дуруст. Кийимларига томизмасдан, учта бармоғи билан оз-оз олиб ейиши лозим. Луқмани катта олиш, оғизни катта очиш, бармоқларни овқат пайти ялаш, турли таомларга қараш ва таомни ҳидлаш ҳам одобсизликдир.

Агар таом оз бўлса, уни бошқаларга ҳам қолдириш керак. Хўриш, нон ва тузни ҳўл қилиб ташламасин ва бировнинг луқмасига қарамасин, ўзининг олдидан есин. Шундай тоза-покиза есинки, агар биров ундан кейин қолган таомни у еган жойдан тановул қиладиган бўлса, нафратланмай, жирканмасдан еядиган бўлсин. Оғзидаги бирор нарсени коса ёки нон устига ташламасин.

Ўзгалардан олдин қўлини таомдан тортмасин ва тўйган бўлса, бир оз кутиб турсин, токи бошқалар ҳам тўйиб, қўлларини тортсалар, у ҳам арғади. Бирор ичимлик ичадиган бўлса, овоз чиқармасин.

Тиш орасида қолган нарсаларни тили билан чиқарса, ютиб юбориши, тишқовлагич билан чиқарганда эса одамлардан беркитиши мақсадга мувофиқ. Аслида жамоат орасида бўлганида тиш қовлаш – хилол қилишни кечиктириб тургани маъқул.

Қўл ювдирилганда бармоқ ва тирноқларини яхшилаб ювиб, оғиз сувини дастшўга (чилопчинга) ташламасин ёки бундай пайтда оғзини қўли билан беркитсин. Таомланишдан олдин қўл ювганда дастлаб мезбон қўлини ювиб олгани яхши.

**Яхшиликнинг қисмлари.** Арастудан нақд қилишларича, у яхшиликларни қуйидагича тақсим этган экан: *шариф* (шарофатли), *мамдуҳ* (мақталган), бир қувват воситаси ила турувчи яхшилик ва яхшилик йўлига *нофеъ* (фойда берувчи) воситалар.

Шариф шундайки, унинг яхшилиги зотий бўлиб, бошқа яхшиликлар ундан иқтибос олади. Шариф икки нарса – ақл ва ҳикматдир. Мамдуҳ эса турли гўзал ишлар ҳамда фазилатлардан иборат.

Бир қувват воситаси ила турувчи яхшилик – ана шу яхшиликларнинг ўзидир.

Яхшилик йўлига *нофеъ* (фойда берувчи) шундай нарсаларки, уларнинг айна ўзидан эмас, балки уларнинг воситасида асл лаззат қасд қилинади. Масалан, бойлик ана шундай яхшиликлардандир.

**Нафс сихатини сақлаш ҳақида.** Қачонки нафс яхши ва фозил бўлиб, ҳақиқий илмлар ва яқиний маърифатларга ошно экан,

унинг соҳибига бундай нафсни турли ёт нарсалардан сақламоғи вожиб бўлади. Нафснинг мижозига мос қонуният асосида тиббий жиҳатдан саломатлигини сақлаш билан бир қаторда уни турли ёмон суҳбатдошлардан ҳам асраши зарурдир. Зеро, нафсга бундан кучлироқ таъсир бўлмас. Хусусан, яхши хислатлар билан ясанмаган кишилар ва ёмонлигу шаҳватга муккасидан кетган кимсалардан узоқ бўлиш энг муҳим, энг лозим ишлардандир. Шунингдек, ҳазлу мазахни куп қўллайдиган кишиларнинг гапларини эшитишдан, уларнинг мажлисида қатнашишдан ҳам эҳтиёт бўлмоқ даркор.

**Нафсоний касалликлар муолажаси.** Табобат илми бадандаги иллатларни даволаганидек, нафсоний касалликларнинг ҳам давоси бўлиб, ҳар бир иллат қаршисига бир фазилат қўйилгандир.

Жумладан, ҳар қандай ишга ҳайратланавериш ҳам ҳалок қилувчи нафсоний иллатлардан ҳисобланиб, унинг давоси маърифатга чўмишдир.

Яна бири жоҳиллик бўлиб, бундай нафс илм фазилатидан бебахра қолгандир. Аслида бошланғич жаҳолат (билимсизлик) айб эмас, чунки инсон илм олишга интилади. Аммо одам ўзини таълим олишдан фориг, беҳожат билиши нуқсондир. Демак, инсон дарҳол ўзини илм мажлисига уриши лозим.

Яна бир иллат ғазабдир. Унинг манбаси интиқом – ўч олмоқ истагидир. Бунда банданинг ақли тўсилиб, ҳаракати заиф бўлиб қолади. Ғазабнинг давоси ваъз-насихатланмоқдир. Ғазабнинг шерик ва эргашувчилари – надомат, дўстларга ёмон кўриниб қолиш, паст кишиларга масҳара бўлиш, душманлар томонидан сўкиш эшитиш, тана касаллиги ва ёмонлар маломати.

Тошбағирлик, қўрқоқлик ҳам иллатлардан ҳисобланиб, шуларга боғлиқ яна бир иллат эса ўлимдан қўрқишдир. Бу хавф фақатгина ўлимнинг нималигини билмаган кишиларда мавжуддир. Чунки улар нафснинг таркиби, охиратда нималар бўлиши, ўлимнинг ҳақиқати кабилардан анча беҳабардирлар.

Яна бир нафсоний иллат – шаҳватга муккасидан кетишдир. Буни ҳам ақл ҳамма таом ва аёллар бир хилда нафснинг таскини учун восита эканлигини айтиб даволайди.

Ялқовлик, бекорчилик ва қайғуга чўмиб юриш ҳам мана шу иллатлар тоифасига кириб, уларни ҳам даволаш мумкин, бунинг учун инсонда илм ва ирода каби фазилатлар етарли бўлиши лозим.



## МУҲАММАД ИМОМЗОДА АЛ-ЧҮҒИЙ

(1098–1177)

Илм – инсон ўзида жамлайдиган олий мартабалар ва  
улуғ фазилатларнинг энг шарафлисидир.  
(ал-Чўғий)

Шарқ Уйғониш даврида Марказий Осиё минтақасидан кўплаб мутафаккирлар етишиб чиққан. Ана шундай шахслардан бири Муҳаммад Имомзода ал-Чўғийдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Иброҳим ибн Собир Имомзода ал-Чўғий ас-Самарқандий аш-Шарғий ал-Бухорий бўлган. Бу зот Рукн ал-ислом (Исломнинг устун), ал-Воиз (Ваъз-насихат қилувчи), Садидудин (Динда мустақим, собит кимса), Абул-маҳосин (Яхши фазилатлар отаси) каби фахрли лақаб ва куняларга эга бўлган. У аслида Самарқанднинг Чўғ қишлоғидан бўлган. Имомзода деб аталишидан кўринадики, отаси илмни киши бўлган. Бошланғич таълимни отасидан олади, сўнг Бухорода таълим олиб, Бухородан Самарқандга боришда 4 фарсах узоқликда жойлашган Шарғ (Чарғ) қишлоғида яшаб қолган. Шунинг учун нисбасига бу жойлар номи ҳам қўшилади. Баъзи манбаларда аш-Шарғий (Қонуншунос) нисбаси қўшилади. Бу унинг фақиҳлигига далолат қилиб туради. “Тож ат-тарожим” (Таржимаи ҳоллар тожи) асарида унинг нисбасига ал-Қумий ҳам қўшилган.

Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий Бухорода муфтий бўлиб, илмий фаолият олиб борган. Ўзининг фасоҳатли тили, баён услубининг гўзаллиги, таҳлил ва таҳрирга гоյяг усталлиги билан танилган. Ҳафтанинг маълум кунларида тасаввуфий-ирфоний мавзуларда одамларга ваъз-насихат қилар эди.

Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий ўз даврининг таниқли олимлари ва фақиҳлари Шамс ал-аймма Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий (1036–1118), Мажд ал-аймма Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурҳакатий (вафоти 517/1124), Мунший ан-назар Разийуддин ан-Найсобурий (XII аср) кабилардан сабоқ олган. Тасаввуфда машҳур мутасаввиф олим Хожа Юсуф ал-Ҳамадоний

(1048–1141)нинг муридларидан ҳисобланади. Ўз навбатида, у “Таълим ал-мутааллим” (Ўқувчига таълим) китобининг муаллифи Бурҳон ал-ислом аз-Зарнужий (XII аср), “Мухтасар ал-Викоъа” (“ал-Викоъа”нинг қисқартмаси) китоби муаллифининг катта бобоси Жамолиддин Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ал-Маҳбубий (1152–1233) сингари таниқли зотларга дарс берган. Машҳур муаррих Абдулкарим ас-Самъоний (1113–1167) уни Бухорода кўриб, дарсларига қатнаган, маърузаларидан ёзиб олган. Кўпгина тазкира ва табақот жанридаги асарларда ҳатто “Ҳидоя” соҳибининг энг катта шогирди Муҳаммад ибн Абдуссаттор ал-Кардарий (1202–1246) ҳам унинг шогирдлари қаторида саналган ҳамда ундан Бухорода ҳадис эшитганлиги таъкидланган.

Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий 1098 йилда Самарқанднинг Чўғ қишлоғида туғилиб, 1177 йилда Бухоронинг Шарф қишлоғида вафот этган.

“Кашф аз-зунун” (Гумонларни ечиш) ва “Ҳадият ал-орифин” (Танувчиларга ҳадя) китобларида Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий қаламига мансуб икки асарнинг номи келтирилган. Булар калом илмига оид “Уқуд ал-ақоид фий фунун ал-фавоид” (Фойдалар соҳасида ақидалар маржони) деб номланган манзумаси бўлиб, 560/1164–1165 йилда ёзиб тугатилгани манбаларда қайд этилган. “Ширъат ал-ислом” (Ислом йўли) деб аталган яна бир асосий асари ҳам бизгача етиб келган ва фикҳий масалалар, одоб-ахлоққа оид фикрлари билан бутун ислом оламида шўҳрат қозонган. Унинг кўлёзма ва тошбосма нусхалари жуда кенг тарқалган. Ушбу асар машҳур фақиҳ Абул Лайс ас-Самарқандий (вафоти 983)нинг мазкур номдаги фикҳга оид китобидан кўра кўпроқ шўҳрат қозонган.

“Ширъат ал-ислом”нинг учта арабча шарҳи борлиги маълум. Унинг илк шарҳларидан бирини Ибн Бахши ар-Румий (1437 – 1495) ёзган бўлиб, “Шарҳи Ширъат ал-ислом” деб аталган. Унинг энг машҳур шарҳи Яъқуб ибн Саййид Али ар-Румий ал-Бурсавий (вафоти 1524) қаламига мансуб. У “Мафотиҳ ал-жиддон ва масобих ал-жанон фий шарҳи Ширъат ал-ислом” (“Ширъат ал-ислом”нинг шарҳида қалблар чироғи ва жаннатлар калити) деб аталган бўлиб, Туркия, Ҳиндистон, Қозон тошбосмаларида қайта-қайта нашр этилган. Охирги арабча шарҳини Курд Афанди (вафоти 1588) битган бўлиб, “Муршид ал-аном ила дор ас-салом” (Саломатлик уйига элгувчи одамлар йўлбошчиси) деб аталган икки жилддан иборат шарҳдир.

“Ширъат ал-ислом” да келтирилган ҳадисларнинг саҳиҳлигига баъзи тадқиқотчи муҳаддислар шубҳа билан қараганлар. Натижада унда келтирилган ҳадисларнинг саҳиҳ, заиф ёки мавзуъ (сохта)лигини аниқлашга бағишланган алоҳида изоҳли асарлар ҳам битилган. Шундай шарҳлардан бирини Ҳомид ибн Юсуф ал-Искадорий ал-Бондармавий (1700–1758) битган бўлиб, у “Ал-Бадр ат-томм фий таҳрижи аҳодиси Ширъат ал-ислом” (“Ширъат ал-ислом” даги ҳадисларни чиқаришда тўлин Ой) деб аталади.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида “Ширъат ал-ислом”нинг олтига қўлёзма нусхаси ва битта номаълум таржимон томони-дан қилинган форсий таржимаси сақланади.

Абдуқодир ал-Қураший (1297–1373) ушбу китобга ишора қилиб: “Ширъат ал-ислом” деб аталган китобни кўрдим. Унинг фойдаси жуда кўплигидан ҳатто ушбу асарни Хизр ёзган, Каъбанинг тепасидан уни Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий топиб олган ҳам дейдилар”, деган эди.

“Хизр ёзган” мазкур асар 61 фаслдан иборат бўлиб, муаллиф асарнинг кириш қисмида айтганидек: “Бу пайғамбарлар саййиди суннатларидан иборат тизилган маржонлар бўлиб, тўғри йўлдаги дин олимларидан бўлган бир қанча имомларнинг китобларидан танааб олинган... Зотан, бу имон аҳлининг болаларига ўргатиш керак бўладиган нарсаларнинг энг аълоси ва ишонч аҳлининг ёдлаши керак бўлган нарсаларнинг энг ҳақлироғидир”.

“Ширъат ал-ислом” пайғамбар суннатларига амал қилиш шартлари, одоблари, фазилатлари ҳақидаги фасллардан бошланади. Намоз ўқиш, қироат қилиш, масжидга бориш одоблари ҳақидаги фасллар ҳам мавжуд. Шундан сўнг илм олиш одоблари ва фазилатлари ҳақидаги фасл берилади. Жумъа ва ҳайит куни қиладиган ишлар, садақа ва закотни ҳамда рўза тутишни адо этиш, ҳаж қилиш тартиб-қоидалари каби мавзулардан сўнг ҳалол ризқ талаб этиш, таомланиш, кийиниш, уй-жой қилиш кабилар ҳақида сўз юритилган. Айниқса, қайси мева-чевалар ва таомлар инсон учун фойдалилиги, уларнинг хосиятлари ҳақидаги фасл жуда ҳам қизиқарли. Ухлаш, оила қуриш, бола-чақа орттириш, зиёфатлар ташкил этиш, сафарга чиқиш, савдо-сотик, раҳбарлик қилиш, тўй-маъракаларни ўтказиш, касалларни бориб кўриш, жанозаларда қатнашиш сингари ижтимоий ҳаётда зарур бўлган ишларда инсон ўзини қандай тутиши, нималарга эътибор қаратиши, буларнинг шарт-шароитлари, усул-усулбла-

ри қизиқарли тарзда ифодаланган. Шунинг учун бўлса керак, асрлар давомида ушбу асар севиб ўқилган.

Бутунги кунга қадар Муҳаммад Имомзода ал-Чўғий илмий мероси ҳамда унинг “Ширъат ал-ислом” асари устида бирор бир тадқиқот олиб борилмаган. Мазкур асардан парча ўзбек тилига илк бор ўтирилиб, ҳавола этилмоқда.

Ҳ.АМИНОВ

### “Ширъат ал-ислом”дан<sup>1</sup>

Имом Ғаззолий айтганидек, илмлар шаръий ва шаръий бўлмаган қисмларга бўлинади. Инсон ақли билан топа олмайдиган, тажриба билан орттира олмайдиган илмлар шаръий бўлади. Шаръий бўлмаган илмлар ҳам, ўз навбатида, икки қисм: мақталган ва ёмонланган турларга бўлинади. Дунёни обод қилиш учун зарур бўлган билимлар – тиббиёт, ҳисоб-китоб, деҳқончилик, тўқувчилик каби ҳунарлар, ҳатто қон олишни билиш кабиларгача ҳаммаси мақталган ва ўрганиш керак бўладиган илмлар сирасидандир. Зотан, булар сабабли инсоният боқий қолади. Инсоний муомалаларда керак бўладиган ҳуқуқшунослик, риёзий билимлар, тиббиёт кабилар фарзи кифоя жумласидандир. Бироқ, масалан, риёзиётга чуқур киришиш, унинг энг нозик жиҳатларини ҳам тадқиқ ва таҳлил этишга уриниш фарз эмас, балки фазилат ҳисобланади.

Ёмонланган билимларга сеҳр-жоду ва ҳар хил тилсимлар, фолбинлик билан шуғулланиш киради. Мубоҳ, яъни ихтиёрий билимларга шеърият ва тарих киради. Аммо фалсафага келадиган бўлсак, у баъзи жойларда, баъзи ҳолатларда керак ҳам бўлади. Шундай зарурат ҳолати учун ўрганиш керак. Акс ҳолда, у ёмонланган фан соҳасидир.

Шу ерда билиш керак бўлган жиҳат ҳам бор. Фалсафани баъзилар тўрт қисмга бўлишади. Ҳандаса ва ҳисоб соҳаси. Ушбу соҳани ўрганиш ва ўзлаштириш лозимлигини биз юқорида айтган эдик. Кейингиси мантик. У далил келтиришнинг шарт-шароитлари, чегаралари ҳақида баҳс юритадиган фан соҳаси. У калом илми таркибига киритилади. Фалсафанинг тўртинчи қисми илоҳиёт, яъни Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, борлигию бирлиги ва ҳоказолар ҳақида сўз юритади. Бу ҳам калом илми

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 2459 рақамли қўлёзма.



таркибига қўшилади. Демак, исломда адашган тоифалар пайдо бўлишига, бузуқ ақидага эргашганларнинг чиқишига ҳам фалсафанинг мана шу охирги икки қисми сабаб бўлган.

(12<sup>a</sup>) Бировнинг молига хиёнат қилгандан кўра илмига хиёнат қилган минг карра оғирроқдир. Бинобарин, чала эшитган нарсасини, аниқ ишонч қилмаган билимини ошкора этиб атрофга ёймасин. Кимки чала эшитган, аниқлигини текшириб кўрмаган нарсасини гапирса, дўзахга гирифтор бўлади деган гап бор. Илм аҳли орасида эътибори йўқ, гаплари ва далиллари ҳамда гувоҳликлари инobatта олинмайдиган кимсалардан маълумотлар нақл қилмаслик, илмий иқтибослар олмаслик лозим. Бировлар баъзи гапларига эътибор бермаса, айтган далилларини қабул қилишмаса, унга бепарво бўлиб, илмий ишларини давом эттиравериш керак. Бировларни чалғитиш, обрўсини тўкиш мақсадида савол беришдан ниҳоятда ҳазар қилмоқ лозим. Бировларнинг келтирган далилларини, ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун қилган ҳаракатларини қабул этиши, уларнинг саъй-ҳаракатларини ҳурмат қилиши ҳам керак.

Чиройли, гўзал, барча ўқий оладиган қилиб ёзишни ўрганиш ҳам суннат. Хатнинг гўзали ўқий оладигани, гапнинг чиройлиси тушиниладиганидир. Ибораларни чиройли қилиш, фасоҳатли сўзлар ишлатиш, гапларини кенг изоҳлаб, кўпроқ таҳлиллар бериш илмий одоблар жумласидандир.

(25<sup>a</sup>) **Ҳалол ризқ излаш ҳақидаги фасл.** Покиза ҳалол ризқ талаб қилиш, ҳаром ва шубҳали мол тўплашдан сақланиш фарзлар жумласидандир. Ҳалол ризқ талаб қилишнинг йўллари кўп. Бироқ ҳалол касб билан ризқ топиш ўтган пайғамбарлар, солиҳ инсонларнинг энг муқаддас қадриятларидан ҳисобланади. Касбнинг фойдалари жуда кўп. Жумладан, тижоратдан мол-дунё ортади, зироат ва экин-тикиндан ҳатто ҳашарот ва қушлар ҳам фойда топади. Касб қилувчи ўз касби сабабли ишەқмаслик, бекорчиликдан қутулади, камтарликка ўрганади, туғёнга бериламайди. Касб юзиқоралик бўлмиш жирканч фақирликдан омонлик воситасидир. Чунки ўзи ишەқмас, дангасалиги оқибатида фақир бўлган, лекин бировларнинг бойлигини кўролмайдиган, ўзгаларнинг бойлигига ҳасад қиладиган, ўзгалар ҳисобига кун кўришни ўйлайдиган фақирлик икки дунёда ҳам юзиқоралиқдир. Шунинг учун ҳам инсон ейдиган нарсасининг энг покизаси ўз касби коридан топгани ҳисобланади.

Пайғамбар (с.а.в.): “Кимки қирқ кун ҳалол ризқ топиб еса, Аллоҳ унинг қалбини нурлантиради, қалбидан ҳикмат булоқлари отилиб, тилига чиқади”, деганлар. Яна у зот: “Кимки ҳалол касб қилиб, чарчаб ухласа, жаннатга муносиб ҳолда тонг орттиради”, деганлар.

(25<sup>6</sup>) Тижорат қилишда омонатдорлик, ўзгаларни ҳам ўйлаш, тўғрилиқ шарт. Тўғри сўз савдогар сиддиқлар ва шаҳидлар билан бир сафда бўлиши айтилган. Зотан, тўғрилиқ тижоратнинг асо-си ва пойдеворидир. Бирор касбдан барака топаётган бўлса, уни тарк қилмасин, уни маҳкам ушласин. Олаётган нарчасини ёмон-лаб, сотаётган нарчасини ортиқча мақтамасин. Тижорат илмини билмагунча тижорат ишига аралашмасин. Қасам ичиб, молини ўт-казишга ҳаракат қилмасин. Яқинлари, дўстларидан фойда кўриш-га интилмасин, бировларга хиёнат этмасин. Алдамасдан, ёлғон ишлатмасдан савдо қилиб бўлмайди дейдиган кимсалардан эҳтиёт бўлиш керак, улар билан ошно ва шерик тутинмаслик лозим. Ми-жозларига хиёнат этмаслик, улардан ортиқча фойда кўришга ин-тилмаслик керак. Қарз олса, уни вақтида узишга интилиши, қарз берганларга узоқ муҳлатлар бериши, қарздорларига узишга имко-ниятлари йўқлигида озор етказмаслиги керак.

Рибо, қасамхўрлик, молининг айбини яшириш каби шариат ҳаром қилган ишлардан ҳазар қилиши лозим. Золим, ўғри, хиё-наткорлардан нарса сотиб олмасин, уларнинг тижорат ишлари-да шерик ҳам бўлмасин.

Одамларнинг эҳтиёжи тушадиган озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашувини кутиб, уйда жамлаб турмасин. Чунки бу “эҳтикор” бўлиб, эҳтикор қилувчи лаънатлангандир.

(70<sup>o</sup>) **Мажлисда ўтириш одоблари ҳақидаги фасл.** Маж-лисда ўтиришнинг суннат ва одоблари кўп. Дўстлар билан ўтирганда ювинган, бадани тоза, энг чиройли кийимларини кийган ҳолатда ўтирсин. Ёши улуғларни юқорига ўтқазсин. Иам жиҳатдан афзали ўтиришнинг ҳам энг шарафлиси, албатта. Шу-нинг учун билимсиз ёши катта одам билимли, олим йигитлардан ўтириш-туришда, гапиришда олдинга чиқа олмайди.

Ўтирганда иложи борича қибла тарафга қараб ўтиргай, би-ров ёнига ўтирмоқчи бўлса, унга жой бергай. Икки одамнинг орасига изн бермагунча ўтирмагай. Давранинг ўртасига ўтир-магай. Бировни тургазиб, ўрнига ўтириб олмагай.

## АЛИ ИБН ХУСАЙН АС-СУҒДИЙ

(XI аср)

Отанг сен учун неъматларнинг аслидир, шунинг учун Аллоҳга  
ҳамду сано айт, отангнинг қадрига ет.  
(ас-Суғдий)

XI асрда яшаб ижод этган уламолардан бири ўз даврининг таниқли фақиҳи ва қозиси Али ибн Хусайн ас-Суғдийдир. Унга Самарқанд ноҳиялардан бири Суғдада туғилгани боис Суғдий нисбати берилган. Абдулқарим ас-Самъонийнинг (1113–1167) “Китоб ал-Ансоб” асарида келтирилишича, у асосан Бухорода яшаб, фикҳ ва ҳадис илми билимдони сифатида танилган. Ҳожи Халифа (1004–1067) ўзининг “Кашф аз-зунун” асарида унинг фикҳга оид “ан-Нутаф фи ал-фатаво” (Фатволар ҳақида қатралар) асари мавжудлигини зикр қилади. Асар “Фатавои ас-Суғдий” номи билан ҳам маълум.

Али бин Хусайн ас-Суғдий Мовароуннаҳр ҳудудида ҳанафийлик фикҳида таниқли олим ҳисобланган Шамс ал-аймма ас-Сарахсийнинг (ваф. 1090 й.) устози бўлиб, унга ҳанафийлик мазҳаби имомларидан Муҳаммад аш-Шайбонийнинг (749–805) “Сияр ал-кабир” асаридан таълим берган. Ас-Суғдийдан бир қанча йирик уламолар таҳсил олганлиги ривоятларда келтирилади. Афсуски, у ҳақда маълумотлар оз сақланган. Бухоролик машҳур фақиҳ Маҳмуд ал-Бурҳоний (1156–1219) ўзининг “Муҳит” (Денгиз) номли асарида Абу Ҳафс ан-Насафий (1068–1142)дан бир қанча иқтибослар келтиради. Унда ан-Насафий аксар ўринларда ас-Суғдийни “Устоз” дея зикр этган.

Ҳожи Халифанинг фикрига кўра, Абу Ҳафс ан-Насафий ўз устози Али ибн Хусайн ас-Суғдийнинг фатволарини жамлаган. Насафий ўзининг “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” (Юлдузлар чиқиши ва илмлар мажмуаси) номли асарига Суғдийнинг нафақат фатволари, балки унинг қаламига мансуб бўлган одоб-ахлоққа доир “Китоб ал-ҳуқуқ хамсин” (50 та ҳуқуқ китоби) рисоласини ҳам киритади.

Мазкур рисолада Али ибн Хусайн ас-Сугдий кишининг Аллоҳ олдидаги ва инсонлар олдидаги 50 та ҳуқуқи ва бурчлари тўғрисида тўхталиб ўтган. Муаллиф Аллоҳ томонидан инсонга берилган ҳуқуқлардан бири – аъзоларнинг (қўл, оёқ, кўз ва ҳоказо) яратилиши моҳияти ва бу аъзолар фойдали ишларга хизмат қилишга буюрилганлиги тўғрисида сўз юритади. Инсон аъзолари ибодат амалларини бажариш билан бир қаторда, бошқаларга ҳам манфаати тегиши учун, яъни ўз ён-атрофидагиларни илмга, касб-хунарга, ўқиш-ёзишга, меҳнатсеварликка ўргатиш учун ҳам Аллоҳ томонидан берилганини эслатиб ўтади. Шунингдек, муаллиф рисолада мусулмон одамнинг ота-онаси, ака-укаси ва дўстлари олдидаги бурчлари тўғрисида тўхталади. Ота-онанинг ўз фарзандини дунёга келтиришдан бошлаб, то унинг вояга етказишгача бўлган жараён тавсиф этилади.

Али ибн Хусайн ас-Сугдийнинг “Китоб ал-ҳуқуқ ал-хамсин” асари комил инсонни тарбиялашда одоб-ахлоқ меъёрларига алоҳида тўхталиб ўтилгани билан бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир.

**С.Муҳаммадаминов**

### “Китоб ал-хамсин”дан<sup>1</sup>

(10<sup>а</sup>) Али ибн Хусайн, Аллоҳ ундан рози бўлсин, шогирдларидан бирига [бундай] ёзган:

“Кейин, билгинки, сенинг ҳар бир ҳаракатингда, ҳар бир сукунагингда, ҳолатингда, тушган манзилингда, ўзгарувчан аъзоларингда, ишлатаётган асбобларингда сени (ўз илми билан) ўраб турувчи Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқлари бор. Уларнинг баъзилари бошқасидан каттароқдир. Аллоҳ таолонинг ҳақларидан энг каттаси сенга вожиб қилинган (буйруқлар) бўлиб, у ҳақларнинг энг аслидир. Ундан шохчалар ўсиб чиқади. Кейин бошингдан қадаминггача аъзоларингнинг хулқларига тегишлилири бор. Демак, тилингнинг сенда ҳаққи бор, қулогингнинг, кўзингнинг, иккала қўлингнинг, иккала оёгингнинг, жинсий аъзойингнинг сенда ҳақлари бор. Мана шу аъзоларинг билан сен ишларни

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 1492 рақамли қўлёзма.

бажарасан. Шундай қилиб, бажараётган афъолларингнинг ҳам сенда ҳақлари бор. Намозинг, рўзанг, садақа ва ҳадяларингда ҳам, умуман, барча феълларингнинг ҳам сенда ҳақлари бор. Сўнгра ҳуқуқлар сендан ўтиб, вожиб ҳақлар бошқаларга ҳам етиб боради. Кейин қариндошчилик ҳақлари бор. Демак, бундай ҳақлардан яна [бошқа] ҳуқуқлар келиб чиқади.

Йўлбошчиларингнинг сендаги ҳақлари учтадир. Уларнинг энг зарури салтанатли бошқарувчингнинг сендаги ҳаққи. Сўнг илмий бошқарувчингнинг ҳаққи. Сўнг мулк жиҳатдан бошқарувчингнинг ҳаққи. Ҳар бир бошқарувчи йўлбошчидир.

Эргашувчиларингнинг ҳақлари учтадир. Уларнинг энг зарури салтанат сабабли сенга тобе бўлганларнинг сендаги ҳаққи. Сўнг илмингга эргашувчингнинг ҳаққи. Чунки жоҳил киши олимнинг эргашувчисидир. Сўнгра аёллар ва қўл остидаги канизаклардан иборат мулк сабабли эргашувчиларингнинг ҳаққи.

Аллоҳ йўлида қариндошларга марҳаматли бўлиш ҳақлари давомли ва кўпдир. Уларнинг энг зарури онангнинг ҳаққи, сўнг отангнинг ҳаққи, сўнг болангнинг ҳаққи, сўнг ака-уканинг ҳаққи. Ана ундан кейин яқин қариндошлар кетидан узоқ қариндошлар, яхшиларидан яхшироқлари ҳаққи.

Сўнгра неъматинг етиб турган хизматкорлар ҳаққи. Кейин таниш-билишлар ҳаққи. Сўнг бирга намоз ўқийдиган дўстларинг ҳаққи, сўнг намозингдаги имоминг ҳаққи. Кейин зиёфатдошларинг ҳаққи, сўнг қариндошингнинг ҳаққи, сўнг дўстингнинг ҳаққи, сўнг шеригингнинг ҳаққи, сўнг молингнинг ҳаққи, сўнг сендан талаб қиладиган қарз берувчингнинг ҳаққи, сўнг сен талаб қиладиган қарздорингнинг ҳаққи, сен аралашиб юрганлар ҳаққи, сўнг сенга даъво қилувчи рақибингнинг ҳаққи, сўнг сен унга даъво қиладиган рақибинг ҳаққи, сўнг сен ишора қилувчингнинг ҳаққи, сўнг сенга ишора қилувчининг ҳаққи, сўнг сендан насихат истовчининг ҳаққи, сўнг сенга насихат қилувчининг ҳаққи, сўнг сендан [ёш жиҳатдан] каттароқ кимсанинг ҳаққи, сўнг сендан сўровчининг ҳаққи, сўнг ундан сен сўрайдиган кимсанинг ҳаққи. Сўнг бирор сўз ёки бирор ишдаги аҳдлашув сабабли қўлидаги нарса сенга ўтадиган кимсанинг ҳаққи. Кейин бутун миллатдошларингнинг ҳақлари, сўнг ватандошларингнинг ҳақлари. Сўнг ҳар хил ҳолатларнинг сабаблари ва тасарруф қилиш миқдорларига қараб юзага чиқадиган ҳуқуқлар.

(10<sup>б</sup>) Шундай қилиб, Аллоҳ таоло вожиб қилган ҳақларни адо этишга ёрдам берган кимсага хушxabарлар бўлсин ва шунга муvваффақ қилсин ҳамда мустаҳкам айласин.

Аллоҳ таолонинг сендаги энг катта ҳақларига келсак, унга ибодат қилгайсан, унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Қачонки, мана шуни ихлос ила қиладиган бўлсанг, сен учун дунё ва охират ишини кифоя қилдириб қўяди, икки оламда сен яхши кўрган нарсаларни муҳайё қилиб қўяди.

Ўз нафсингдаги ҳақларингга келсак, Аллоҳнинг тоатини яширин бажаргайсан, тилинг, қулоғинг, кўзинг, икки оёғинг, қорнинг ва жинсий аъзойинг ҳақларини адо қилгайсан. Мана шунга Аллоҳдан ёрдам сўрагил.

Тилингниг ҳаққига келсак, ҳаё билан уни сийлагил, [яхши] хабарларни унга тумор айла, олий одобларни унга юкла, ҳожат вақтидагина уни ишла, дину дунёга ундан манфаат етказ. Зотан, бирор бажарилган ишнинг фойдаю зарарига тил гувоҳдир. Шунинг учун амал қилувчи тилини чиройли этиш лозимдир.

Қулоғингниг ҳаққи – уни қалбингни бузувчи нарсалардан поклашдир. Бироқ сўз гўзал ва чиройли суратда қалбингда яхшиликни пайдо қиладиган ёки гўзал хулқни шакллантирадиган бўлса майли. Чунки қулоқ қалбга очилган сўз эшиги бўлиб, унда яхшилик ёки ёмонликдан бўлмиш маънолар суратини шакллантиради.

Кўзингниг ҳаққига келсак, сенга ҳалол бўлмаган нарсалардан юммоқ, уни [ифлос нарсаларга боқиш билан] хўрлашни тарк қилишдир. Кўриб, илм ҳосил қилиш учун фойдали ва ибратли ўринларда боқиш мумкин. Зотан, кўз ибрат олиш эшигидир.

Қўлингнинг ҳаққига келсак, сенга ҳалол бўлмаган нарсаларни ушламаслигингдир. Акс ҳолда, келажакда Аллоҳ тарафидан уқубатга, ҳозирда эса маломатчи одамларнинг тилига гирифтор бўлиб қолиш мумкин. Аллоҳ таоло фарз қилган амалдан қўл силташ ёки акси бўлган нарсаларни ушлаш билан пушаймонликда қолиб кетма. Чунки ҳозирда олий ва шарафли ишларнинг бошини тутиш келажакда Аллоҳ ваъда қилган гўзал савобларга етишиш демақдир.

(11<sup>а</sup>) Икки оёғингниг ҳаққига келсак, сенга ҳалол бўлмаган жойларга қадам ташлама. Ўз аҳлигина ҳақли бўлган йўлларда уловингни юритма. Зотан, сени кўтариб юрувчи сени дин ва суннат маслагиде олиб борувчи бўлмоғи керак.

Қорнингнинг ҳаққига келсак, уни сен ҳаром учун идиш қилиб қўйма. Унга ҳалолликни қасд қил. Одамийликни кетказадиган, пасткашлик ҳудудига олиб борадиган кучли чегаралардан ўтиб кетма. Чунки ғоятда тўқлик дангасаликни, яхшилик ва қарамдан узилишни ўзига ҳамроҳ қилади. Чанқоқни ниҳоят даражада босиш эса ифлослик ва жаҳолатни келтириб, мурувват ва ҳалимликни кетказиб, ҳатто мастликкача олиб боради.

Жинсий аъзоннинг ҳаққи – сенга ҳалол бўлмаган нарсалардан тийилишинг ва сақланишингдир. Бу эса кўзни юмиш билан бўлади. Чунки кўз ёрдамчиларнинг энг каттаси. Уни бошқариб туриш эса ўлимни кўп эслаш ила бўлади.

Сўнгра сенинг бўйинидаги амаллар ҳуқуқининг энг аввалгиси намоздир. Унинг ҳаққи шуки, уни сен Аллоҳ таолога олиб борадиган вакил сифатида билгайсан. Зотан, сен [қиёмат кунида] Аллоҳ олдида турасан! Буни биладиган бўлсанг, удуғловчи, тазаарруъ қилувчи, сокин, кўрқувчи, умид қилувчи, рағбатли, далилли ҳолингда туришга ҳақли бўласан. Аллоҳнинг олдида сокин, виқорли, аъзолари кўрқувли ва мулойим ҳолда турадиган кимса ўз нафсидаги ҳақларни оз-оздан ўташи, бўйини ўраб турган [занжирларни] ечиши, гуноҳларини йўқотиши лозим.

Кейингиси рўза бўлиб, уни Аллоҳ таоло сенинг тилингда, қулоғингда, кўзингда, қорнингга ва жинсий аъзойингда қўйган, сени дўзахдан тўсадиган парда эканини билгайсан.

“Албатта рўза қалқондир”, дейилган. Агар аъзоларингни шунга ўраб, парда қилиб олсанг, (гуноҳлардан) тўсилганликни умид қилиб қоламиз. Агар тарк қилсанг, унинг тўсиғи бузилиб, ундан лозим бўлмаган нарсалар – шаҳватни чақирувчилар юзга келади, парданинг тешилишига олиб келади, кейин пардадан чиқиб кетадиган бўлиб қоласан.

Садақанинг ҳаққига кесак, уни парвардигорингнинг ҳузурида йиғаетган захиранг ва гувоҳларга муҳтож бўлмайдиган омонатинг деб билгайсан. Шунга қабул қиладиган бўлсанг, демак, ундан махфий равишда “омонат” олиб қўясан ёки ошқора “омонат” қилишга интиласан. Аллоҳ сени махфий этиши ёки ошқора этишига парво қилмайдиган сезгир одам бўлгил. Барча ҳолатларда “омонат”га эшитувчи ёки кўрувчи гувоҳлар келтирсанг, гўёки ўзингга ундан яхшироқ бўлишга ёки худди омонатингни одоб билан унга юклашга ҳаракат қилиб қоласан. Шундай бўлса, унга миннат қилишдан ҳам қочолмай қоласан. Агар миннат қиладиган

бўлсанг, молинг ва савобларинг йўқолади. Чунки бу хоҳлаганингда ҳам мажбуран бажарганлигига далил бўлади.

Ҳадянинг ҳаққига келсак, парвардигоринг учун холис бажаришни, унинг марҳаматига сазовор бўлишни ва қабулига эришишни, муҳаббатини қозонишни ирода қилгайсан. Ҳадяни бошқалар кўзи олдида бериб ўтирма. Мана шундай қилсанг, машаққатда қолмайсан. Аллоҳ таоло ризоси учун қасд қилсанг ва Аллоҳ таоло осонликни ирода қилишини, ёмонликни хоҳламаслигини билсанг, хорлик азиз бўлишдан яхшироқ эканлигини тушиниб етасан. Чунки кулфат ҳам, машаққат ҳам азиз бўлишдадир. Оддийликда эса кулфат ҳам, машаққат ҳам йўқ бўлиб, иккови ҳам асли хиёлатда, асли табиатда мавжуд.

Сўнгра йўлбошчиларнинг ҳақлари. Бас, салтанат сабабли сенга бошчилик қилувчининг ҳаққига келсак, сенга у бир синов эканлигини, албатта у сенга йўлиқиши мумкинлигини билмоғинг керак. Аллоҳ сенга уни подшоҳ қиладиган бўлса, унга юмшоқ муомалада бўл, у билан талашиб-тортишма. Сенга қўл узатадиган бўлса, сенинг ҳам, ўзининг ҳам ҳалокатига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун сен камтар бўл, илтифот кўрсат. Динингга зарарли бўлса-да, дунёдан ўзингга кифоя қилгудекни олишга ҳаракат қил ва бу билан ғурурланма. Унинг амрларидан бўйин товлама. Агар шундай қилсанг, уни ҳам, ўзингни ҳам ўжар ва қайсар қилиб қўясан. Сен унга нохушликлар келтирсанг, у ҳам сенга ҳалокат олиб келади. Ўзинг учун ҳам унга ёрдамчи бўлишга ҳарис бўл ва сенга келтириши мумкин бўлган фойдали ишларда унга шерик бўл.

(11<sup>6</sup>) Илм сабабли сенга йўлбошчи бўлганнинг ҳаққи унга таъзим қилиш ва мажлисини улуғлаш, унга гўзал ҳолда қулоқ тутиш, унга юзланиб ўтириш, унга ёрдамчи бўлишдир. Илмда унга муҳтож бўлмаслигинини ўйлаб ҳам ўтирма. Ақлингни унга фориг қил, фаҳмингни эса ҳозир тут. Диққат билан қулоқ сол, лаззатларни тарк қилиб, шаҳватларни тўхтатиб, бутун эътиборингни илмга қарат. Жоҳилларга йўлиққан элчи сингари унга сен йўлиққанингни билиб қўй. Бас, унинг элчилик ва унга муносиб бўлиш одобларига хиёнат қилма.

Мулки билан сенга йўлбошчи бўлганнинг ҳаққига келсак, салтанат сабабли сенга йўлбошчилик қиладиган [кимса] кабилдир. Аллоҳнинг тоатини унинг итоатидан улуг деб бил. Нозик ва улуг ўринларда унинг итоатидан [ташқари] чиқма. Ҳаққи вожиб



бўлганлардан бири халқнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш бўлиб, уни тўла адо қилсанг, унинг ҳаққига қайтган ва шуни билган бўласан.

Салтанат сабабли сенга эргашувчининг ҳаққига келсак, қавмингнинг фазилатлари туфайли уларни ўзингга эргаштираётганингни билгайсан. Зотан, улар сендан улуғроқ бўлишлари ҳам мумкинки, эргашувчи фуқаролар ўрнида бўлиб, ўзларини паст ва камтар тутаётирлар, холос. Шу сабаблигина ҳукмингни уларга юритаяпсан, уларнинг бу заифликларини суийстеъмол қилмагин. Уларнинг сенга муҳтожлигидан фойдаланиб, уларни хўрлама. Нафс йўлида улардан фойдаланма, ўзинггагина ёрдам ва ғалаба келтириверма. Марҳаматли, сабрли ва эҳтиёткор бўлиб, газабингни тўла ичингга ют. Фуқароларнинг фазилатлари сабабли сенга келадиган азизлик ва шулар сабабли қаҳру ғазаб қила оладиган қувватни билишинг яхши. Шунинг учун буларга шукр қил. Кимки Аллоҳга итоат этиб, шукр қилса, унга неъматлар ато қилинади.

Илм сабабли сенга эргашадиганнинг ҳаққига келсак, Аллоҳ таоло сенга ҳикмат хазиналаридан бергани учун уларга сени бошлиқ қилганини билгил. Мана шу сабабли сен эгалик қилаётганингни гўзал суратда бажариб, ўзингни бир хазинадор, шафқатли, насиҳатчи ўрнида кўргин. Агар шундай қила олмасанг, хоин, халқ учун эса золим деб [тарих саҳифаларига] ёзилиб қоласан.

Никоҳ эгалиги билан сенга тобе бўлганларнинг [рафиқангнинг] ҳаққига келсак, сенга Аллоҳ таоло уларни сокинлик, роҳат, дилкашлик ва молингни сақловчи қилган. Киши уларни бир [улуғ] неъмат эканини билиб, уларнинг соғлигига эътибор бериши вожиб бўлади. Зотан, унга нисбатан ҳурмат, самимий муносабат, унга ҳам сокинлик ва лаззат бағишлаш ҳаққи бор. Уларни бажариш лозим. Мана шу энг улуғ ҳақдир. Гарчи сенинг ҳаққинг уларникига нисбатан ортиқ, улар сенга кўпроқ итоаткор бўлса-да, Аллоҳ таолога гуноҳ бўлмайдиган ишларда намуна ва далолат қилувчи бўл.

Хизмат сабабли сенга тобе бўладиганнинг ҳаққига келсак, у ҳам парвардигорнинг бандаси ва ота-онанг [Одам Ато ва Момо Ҳаво]нинг ўғли ҳисобланиши жиҳатидан сенинг қондошинг эканлигини билгил. Сен эга кимсани Аллоҳдан ўзгаси яратган эмас! Шунинг учун унга зарар ҳам, фойда ҳам келтиришда ўйлаб

иш қил. Унинг қўл-оёғини хароб қилма. Аллоҳ таоло буларнинг ҳаммасини сенга бўйсундиргандир. Шунинг учун уни ишлатишга сенга берилган бир омонат эканлигини бил, уни асраб-авайла. Ўзингга раво кўрганнингни унга ҳам раво кўр. Тоқати етмайдиган ишни унга буюрма.

Онангнинг ҳаққига келсак, у сени кўтариб юрди, ўз қалби мевасидан сенга ато қилди, сенга қулоғию кўзи, қўл-оёғи, сочлари, бутун аъзолари ила талпинди. Мана шунга беҳад хурсанд бўлди, оғриқ ва нохушликларни кўтарди, сабру тоқат қилди. Сени дунёга келтирди. Сени тўқ тутишга, чанқоғингни қондиришга, яланғоч қолдирмай кийинтиришга, даволашга, ҳимоя қилишга, сенга соябон бўлишга рози бўлди. Сендан неъматларини аямади, сенга неъматлар инъом қилди, ўз мушфиқликлари билан сенга роҳатли уйқу яратди. Унинг қорни сен учун паноҳ, бағри эса хушҳаво, сути эса сенга ичимлик, ўзи эса сени асровчи, дунё эркинлигини сенга яратиб берувчи, сендан бошқасини хоҳламайдиган зотдир. Мана шунинг учун унинг қадрини билгин. Агар қодир бўлоамасанг, Аллоҳдан ёрдам сўра. Аллоҳдан ўзга қувват берадиган йўқ!

Отангнинг ҳаққига келсак, унинг оила [бошлиғи] эканини, сен унинг давомчиси бўлишингни билгил. Агар у бўлмаса, сен ҳам бўлмасдинг. Ўзингдаги ажойиб нарсалар ота-онангдандир. Отанг сен учун неъматлар асли, шунинг учун Аллоҳга ҳамду сано айт, отангнинг қадрига ет.

Ўғлингнинг ҳаққига келсак, у сендан бўлганини, бу қисқа дунёнинг яхши-ёмон ишларида сенга қўшилиб сифатланишини билмоғинг керак. Сенга уни гўзал одобли қилиш, уни бир тарбиячига олиб бориш, ўзингга ва тарбиячига итоатли қилишга ёрдамлашиш масъулияти тушади. Шунга яраша мукофот ёки жазо олинади. Демак, уни ўткинчи бу дунёда гўзал ва зийнатли ишларни бажаришга ўргат. Тарбиячи билан унинг орасида чиройли воситачи бўлиб, устоздан бирор нарсани олишни ўргатиш лозим.

Ака-уқангнинг ҳаққига келсак, уларнинг ушлайдиган қўлинг, ёнбошлайдиган белинг, кутаётган иззатинг, доим бирга бўладиган яқининг эканини билгайсан. Уларга адоват қилиб олиб юрма, уларнинг зулмига бирор зулм қайтарма. Уларнинг ёрдамидан қўл силтама, душманларига мадад берма. Улар билан ораларингда саховат ва қарам балқиб турсин, уларга насиҳатлар қилиб тур, Худо учун уларга чиройли кулиб боқ. Шундай қилиб, чиройли

биродарлик сенинг зиммангга тушади. Аллоҳнинг бандаси эканлигингни унутмай, уларни икром қилавер.

(12<sup>а</sup>) Сенга неъмат бериб турувчи ҳомийнинг ҳаққига келсак, сенда унинг моли борлигини, сени қулликдан чиқарганлигини, сени озодлик шарафига етказганлигини билгайсан. У сенга Аллоҳнинг мулкидан инъом қилди, қуллик қасамини сендан олиб ташлади, иззат-шараф хушбўйлигини тотишга сени мушарраф айлади, сени қаҳру ғазаб остида қолишдан чиқарди, сендан қўл қабарикларини кўтарди, инсофли тилингни узайтирди, дунёни бутунлай сенга очиб қўйди. Энди эҳтиёжингга яраша булардан фойдаланаверасан.

Сенинг неъматинг етиб турувчи фуқаронинг ҳаққига келсак, сени Аллоҳ унинг учун ҳомий, посбон, ақл ўргатувчи, ёрдамчи қилиб қўйганини билгайсан. Сени Аллоҳ таоло ўзи билан уларнинг орасида турувчи сабаб ва восита қилган. Сени ҳатто уларни ўт-оловдан сақловчи қилган. Мана шу сабабли сенга келажакда савоб, ҳозирда эса захира бўлади. Гарчи молинг қўлдан кетгани учун мукофот бўлмаса-да, молингни сарфлаганинг учун уни Аллоҳ сақлаб қўяди. Агар унга ҳомийлик қилмасанг, сенга кейинчалик яхшиликлар nasib этмайди.

Сенинг танишларинг [ҳаққи]га келсак, уларга ташаккурлар келтириб, яхшилик қилаверишинг керак. Шу хилда таниш-билишларингга ошкора ва махфий равишда яхшиликлар қилавер. Сўнг қилганларингга яраша мукофот кутишинг ҳам мумкин.

Ҳамсуҳбат ўртоғинг ҳаққига келадиган бўлсак, унга юмшоқ муомалада бўл, унга ёмон лафзлар, низоли кўз қарашлар билан мурожаат қилма. Қачон гапирса, сен инсоф қил, кўз олайтирса, кўзингни юм. Кўз олайтирганда унга кўзингни лўқ қилма, гапирса, тушунишга ҳаракат қил. Агар унга ҳамсуҳбат бўлсанг, унинг ҳурмагига ўрнингдан тур, агар у сенга ҳамсуҳбат бўлса, ундан яхшилигингни аяма, унинг рухсати билан туриб кет.

Қўшнингнинг ҳаққи шуки – уйўқ вақтида [моли ва обрўсини] сақла, бор пайтида икром қил. Икки ҳолатда ҳам бутунлай уни қўллаб-қувватла, унинг айбу нуқсонларини очиб ташлама. Бирон нарсада у билан талашиб-тортишма. Сенинг хоҳишингсиз бирон нарсани билишни истаса ҳам унга билдириб қўявер, лекин сен билган нарсаларингга унга кулфат етказма.

Сен унинг мустаҳкам қўргони бўлиб, унинг билмайдиганларини юзига солиб, ҳақорат қилма ва бу борадаги айбларини очма.

Мапаққатли вақтларида ёлғиз ташлама, неъматларга етишганда ҳасад қилма. Хатоларини кечир, билмаганларини ўргатишда қизганчиқлик қилма. Тўғри гапирган пайтларида ростлиги учун уни койима. Чақимчилар гапига кириб, жигарини куйдирма. Гўзал муносабатда бўлиб, бирга умргузаронлик қил.

Дўстингнинг ҳаққига келсак, йўл топа олсанг, фазилатли бўлиб, дўстлик қил. Қўлингдан келмаса, инсоф билан муомалада бўл. Сенга кўрсатган саховатига яраша сахийлик қил, асраб-авайлашига кўра асраб-авайла. Орангизда бўлиб ўтган яхшиликларни унутиб юборма: сақлаганидек сен ҳам сақла, ундан ўтганига яраша яхшилик кўрсат. Дўстликдан бирор нарсани кам қилма. Насиҳатингни аяма, уни эҳтиёт қил. Парвардигор тоатидан уни узоқлаштирма, бунда имкониятнинг борича ёрдам қил. Ҳукм қилиш асносида фақат ўзингнинг ҳукмингнингина ўйлама, мунозара вақтида фақат ўз фойдангни кўзлама. Унинг мол-мулкени асра. У билан бирга хурсандчилик қиларкансан, унга хиёнат этишдан қўрқ. Биз билишимизча, Аллоҳ таоло икки шерикни бир-бирларига хиёнат қилмагунча қўллаб-қувватлар экан.

Молу давлатингнинг ҳаққи шуки, фақат ҳалолдан тўплагайсан, ҳақдорларга сарф қилгайсан. Эҳтиёж бор ўринларда бахиллик қилмагин, кераксиз жойларга сарф этаверма. Аллоҳдан келган ва шунга сабаб бўлган нарсани Аллоҳ йўлида ишлатишни ҳам бил. Машаққатсиз топилган нарсаларни нафсинг йўлида сарфлайверма. Яхшиси, ўзингдан кейингаларга ёмон намуна ва ёмон издош бўлмасликка ҳаракат қил. Парвардигор тоатини унутиб қўйма, шунга кўра молу мулкнинг битта ўзингники эмас. Демак, фақат бахилнинг қўллари билангина мол жам қилинмайди. Яхшиси шуки, сендан яхшилик келтирадиган молу давлат қолсин.

Қарздорингнинг ҳаққи шуки, агар бой бўлсанг, унга вафоли бўл, кайфиятини кўтар, қарзингни талаб этиб, тихирлик қилаверма. Ҳадеб кўнглини оғритиб, унга мурожаат қилаверма, балки муҳлатни чўзиб қўй. Шунда сенга кўп чўзмасдан қарзини адо этади. Бизга етиб келганига қараганда, Расудуллоҳ (с.а.в.): “Бойнинг (вақтни) чўзиб юриши зулмдир”, деганлар. Шунинг учун молинг қўлдан кетишига йўл қўйиб берма. Агар камбағал деб билсанг, унда чиройли гаплар билан рози этиб, гўзал равишда талаб қил. Унинг баҳоналарини илтифот билан рад қил, лекин [ортиқча] моли қўлдан кетишига йўл қўйма. Қалбини ғам-

қайгуга ҳам тўлдира кўрма, чунки бу маломат қилинадиган ишдир.

Сенга қарз берувчининг ҳаққи шуки, бой бўлсанг, қарзингни беришга шошилгин, талабларини чиройли қабул эт, шу билан ҳақ-ҳуқуқинг топталишига йўл қўйма. Агар камбағал бўлсанг, шошилтиришига мулойимлик ила жавоб қайтар, уни қийин аҳволга солиб қўйиб “қуйдирма”, уни кулфатга қўйма. Бу борада сабру тоқат ва назоратли бўл. Аллоҳ таолонинг сенга бу борада буюрганини унутиб қўйма: “Агар (қарздор) қийналса, бойиунга қадар кутиш лозим” (Бақара, 280).

Сенга кутишни буюрганидан кейин унга садақа қилиб юборишга изн берган. Сенга бу яхшилик эканидан хабар берган. Демак, сен бу борада ҳам карамли Аллоҳга юзланавер.

Ўртоғингинг ҳаққига келсак, унга кибру ҳаво қилма, уни алдама, унга хиёнат қилма, душманлар қиладиган ишларни унга нисбатан раво кўрма. Агар сенинг кўнглингни тўлдирса, унга ҳам ўзингча яхшиликлар қилгин. Зотан, ўз меъёрини билмай қолган (ҳаддидан ошган) кимсага “жавоб” қайтишини биласан.

Сен даъво қиладиган рақибининг ҳаққига келсак, унга даъво қиладиган бўлсанг, гаплашишни қисқа қил, унга даъво қилишда илтифотли бўл. Чунки даъво жавобгарнинг қулогига оғир эшитилади. Сени инкор этишга олиб бормасликка ҳаракат қил. Агар инкор қилса, Аллоҳдан ёрдам сўраб, ниҳоятда юмшоқлик ила муҳлатни чўзиш, энг очиқ сўзлар, энг гўзал илтифот билан ҳужжатларингни кўрсатишга урин. Ҳужжатларни кўрсатмасдан гап-сўзу низога машғул бўла кўрма, далилларинг қўлдан кетиб қолмасин. Унда сенга бу борада ғолиб бўлиш насиб бўлмай қолади.

Сен унга маслаҳат қилувчининг ҳаққи шуки, сенинг олдинга ҳозир бўлса, тўғри фикрлар билан унга маслаҳат беришга инти. Унинг ўрнида бўлганинда нима қилишинг ҳақида билдириб ишоралар қил. Сендан у марҳамат ва мулойимлик кўрган. Зотан, юмшоқлик ваҳшийни мунисга айлантиради, қўрслик эса самимийлик ўринларида қўполликни келтиради. Агар унга яхши фикр билан маслаҳат бера олмасанг, сен ишонган, қалбингдан рози бўлган кимсани танисанг, унга йўллаб юбор. Токи сен унга яхшилик келтира олмасанг, унга насиҳатлар қила олмасанг, ўша кўрсатган одамга у боғланиб қолсин.

Сен маслаҳат олувчининг ҳаққига келсак, унинг фикрини қабул қил. Сенга насиҳат қилиб, гўзал маслаҳат бериб, бирор нарсага далолат қилса, уни менсимай тарк этма. Агар унинг маслаҳатлари тўғри келса, Аллоҳга ҳамд айтиб, биродарингга ташаккур айтиб, қабул қил. Фориғ бўлган вақтингда унга мукофот тарзида яхшиликлар қайтар.

Сендан насиҳат истовчининг ҳаққи шуки, сендан ҳаракат қилиб сўраб келганида ундан насиҳатингни аяма. Унга муаммодан чиқадиган йўллар кўрсат. Ақдига тўғри келадиган сўзлар билан гапир ва мулоимлик билан муомала қил. Чунки ҳар бир ақл учун унга муносиб ва яхши кўрадиган гаплар лозим. Сенинг йўлинг марҳамат ва диққат бўлмоғи даркор.

Сенга насиҳат қилувчининг ҳаққи шуки, у билан мулоимлик ила муомала қил, унга қалбингни оч, унга қулоғингни тут. Насиҳатини тушунишга ҳаракат қил. Сўнг ўйлаб кўр, агар фикрлари тўғри бўлса, мана шунга жидду жаҳд қил ва [фикрларини] қабул қил. Насиҳатининг ҳаққини тани. Агар ундан фойдали фикр чиқмаса ҳам уни ҳимоя қилавер, ёмон кўриб қолма. Сенга била туриб ёмонликни раво кўрмаслигини билиб қўй.

Сендан ёши каттароқ кимсанинг ҳаққи шуки, ёшини улуғла, тажрибаси ортиқ эканини тушун. Агар у исломдаги фазилаат соҳибларидан бўлса, уни янада улуғла. Гапиришда уни муқаддам тут, хусумат қилиб, у билан тортишишни тарк эт. Йўл юрганда уни шошилтириб, олдинга чиқиб олма. Уни нодонга чиқарма, ҳар кимнинг ҳам баъзи нарсаларни билмаслигини англаб ет.

Сендан ёши кичикроқнинг ҳаққига келадиган бўлсак, унга раҳмдил бўл, фойда келтир, унга ўргат, уни афв қил, унинг айбларини яшир. Унга эътиборли бўл, ундан ёрдамингни аяма. У билан келишиб яша, у хафа бўладиган ишларни тарк эт. Зотан, бу тўғрилиқка энг яқин йўлдир.

Сўровчининг ҳаққи шуки, қачон у садақа сўраса, унга бергин, ҳожатини чиқаришга ҳаракат қил. Унинг турган жойидан чақириб, талаб қилган нарсасини бер. Агар садақа беришга қийналиб, бунга қасд қилмасанг, шайтоннинг жигаридан бўлиб қоласан. У сенинг бойлигинг йўқолишига ишонтириб, Парвардигорингга сени яқинлашишга қўймасликка ҳаракат қилади. Унинг тўсиғини олиб ташлаб, унга саховат билан жавоб бер.

Агар нафсингни енголсанг, нафсингда яшириниб ётган нарса-лардан сўровчига ҳам бер. Мана шу ишларнинг энг улуғидир.

Сендан бирон нарса қўлига етиб турадиган кимсанинг ҳаққига келсак, ўз сўзинг ёки ишинг билан уни улуғла. Аввало, Аллоҳ учун ҳаракат қил, сўнг унга қўлдан келганча сокиналик бағишла, унинг мубтало бўлган нарсаларини йўқотгин. Мана шунга мукофот олишинг аниқ.

Сенга қўлидан ёмонлик етиб турадиган кимсанинг ҳаққи шуки, агар унга киришсанг, афв қилганинг яхши ишлардандир. Агар қасдинг бўлмаса, зулм қилиб ўтирма, ундан ёрдамингни аяма. Яна хато қилиб қўйишига йўл қўйма. Унга юмшоқ муомалада бўлиб, қодир бўлганинг қадар юмшоқлик қил.

Миллатдошларингнинг ҳаққи шуки, уларга чиройли муомалада бўлиш учун ўта марҳаматли бўлишга ҳаракат қил. Улар билан юриш-туришда илтифотли бўл, доим яхшиликни иста. Ўзингга ҳам, уларга ҳам чиройли муомалалар кўрсатишга урин. Чунки уларга қилган яхшилигинг ўзингга қилган яхшилиқдир. Уларга душманликни раво кўрма, сенга машаққатлар етмасин. Уларга ёрдаминг ва кўз қарашларинг умумий бўлсин. Уларнинг катталарини ота ўрнида, ўрта ёшларни биродар ўрнида, кичикларни эса фарзанд ўрнида кўргил.

Юртдошларингнинг ҳаққига келсак, Аллоҳ қабул қилган нарсани улардан ҳам қабул қил. Зиммангдаги аҳд қилган нарсалар сабабли Аллоҳ учун вазифангни тўла адо эт. Аллоҳ буюрганидек уларга муомала қил. Уларнинг айбу нуқсонларини кечир, уларга зулм қилма. Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деганлар: “Кимки аҳдлашиб яшаётган юртдошларга зулм қилса, мен унга душман бўламан”.

Олий, буюк Аллоҳдан ўзга қувват берадиган йўқ! Оламлар роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!



## БУРҲОНИДДИН АЗ-ЗАРНУЖИЙ

(XII аср)

Айтишларича, инсонлар уч хил тоифага бўлинади:  
комил инсон, ярим инсон ва ҳеч ким.  
(аз-Зарнужий)

Ислом оламида иак мадрасалар Бухорода пайдо бўлганлигини олимларимиз таъкидлайдилар. Исломнинг илк даврларидаёқ бизнинг юртларда исломий ва дунёвий илмларни ўқитадиган илм даргоҳлари фаолият олиб борди. Бундай даргоҳларда таълим дастурлари, ўқитиш услублари, талабаларнинг ҳаёт тарзи, одоб-ахлоқлари ҳақида ёзилган услубий кўлланмалар ҳам яратилди, албатта. Ана шундай асарлардан бири Бурҳониддин аз-Зарнужийнинг (XII аср) “Таълим ал-мутааллим” (Илм олувчига таълим-тарбия) асаридир.

Бурҳониддин аз-Зарнужий ҳақида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Тарихчилардан Кафавий ва Лакнавий ҳамда Шамсиддин Сомий у ҳақда мухтасар тўхталиб ўтганлар. Бор маълумотлар ҳам аз-Зарнужийнинг “Таълим ал-мутааллим” асари асосида айтилган фикрлардир.

“Қомус ал-аълом” (Таниқлилар қомуси)да Зарнуж Хўжандга қарашли қасабанинг номи дейилган. Бу қасаба Зарнуқ деб ҳам аталган. Мўғуллар истилоси даврида Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган Зарнуқ, Зарнуж, Зеринуҳ, Саритоқ номлари билан юритилган қалъа 1220 йилда истило қилингани манбаларда тилга олинади. Мўғуллар Зарнужни олгандан сўнг унга “Қутлуғ балиғ” деб ном қўйдилар. Демак, Бурҳониддин Зарнужий ушбу қасабада таваллуд топган.

Ўз асарида бир неча бор таъкидлашича, Зарнужий ҳанафийлик мазҳабининг машҳур фақиҳи, буюк аллома юртдошимиз “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг (1118–1197 йй.) шогирди бўлган. У ҳам усто-



зи каби Бурҳон ул-ислом (Ислом ҳужжати) деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Бурҳониддин аз-Зарнужийнинг ҳозирча маълум бўлган ягона асари “Таълим ал-мутааллим тариқ ат-тааллум”, яъни “Илм ўрганувчига илм олиш йўлини ўргатиш” номи китобидир. Ушбу асарни муаррихлар “Бир неча фасларни ўз ичига олган, ҳажми кичкина, манфаати катта нафис китоб”, деб тавсиф қилишган.

Ҳар бир фойдали асарга қизиқиш катта бўлгани каби “Таълим ал-мутааллим” та ҳам асрлар давомида қизиқиш кучли бўлган ва мадрасаларда толиби илмларга дарслик сифатида ўқитилган. Илм аҳллари ҳам уни ўқиганлар ва ажойиб ҳикматларидан завқ олганлар. Ушбу асар ҳозиргача юртимиз мадрасаларида талабалар томонидан қизиқиш билан ўқиладиган. У қўлёзма ҳолида ҳам кенг тарқалган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида унинг турли даврларда кўчирилган 32 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда. “Қомус ал-аълум” асари муаллифининг қайдларига қараганда, асар 1709 йилдаёқ лотин тилига таржима қилинган<sup>1</sup>. Шунингдек, кейинги даврларда Миср, Туркия ва Қозонда бир неча марта чоп этилган.

“Таълим ал-мутааллим” асарини шунчаки таржима ёки чоп этиш эмас, балки унга шарҳлар ёзиш ҳам ўз даврининг олимлари орасида кенг тарқалган. Масалан, туркиялик Усмон Бозорий ва Иброҳим ибн Исмоил мазкур асарга араб тилида шарҳ ёзганлар. Уларнинг шарҳлари бир жилдада Туркия, Қозон, Мисрда бир неча марта нашр этилган.

Юртдошимиз Гиёсуддин Мир Зиёуддин ўғли томонидан форс тилига “Одоб ул-мубин” номида назмда таржима қилиниб, 1907 йилда Тошкентда нашр этилган. Асар шарҳининг форс тилидаги ушбу наشري шарқшунос олим Махмуд Ҳасаний томонидан ўзбек тилига моҳирона ўгирилган<sup>2</sup>.

“Таълим ал-мутааллим” устида олиб борилган изланишлар, асосан, мустақилликдан кейинги йилларда амалга ошира бошланди. Жумладан, асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси З.Шарифов томонидан амалга оширилиб чоп этилди<sup>3</sup>. К.Солиев

<sup>1</sup> Шамсиддин Сомий. Қомус ул-аълум. –Истанбул: Мехрон матбааси, 1896. – Б.2414.

<sup>2</sup> Ҳасаний М. Устад ва шоғирд. –Тошкент: Ё.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 56 б.

<sup>3</sup> Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари / Таржимон З.Шарифов. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. –112 б.

эса “Таълим ул-мутааллим” – илм олиш таълими” номли мақоласини эълон қилди<sup>4</sup>.

Мазкур асарнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган турли даврларга оид қўлёзмалари ва тошбосма нашрларини муқояса қилган ҳолда унинг таркибини таҳлил этдик. Асар ўн уч фаслга бўлинган, унда талабанинг илм олиши, бунда нималарга аҳамият бериши, ўқиш ва ёдлашда қандай қоидалар мавжудлиги, устоз ва шогирдининг ўзаро муносабатлари, талабанинг еб-ичиши, дарс ўқийдиган соатлари, ҳуллаас, дарс билан боғлиқ бир қатор масалалар ўрин олгани маълум бўлди. Китобнинг муҳим томонларидан яна бири шундаки, аз-Зарнужий ўз асарида ҳанафийлик мазҳабининг улут имомлари номларини ва илм билан боғлиқ фикрларини келтиради. Ҳар бир масалага доир улар ҳаётидан олинган қисқа ҳикоятлар билан ўқувчини илм олишга тарғиб этиб боради.

Муаллиф “Таълим ал-мутааллим” асарини таркибан турли масалаларга бағишланган қисмларга – фаслларга бўлиб баён қилган:

- Илм ва фикҳнинг моҳияти ва унинг фазилати ҳақида;
- Таълим олиш пайтида ният тўғрисида;
- Илм танлаш, устоз, шерик ихтиёр қилиш ва сабот ҳақида;
- Илм ва унинг аҳлини улуғлаш ҳақида;
- Жидду жаҳд қилиш, доимийлик ва ҳиммат ҳақида;
- Сабоқни бошлаш, унинг миқдори ва тартиби ҳақида;
- Таваккул тўғрисида;
- Таҳсил олиш пайти ҳақида;
- Шафқат ва насиҳат борасида;
- Фойда олиш ҳақида;
- Таълим олиш пайтида парҳез ҳақида;
- Ҳифзни ва нисённи келтириб чиқарадиган (хотирани ўстирадиган ва унутишни пайдо қиладиган) нарсалар ҳақида;
- Ризқни жалб ва ман қиладиган, умрга зиёдалик ва нуқсон бағишлайдиган нарсалар ҳақида.

Китобда келтирилган таниқли уламолар орасида Бурҳониддин аз-Зарнужийнинг ўз устозлари, замондош ва аввал ўтган муаллифларнинг номларини учратамиз. Уларнинг кўп-

<sup>4</sup> Солиев К. “Таълим ул-мутааллим” – илм олиш таълими / Имом ал-Бухорий сабоқлари. №4. 2001. –Б.323–324.

чилиги шоир ҳам бўлганлиги, энг муҳими, баъзи олимларнинг, масалан, Абу Ҳафс ан-Насафий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) кабиларнинг шеърлари келтирилишидир. Исломот тарихида ўзининг беқиёс ўрнига эга бўлган мазкур уламоларнинг шеър ёзганликлари ҳозиргача кўпчилик тадқиқотчиларга номаълумлигича қолмоқда эди. Асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда тилга олинган олтмишга яқин ҳанафий мазҳабига амал қилувчи фақиҳ ота-боболаримиз ҳақида қисқача маълумотлар ҳам келтирилган. Бу каби маълумотлар “Таълим ал-мутааллим” асарини илмий асосларда чуқур тадқиқ этишининг аҳамиятини янада оширади.

“Таълим ал-мутааллим”да тилга олинган масала ва фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳ.Аминов

### “Таълим ал-мутааллим”дан<sup>1</sup>

Аммо, устозни танлаш масаласига келсак, бас, лойиғи шулки, худди Ймоми Аъзам Абу Ҳанифа узоқ ўй ва фикр қилгандан сўнг Ҳаммод ибн Сулаймонни танлаганига ўхшаш энг иамми, энг парҳезкор ва энг ёши улуғини ихтиёр қилгай. Абу Ҳанифа айтганлар: “Ҳаммод ибн Сулаймонни виқорли, ҳалим, сабру қаноатли шайх сифатида топдим ва Ул зотнинг олдида собит қолдим-да униб ўсдим!”. Яна Абу Ҳанифа айтадилар: “Самарқанд ҳақимларидан бўлган бир ҳақимдан “Бухорога илм талабида кетаётган бир толиби илм мен билан [узоқ] маслаҳат қилган эди”, деганини эшитгандим”. Шунингдек, илм излаётган инсон ҳар бир ишда маслаҳат қилмоғи керак. Зеро, албатта, Аллоҳ таоло ўз расулини ишларда [саҳобалар ила] маслаҳатлашувга амр қилган эди. Ҳолбуки, ул зоти шарифдан ҳеч ким ақллироқ эмас эди, шу билан бирга маслаҳатга амр қилинди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамма ишларда, ҳатто уй юмушлари, ҳожатларида ҳам ўз асҳоблари ила маслаҳат қилардилар. Ҳазрати Али “Ҳеч ким маслаҳатдан ҳалок бўлмаган”, деганлар.

(6<sup>6</sup>) Одамлар уч хил тоифага бўлиниши айтилган: комил инсон, ярим инсон ва ҳеч ким. Комил инсон – ҳақиқатни то-

<sup>1</sup> ЎЗР ФА ШИ-1. № 4741 рақамли қўлёзма.

пувчи фикри бор кимса ва [боз устига] маслаҳат ҳам қилади. Ярим инсонда тўғри фикр бор, лекин маслаҳат қилмайди ёки маслаҳат қилади-ю, ўзининг тўғри фикри йўқ. Энди, маслаҳат ҳам қилмайдиган, ўзининг бир фикри ҳам йўқ инсон ҳеч кимдир. Жаъфари Содик Суфёни Саврийга шундай деган эдилар: “Аллоҳ таолодан кўрқадиган кимсалар ила ишларинг тўғрисида маслаҳат қил!”

Илм талаби эса ишларнинг энг олийси ва энг қийинидир. Шундай экан, бу борада маслаҳат қилиш муҳимроқ ва вожиброқдир. Бир ҳаким шундай деган: “Қачон Бухорога [илм талабида] борсанг, имомларга (уламоларга) тараддуланишда (яъни қайсиниси афзал ва энг муқтадо дейишда) шошилма, ҳатто, узоқ ўйлаб бир устозни танлагунча икки ой [чамаси] тур. Зеро, сен агар [дарҳол] бир олимнинг олдига бориб, унинг қаршисида сабоғингни бошлаб юборсанг ва оз фурсатда унинг дарс бериши сени қизиқтирмасдан уни тарк қилсанг-да, бошқа устозга кетиб қолсанг, илм олишда сенга барака [ҳаргиз] бўлмайди. Устоз танлашда икки ой узоқ ўйла, [кимлар биландир] маслаҳат қил, токи уни тарк қилишга, ундан юз ўгиришга ҳожат қолмасин. Бас, ундан сўнг унинг олдида собит тур, шунда илминг баракотли бўлгай. Иламингдан ҳам кўп манфаат топгайсан!”

(7<sup>а</sup>) “Шижоат – бир лаҳза сабр”, дейилган. Демак, толиби илм учун кераги шулки, сабот кўрсатсин, бир устозга сабот ила сабр айласин. Бирор китобга ҳам, ҳатто уни [мутолаа қилишда, ундан дарс олишда] ноқис (чала) тарк қилмасин. Бирор фанга ҳам, ҳатто биринчисини мустаҳкам қилишдан аввал бошқа фан ила машғул бўлиб кетмасин. Бирор шаҳарга ҳам, ҳатто заруратсиз [илм ишташ ва бошқа баҳонада] бошқа шаҳарга ўтиб кетмасин. Зеро, албатта, мана шул ишларнинг ҳаммаси [асосий] ишларни бўлиб юборади. Қалбни [асосий ишдан бошқасига] машғул ва вақтларни зое қилади, муаллимга озор ҳам беради. Толиби илм нафси ва ҳавоси хоҳлаган нарсалардан сабр этмоғи (тўхталмоғи) зарур бўлади.

Ҳар хил бало ва меҳнату машаққатларга толиби илм сабр қилади. “Мақсадлар хазиnasi – меҳнатлар кўпроғидадир”, дейилган.

Аммо шерик ихтиёр қилиш ва уни танлашда, бас, ҳаракатчан, парҳезкор, тўғри таъб соҳиби ва фаҳм-фаросатлисини ихтиёр

қилиши даркор. Дангаса, бекорчи, кўп гапирувчи, фиску фасога берилган фитначи [шерик]дан қочсин.

Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.) бундай марҳамат қилганлар:

“Ҳар бир туғилган гўдак исломий фитратда туғилади, фақат, уни ота-онаси яҳудий қилишади ёки насроний ва ёки мажусий қилишади”.

Форсий ҳикматда бундай дейилган:

Ёри бад бадтар бувад аз мори бад,  
Ба-ҳаққи зоти поки Аллоҳус сомад.  
Ёри бад орад туро суйи жаҳийм,  
Ёри неку гир, то ёби набийм.

Мазмуни: *Ҳар нарсадан беҳожат бўлган зоти пок Аллоҳ ҳаққи, ёмон дўст ёмон илондан ҳам ёмонроқдир. Ёмон дўст сени жаҳаннам тарафга олиб боради. Яхши дўст ол (топ), токи, жаннати набийм топгайсан.*

(12<sup>а</sup>) **Фасл. Илм аҳлини улуғлаш баёни.** Билгинки, толиби илм илмга ҳаргиз етмайди ва у билан фойда топмайди, илло, илм ва унинг аҳлини улуғлаш, ўз устозига таъзим айлаш ва уни беҳад ҳурмат қилиш ила етади ва фойда топади. “Ҳар ким [истаган] нарса-сига фақат ҳурмат қилиш ила етади. Ҳар ким истаган нарсасидан фақат тарки ҳурмат ва таъзимни йўқотиш ила маҳрум бўлади”, дейилган. Яна “Ҳурмат айлаш тоатдан (итоатдан) яхшироқ”, дейилган. Инсон гуноҳ-маъсият ила, албатта, кофир бўлмайди-ю, шубҳасиз, ҳурматни тарк қилиш билан кофир бўлиб қолишини кўрмайдими?!

Муаллимни улуғлаш илмни улуғлаш жумласидандир. Ҳазрати Али шундай деганлар: “Мен менга бир ҳарф ўргатган кимсанинг қулиман. Агар хоҳласа, сотиб юборсин ва агар ҳоҳласа, озод қилсин ва агар ҳоҳласа, қул қилиб ишлатсин!”

Демак, биров сенга динда унга муҳтож бўладиган нарсани ўргатса, бас, у динда сенинг отанг эканлиги шубҳасиз. Устозимиз шайх, имом Садриддин аш-Шерозий айтар эдилар: “Машойихларимиз ўғлини олим қилишни хоҳласа, фақиҳларнинг ғарибларининг риоясини қилишни лозим деб билардилар, уларни икром қилардилар, уларга таъзим қилардилар. Уларга бирор нарса (ҳадя ҳам) берардилар. Шунда ўғли олим бўлмаса ҳам невараси, шубҳасиз, олим бўларди”.

Муаллимни улуғлашнинг жумласидан бири унинг олди-га тушиб юрмагай, унинг ўрнида ўтирмагай. Муаллим олдида фақат унинг изни ила гап бошлагай. Олдида гапни кўпайтирмагай. Унга малол келиб турган вақтда ҳеч нарса сўрамагай. Вақтга риюя қилгай. Эшигини [ҳадеб] тақиллагавермасин, балки чиққунларигача сабр қилсин. Хуллас, унинг ризосини талаб, ғазабидан узоқ бўлишга ҳаракат қилсин. Аллоҳ таолога маъсият бўлмайдиган ишда унга итоат қилади. Зеро, Холиқнинг маъсиятида махлуққа итоат қилиш йўқ.

Яна уни улуғлашнинг жумласидан фарзандлари ва унга таалуқли [қариндош] кимсаларни ҳурмат қилишдир. Устозимиз “Ҳидоя” соҳиби Шайх ул-ислом Бурҳониддин Марғилоний ҳазратлари ҳикоя қилардилар: “Бухоронинг буюк имомларидан бири [қайсидир] дарс мажлисида ўтирганларида, дарс орасида баъзан туриб ўтираркан. Шу ҳақда ундан сўрашибди. Ул зот: “Устозимнинг ўели болалар билан кўчада ўйнаб юрибди. Аҳёнда масжид эшигига келиб кетарди. Уни ҳар кўрганимда устозимнинг таъзими учун унга ўрнимдан турардим”, дебдилар”. Қози, имом Фахриддин ал-Арсобандий Марв уламоларининг раиси эди. Унга [замонасидаги] султон ҳам гоят эҳтиром кўрсатарди, уни ниҳоятда ҳурмат қиларди. Ўша зот “Шубҳасиз, бу мансабни устозни ҳурмат қилиш ила топдим. Қози, имом устозим Абу Язид ад-Дабусийни ҳурмат қилиб, унга таом пишириб берардим. Лекин [устоз ҳурмати учун] ундан ўзим еб ҳам кўрмасдим”, дер эканлар. Буюк имом, шайх Шамс ал-аимма ал-Ҳалвоий Бухородан чиқиб, баъзи ҳодисалар юзасидан бир неча кунлар айрим қишлоқларда туриб қоларканлар. Шунда шайх, имом, қози Абу Бакр аз-Заранжийдан бошқа шогирдлари зиёратга келган экан. Ҳазрат уни учратиб, “Нимага менинг зиёратимга келмадинг?” деганларида: “Онамнинг хизматига машғул эдим”, дебди. Устоз Шамс ал-аимма ҳазратлари “Умрдан ризқданаркансан, дарс равнақи учун сенга ризқ йўқ”, дебдилар. Худди мана шундай бўлди. Ул зотнинг кўп вақти қишлоқда ўтди. Дарсга мунтазам қатнаша олманша, ўзи ҳам мунтазам дарс бера олмади. Демак, кимнингки устози ундан озор топса (ундан дили хафа бўлса), илмнинг баракасидан маҳрум қолади, илмида озгинагина фойда топади.

(12<sup>6</sup>) Халифа Ҳорун ар-Рашид ўғлини илму адаб ўргансин деб Имом ал-Асмаъийга юборди. Бир куни халифа унинг таҳорат

олаётиб, оёгини ўзи юваётганини, ўгли эса [устозининг] оёгига сув қуяётганини кўриб қолди. Халифа бу борада ал-Асмабийга маломат қилиб: “Мен ўғлимни сизнинг олдингизга илму адаб ўргансин учун юборган эдим. Нима учун сувни бир қўли билан қуйиб, бошқа қўли билан оёгингизни ювишга буюрмадингиз?” деди.

Китобни улуғлаш ҳам илмни улуғлаш жумласидандир. Толиби илм китобни фақат таҳорат билан ушлаши лозим. Шайх, имом Шамс ал-аймма ал-Халвоий раҳматуллоҳи алайҳ ҳазратлари “Шубҳасиз, бу илмга таъзим билан эришдим. Ҳар қандай қоғозни фақат таҳорат ила ушладим”, деган эканлар. Шайх, имом Шамс ал-аймма ас-Сарахсий бир кеча [дарсларини] такрор қилаётганларида қорин оғриғи бўлиб қолдилар. Мана шу кечада ул зот ўн етти марта таҳорат қилдилар. Чунки фақат таҳорат билан такрор қилар эдилар. Ана шундай! Зеро, илм нурдир, таҳорат нурдир. Демак, илмнинг нури ҳам шу билан зиёда бўлади. Вожиб таъзимлардан бириси китобга оёқ узатмагай, [китоб тахлашда] бошқа китоблар устига таъзиман тафсир китобларини қўйгай. Китоб тепасига бошқа нарса қўймагай. Устозимиз Шайх ул-ислом Бурҳониддин Маргиноний бир машойихдан ҳикоя қилардилар: “Бир фақиҳ китоб устига сиёҳдонни қўйиб қўйган экан, унга форсий тил ила “Бар наёби!” (“Мева, яъни фойда топмайсан!”) дебдилар”. Буюк қози, устозимиз, Қозийхон номи билан танилган зот Фаҳр ул-ислом Ўзжандий ҳазратлари айтар эдилар: “Агар мана шу [китоб устига сиёҳдонни қўйиш] билан истихфоф-ҳақоратни [хаёлига] келтирмаса, бунинг зарари йўқ. Яхшиси, бундай ишдан сақлангай”.

Таъзим жумласидан бири – китоб ёзишни чиройли қилгай, жуда майда ёзмагай. Китобатда майда ёзиладиган ҳошияларни тарк қилгай, фақат, зарурат пайтида майли. Абу Ҳанифа китобат пайтида жуда ингичка ва майда ёзаётган бир котибни кўриб, унга шундай дедилар: “Хатингни майда қилмагин. Чунки, албатта, сен агар яшаб кетсанг, надомат қиласан ва агар ўлиб кетсанг, сўқишга қоласан, яъни қачон сен қари бўлиб, кўзларинг заифлашганда бу ишингга надомат чекасан”.

Шерикларни ва устозидан таълим оладиганларни улуғлаш ҳам илмни улуғлаш жумласидандир. Тилёғламачилик ва хушомадгўйлик (ат-тамаллуқ) ёмон саналгандир, фақатгина талаби илмда бўлади. Зеро, албатта, толиб ўз устозига, шерикларига

улардан фойдаланиши учун хушомадлар қилиши керак. Яна илм талабидаги инсон илмни ва айтилган ҳикматни таъзим ва ҳурмат ила эшитмоғи керак, агар у бирор масалани ёки бирор калимани минг марта эшитаётган бўлса ҳам. “Кимки [эшитаётган масаласида] мингинчидан кейинги таъзими биринчи эшитганидагидек бўлмаса, бас, у илм аҳлидан эмас”, дейилган.

Толиби илм учун лойиғи шулки, ўзича бирор илм турини танламасин, балки ишни устозига ташлаб қўйсин, топширсин. Бас, устоз бу борада тажрибалар ҳосил қилган, албатта. Ҳар бир толиб учун нима мувофиқлигини ва табиатига нима лойиқлигини устоз билади. Буюк имом, шайх, устоз Шайх ул-ислом Бурҳон ул-ҳаққ ва-д-дин ал-Марғиноний айтар эдилар: “Аввалги замонда толиби илмлар илм олишда ўз ишларини устозларига топширар эдилар. Шунинг учун муроду мақсадларига етар эдилар. Ҳозир эса ўзларича ихтиёр қиладилар. Шунга илмдан, фикрдан иборат ўз мақсадлари ҳосил бўлмайди”. Ҳикоя қилинадики, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний олдида намоз китобидан ўқишни бошлаган эдилар. Буюк устоз унинг табиатига ҳадис илми лойиқ эканлигини кўриб, унга: “Боргин, ҳадис илмини ўрган!” дедилар. У эса [устозининг айтганини қилиб] ҳадис илмини ўрганди. Кейинчалик у ҳадис имомларининг барчасига муқаддам бўлди.

(13<sup>6</sup>) Толиби илм сабоқ олиш пайтида заруратсиз устозига ўта яқин ўтирмаслиги лозим, балки шоғирд билан устоз ораси бир камон миқдори бўлиши керак. Зеро, бу таъзимга яқинроқдир.

Яна толиби илм ёмон хулқлардан сақланмоғи керак. Чунки улар маънавий итлардир. Дарҳақиқат, жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар: “Фаришталар [ҳайвон] сурати ёки ит бор уйга киришмайди”.

Ҳолбуки, инсон фаришта воситаси ила илм олиши шубҳасиз. Ёмон хулқлар ахлоқ китобида билинади. Бизнинг бу китобимиз уларнинг баёнини кўтармайди. Хусусан, такаббуриқдан сақланмоғи керак, зотан, кибр билан илм ҳосил бўлмайди.

(24<sup>6</sup>) **Фасл. Шафқат ва насиҳат баёнида.** Илм соҳиби ҳасадчи эмас, мушфиқ ва насиҳатгўй бўлмоғи керак. Зеро, ҳасад зарар қилади, унга наф етказмайди. Устозимиз Шайх ал-ислом Бурҳониддин айтар эдилар: “Албатта муаллимнинг ўғли олим



бўлади, дейдилар. Чунки муаллим шогирдларини замонасида олим бўлишини хоҳлайди. Бас, унинг эътиқоди ва шафқатининг баракотидан ўгли олим бўлади”. Ҳикоя қилинадики, буюк садр Бурҳон ал-аимма иккала ўгли – Садр уш-шаҳид Ҳисомуддин ва Садр ас-саъид Тождуддинга сабоқ вақтини [бошқа шогирдларига берадиган] жами сабоқлардан сўнг катта чошгоҳ вақтига тайинлаб қўйган эди. Ул иккаласи: “Мана шу вақтда бизнинг табиатимиз калолатланиб, малол топиб қолади!” деганида оталари марҳамат қилганлар: “Шубҳа йўқки, ер юзининг турли тарафидан ғариб мусофирлар ва улуғ зотларнинг болалари менга келишади. Уларнинг сабоқларини муқаддам қилмоғим лозим!”. Ул зотнинг шафқати баракотидан иккала ўгли фикҳ борасида ана шу асрдаги кўп шаҳарлардаги аксар фақиҳлардан устун бўлди.

Ҳилол ибн Ясор розияллоху анҳу айтдилар: Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) саҳобаларига илму ҳикматдан бир нималар айтаётганларини эшитдим. Шунда мен: “Эй Расулуллоҳ, уларга айтган гапларингизни (иатимос) менга ҳам қайтаринг”, дедим. Ул зот менга қараб: “Сен билан довод-қалам борми?” дедилар. “Менда довод-қалам йўқ”, дедим. Ул зот бундай марҳамат қилдилар:


“Эй Ҳилол, довод-қаламдан айрилма. Бас, шубҳасиз, қиёматгача хайру баракот ва яхшилик унда (дир) ва унинг аҳдидадир!”.

Садр аш-шаҳид Ҳисомиддин ўғиллари Шамсиддинга ҳар куни илму ҳикматдан бир нарса (озгина нарса) ёдлаши, чунки бу осон эканлигини, кейин яқинда (ўша ёдлаганлари) кўп бўлиб кетишлигини васият қилганлар. Исом ибн Юсуф эшитганини дарҳол ёзиб олиш учун динорлаб қалам сотиб олардилар. Зеро, умр қисқа, илм эса кўпдир. Бас, шундай экан, вақтларни, соатларни зое қилмаслик керак, кечаларни, хилват жойларни ғанимат билмоқ керак. Муоз ибн Яҳё ар-Розийдан қилинган ҳикоятда: “Кеча узундир, уни уйқунг билан қисқартирма. Кундуз ёруғдир, уни гуноҳларинг ила қорайтирма!” дейилган.

(32<sup>6</sup>) Шайхларни, ёши улуғ уламоларни ғанимат билмоқ, улардан истифода қила билмоқ керак. Зеро, Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) сўзлари бор: “Барака сизларнинг ёши улуғларингиз билан биргадир”.

Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу айтганлар: “Қачон бир иш бошида бўлсанг, бас, унда доим собит бўл!” Аллоҳ таолонинг илмидан юз ўгириш хафа ва хор бўлишга кифоя қилади. Аллоҳдан кечаю кундуз ўшандан паноҳ тила!

Толиби илм учун илм талабида машаққат ва хорликларни кўтаришдан ўзга чора йўқ. Лаганбардорлик, ялтоқилик ёмондир, фақат илм талабида бўлади. Чунки устозга, шериклар ва бошқаларга улардан истифода қилиш учун ялтоқилик қилишдан ўзга чора йўқ.



## ЖАЛОЛИДДИН ДАВВОНИЙ

(1427–1502)

Болани кўп сўзлашга ўргатмасинлар. Кўп сўзлаш димоғнинг енгиллиги ва ақл камлигининг нишонасидир. Ва яна ҳайбатнинг йўқолиши ва эътиборнинг камайишига сабаб бўлади.

*(Жаломиддин Даввоний)*

Жалолоиддин Муҳаммад Асад ас-Сиддиқий ал-Даввоний теурийлар даврининг йирик алломаларидан бўлиб, 1427 йилда Эроннинг Казарун вилоятига қарашли Давон қишлоғида туғилган. Шероз шаҳрида таҳсил олган Даввоний мазкур шаҳарнинг қозиси даражасига етишди, истеъфога чиққач, мадрасада мударрислик қилади. Кейинчалик ўз қишлоғига қайтиб, умрининг охиригича шу ерда яшаб, илм билан машғул бўлган<sup>1</sup>.

Даввоний ўзидан олдин яшаб ўтган алломалар – Форобий, Ибн Сино, Носириддин Тусий илмий меросидан чуқур хабардор эди. Бундан ташқари, у ўзига замондош олимлар билан яқиндан алоқада бўлган. Айниқса, узоқ вақт Ҳирот шаҳрида истиқомат қилиши унга Абдурахмон Жомий каби олимлар билан доимий ҳамсуҳбат бўлишга имкон берган. Даввонийнинг илмий мероси жуда бой бўлиб, унинг фалсафа, мантиқ, фикҳ, ахлоқшунослик, риёзиёт, ҳандаса фанларига доир бир неча асарлари етиб келган. Хусусан, “Рисолаи исботи вожиб” (Заруриятнинг исботи ҳақида рисола), “Рисолат ул-хуруф” (Ҳарфлар ҳақида рисола), “Рисола фи тавжих ул-ташбиҳ” (Мажоз талқини ҳақида рисола), “Рисола дар илми нафс” (Рухшунослик ҳақида рисола), “Тариқати тарбияти авлод” (Бола тарбияси ҳақида рисола), “Арзнома” (Армияни бошқариш ҳақида рисола) каби бир неча асарлари маълум. Шунингдек, у “Фоний” тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

“Ахлоқи Жалолоий” асари Даввонийнинг энг йирик асарларидан бўлиб, 1470–1478 йиллар оралигида ёзилган. Асар кейинги даврларда Марказий Осиё халқлари орасида одоб-ахлоққа

<sup>1</sup> Алиқулов Х. Жалолоиддин Даввоний // Маънавият юлдузлари. –Тошкент, 2001. –Б.238–239.

оид муҳим асар сифатида маълум бўлган. Мадрасаларда алоҳида ўқитиладиган китоблардан бири бўлганидан ҳам кўплаб нусхаларда кўчирилган. Шунинг учун бўлса керак бугунги кунда кўплаб қўлёзмаларда етиб келган.

“Ахлоқи Жалолий” асарида XV асрнинг илғор ахлоқий қарашлари ўз аксини топганки, унда ўрта аср Шарқининг, айни вақтда, темурийлар давридаги ахлоқий таълимотларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳам кўзга ташланади. Асар бир неча кичик бобларни ўз ичига олган уч асосий қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм ахлоқ фанига ва ундаги асосий тушунчаларга, иккинчи қисм инсонларнинг оилавий муносабатларига, учинчи қисм эса давлатни бошқариш ва ҳукмдорлар одобига бағишланган.

Асардан Даввонийнинг илмий-ахлоқий фикрларига юнон мутафаккирларидан Арасту ва “иккинчи муаллим” номини олган Форобийнинг қарашлари катта таъсир қилганини кўриш мумкин. Айниқса, муаллиф турли масалалар юзасидан ушбу мутафаккирларнинг асарларига мурожаат этиб, мисоллар келтириб ўтади.

“Ахлоқи Жалолий” асари 1839 йилдаёқ европалик олимлар эътиборига тушган ва 1839 йилда В.Ф.Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Бугунги кунда дунё қўлёзма хазиналарида сақланаётган нусхалари анчагина. XX асрнинг бошларидан Ҳиндистонда литографик усулда ҳам чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида ҳам “Ахлоқи Жалолий” асарининг турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Ўзбек тилидаги тўлиқ бўлмаган таржимаси эса 1948 йилда Тошкентда, Шарқшунослик институти ходими, марҳум Эшонжон Муҳаммадхўжаев томонидан бажарилган. Қуйида асардан келтирилган маълумотлар асарнинг мазкур таржимаси асосида тайёрланди.

Ў.Суатонов

### “Ахлоқи Жалолий”дан<sup>2</sup>

(18<sup>6</sup>) Ҳикмат, шижоат, иффат ва адолат баёнида. Бу тўрт жинснинг ҳар бирининг турлари кўпдир. Аммо ҳикматнинг тури беҳад кўп. Китобларда баён қилинганлари орасида машхурлари қуйидаги еттитаасидир:

<sup>2</sup> ЎЗР ФА ШИ-1. № 8014-рақамли қўлёзма.

Биринчиси заковат, яъни таъбнинг тезлиги.

Иккинчиси суръат, яъни зеҳннинг тезлиги.

Учинчиси зеҳннинг мусаффолиги, яъни зеҳннинг соф ва покизалиги.

Тўртинчиси осонлик билан ўрганиш.

Бешинчиси ҳусни тааққул, яъни яхши ва чиройли билиш.

Олтинчиси таҳаффуз, яъни ёд олиш.

Еттинчиси тазаккур, яъни зикр қилиб туриш, ёдга келтириш.

Заковат шундай нарсаки, мақсадларнинг натижасини тезлик билан чиқаришга малака пайдо қилиш ва олдингилардан натижаларни осонлик билан чиқаришдир. Бу малаканинг ҳосил бўлиши кўп ҳаракат қилишга боғлиқ.

Фаҳм, зеҳннинг тезлиги ортиқча тўхтаalmasдан лозим бўлганларни интиқол қилмоқ малакасиدير. Заковат ва зеҳннинг тезлиги ўртасидаги фарқ шулки, аввалгиси фикрнинг ҳаракатда тезлиги бўлса, иккинчи ғайри фикрда ҳаракатнинг тезлигидир.

Зеҳннинг мусаффолиги изтиробсиз ва ташвишсиз мақсадни амалга оширишга истеъдодни пайдо қилиш малакасиدير.

Суҳалат-и таълим бу осонлик билан таълим олиш. Мақсадга бор кучи билан кириш малакасиدير. Токи ҳар хил хатарлар тўсқинаик қилмай, осонлик билан мақсадга эришиш мумкин бўлсин.

(29<sup>а</sup>) Ҳусни тааққул шулки, ҳар мақсаднинг баҳси ва кашфни талаб қилишда ўзига лойиқ ҳадни ва ўринни сақлаш. Токи бир вожиб арзимаган нарса бўлиб қолмасин.

Таҳаффуз шулки, ақл тасаввур қилган суратлар ва ёки сезги аъзолари орқали идрок қилинган суратларни яхши сақлаб қолишдир.

Тазаккур бу зикр қилиб туриш, ёд олинган нарсаларни ҳар вақт хоҳласа, қийинчиликсиз ҳозир қилиш малакасиدير.

(20<sup>а</sup>) **Авлод тарбияси баёнида.** Аввало, муносиб бир муътадил мижозлик дояни тайин қилмоқ лозим. Чунки доянинг мижози ва нафсоний кайфияти мавлудга, яъни туғилаётган болага боғлиқ ва шарият бўйича ҳақдордир. Еттинчи кунда болага исм қўйилсин. Агар исм қўйишда бирор ҳикмат бўлса, мулоҳаза билан муносиб исм қўйса ҳам бўлади. Чунки номулойим исм қўйилса, бола бир умр исмидан кудуратда (ғамда) бўлади. Шу жиҳатдан исм қўйишга риоя қилиш боланинг отадаги ҳаққидир.

Қачонки сўт эмиш вақти тамом бўлса, болага одоб беришга машғул бўлмоқ лозим. Токи у ёмон хулқларни ўзига касб қилиб олмасин. Зеро, боланинг қобилиятлари комилдур. Шунинг учун то ёмон хулқ касб қилмасдан олдин уларнинг ахлоқларини безаш лозим. Ва боланинг табиатлари разолат ва ёмон сифатларга мойилдир. Шунинг учун уларнинг ахлоқларини безаш ва покиза қилишда тартибини сақлаш лозим.

Одоб беришнинг аввали шулки, [ота-оналар] болаларнинг разолатга нишоналик бўлган ёмон кишилар билан аралашувини бутунлай ман қилсинлар. Нима учунким, болаларнинг нафслари ҳеч нақш солинмаган тахта мисолида бўлади ва суратни осонлик билан қабул қилади. Ва болаларнинг олдида яхши сифатлик кишиларни мақтаб ва ёмон хулқли кишиларга танбеҳ бериб, яхши феълларга чорлаб ва ёмон ишлардан жирканишни ўргатмоқ лозим.

(20<sup>o</sup>) Агар яхши иш қилсалар, уларни мақтаб, ёмон иш қилсалар, танбеҳ бериш керак. То мақсадга эришгунча. Очиқ ва тўғридан-тўғри эмас, балки хатосини англашиб қойисин, токи боланинг ёмонликка журъати ортишига сабаб бўлмасин. Агар бола ўша қилиб қўйган ишини пинҳон тутса, уни ошкор этмасинлар. Агар ўша ёмон ишини такрорласа, болага хилватда танбеҳ берсинлар ва ўша ишнинг ёмонлигини муболаға билан баён қилсинлар, токи қайтиб қилмасин. Танбеҳни ҳам такрор қилавермаслик керак. Токи [боланинг] маломатига сабаб бўлиб қолмасин ва сурбетлик иллоти унга мустаҳкам ўрнашиб қолмасин. “Киши тақиқланган нарсага қизиқувчидир”, деган сўзнинг тақозоси бўйича ёмон ишларни қайта қилишни хоҳловчи бўлиб қолмасин.

Яна аввал болага таом емоқ одобини ўргатиш лозим. Емақдан мақсад соғлиқни сақлашдир, ғаразли лаззат эмас деб тушунтирмоқ керак. Овқат ва шарбат [сув] даво ўрнидадирки, улар билан очлик ва ташналик даф этилади. Болани турли хил [тансиқ] таомларга одатланишдан ман қилмоқ лозим. Бир хил, камтарона таомга қаноатга мойил қилиш лозим. Унинг иштаҳасини [нафсини] забт этмоқ керак, токи қандай овқат бўлса, танламасдан емоққа одат қилсин. Тотли, тансиқ нарсаларга ўч бўлмасин.

(24<sup>o</sup>) **Сўз сўзлаш одоблари.** Болани кўп сўзлашга ўргатмасинлар. Чунки кўп сўзлаш димоғининг енгиллиги ва ақлнинг

камлиги нишонасидир. Ва яна ҳайбатнинг йўқолиши ва эътиборнинг камайишига сабаб бўлади. Ҳукамолар айтадиларки, неча маротаба ўйлагил, сўнгра сўзлагил ва сўзни беҳуда такрор қилмагил. Агар такрорга ҳожат тушса, танглик келтирмайдиган даражада такрор қилсин.

Бир киши бир ҳикоя қилаётган бўлса, эшитувчи агар ўша ҳикояни билса ҳам билишини ошқор қилмасин, токи у киши сўзини тамом қилиб олсин. Ундан бошқа кишидан сўз сўрасалар, жавоб бермасин. Агар бир жамоа кишидан сўрасалар, ҳаммадан олдин жавоб бермасин. Агар бир киши жавобни бошласа, бу ундан яхшироқ биладиган бўлса ҳам сабр қилсин. Токи у киши сўзини тамом қилсин. Сўнгра ўзининг жавобини аввалги кишини изза қилмайдиган даражада айтсин. Ва унга айтилган сўз тамом бўлмай жавобга машғул бўлмасин.

Бошқалар сўзлашиб ўтирган сўзларига унинг дахли бўлмаса, ўртага киришмасин. Агар ундан сўзларини яшириб гаплашиб турган бўлсалар, уларнинг сўзларига қулоқ тутмасин.

Ва сўзда овозини ўртача чиқарсин, баланд ҳам, паст ҳам эмас. Ва сўзни бефойда узун қилмасин, ғариб лафзлар ва узоқ кинояларни сўзламасин. Сўзлаганда фаҳш сўзлар ва сўкишларни аралаштирмасин. Ва агар ёмон сўзга эҳтиёж бўлиб қолса, киноя йўли билан баён қилсин. Ва ҳар мақомда ҳолати тақозосига мувофиқ сўзлаш лозим.

(25<sup>a</sup>) Сўзлашда қўл билан ёки кўз билан ишорат қилмасин. Хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ботил бўлсин мажлис аҳлига хилоф қилмасин. Ҳар кимга ақлининг миқдорида сўзласин. Ҳеч кимнинг ҳаракатлари ва ишлари, гапларини сўзламасин. Ва гийбатдан, чақимчиликдан, бўҳтондан ва ёлгон сўздан ҳамда уни эшитишдан сақланиш лозим. Ва эшитмоғи сўзламоғидан кўпроқ бўлмоғи лозим. Бир ҳақимдан “Нима учун эшитишинг сўзлашингдан кўп?” – деб сўрашганида: “Чунки менга икки қулоқ ва бир тил берилган”, – деб жавоб берган экан.

(27<sup>a</sup>) **Таом емоқ одоби.** Аввал қўл, бурун ва оғизни покиза қилсинлар. Ҳаммадан аввал таомга қўл узатмасинлар. Учта бармоқ билан олиб есин. Ва луқмани катта олмасин, тез ютмасин, оғзида кўп чайнамасин. Агар дастурхонда яхши таомлар бўлса, унга харислик қилмасин. Шеригининг луқмасига назар ташламасин, ўзининг олдидан есин. Магар мева бўлса, атрофда-

гиларга нафрат келтирадиган ҳаракатлардан сақлансин. Оғзидан бирор нарсани чиқариб, дастурхонга ёки косага қўймасин. Агар меҳмон бўлса, овқатдан уй эгасидан олдин қўл тортсин ёки ҳамроҳ бўлган кишилар билан баробар қўл тортсин. Агар уй эгаси бўлса, овқатдан ҳаммадан сўнг қўл тортсин. Агар сув ичишга эҳтиёжи тушса, асталик билан ичсин.

Ота-онанинг ҳуқуқлари риояси уч муҳим нарса билан бўлиши мумкин. Биринчи, жон билан. Уларни холис яхши кўриш, тилда ҳам, дилда ҳам таъзим қилиш. Уларнинг амри наҳийларига мумкин қадар бўйсунуш. Иккинчи, ота-онанинг эҳтиёжига уларнинг мурожаатларидан олдин, миннатсиз ва бирор нарсанинг бадалисиз ёрдам етказиш. Модомики, ёмон йўлга бошламасалар. Учинчиси, уларга хайрихоҳлигини изҳор қилиш ва васиятларини бажариш.

Отанинг ҳуқуқларида руҳоният томони ғолиб бўлса, онанинг ҳуқуқларида жисмоният томони ғолибдир. Шу сабабдан ёш болаларнинг майллари оналарига зиёдадир. Бас, оталарнинг ҳақлари адоси руҳоният ғолиб бўлган амрлар билан бўлади. Мисли итоат, дуо ва шунга ўхшаш.

Ва ота-оналарнинг даражасида бўлган кишилар, масалан, боболар, амакилар, тоғалар, катта акалари ва ҳақиқий дўстларни ҳам ота-она каби кўрмоқ лозим. Ва руҳоний мўътабарлиги учун маънавий ота бўлмиш устоз ва муаллимларни ҳам шундай кўриш керак. Балким зиёдароқ риоя қилиш лозим.

(30<sup>а</sup>) **Муҳаббатнинг фазилати баёнида.** Маълум бўлдики, инсоннинг камоли ижтимоийлик ва дўстликка боғлиқдир. Ва ул муҳаббатсиз ва улфатсиз сурат топмайди. Муҳаббат мавжуд бўлса, адолатга эҳтиёж йўқ. Бас, муҳаббат адолатдан афзалдир. Чунки муҳаббат табиий ваҳдатга ўхшаш бир ваҳдатдир.





## ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

(вафоти 1506 йил)

Саховат яхши от чиқармоқнинг сабабидир.  
(Кошифий)

Камолиддин Хусайн ал-Воиз ал-Кошифий ас-Сабзаворий Ҳиравийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир маълумотлар кўпгина манбаларда қайд этилган. Кошифийнинг фаолияти кейинги давр тадқиқотчилари назаридан ҳам четда қолмаган<sup>1</sup>.

Кошифий Ҳиротда яшаган даврида ўз замонасининг етук олимларидан бири сифатида танилади.

1990 йили Тошкентда нашр қилинган “Навий замондошлари мактубларида” номли рисолада Кошифийнинг 200 га яқин асар ёзганлиги қайд этилган<sup>2</sup>.

Кошифий қаламига мансуб асарлар рўйхатини эронлик олим Али Акбар Қазвиний (Деххудо) (1879–1956) (38 та), доктор Забиҳулло Сафо (28 та) ҳамда А. Тагиржанов (24 та) ўз китобларида қайд этганлар<sup>3</sup>. Мазкур феҳристар ичида Али Акбар Қазвинийнинг кўп жилдди луғатномасида Кошифий қаламига мансуб асарлар бошқа китоблардагига нисбатан батафсилроқ келтирилган.

Мутафаккирнинг “Ахлоқи Муҳсиний” (Муҳсиннинг ахлоқи) номли асари одоб-ахлоққа доир бўлиб, темурийлардан Султон Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли шаҳзода Муҳсинга бағишлаб 900/1494–1495 йилда ёзилган.

<sup>1</sup> Алиқулов Х. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. –Тошкент: Адолат, 1995. –Б.46; Маҳмудов Р.Ж. Хусайн Воиз Кошифий // Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / Тўпловчи ва масъул муҳаррир: М.Хайруллаев. Тўлдирилган қайта нашр. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001 –Б.241–245.

<sup>2</sup> Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навий замондошлари мактубларида. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.16.

<sup>3</sup> Али Акбар Қазвиний. Луғатномаи Деххудо. –Б.15882–15883; Забиҳулло Сафо Тарихи адабиёти Эрон. –Техрон, 1371/1993. –Б.523–525; Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. –С.100–106.

Кошифийнинг мазкур асари дастлаб Абул Фазл Муҳаммад ибн Идрис Дафтариий (ваф. 982/1574–1575) томонидан 1566–1567 йилларда “Анис ул-орифийн” (“Билимдонлар улфати”) номи билан турк тилига, кейинчалик 1848 йилда немис тилига, 1851 йилда инглиз тилига, 1863 йилда ўзбек тилига таржима қилинган. 1984 йилда О.Р.Усмонова томонидан тадқиқ этилган<sup>4</sup>. “Ахлоқи Муҳсиний”нинг қўлёзмалари Британия музейи, Индиана офиси, Париж миллий кутубхонасида мавжуд<sup>5</sup>. Бундан ташқари, турли даврларда кўчирилган 59 та қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИДа сақланади<sup>6</sup>.

Асар 40 та бобга ажратилган бўлиб, улар: “Ибодат”, “Ихлос”, “Дуо”, “Шукр”, “Сабр”, “Ризо”, “Таваққул”, “Ҳаё”, “Покизалик”, “Одоб”, “Баландҳимматлик”, “Қасд қилмоқ”, “Жидду жаҳд”, “Собитқадамлик”, “Адолат”, “Авф”, “Ювошлик”, “Хулақ ва мулоимлик”, “Шафқат ва марҳамат”, “Ҳайрат ва яхши ишлар” “Жуд, саховат ва эҳсон” “Тавозеъ” “Омонат ва диёнат”, “Вафо аҳди”, “Ростгўйлик”, “Ҳожат раво қилмоқ”, “Оҳисталик ва ошиқмаслик” “Гинакашлик”, “Андиша қилмоқ ва ҳар иш охирини кўзламоқ”, “Шижоат”, “Ғайрат”, “Сиёсат”, “Огоҳлик”, “Фаросат”, “Асрор яширмоқ”, “Фурсатни ганимат билмоқ”, “Ҳуқуққа риоя қилмоқ”, “Яхшилар бирла суҳбат тутмоқ”, “Ёмон кишиларни йўқотмоқ”, “Тобелар ва хизматкорлар тартиби” каби мавзулардан иборат.

Ҳ.Лутфуллаев

### “Ахлоқи Муҳсиний”дан<sup>7</sup>

(13<sup>6</sup>–28<sup>a</sup>) **Жуд, саховат ва эҳсон.** Жуд ва саховат халойиққа манфаат етказиш бўлса, эҳсон эса яхшиликни кўрсатишдир. Саховат яхши ном чиқаришга сабаб бўлади. Эҳсон қалбдан дўст

<sup>4</sup>Усмонова О. “Ахлақи Муҳсини” Ваиза Кашифи. Введение в изучение памятника XV в перевод историко-филологический комментарий. Автореф. дисс... канд. фил. наук. –Ташкент, 1984. –С.22.

<sup>5</sup>Ricu Ch. Ethe. H. Catalogue of the Persian Manuscripts in British Museum. Vol.II. London, 1881. №443b, №812a; Dorn B. Catalogue des manuscrits et xylographes Oriental de la Bibliothe'que Imperial Publique de St. Peterburg. 1852. №262; Blochet E. Catalogue des manuscrits persans de la Bibliothe'que. Paris, 1905. T.II. №.742.

<sup>6</sup>СВР. III. №2036.

<sup>7</sup>ЎзР ФА ШИ-1. № 2116/1 рақамли қўлёзма.

тутинмоқнинг боисидир. Ҳеч сифат ва хислат одам фарзандларига, хусусан, улуғлар ва давлатмандларга жуд ва саховатдан кўра яхшироқ эмас.

Хабарда келтирилишича, саховат жаннатнинг даракларидан экан. Унинг шохи баландлиқда “ълал илийийн” га уланади. Дунёда яхши номга эга бўлмоқ унинг гунчасидир. Киши шу орқали охиратда каромат ва саодат топади.

Ҳукамонинг биридан сўралди: “Ҳамма яхши амалларни зое кетказадиган иш нима? Ҳукамо жавоб берди: “Бахиллик”. Яна сўралди: “Жамики айбларни беркитадиган амал қайси?” Ҳукамо жавоб берди: “Саховат”.

Шуни яхши билмоқ керакки, киши ўз молидан эҳсон қилишни одат қилмаса, улуғлик ва бахтиёрлик сифатини ўзига ололмайди.

Искандар Арастудан сўради: “Дину дунё саодати нима орқали бўлади?” Арасту жавоб берди: “Саховат ва эҳсондан”.

Инсон Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан савоб умиди билан бир яхши иш қилса, Худо унга ўн яхшиликни ато этади. Буни дин саодати дейдилар.

Дунё саодатини “Инсон эҳсоннинг қулидир” иборасининг мазмуни орқали билиш мумкин. Чунки одамзод кўнглини садақа ва эҳсон билан овласа бўлади. Яъни одамлар саховатнинг қулидирлар. Инсоннинг кўнгли унинг жасадига султондир. Кимки бир инсоннинг кўнглини овласа, унинг жсади ҳам унга тобе бўлади.

Бу ўринда Хисравшоҳ замонидаги бир айбдор амалдор билан бўлиб ўтган воқеани эслаш ўринлидир. Воқеа тафсилоти куйидагича:

Бир куни давлатнинг хос кишилари ва олий табақалар тўпланиб, айбдор амалдорга қандай жазо бериш кераклиги ҳақида мажлис ўтказдилар. Мажлис аҳди бир овоздан айбдорни бандга солмоқ керак деб қарор қилдилар. Хисрав сарой мулозимларининг бу яхши тадбирларига офарин айтди. Эртасига айб қилган амалдорни яна мажлисга чақириб, уни аввалги мансабидан юқорироқ мансабга тайинлади ва кўпгина қимматбаҳо матолар билан мукофотлади. Шунда аввалги мажлисда иштирок этган мулозимлар фурсат топиб шоҳга арз қилдилар: “Эй подшоҳ, нима учун аввал чиқарган ҳукмингга хилоф иш қилдинг?” Хисрав табассум қилиб айтдики, мен у кунги маслаҳатга хилоф

иш қилмадим ва айтган сўзимдан ҳам қайтмадим. Сизлар банди-га солмоқ керак дедингиз. Мен тафаккур қилиб ҳамма банддан кўра маҳкамроқ банд билан боғлаш кераклигини хулоса айладим. Кўрдимки, эҳсон ва инъомдан маҳкамроқ банд йўқдир. Шунинг учун эҳсон ва инъом билан боғладим. Бундан бошқа бандлар билан фақат жасадни боғлаш мумкин. Мен унинг кўнглини бандимга олишни ўйлаб, шу тадбирни қўладим. Чунки кўнглил подшоҳдир, жами аъзолар эса унга тобеъдирлар.

Хисравнинг бу тадбири самарали бўлди. Подшоҳга хиёнат қилган у амалдорнинг қалбидаги шоҳга нисбатан адовати эҳсон ва мурувват сабабидан йўқолди. Қолган умрини Хисравга содиқ хизматкорлар билан ўтказди.

Саховат фазилатларидан бири шуки, сахийларни жами яхши сифатли одамлар, агарчи уларнинг эҳсонидин манфаат кўрмасалар ҳам, дўст тутарлар. Масалан, агар Қашқар халқи Ҳиндистонда бир саховатпеша одам бор деб айтсалар ҳам дўст тутарлар ва унинг эҳсонига офарин ўқийдилар.

Чунончи Ҳотам Тойи вафотидан тўққуз юз қирқ беш йил ўтиб, бу рисоланинг туркий бўлганини тарихига бир минг бир юз йигирма олти йил ўтди, ҳанузгача унинг яхши сифати эсланади.

Ҳотам замонида у билан бир даврда ҳукмдорлик қилган подшоҳлар синаш учун Ҳотамга бир нечта элчилар юборганлар. Шулардан бири Шом подшоси бўлиб, у Ҳотамдан юзта қизил юнглик қора кўз туя сўраб киши юборди. Бундай туя араб диёрларида камёб ва қимматбаҳо эди. Шунингдек, Ҳотамнинг мулки ичида ҳам йўқ эди. Шом подшосининг кишиси Ҳотам қошига келиб, подшоҳ илтимосини етказганида Ҳотам қўлини кўксига қўйиб, подшоҳингизнинг ҳар ҳукмига биз банда фармонбардор деб жавоб берди.

Элчини яхши манзилга тушириб, ўзида бор неъматлар билан зиёфат қилди. Ўз мулозимларига қараб деди: араб қабилаларига боринглар ва нидо қилинглар, кимда қизил юнглик қора кўз туя бўлса, Ҳотам қошига олиб борса, икки баҳосига сотиб олади, – деб айтинглар. Буни эшитган одамлар кўпгина шундай туяларни олиб келдилар ва ўз мулкларини икки ҳисса баҳога сотиб, юртларига қайтдилар. Ҳотам юзта туяни олиб, Шом подшосига юборди. Элчи буларни подшоҳ ҳузурига элтиб бўлган воқеани сўзлаб берди. Шом подшоҳи ҳайрон қолди ва ўз мулозимларига

айтдики, келтирилган туяларга Миср ва Шомнинг қимматбаҳо матоларидан юклаб, Ҳотам салтанатига олиб боринлар. Хизматкорлар Ҳотам ҳузурига борганларида у Шом подшоҳига миннатдорлик изҳор қилди ва ўз мулозимларига буюрди: “Яна араб қабилаарига бориб айтинлар, ким менга туя сотган бўлса, ўз туясини устидаги юки билан олиб кетсин”. Орадан маълум вақт ўтгач, араб қабилааридан туя эгалари келиб, ўзлари сотган туяларини устидаги қимматбаҳо юклари билан олиб кетдилар. Бу хабар Шом подшоси қулоғига етиб борганида бу ҳиммат одамзод қўлидин келмайди, Ҳотамни саховат ишида пешқадам билдим деди.

Яна бир султон Қайсар Ҳотам саховатининг дабдабасини эшитиб, уни синамоқ фикрига тушди. У Ҳотамнинг бир зотдор, чопағон оти борлигини билар ва ўшани вақтлар келиб сўрашни ният қилганди. Бир кунни вазирини чорлаб айтди: “Ҳотамнинг саховати хабари араб ва ажам халқлари орасида фош бўлди ва жавонмардлиги, шухрати Марвдин то Қофни тутди. Менинг эшитишимча, Ҳотамнинг бир зотли оти бор эмиш. Унинг салтанатига одам юбориб, ўша отни сўрайман ва бу орқали Ҳотамнинг саховати қай даражада эканлиги маълум бўлади.

Қайсар вазири билан маслаҳатлашиб, ҳадялар ва тухфалар билан Ҳотамга бир элчи юборди. Элчи бир қанча йўл юриб, Бани Той қабиласи яшайдиган манзилга етганида ҳаво совуқ бўлиб, қор ёғди. Ҳотам элчи келганидан хабар топиб, уни кутиб олди ва яхши меҳмонхонага жойлаштирди. Хизматкорларига зиёфат учун от сўйишликни буюрганида ходимлари Ҳотамга айтдилар: “Отлар биёбонда, ташқарида яхши отдан бошқа от йўқ”. Ҳотам: “шу отни сўйинлар”, – деб буюрди. Отни сўйиб, зиёфат қилдилар ва элчи таомдан фориг бўлгач, унга дам олиш учун жой ҳозирладилар. Ҳотамнинг ўзи эса саройга келди. Эртасига эрталаб Ҳотам яна элчи қошига узрхоҳлик қилиш учун келди. Шунда элчи Қайсарнинг номасини, олиб келган тухфаларини Ҳотамнинг олдига қўйди. Ҳотам номани ўқигач, ғамга толди ва ўйланиб қолди. Элчи Ҳотамнинг юзидаги бундай малоллик асарини кўриб айтди: “Эй Ҳотам агар отни беришинг шунчалик қийин бўлса, биз сени мажбур қила олмаймиз”. Ҳотам жавоб берди: “Агар менда шундай от бўлса ва уни бир сахий киши сўраса, ҳеч назаримга илмай берар эдим. Хусусан, Румдек буюк вилоятнинг улуғ подшоҳи мендек хокисорни бир от тилаги билан сарафроз қилса, бу оз хизматим учун

мундай улуғ элчини туҳфа билан менга юборса. Менинг юзимдаги бу қадар малоллик белгиси, ғамгинлигим ҳасрат ва надомат сабаб-лидир. Ҳақиқатни айтадиган бўлсам, сиз ташриф буюрган ўша совуқ кунда зиёфат учун сўйилган жонлиқ подшоҳингиз сўраган от эди. Қанийди бу ҳақда аввалроқ билганимда, у отни зое қилмай, султонингиз талабини бажарган бўлардим”.

Рум султони сўраган отларни юборолмаган Ҳотам яхши отлардан бир нечасини олиб, уларнинг устига қимматбаҳо туҳфаларни юклаб элчидан юборди. Элчи ўз султонининг ҳузурига етиб бориб, воқеани баён қилганида Қайсар ҳам Ҳотамнинг саховатига офаринлар ўқиди.

Яман мулки подшоҳи ҳам ўша даврада саховат соҳиби сифатида таниланди. У фақирлар ва муҳтожларга инъом, эҳсон тарқатишни одат қилганди. Унинг хотирига халойиқ саховат соҳиби сифатида меңдан бошқа кишини зикр қилмасалар, оламдан фақатгина менинг эҳсоним ҳақида гапирилса деган фикр келди. Чунки қайси даврада Ҳотамнинг саховати ҳақида гап очилса, унинг ғзаби келар ва айтарди: “Ҳотам менинг салтанатимга қарашли саҳролардан бирида яшовчи бир кишидир. Унда на жаҳондорлик мартабаси, на мамлакатдорлик мансаби, на оламгирлик қуввати ва на кишвар кушолик шавкати бор. Ҳаммага маълумки, унинг қўлида на оти, на туяси ва на қўйлари бордир. Қандай қилиб кишиларга саховат айлаши мумкин. Мен Ҳотамнинг бир йиллик ҳосилини бир кунда бир гадойга бериб, унинг юз марта қилган меҳмондорчилигини бир меҳмоннинг нонуштасига сарф қиламан”.

Кунларнинг бирида Яман подшоҳи катта байрам барпо қилди ва унга барчани, яъни амалдору хизматкор, ёшу қари, бойу камбағал, мусофиру муқим, умуман, ҳаммани таклиф этди. Оқшомгача шоҳона зиёфат берди.

Зиёфат вақтида бир киши Ҳотам сифатини зикр қилмоққа оғиз очди ва ҳаммани ўзига қаратди. Шу пайт Яман подшоҳининг бу сўздан рашки келиб, жаҳди чиқди ва ҳасад томири ҳаракатга келди. Ҳотамни йўқотишдан бошқа чора қолмаганини англаб этди.

Яман салтанатида бир жоҳил киши бор эдики, у бир дирҳам учун керак бўлса, юзта одамни бошини олишдан ҳам тоймасди. Подшоҳ ўша жоҳилни ҳузурига чорлаб, кўп илтифотлар қилиб, ваъдалар берди ва айтди: “Ҳотамнинг қабиласига бориб, уни

топгин. Макр-ҳийла билан уни қўлга тушириб, бошини танасидан жудо қилгин. Натигада Ҳотамийлар орасида мотам бўлсин. Агар бу ишни қойилмақом қилиб удаласанг, сени шоҳона инъом ва Хисравона икром билан мукофотлайман”. Жоҳил киши подшоҳнинг амрини эшитиб, Ҳотамни ўлдириш мақсадида йўлга отланди. Маълум муддат йўл юриб, Бани той қабиласига етди. У бу манзилларда аввал бўлмаган ва бу қабилани илгари кўрмаганди. Шу сабабли Ҳотамнинг қайси жойда туришини ҳам билмасди. Мақсадини амалга ошириш илнжиди Ҳотам манзилини қидириб юрганида унга бир меҳрибон ширинсўз киши йўлиқди ва сўради: “Мусофир кўринасиз, қаердан келдингиз ва қаерга борасиз меҳмон”. Жоҳил киши жавоб берди: “Ямандан келдим, Шомга бормоқни қасд қилганман”. Ширинсўз киши жоҳилга илтимос қилиб айтди: “Бугун менинг кулбамда қолиб, яхшилаб дам олсангиз ва кейин ўз йўлингизда давом этсангиз. Сизнинг ташрифингиз сабабидан менинг вайрона кулбам нурафшон бўлса, беҳад миннатдор бўлардим”.

Ҳотамни ўлдириш мақсадида йўлга чиққан жоҳил йўлда учраган бу меҳмоннавоз кишининг илтимосини рад қила олмай унинг уйига борди. Мезбон жоҳилни шу даражада зиёфат билан сийладики, у ҳатто бу юртларга нима сабабдан келганини ҳам унутиб қўйди. Меҳмон ҳар соат мезбоннинг бағоят ширинсўзлиги ва меҳмоннавозлигига таҳсину офаринлар айтарди.

Улар кечани шу тариқа зиёфат билан ўтказдилар. Тонг отгач, меҳмон йўл тадоригини кўриб, ўз мақсадига тезроқ эришиш учун шошиларди. Мезбон эса унинг яна бир икки кун қолиб, меҳмон бўлишини орзу қилиб мажбурларди. Ниҳоят жоҳил бошида катта иш, масъулиятли вазифа борлигини айтиб, узр сўради. Шунда мезбон айтди: “Сенинг бошингда қандай мушкул ишинг бор мени огоҳ қил! Балки менинг ҳам ёрдамим тегар”.

Жоҳил бу кишининг дилида ғубори йўқлигини, олиҳиммат эканлигини билиб, ўз сирини айтмоқчи бўлди. Бу мушкул ишда уни ўзига ҳамдард қилмоқ ниятида мақсадини қуйидагича баён қилди: “Мен Яман салтанатада яшовчи бир одамқушман (одам ўлдирувчи), бизнинг подшоҳимиз бу ноҳияларда Ҳотам номли бир киши бор эканини, юксак саховат соҳиби сифатида машҳур бўлганини эшитибди. Бу хабардан унинг кўнглида ҳасад ўти ёниб, Ҳотамни ўлдиришга қарор қилибди. Шу сабабли мени

хузурига чорлаб, кўп молу дунё ваъда қилиб, бу мушқул ишни манга топширди. Ҳотамни ўддириб, унинг бошини туҳфа қилиб олиб боришимни тайинлади. Мен бу диёрда на Ҳотамни билан ва на манзилидан хабардорман. Сендан илтимосим шуки, менга Ҳотам ҳақида маълумот берсанг. Сенинг ёрдамнинг билан подшоҳимга қилган ваъдамни бажариб, бериладиган мукофотларга эга бўлсам”. Шу пайт мезбон кулиб: “Сен излаган Ҳотам менман, агар сенга менинг бошим керак бўлса, дариг тутмай бераман”, – деди.

Яна қўшимча қилиб: “Эй, азиз меҳмон, аҳлу аёлим ва хизматкорларим бу ишдан хабардор бўлмасдан бурун бошимни олгин ва йўлингга равона бўлгин. Шунда Яман подшоҳининг мақсади ҳосил бўлиб, сан ҳам муродингга етарсан”, – деди. Жоҳил киши бирдан Ҳотамнинг оёғига йиқилиб, унинг изларига кўзини суртиб ўпа бошлади. Ҳотам олдида хижолат тортиб, ундан минг бор узр сўради. Йўл тадоригини кўриб, беҳисоб совға-саломлар билан ўз юртига равона бўлди. Маълум вақт ўтиб, подшоҳи қабулига етиб борди ва бўлган воқеани баён этиб, мен одамзод ичида бундай кишини кўриш у ёқда турсин, ҳатто эшитмаганман деди. Бу гапни эшитган Яман подшоҳи Ҳотамнинг ҳақиқатан ҳам саховат соҳиби эканига иқрор бўлиб, унга офаринлар айтди.

“Жавоҳир ал-аммора” китобида келтирилишича, Ҳотам вафот этганида уни дафн қилдилар. Унинг қабри жойлашган манзил сув йўли бўлиб, ҳар доим ёгингарчилик сабабли сел келар ва қабрга зарар етказарди. Мана шундай ёгингарчиликларнинг бирида катта сел келиб, Ҳотам қабри вайрон бўлиш хавфи пайдо бўлди. Ҳотамнинг ўғли бу ҳолатдан хабар топиб, отасининг жасадини бошқа манзилга кўчирмоқни ихтиёр этди. Бир нечта кишилар йигилишиб, қабрни очдилар. Кўрдиларки, Ҳотамнинг ҳамма аъзоси чириб тўкилибди, фақат ўнг қўлигина ҳеч қандай зарарланмаган, худди тириклигида қандай бўлса, шундай сақланганди. Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси таажжубда қолдилар, ораларида бир валий бор эди, у: “Эй одамлар, сизлар бундан ажабланманглар ва Ҳотамнинг қўли тоза қолганига ҳайрон бўлманглар. Бу қўл кўпгина муҳтожларга эҳсон берган қўлдир, шу сабабли чиримасдан саломат ҳолда сақланган. Бундан билингарки, кофир бутпараст (бир банд) саховат воситаси билан гўрда бузилмаган



бўлса, ажаб эмаски, мўмин худопараст Ҳақ таоло бандаларига мурувват ва эҳсон кўрсатган кишилар дўзах ўтида ёнмоқ офатидан омонда бўсалар”, – деди.

Доро ҳукамоларнинг биридан сўради: “Салтанат зийнати нимада кўринади? Айтди: “Иззат билан умр сурмоқда” ва яна сўради: “Иззатни қандай муяссар қилиш мумкин? Айтди: “Дунё молини хор тутиб, садақа-эҳсонни кўп қилиш орқали”.

(33<sup>а</sup>–41<sup>б</sup>) **Баланд ҳимматлик.** Хабарларда келтирилишича, Худои таоло баланд ҳимматли кишиларни дўст тутар ва қабул назарига мушарраф қилур. Подшоҳлар учун баланд ҳимматлик бўлиш манфаатли амаллардандир. Чунки қайси инсоннинг ҳиммати кўп бўлса, иззат ва шавкатда ўзгалардан пешқадам ва олимақом ҳисобланади.

Яъқуб Лайсга йигитлик вақтларида ўз қабиласидаги бир кампир айтди: “Эй Яъқуб, сенинг ҳолингга раҳм келадикки, ҳозир сенда шаҳват ҳирси ғалаба қиладиган вақтдир. Бу ташналигингга ором берадиган кишинг йўқ. Йўл ҳозирлигини кўргин, сенга бир яхши жойдан муносиб хотин топиб берайин”. Яъқуб айди: “Албатта, гапинг рост, уйланишга менинг ҳам хоҳишим бордир. Келинга кетадиган сарф-харажатларга мулким ҳам етади”.

Кампир айтди: “Уйланиш учун нима нарсалар ҳозирлагансан менга кўрсат”. Яъқуб уйга кириб, бир шамшир олиб чиқди ва айтди: “Машриқдан то мағрибгача бўлган юртлардаги келинларнинг ҳаммасини ҳам олишга қудратим етади. Чунки мен бу шамширимни олиҳимматлик билан ишга солсам, албатта муродим ҳосил бўлади”.

**Ростгўйлик.** Ростгўйлик охирадта нажот топмоққа сабаб бўлади. Бузруклар айтадилар: “Ростгўйлик барча айтиладиган сўзларнинг озгина қисми бўлса, сен ҳам оз сўзла, чунки кўп гапиришлик ёлғонни келтириб чиқаради”. Бузруклардан яна бирлари: “Ёлғончилик кишининг обрўсига путур етказади. Ёлғончининг одамлар орасида қадри бўлмайди”, – деган эканлар.

Араб подшоҳларидан бири ўз ўғлига қилган васиятномасида: “Эй фаразанд, агар хоҳласанг, ҳамма халқ сендан кўрқайлар, бунинг учун зинҳор ёлғон сўзламаслигинг лозим. Чунки ёлғончи киши беҳосият бўлади. Агар сен халқингни минг шамшир билан муҳофаза қилсанг ҳам, салтанатни ушлаб туриш учун минг тиф

сарф қилсанг ҳам, тилингда ростгўйлик жавҳари бўлмаса, сенда хосият ҳам, салобат ҳам, ҳайбат ҳам бўлмас”, – деган экан.

Хабарлардан маълум бўлишича, Ҳажжож зодим бир жамоани ўлдирарди. Шунда у жамоадан бир киши туриб: “Эй амир, мени ўлдирмагин, бир неча муддат илгари сенга содиқ хизмат бажо келтирганман”, – деди. Ҳажжож айтди: “Менга нима хизмат қилдинг”. У киши айтди: “Фалончи сени орқангдан ғийбат қилар, олдингда эса мақтарди. Мен унга бу ишни манъ этдим”. Ҳажжож айтди: “Бу бобда гувоҳинг борми? У киши: “Гувоҳим бор”, – деб асирлар орасидан бир кишини кўрсатди. Асир киши: “Бу рост айтди. Мен ўша жойда ҳозир эдим, сенинг ғийбатингни қилаётган кишини тўхтатди”, – деди. Ҳажжож айтди: “Бу воқеа юз берган жойда булар билан бирга бўлиб, нима учун сен тўхтатмадинг”. Асир киши: “Чунки мен сени ўзимга душман деб билардим. Шу сабабли ғийбатчини тўхтатишни ўзимга лозим топмадим”, – деди. Шунда Ҳажжож бу иккала маҳбусни ҳам ўлимдан озод этди. Бирини хизмат қилгани сабабли, иккинчисини рост сўзлагани учун. Бу воқеа мазмунидан “ёлгон сўзлаш кишини ўлимдан халос қилгувчи бўлса, рост сўзлаш эса халос қилгувчироқдир” ибораси маълум бўлиб, халқлар орасида машҳур бўлди.

Ёлгон сўзлаш кишининг обрўсини тўкса, ҳазил-мазах ва ўйин одамни беиззат қилади. Хусусан, ҳукумат аҳли агар ҳазил ва мазахга мойил бўлсалар, ҳайбат ва шавкатларига нуқсон етар.

**Фаросат.** Фаросат лугатда яхши ва ёмонни ақл билан ажратиб олиш демакдир. Агар ҳақиқат махфий бўлса, уни фаросат нури билан топиш мумкин. Бузруклар айтадилар: “Ҳукумат фаросат эгалари билан зийнатланади. Сулаймон пайғамбар даврларида бўлиб ўтган ушбу воқеа фаросат сабабли одилона ечим топганди. Воқеа тафсилоти қуйидагича: “Бир куни Сулаймон пайғамбар ҳузурига икки аёл бир гўдакни талашиб, даъво қилиб келдилар. Бири бу гўдак менинг фарзандим деса, иккинчиси ҳам менинг фарзандим деб нола қиларди. Шунда Сулаймон пайғамбар даъвогарлардан исбот этишни сўраганларида иккиси ҳам ожиз қолди. Сулаймон алайҳисалом мулозимларига буюрди: “Бу гўдакни шамшир билан иккига бўлинглар. Ярмини биринчи аёлга, иккинчи ярмини эса иккинчи аёлга беринглар. Мулозимлар шамширни

кесишга ҳозирлаганларида аёллардан бири бетоқат бўлиб, йиғлай бошлади. Сулаймон пайгамбарга қараб: “Менинг улушимни ҳам мана шу аёлга берақолинг. Бекорга бу гўдакни ўлдирманглар”, – деди. Иккинчи аёлда ҳеч ўзгариш содир бўлмай, безрайиб тура-верганини кўрган Сулаймон пайгамбар фаросат билан гўдакнинг биринчи аёлга тегишли эканини англадилар. Мулозимларига қараб: “Гўдакни бетоқат бўлиб турган мана бу мазлум аёлга беринглар”, – деди. Фаросат билан шуни англаш мумкинки, мазлум аёл уни ўлдиришга рози бўлмади.

Фаросат икки қисмдир: биринчиси фаросати шаръий ва иккинчиси фаросати ҳукмий деб аталади. Фаросати шаръий шуки, қалб пок ва кўнгила соф бўлмоқ билан ғафлат пардасини кўтармоқ, яъни мўъмин киши ўзига ато қилинган кўриш неъматини билан ҳақиқатни кўра билишидир.

Хабарларда келтирилишича, Имом Жаъфар ва Имом Муҳаммад алайҳиму-р-ризонлар Масжид ал-ҳаром олдада ўтиргандилар. Бир киши масжид эшигидан кирди, имом Жаъфар айтдиларки, бу киши дурадгор кўринади ва имом Муҳаммад Боқир айтдиларки, темирчи бўлса керак. Шунда у кишидан касби нима эканини сўрадилар. У киши: “Мен аввал темирчи эдим, ҳозир эса дурадгорман”, – деб жавоб берди.

Фаросати ҳукмий шуки, уни ҳақимлар тажриба билан топибдилар. Нуширвон замонда ҳукамолар фаросат мавзусида бир китоб таълиф этган эканлар. Нуширвон ҳамisha уни мутолаа қилар ва унинг мазмуни билан ҳукм сурарди. Бир куни калта бўйли киши Нуширвон мажлисига кирди ва фарёд қилиб айтди: “Эй подшоҳ, мен фалон кишининг зулми сабабидан қийинчилик кўрдим”. Нуширвон айтди: “Сенинг гапинг ёлғон, чунки фаросат бобида айтилишича, калта бўйлик кишилар ҳийлакор ва маккор бўладилар. Аксинча, сен унга зулм қилган бўлсанг керак”.

Байт:

Фаросатдан кўнгилага кўз очилгай,  
Ҳамма ҳолатни у маълум қилгай.

Тарих китобларида ёзилишича, бир калта бўйлик киши Нуширвон олдада дод солиб айтди: “Эй султони одил, бир киши манга жафо қилди”. Нуширвон айтди: “Калта бўйлик киши-

га ҳеч ким ситам қилолмас, балки сен унга ситам қилганинг ростроқдир. Чунки қоматинг калтадир”. У киши айтди: “Эй шоҳ, менга жафо ва ситам қилган киши мендан ҳам калгароқдир”. Нуширвон унинг сўзларига ишонди ва унга ситам қилган кишининг додини берди.

### Кошифийнинг “Мавоҳиби алийя” асарида одоб-ахлоққа доир маълумотлар

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алийя” (Олий туҳфалар) асари Қуръони Каримнинг тўлиқ тафсири бўлиб, унда 114 суранинг ҳаммаси батафсил шарҳланган. Муаллиф Қуръон оятларини шарҳлашда ўқувчига тушунарли бўлиши учун ҳадислар, ривоятлар, байтлар, ирфонли сўзлар билан бирга тарихий воқеаларни ҳам мисол тариқасида келтирган. “Мавоҳиби Алийя” да кўпгина мавзулар катори одоб-ахлоққа тегишли маълумотлар ҳам мавжуд. Биз шундай маълумотларнинг баъзиларини шу ўринда келтирамиз.

Асарда тилга олинган мазкур мавзуга оид маълумотлар ичида “Луқмон” сурасидаги “Луқмон ҳаким қиссаси” нисбатан анчагина кенгроқ баён этилган. Муаллиф биринчи навбатда сурадаги оят мазмунини келтиради. Сўнгра Луқмони ҳаким шахсига тўхталиб, унинг қайси замонда яшаганини баён қилади: “Луқмони ҳаким шахси ҳақида олимлар ўртасида ихтилоф бордир, баъзилар уни пайғамбар десалар, баъзилар буюк донишмандлардан бўлган дейдилар. Саъд ва Икрима ва Шаббий у (яъни Луқмон) Аюб алайҳиссаломнинг синглиси ё холасининг ўғли эди. “Тайсир” (Осонлаштириш) номли тафсир китобида айтиладики, Боур ибн Торихнинг ўғлидир. Торих Иброҳим алайҳиссаломнинг оғасидир, Имом Абул Лайс айтадики, унинг куняси Абул Анъомдир. “Айнул маоний” (Маънолар булоғи) да келтирилишича, ўнинчи йилда Довуд алайҳиссаломнинг салтанатидан сўнг туғилди ва Юнус алайҳиссалом аҳдигача умргузаронлик қилади. Баъзиларнинг фикрича, минг йил умр кўрган. Кўпроқ олимларнинг айтишига қараганда, Луқмон пайғамбар эмас, балки ҳаким эди. У бир кишининг кули бўлиб, чўпонлик қиларди. Ҳаётий ё Бухорий айтадилар: ҳабаший эди ва Бани Исроил орасида хизмат қиларди. Имом Сижовандий қавлига кўра, тавбанинг бандаларидан эди. Бир куни

қайлаула вақтида жами фаришталар унинг уйига кирдилар, унга салом қилдилар, жавоб берди, лекин у уларни кўрмасди. Улар айтдилар, эй Луқмон биз сенинг парвардигоринг томонидан юборилганмиз. Кишилар орасида росгўйлик билан ҳукм чиқарсанг, сени ернинг халифаси қилурмиз. Луқмон жавоб бердиким, агар парвардигорим шуни ирода қилган бўлса, мен буни бажараман. Токи Аллоҳ таоло менга офият ва хайр берса, мен бу ишни сидқидилдан адо қиламан. Шунда Ҳақ субҳаноҳу таоло Луқмоннинг сўзини хушлади ва унга ҳикмат берди. Ривоятлардан маълум бўлишича, Луқмонга ўн минг ҳикмат берилган бўлиб, у ўз даври кишиларига мазкур ҳикматлардан сўзларди. Луқмон кунлардан бир кун қавмга сўзлаб турганда бани Исроил улуғларидан бири жамоат орасида ўтирарди. Луқмоннинг сўзларидан таъсирланиб деди: “Эй Луқмон, сен фалончининг қўйларини боқувчи қул эмасмисан”. Шунда Луқмон айтди: “Ҳа, албатта, мен сиз айтган кишидирман”. Яна у бузруквор сўради: “Сен қайси ишинг билан бу мақомга етишдинг”. Луқмон: “Уч нарса – чин сўз, омонатга хиёнат қилмаслик ва маънисиз одатларни тарк қилиш билан етишдим”, – деб жавоб берди.

Имом Саълабий тафсирида келтирилишича, бир куни Луқмоннинг хожаси уни ўзга қуллар билан боғдан мева келтиришлик учун юборди. Қуллар қайтишда қўлларидаги мевалардан едилар ва Луқмонни ҳам ейишга ундадилар. Луқмон уларнинг сўзларини қабул қилмади ва меваларни ҳатто татиб ҳам кўрмади. Улар хожанинг ҳузурига етиб келганларида ўзга қуллар (яъни Луқмоннинг ҳамроҳлари) келтирган меваларидан ўзлари еб кўрган бўлсалар-да, Луқмонга туҳмат қилдилар. Буни эшитган хожа даргазаб бўлди. Шунда Луқмон айтди: “Булар ўзлари қилган ишни мендан кўраётирлар, аслида меваларни ўзлари тановул қилдилар”. Хожа айтди: “Эй Луқмон, бу сўзларингни нима билан исбот қиласан”. Луқмон айтди: “Бизларга сирка ичириб, тузда озроқ югуртирсанг, кимнинг ичида нима бўлса, қайт қилиш (қусиш) орқали чиқиб келади. Шунда кимнинг ичидан мева чиқса, омонатга хиёнат қилгувчилардан бўлади”.

Қуйида “Мавоҳиби алийя”дан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳ. Лутфиллаев

**"Мавоҳиби алийя"дан<sup>1</sup>**

(56<sup>a-6</sup>) **Сабр-қаноат.** Султон Маҳмуд Ғазнавий ўзининг подшоҳлик вақтларида замонасининг донишманди, қутб авлайёси бўлмиш Имом Муқрий Ғазнавий зиёратига келади. Эй шайх, [Қуръони каримнинг Оли Имрон сураси оятидаги] "Ҳоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан" сўзларини шарҳлаб берсангиз деб сўрайди. Шунда Имом Муқрий: "Сенинг бир минг етти юзта жанг филинг, беш минг фарсанг обод вилоятинг ва юз минг отлиқ аскаринг бўла туриб, шунга ҳам қаноат қилмаган сени [Аллоҳ таоло] эски гилам, йиртиқ ковуш ва бир вайрона кулбасига қаноат қилган мен гадонинг олдига юборди. Шундан хулоса қилсанг, [мазкур] калималарнинг маъносига тушунасан", – деб жавоб берди.

(411<sup>6</sup>) **Луқмони ҳаким насиҳатлари.** "Эй менинг ўғлим намозни мукаммал адо этсанг, то сўнгги нафасинггача камол топгайсан. Ўзинг амал қилган ҳолатда бошқаларни ҳам яхшиликка буюр, ёмонликдан қайтаргин. Сенга етгувчи синовларга сабр қилгин. Ҳеч вақт такаббурлик билан киши юзига қарамагин. Балки мулойимлик, очиқчеҳралик ва тавозеъ билан киши юзига боқ. Йўлда юрсанг, одоб билан қадам ташлагинки, ҳаракатинг жоҳиллар ва дунёпарастлар каби бўлмасин. Тез ҳам юрма, қадам ташлашинг суст ҳам бўлмасин. Афзали шуки, илдамлик билан оғир юришнинг ўртаси бўлсин. Чунки илдам юрмоқ хуфт ва енгиллик аломатидир. Кичик тебранмоқ беҳайр ва улуғлик нишонасидир. Ўрта юргувчи бўлгин ва тавозеъ билан қадам қўйгин. Сўзлаганда овозингни юқори кўтармагин, яъни фарёд қилгувчи, нара тортувчи, узун тили ва қаттиқ айтгувчи бўлмагин. Агар овозингни юқори кўтариб, кишига ёқмайдиган қилиб сўзласанг, ёмон овозлардан бўласан. Чунки овозларнинг ёмонроғи эшакларнинг овозидир.

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 2181 ракамли қўлёзма.

## АБДУЛЛОҲ ИСФАҲОНИЙ

(XV аср)

Ҳаё оламнинг барқарор турмоғи шартидир.  
(*Абдуллоҳ Исфаҳоний*)

Тўла номи Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Хазравий Исфаҳоний бўлган бу олимнинг таржимаи ҳоли тўғрисида тўла маълумотлар ҳозиргача топилмаган. Фақат унинг одоб-ахлоққа доир 850/1446–1447 йилда форс тилида ёзилган “Роҳат ал-қулуб” (Қалблар ҳордиғи) номи асари маълум<sup>1</sup>. Асар таълиф этилган даврдан бошлаб, то XX аср бошларигача мадраса талабалари учун ислом қонуншунослиги ва ахлоқшуносликка доир муҳим қўлланмаларидан бири бўлган. Буни “Роҳат ал-қулуб”нинг ҳозирда ЎзР ФА ШИ фондида №4861/1 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхаси орқали билиш мумкин. Мазкур қўлёзмага кўра, асарнинг ушбу нусхаси 1228/1813 йилда Муҳаммад Қурбон ибн мулла Муҳаммад Назар исми хаттот томонидан Абдуллахон мадрасасида кўчирилган. Асарнинг асли форс тилида ёзилган бўлса-да, кейинги йилларда ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Лекин мазкур таржима ким томонидан амалга оширилгани ҳозирча маълум эмас. Биз “Роҳат ал-қулуб”ни тадқиқ этишда асарнинг форсча нусхалари билан бир қаторда ўзбек тилига таржима қилинган қўлёзмаларидан ҳам фойдаландик.

Асарнинг кўпгина қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг қатор китоб хазиналарида сақланади. Ўзбекистондаги қўлёзмалари асосан ЎзР ФА ШИ фондидан жой олган.

Энди бевосита асар мазмуни ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда ахлоқ-одоб мавзулари билан бир қаторда фикҳий масалалар, яъни ислом қонуншунослигига доир кўпгина маълумотлар келтирилган. Шу сабабли биз қуйида асардаги ахлоқ-одобга доир бобларни таржима-табдил қилдик.

Ҳ.Лутфиллаев

<sup>1</sup> СВП. VII. №5536. –С.366.

“Роҳат ал-қудуб”дан<sup>2</sup>

(40<sup>a</sup>–48<sup>a</sup>) **Собирларнинг фазилати.** Хабарлардан маълум бўлишича, донишмандлар одамни мардлик ва мардоналик билан синамагунча уларнинг ташқи кўриниши, мағурурлигига ишонмангизлар дейдилар.

Машҳур ҳикоятда айтилишича, қадимги подшоҳлардан бири умароларидан бирини олдида ўтиргизиб муҳим масала устида кенгашди. Шу пайт бир чаён келиб, подшоҳ қаршисида турган амирнинг кўйлаги ичига кириб, найзасини санчий бошлади. Амирнинг танасига тез-тез ниш урса-да, у ҳеч нарса бўлмагандек подшоҳнинг сўзларини диққат билан тинглади. Унинг бадани қанчалик оғримасин, мажлисда буни ҳеч кимга билдирмади. Орадан маълум вақт ўтиб, мажлис тамом бўлди ва амир уйига келди. Кийими ичидан чаённи чиқариб ташлади. Бу хабар подшоҳга етиб борганда таажжубланди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, чаён чаққан амир яна подшоҳ қабулига келди. Подшоҳ айтди: “Эй амир, киши зарарни ўзидан даф қилмоғи вожибдур, сен буни билмайсанми? Нима учун чаённи ўзингдан олиб ташламадинг ёки бундан бизни хабардор қилмадинг?” Шунда амир жавоб берди: “Эй шаҳаншоҳ, мен унчалик бесабр эмасманки, сандек подшоҳнинг хизматида туриб, сўзингни бир чаён захри сабабидан узсам. Агар бу каби мажлисда чаён захрига сабр қилолмасам, эртага турли душманларнинг захарли олов ва тигларига қандай сабр қилишим мумкин”. Амирнинг бу сўзлари подшоҳга бисёр хуш келди. Натижада амирнинг лавозимини бир неча поғона юқори кўтарди. Ҳикоятдан кўриниб турибдики, инсон сабр сабабидан бу дунёда даражаси шундай кўтариладиган бўлса, охиратда шубҳасиз муродига етади.

Аллоҳ сабр қилувчиларни ҳисобсиз жаннатга киритур. Улуғлар айтдилар: “Худои таолони доимо эслаб юрувчи, [синовларга] сабр қилувчи кишилар жаннатга кирувчилардир”. Яна бошқа бир қавлда айтилган: “Тўрт нарса яхши амалнинг хазинасидир:

- 1) Гуноҳларини яширмақ;
- 2) Балоларга пинҳон сабр қилмоқ;

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 4861/1 рақамли қўлёзма.



- 3) Яширин садақа бермоқ;
- 4) Ҳар қандай дард ва балога сабр қилмоқ”.

“Фарзанди ўн икки ёшга етиб нобуд бўлган ва бу мусибатга сабр қилган ота-онага қиёмат куни бериладиган ажр-мукофотларни ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайди”, – дейилган. Чунки қиёмат бўлса, сабр қилган ота-онанинг олдига ўлган фарзандлари келтирилади ва унга уч маротаба “Жаннатга боргин”, деб айтилади. Шунда ҳалиги фарзанд “То ота-онам бормагунча бормайман”, деб жавоб беради. Шу пайт охир замон пайгамбари Муҳаммад мустафо бу гўдакнинг ота-онасини шафоат қилганларидан кейин уларга жаннатга киришга изн берилади.

Ҳар ким бировнинг таъзиятига сабр қилса, унга беҳисоб савоб ёзилади. Худои таоло уни қиёматнинг аччиқлигидан омонда тутгай ва ҳамма гуноҳларини кечиргай.

Ҳеч нарса Худои таолога икки нарсадан дўстроқ эмас. Биринчиси маъсиятга сабр қилишлик, иккинчиси аччиқ ва ғазаб келганда ўзини тутмоқ. Саҳобалардан Абдураҳмон ибн Авф ўғиллари вафот этганда Муҳаммад ва Иброҳим алайҳиссаломлар ҳам ўғилларидан ажралганларида зор-зор йиғлаганликларини эшитиб: “Расууллоҳ мусибат етганда йиғлашликдан бизларни қайтарган бўлсалар-да, ўзлари йиғладилар”, – деди. Шунда расул алайҳиссалом: “Мен сизларни мусибат етганда йиғидан қайтармадим, бироқ ҳасса тутишлик, ёқа йиртишлик, ўзингизни ерга уришликдан қайтардим”, – дедилар. Мусибат етганда ушбу қайтарилганларни қилувчи кишилар қиёмат куни гўрларидан бошларини кўтарганларида иймонларидан ажралган ҳолда тирилдилар. Чунки уларнинг ўлаётган вақтларида иймонлари олиб қўйилади.

(53<sup>a</sup>-60<sup>b</sup>) Ҳаё. Ҳаёнинг маъноси ёмон ишларни қилмоқдан уямоқ деганидир. Инсон зотига ҳаё шараф ва ҳислатдир. Улуғларнинг айтишларига қараганда, иймон бир дарахт бўлса, ҳаё унинг шоҳидир. Ҳаё оламнинг барқарор турмоғи шартидир. Агар шарм сифати орадан кетса, ҳеч киши бир-биридан уялмаса, оламда турли низолар келиб чиқиб, инсониятнинг яшаш тарзига путур етар. Кишилар бир-бириларига нисбатан диёнат сақламаслар. Инсонда ҳаё деб аталмиш сифат бўлмаса, у нима ни хоҳласа қилади. Яхши одатлар меваси ҳаё суви ва офтобидан парвариш топмаса, доим хом, яъни пишмаган ҳисобланади. Бас, маълум бўладики, халойиқ ҳаё сабабли кўп фойда топадилар.

Ҳаё бир неча қисмга бўлинади: Биринчиси ҳаёи ато деб аталади, бу ҳақ таоло берган неъматларидан баҳраманд бўла туриб, унинг даргоҳида исён қилиш (яъни неъматлар шукронасини адо этмаслик)дан уялмоқдир. Чунончи, Одам алайҳиссалом жаннатда юрган кезларида буғдойни ҳидлаганда эғнидаги кийимлари тўзиб, тўкила бошлади. Буғдойни татиб кўрганда бутун бадани кийимсиз қолди. Дарҳол Одам ҳар томонга қочиб, ҳар дарахтнинг орқасига яширинарди. Хитоб келдики, эй Одам, мендан қочаяпсанми? Одам айтди: “Илоҳим, сендан нима учун қочайин ва қаерга борайин. Менга беҳисоб неъматлар ато қилган бўлсанг ҳам, мен гуноҳга юз тутганим сабабли сандан шарм қилиб беркিনিшга ҳаракат қилмоқдаман. Агар гуноҳимни кечирсанг ҳам шармандаи шармсор бўлганим боқий турар”.

Ҳаёнинг яна бири ҳаёи карам деб номланади. Бунинг батафсилроқ таърифи куйидагича: [Аллоҳдан бирон нарса] сўрагувчи бандасини карим [Аллоҳ] қуруқ қайтаришдан шарм қилади. Яъни бандалардан бири Аллоҳдан ҳожат тилаб, қўл кўтариб дуо қилса, унинг қўлини [Аллоҳ] фазли ва раҳмати билан тўлдирмасдан холи қайтармоқдан шарм қилар. Бу ҳақда ушбу ривоятни келтириш ўринлидир. Халифа Маъмун замонида Бағдоод подшоҳлигида бир аъробий бор эди. У шу заминда ўсиб-улгайиб, умргузаронлик қиларди. Аъробийнинг умр бўйи ичган суви шўр ва бемаза бўлиб, умри давомида ширин сув қандай эканини ҳис қилмаганди. Вақтлар келиб аъробий қабиласида қаҳатчилик бўлди. Аъробий егулик қидириб, ўзи истиқомат қилаётган маскандан ташқарига чиқди. Юртидан узоқлашиб, анчагина йўл юргандан кейин тупроғи пок, деҳқончиликка мос бир ерга етди. У ерда ёмғир суви тўпланган бир чуқур кўрди. Унда тўпланган сув юзасидаги хас-хашақларни шамол чуқур қирғоғига чиқариб, сувни анчайин тозалаб қўйганди. Аъробийнинг кўзига бу сув ажойиб, соф ва бениҳоят латофатли кўринди. Чунки у шу пайтгача ер юзидан бундай сувни кўрмаганди. Таажжубланиб сув олдига борди ва бир қултум ичди. Томоғи бисёр ширин ва лазиз таъми сезди. Шунда аъробий ўзи-ўзига айтди: “Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жаннатда жуда мазали суви борки, ҳаргиз таъми ўзгармас деб эшитган эдим. Агар адашмасам ҳақ азза ва жалла менинг фақир ва муҳтожлигимга раҳм қилиб, оч ва бечоралигимнинг ажри сифатида бу сувни беҳиштдан менга юборди. Фурсатдан фойдаланиб

ушбу сувдан бир оз олиб халифага, яъни Бағдод подшоҳига олиб борай. Шоядки, подшоҳ бу улуг тухфам баробарида менга бисёр эҳсон қилса. Мен ва аҳли аёлим подшоҳ берган инъомни баракоти билан қаҳатчилик балосидан қутулсак”.

Аъробийнинг ўзи билан бирга олиб келган бир меши бор эди. Ўша мешига сувдан тўлдириб, Бағдод сари йўлга отланди. Бир қанча вақт йўл юриб, Бағдодга яқинлашганида узоқдан кўпгина кишиларнинг келаётганларини кўрди ва уларни кузата бошлади. Диққат билан қараса, подшоҳ овга чиққан ва мулозимлари билан келмоқда экан. Аъробий йўлга пешвоз чиқиб, подшоҳни дуо қилишга чоғланди. Шунда подшоҳ аъробийга қараб: “Эй аъробий, қаердан келаяпсан деб сўраганида аъробий шундай жавоб берди: “Фалон жойда яшовчи қабилалар қаҳатчилик балосидан азият чекмоқдалар. Мен ҳам ўша қабиланинг бир вакилиман”. Яна халифа сўради: “Қаерга бормоқчисан”. Аъробий айтди: “Сенинг даргоҳингга келаётирман ва албатта куруқ келганим йўқ. Балки улуг тухфа олиб келдимки, ҳеч ким унинг орзуси висолига етган эмас. Ҳеч махлуқнинг кўзига унинг жамолини мушоҳада қилмоқ муяссар бўлган эмас. Халифа таажжубланиб: “Олиб кел, нима келтирдинг кўраин”, – деб сўради. Аъробий мешни халифа қошига олиб келди ва дедикки, бу жаннат сувидир одамлар буни ёруғ оламда ичиш у ёқда турсин, ҳатто кўрган ҳам эмаслар.

Бағдод подшоси жиловдорига сувдан татиб кўриш мақсадида бир қадаҳ беришни буюрди. Мулозим мешдаги сувдан қадаҳга қуйиб, подшоҳга узатди. Подшоҳ кўрдикки, сувнинг ранги бузилган ва мешнинг таъсиридан бадбўй ҳид олган. Подшоҳ бу ҳолатни бошқаларга сездирмасдан қадаҳдаги сувдан бир қултум татиб кўрди. Фаросат билан ўзини шундай тутдики, сувнинг нохушлигини на мулозимлари ва на олиб келган аъробий сезди. Шунда аъробийга қараб: “Эй аъробий, рост айтдинг, бу ажойиб ва латофатли сув, ғаройиб ва ширин шарбат экан. Буни ҳар кишига бериб бўлмайди, идишнинг оғзини маҳкамлаб, ўзимга сақлаб бер”, – деб буюрди. Мулозимларига қараб: “Қадаҳда қолганини мен ишлатадиган сувга қўшиб қўйингла”, – деди. Подшоҳнинг буйруқлари бажарилгандан кейин аъробий сари юзланиб: “Эй арабнинг оғаси, менга яхши табаррук ва хуб тухфа олиб келибсан. Нима сабабдан келдинг ва нима ҳожатинг бор. Аъробий айтди: “Эй мусулмонларнинг бошлиғи, қабилам халқи

қаҳатчилик ва очликдан ҳалокатга яқин етди. Аҳли байтим ҳароб бўлди. Мен егулик қидириб ўзга юртларга чиқишга мажбур бўлдим”. Подшоҳ аъробийнинг сўзларини батафсил эшитиб, мулозимларига буюрди. Бунга минг динор беринглар. У қабиласи ва оиласининг ҳожатини чиқарсин. Аъробий тухфаларни олиб, ўз юртига қайтгандан кейин подшоҳнинг яқинларидан бири айтди: “Эй шаҳаншоҳ, аъробий келтирган сувни ҳеч кимга ичириб кўрмасдан ва унинг саройга боришини ҳам кутмасдан йўлдаёқ ҳожатини чиқарганингнинг ҳикмати нимада?”. Подшоҳ мулозимларига қараб: “Унинг менга тухфа қилиб келтирган суви бисёр нохуш, бадбўй экан. Аммо ўзи ичиб роҳатланган сувига боқиб, уни беҳишт суви деб ҳаёл қилган экан, мен уни ҳеч иккиланмасдан қабул қилдим. Агар бирорталарингизга у сувдан татиб кўриш учун берганимда унга қилган мурувватимдан мени қайтарган бўлар эдингизлар. У бечора эса бу ишдан шармисор бўларди. Агар уни бу ердан қайтармаганимда ҳам олдидан чиқадиган дарёни кўрар ва менга олиб келган бадбўй, бемаза сувидан ниҳоят даражада хижолат тортган бўларди. Мен бу ҳолни тафаккур қилиб, бир банданинг шармандалик ва дилхиралиқдан узоқ бўлишини ўйлаб шу ишни қилдим”, – деди. Яна қўшимча қилиб айтдики, бир муҳтож киши менинг сахийлигим умидида мендан ёрдам сўраб келса ва у ҳузуримдан хижолат бўлиб, қуруқ қайтиб кетса, бу иш менга маъқул кўринмайди.

Ҳаёнинг яна бир қисми адаб ҳисобланади. Бундай ҳаё гайридинлар томонидан қилинган эзгу ишлардир. Чунончи Нуширвон наргис гули турган уйда ҳаргиз хотинлари ва канизаклари билан мубошарат қилмасди. Бунинг сабаби сўралганида наргис қараб турган кўзга ўхшайди. Мен ундан ибод қиламан. Аммо бу иш Нуширвон томонидан қилингани учун ҳаё ҳисобланмайди. Чунки ҳаё иймондан пайдо бўлади. Нуширвон эса иймон эгаси эмас, балки оташпараст эди. Бундай ишлар иймон келтирган подшоҳлар томонидан содир бўлса, уни ҳаёи адаб дейдилар.

Қитъа:

Кўнгликим ҳаё васфидин тўлғуси,  
Худо нури сийнаси бўлғуси.

(64<sup>6</sup>) **Ғийбат.** Машхур қавлларда мусулмонларни ғийбат қилиш уларнинг гўштини ейиш билан баробар экани айтилган.

Ғийбат тўрт қисмга бўлинади:  
 Биринчи қисм ғийбат куфрдир;  
 Иккинчи қисм нифоқдир;  
 Учинчи қисм маъсиятдир;  
 Тўртинчи қисм мубоҳдир.

Куфрга олиб борувчи ғийбат бировнинг номини ёмонлик билан зикр этиб ғийбат қилишдир. Кишининг исмини айтмасдан туриб ғийбат қилиш нифоқ ҳисобланади. Бировни ёмон сифат билан сифатлаш маъсият саналади. Фосиқ, золим ва бенамоз инсонларни ғийбат қилиш мубоҳдир. Шунга қарамай, бу ишларни одат қилганлар агар тавба қилмасдан туриб бу дунёдан ўтсалар, дўзахга кирадилар.

(70<sup>6</sup>) Холид Рабиъ раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки, “Мен бир куни Бағдод масжидида ўтиргандим. Уша ерда тўпланган кишилар бировни ғийбат қилдилар. Мен ҳам уларга қўшилиб ўтиргандим. Кечаси тушимда бир киши олдимга бир товоқда тўнғизнинг гўштини олиб келиб, менинг олдимга қўйиб “егин”, деди. Мен “тўнғизнинг гўштини емайман”, деб айтдим. У киши менга бир дўқ урдик, гўёки юрагим ёрилгандек бўлди. Сўнгра айтди: “Бундан бемазароқ гўштни единг буни нега емайсан?” – деди. Мен “қайси гўштни”, деганимда “кундузи қилган ғийбатинг”, – деб айтди. Мени ерга босиб, ул гўштдин бир пора оғзимга сукуб, мени уруб едирди. Анинг ҳайбатидан уйғондим. Вой эй, ул гўштининг бемазалиги то қирқ кунгача оғзимдан кетмади. Ва ҳар гўшт кўрдумки, кўнгулум оғор эди. Оҳ шул гўштини егин деб. Ҳазрати пайғамбар айтгур: “Ҳар маърақада уч нимарса бўлса, анда худои таолонинг раҳмати йўқдур. Аввал дунёни кўп бор ёд қилиб, иккинчи тих(г) кулки бўлса, учинчи ғийбат қилса”. Яна бир қавлда: “Ғийбат қилиш зинодан ҳам ёмонроқдир”, – дейилган.

(78<sup>a</sup>-83<sup>a</sup>) **Ота-онанинг ҳурмати.** Муҳаммад алайҳиссалом айтдилар: “Ҳар ким ота-онасига озор берса, менга озор бергандек бўлмай, ҳар ким менга озор берса, Худои таолога озор бергандек бўлмай, ҳар ким Худои таолога озор берса малъундур”, – дедилар. Бошқа бир қавлда: “Худои таоло Қуръонда хабар берибдурки: “Шукр қилинглр манга “Худодурман ва ота-оналарингни шукрини ҳам бажо келтиринглр”, яъни аввало уларнинг ризолигича бўлу. Ҳар ким ота-онасига итоатсизлик қилса, агарчи ер юзининг тоатини қилса ҳам қабул бўлмас. Агар ота-онасига яхшилик қилса,

ҳам фармонида бўлса, агарчи фосиқ ва осий гуноҳкор бўлса ҳам агар тавба қилиб ёнса (ўлса), ўрни беҳиштдаур. Худованди таоло ўзининг ризолигини ота-онанинг ризолигида қилди, айтдики: “Агар менинг ризолигимни тиласанг, ота-онангни ризо қилгил”. Нақдурки, ҳар кимки ҳар куни 5 мартаба ота-онасига дуо қилса, улар ҳаққини адо қилмиш бўлғай, Худои таоло унга раҳмат қилғай. Айтибдурлар: “Жаннат оналар оёғи остидадир”. Билгилки, ота-онанинг фарзандада бир нечта ҳаққи бордир:

- 1) Ота-онага яхши кийим кийдирғай;
  - 2) Таом берғай;
  - 3) Агар бир нарса сўрасалар тез жавоб берғай;
  - 4) Нонмурод бўлса юзини ўғирмағай;
  - 5) Уларга оҳиста сўзлағай;
  - 6) Уларни оти бирла чорламағай;
  - 7) Уларнинг орқасидан қулдай юрғай;
  - 8) Ҳар неки ўзига яроғласа, уларга ҳам яроғлағай;
  - 9) Ўзига [не деб] дуо қилса, уларга ҳам шундай дуо қилғай;
- Яна ота-онада фарзанднинг ва бир неча ҳаққи бордур:

- 1) Яхши ердин кади худо қилғай, болаларига сарзаниш қиламағай;
- 2) Яхши от қўйғай;
- 3) Қуръон ўргатғай, иймон, исломни, аҳком ва арконни ёд берғай;
- 4) Ўғилга чиройли [хулқли] хотин олиб берғай.

Машҳур қавлларга кўра, ота-она фарзанд туғилгач, анга ҳаром сут бермағай, етти кунлук бўлса, даъват берғай (зиёфат), агар ўғил бўлса икки қўй, қиз бўлса бир қўй бирла ва чўн тили чиқса, жидди-жаҳд қилғайки, ул калимаи шаҳодатни айтгурғай ва тўрт ёшга кирса, адаб ўргатғай ва чун Қуръон ўргатғай ва олти ёшга кирса, яхши-ёмонни ўргатғай ва ёмон ҳамсухбатдан сақлағай, етти ёшда хатна қилдирғай, тўққиз ёшда ўрнини бўлак қилғай, ўн ёшда намоз ўқитиб, одоб берғай.

(90<sup>6</sup>) **Шаробхўрликнинг баёни.** Ҳар ким шароб ва ароқ ичишни одат қилса, Худои таоло уни бир оғриққа гирифтор қилғайки, унинг дилу давоси бўлмағай. Шаробхўрда ўнта иллат бўлади:

- 1) Кўзининг нури кетар;
- 2) Жигари касал бўлади;

- 3) Кўрқоқ бўлади;
- 4) Бемазагўй бўлади;
- 5) Юраги оғриқ бўлади;
- 6) Халқ орасида беъътибор бўлади;
- 7) Ҳаргиз тўймас;
- 8) Халққа душман кўриниб, халқ орасида беобрў бўлади;

- 9) Умри қисқа бўлади;
- 10) Пули молида барака бўлмас.

**(100<sup>a</sup>) Қўшнининг ҳаққи баёни.**

Қўшни уч қисм турур:

- 1) Қариндошлиги, қўшнилиги ва мусулмонлиги бор;
- 2) Қўшнилиги ва мусулмонлиги бор;
- 3) Қўшнилиги бор.

Биринчи тоифа қўшнининг (қариндошлиги, қўшнилиги ва мусулмонлиги учун) учта ҳақи бор. Иккинчи тоифа қўшнининг (қўшнилиги ва мусулмонлиги учун) иккита ҳақи бор. Учинчи тоифа қўшнининг (қўшнилиги учун) битта ҳақи бор.



## АЛИ САФИЙ

(1471–1532)

Меҳмондорчиликнинг одобида ўнта одоб бор.  
Биринчи одоб бу фақирларни меҳмон қилгайлар  
ва бойларни хос қилиб зиёфат қилмагайлар.  
(Али Сафий)

XV аср иккинчи ярми – XVI аср бошида, Темурийлар даврида кўплаб маданият ва маънавият намояндалари яшаб ижод қилди. Бу даврнинг кўзга кўринган алломаларидан бири Али Сафийдир. Али Сафий Алишер Навоийнинг яқин танишларидан таниқли муфассир Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли бўлиб, ёшлигидан Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида таҳсил олган. Таҳсилни яқунлагач, Абдурахмон Жомий маслаҳатидан сўнг нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Аҳрор Валий билан учрашиш учун Мовароуннаҳрга йўл олади ва у билан 1484 йилда Қаршида суҳбатлашишга муваффақ бўлади. 1487 йилда эса яна Хожа Аҳрор ҳузурига, Самарқандга келади. Али Сафий Хожа Аҳрор вафотига қадар унинг хизмати ва тарбиясида бўлади. 1503 йилда Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” номли асари муаллифнинг машҳурликка эришишига сабаб бўлди.

Албатта, Али Сафийнинг узоқ йиллик илм таҳсили зое кетмади. Бугунги кунда Али Сафий қаламига мансуб турли мавзуларга бағишланган қуйидаги асарлар маълум: 1) “Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” (Хожа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бағиланган); 2) “Латоийф ут-тавойиф” (муаллифга замондош бўлган олимлар, шоирлар ва илм аҳли ҳақидаги ҳикоялар); 3) “Анис ул-орифийн” (насихат, ваъз, ҳадис, қисса ва ҳикоялар); 4) “Ҳизр ул-омон мин фитанил-замон” (Қуръони карим оятларининг сирлари ва фойдалари ҳақида); 5) “Асрори Қосимий” (тасаввуф илми ҳақида); 6) “Фарасномаи манзумаи Сафий” (катта бўлмаган шеърый дoston)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Умурзоқов Б. Али Сафий ва унинг илмий мероси // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2006. №4. –Б.315 –316.



Али Сафий илмий меросидан яна бири бу “Одоб ул-асҳоб” асари бўлиб, у одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган, бугунги кунга қадар кўплаб нусхаларда етиб келган. Асар ҳар бири 4 фаслни ўз ичига олган 8 бобдан иборат бўлиб, унда инсон одоб-и мавзуларга ажратилган ҳолда панд-насиҳат тарзида тушунтириб берилган.

“Одоб ул асҳоб” асари XIX асрда Муҳаммад Содиқ Кошғарий (XIX аср) томонидан туркийга таржима қилинган. Мазкур таржима 1889 йилда Тошкентда “Одоб ул-солиҳин” номи билан литографик усулда нашр этилган. 1895 йилда эса Н.С.Ликошин тарафидан “Одоб ул-солиҳин”нинг рус тилидаги қисқартирилган мазмуни эълон қилинган. 1900 йилда мазкур таржима Тошкентдаги “Порцев” матбаасида “Мусулмонликка оид материаллар тўплами”нинг (Сборник материалов по мусульманству) иккинчи жилдида қайта нашр этилган. Мазкур нашрга асосланган рус тилидаги матн 1992 йил “Камалак” нашриётида чоп этилган<sup>1</sup>.

Муҳаммад Содиқ Кошғарий асарни эркин ва айрим қисқартиришлар билан таржима қилган. Бу орқали таржимон асарни фақат таржима қилиш эмас, балки унинг мазмунини соддалаштириш, одоб мавзуларини қисқа ва лўнда баён этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли ислоний ва тасаввуфий билимлардан чуқур хабардор бўлмаган ўқувчи учун қийинчилик туғдирувчи жумлаалар лўнда қилиб берилган. Албатта, таржимон ўзбекча таржимани кенг китобхонлар оmmasига мўлжаллаб тайёрлаган ва у ўз олдига қўйган мақсадга эриша олган. Асарнинг тошбосма нашр асосида тошкентлик хаттот томонидан XX асрнинг биринчи чорагида Мўйи Муборак мадрасасида кўчирилган қўлёзма нусхасида асар номи “Одоб ул-асҳоб”, муаллиф сифатида эса Али Сафий тилга олиб ўтилган. Шунингдек, қўлёзма охирида Муҳаммад Содиқ Кошғарий таржимасининг 1889 йилдаги Тошкент нашри хотимаси ҳам берилган.

Қуйидаги матн асарнинг 1889 йилда Тошкент шаҳридаги “Лахтин” босмахонасида амалга оширилган нашридан тайёрланди.

<sup>1</sup> Муҳаммад Садык-и Кашкари. Кодекс приличий на Востоке (Адаб ул-салиҳин). –Ташкент: Камалак, 1992.

“Одоб ул-асҳоб”дан<sup>2</sup>

(3) Илм ва ирфон арбоблари ҳузурида маълум ва равшан-дурким, инсонларга яхшиларнинг суҳбатлари кимёи саодатдир. Ёмонларнинг суҳбатлари ёмонликнинг уруғидир. Бу маънога ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Яхшиларнинг суҳбати кўпдан-кўп фойдалар беради. Башарти одобни ўрганувчи толиби илмнинг зоҳирий ва ботиний одоб ва яхши ахлоқи бирла адабланган ва жилоланган бўлмаса, талаби унга ҳеч фойда бермас ва сулукидан ҳеч натижа ололмас. Бас, содиқ толиб зоҳирий ва ботиний одобни билиб, унга амал қилмоқликлари лозим бўлади. Токи улар фойда топиб, улуғ мартабаларга етгайлар.

(5) **Биринчи боб. Истеъзон, салом, мусофаҳа, муонақа ва тақбила этиш баёнида.**

Аввалги фасл. “Истеъзон одоби баёнида”. Истеъзон, яъни бир кишининг олдига кирмоққа изн сўрамоқ бўлиб, унда беш одоб бордир. Биринчи одоб, ҳар ким бирор кишининг уйига бориб киришни истаса, аввал эшикни орқасидан оҳиста уриб, ўзининг келганини билдиргай.

Иккинчи одоб, ичкаридан овоз чиқса, эшикнинг орқасидан унга салом бериб: “Кирсам майлими?” деб ижозат сўрагай. Бу ҳолатда уч марта изн сўралади ва ҳар бор изн сўралганда уларнинг орасида тўрт рақъат намоз ўқишлик вақт миқдоридида кутгай.

Учинчи одоб, агар уй эгаси уч марта изн сўралгандан сўнг киришга ижозат бермаса ва ё ўзи чиқмаса, кўп кутмасдан эшикдан нари кетгай.

(6) Тўртинчи одоб, агар уй эгаси “Сиз ким бўлурсиз?” – деб сўраса, исмини айтиб жавоб бергай. Аммо мен сизнинг қулингизман ё дўстингизман демагай, зеро, ўзини шубҳага солгай.

Бешинчи одоб, агар уй эгаси ҳамроҳ бўлса ва уни (уйга) бошлаб борувчи бўлса, изн талаб қилинмагай.

Иккинчи фасл. “Саломнинг одоблари баёнида”. Унда ўн икки одоб бордир. Аввалги одоб, икки мўъмин бири-бирига рўбарў келсалар, хоҳ таниш хоҳ нотаниш бўлсин, салом бергайларки, салом бериш суннатдир. Жавоби эса агар салом берган бир киши бўлса, фарзи аиндир. Агар кўп бўлса, фарзи кифоядир.

<sup>2</sup> Али Сафий. Одоб ас-солиҳин. –Тошкент, 1889. –108 б. (Тошбосма).

Иккинчи одоб, саломни ўз одоби билан “Ассалому алайкум” ёки “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ” деб адо қилгай. Аммо “Ассалому алайк” ё “Салом алайкум” демагай.

Учинчи одоб, уламоларнинг муътабар сўзларидаги жавобни бергай. Чунончи “Ва алайкум ассалом” дегай ё “Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ” деб айтгайлар. Албатта, жавобда “Ва алайкум ассалом” дегайлар, “Ва алайка” демагай. “Ва лайкум”ни “вов”ини тарк ҳам қилмагай. Ва яна кутмасдан жавоб бергайки, акс ҳолда фарз бўйнидан соқит бўлмас. Ва яна жавоб саломини салом берган кишига эшиттириб айтгайки, акс ҳолда бунда фарз бўйнидан соқит бўлмагай. Агар икки киши бир-бирига биринчи бўлиб айтишни қасд қилиб салом берсалар, бири илгари ва яна бири кейин содир бўлса, жавоб ўз-ўзидан адо топгай. Ва агар икки салом бир вақтда айtilса, бир-бирига жавоб бўлмас. Ҳар қайсисига алоҳида жавоб лозимдир.

Тўртинчи одоб, киши бир жамоа муъминларнинг олдига кириб, бир кишини махсус қилиб салом бермагай. Балки барчани қасд қилиб салом бергай. Аммо кўчада ва бозорда бир кишига махсус қилиб салом берса бўлади. Ва агар бир жамоа кишилар бир кишига салом берса, ҳаммаларига қасд қилиниб жавоб бериш лозимдир. Агар улардан бир кишини махсус қилиб жавоб берилса, бошқаларнинг саломи жавобсиз қолгайки, бу ҳолатда фарзи айн бўйиндан соқит бўлмас. Ва агар киши бошқа бир кишига унинг танишидан салом айтса ва ўша қасд қилгувчининг саломини етказса, кутмасдан (вақт ўтказмай) жавоб айтиш вожибдир. Ва аммо қасд қилган салом жавобига “Ва алайка ва алайҳа ва алайкум ассалом” тариқасида қўшиб айтмоқлик мустаҳабдир. Ва агар у киши мактубда салом айтиб юборса, бу ҳолатда ҳам жавоби лозимдир.

Бешинчи одоб, салом берган вақтда бошини пастга қаратмагай ва яна қўл, кифти ёки боши билан ишорат қилмагайки, ёмон ва макруҳдир.

Олтинчи одоб, баланд овозда салом берилгайки, ул тараф ҳам эшитсин ва жавобни ҳам салом бергувчига етказсин. Агар карга салом берилса, баланд овозда айtilгай ва ҳам қўл билан ишорат қилингай. Агар қўл билан ишорат қилмаса ва кар эшитмаса, унга жавоб лозим эмас. Агар кар салом берса, жавобда талаффуз ҳам, ишорат ҳам қилингай.

Агар гунгга салом берсалар ва у қўл билан ишорат қилиб жавоб берса, фарз соқит бўлмай. Ва агар гунг салом берса, жавоб тил билан қайтарилмай ва яна ишорат ҳам қилинмай, токи фарз бўйнидан соқит бўлмай.

Еттинчи одоб, катта кичикка, отаиқ пиёдага, юрган одам ўтирганга, хожа қулига, хожа аёл канизакка ва озчилик кўпчиликка салом бермай.

Саккизинчи одоб, бегона киши соҳибжамол аёлга салом бермай. Ва агар у салом берса, жавоб олмамай. Агар аёл соҳибжамол бўлмаса, унга салом бериш раводир. Ва агар у салом берса, жавоб лозимдир. Аммо ўз хотинига ва маҳрамларига салом бериш соҳибжамол бўлса ҳам жоиздир. Ва албатта жавоб ҳам лозимдир.

(7) Хотинлар бир-бирига салом бермаклиги суннат ва унинг жавоби фарздир. Ва агар киши бир гуруҳ бегона соҳибжамол аёлларга салом берса, ҳеч бир зарари йўқдир ва уларга жавоб лозимдир. Улар бир бегона номаҳрам кишига салом берсалар ҳам салом жавоби лозим бўлади. Ва агар бир гуруҳ кишилар бир бегона соҳибжамол аёлга салом берсалар ва ё бундай аёл бир гуруҳ бегона кишиларга салом берса, бу икки суратда ҳам жавоб лозимдир, башарти ўртада фитна бўлмаса.

Тўққизинчи одоб, ўн бир жойда салом беришлик макруҳдир ва жавоб лозим бўлмас. Булар қуйидагилардир: биринчи ҳожатхонадаги кишига. Иккинчи, аёлига яқинлик қилган кишига. Учинчи, киши ухлаган вақтда. Тўртинчи, ҳаммомда ва жунубга. Бешинчи, таом тановул қилиб турган кишига, агар таом оғзида бўлса, таом оғзида бўлмаса салом жоиз ва жавоби эса лозимдир. Олгинчи, хутба ўқиб турган хатибга. Еттинчи, азон ва иқомат айтиб турган муаззинга. Саккизинчи, намоз ўқиб турган кишига. Тўққизинчи, Қуръон ўқиб турган кишига. Ўнинчи одоб, дуо ўқиб турган кишига. Ўн биринчи одоб, эҳроми боғлаган кишига. Хайрлашув вақтида ҳам салом бермоқ суннатдир.

Учинчи фасл. “Мулоқот одоби” баёнида. Бунда олти одоб бордир.

Биринчи одоб, мулоқотда мусофаҳа қилиш, яъни қўл бериб кўришишлик.

Иккинчи одоб, қўл учи билан эмас, балки икки кафт билан мукамал мусофаҳа қилишлик. Зеро, бу сўзнинг асл маъноси

луғатларда сафҳа-и кафни сафҳаи кафга қўйилишига айтилув. Суннат ҳам шундадир. Ва яна мусофаҳага ният қилган киши то ҳамроҳи қўлини тортмагунча қўл тортмагай.

(8) Учинчи одоб, мусофаҳа вақтида юзини суҳбатдошига тўғри тутмоқлик.

Тўртинчи одоб, “Аллоҳумма солли ала Муҳаммад ва ала оли Муҳаммад” деб саловот айтгайлар.

Бешинчи одоб, ҳамду сано ва мағфират умидида дуо қилгайлар.

Олтинчи одоб, кофир, мубтадиъ, золим, фосиқ, бебок ва чиройли кишилар мусофаҳасидан ижтиноб қилингай.

Тўртинчи фасл. “Муонақа ва қўлни ўпмак баёнида”. Бунда тўрт одоб бордир. Биринчи одоб, сафардан қайтган кишиларни кўрганда муонақа қилишлик, яъни [соғинч ва меҳр юзасидан] кучоқлашиб кўришишликдир. Ёш ўғил болаларни кучоқлаб, юзларидан ўпиш жоиздир.

Иккинчи одоб, мужовирлар ўртада бир неча кун ўтмасдан ҳар кундаги мулоқотларида муонақа қилмагайларки, макруҳдир.

Учинчи одоб, солиҳ бандаларнинг қўл бериб кўришиш вақтида қўлини ўпиш мустаҳабдир.

Тўртинчи одоб, мусофаҳа вақтида улуғ машойихи киромларнинг қўлини ўпса бўлади.

(9) Иккинчи боб. **Ухламоқ, либос киймак, йўл юрмоқ ва отга минмоқ одоблари баёнида.** Ушбу боб ҳам тўрт фаслда тартиб берилган.

Биринчи фасл. “Ухламоқ” баёнида. Бунда етти одоб бордир. Биринчи одоб, киши шом намозидан сўнг машҳур дуоларни ўқигай. Шунда ҳеч нарса – илон, чаён, инс-жинс кабилар унга зарар етказмагай. Ҳаттоки, захри қотил берсалар ҳам.

Иккинчи одоб, ухламоқчи бўлган киши эшикларни маҳкам беркитиб, идишларнинг оғзини ёпгай. Ўрнини енги ёки бирор нарса билан супургай, кўрпасини уч марта силкиб қайта солгай. Сўнг олов ёки чироғини ўчиргайки, буларнинг барчаси суннатдир.

Учинчи одоб, “Наводир ал-усул” китобида келибдурки, агар ёш боланинг жойи атрофига тегишли дуони ёзиб боғласа, ушбу бола тинч ухлагай.

Тўртинчи одоб, ухлаш жойига кўп юмшоқ, мулоим нарса-

лар тўшалмагай, икки юзини қиблага қилиб, ўнг қўлини босиб, бироз таяниб ётгайки, бу суннатдир.

Бешинчи одоб, Ҳазрат Оиша (р.а.)дан ривоят қилинибдурким, “Жаноби Расули акрам (с.а.в.) ухламоқчи бўлсалар, таҳорат олиб, кийимларини алмаштириб, муборак икки кафтларини жамлаб Ихлос сурасини ўқиб, қўлларига дам уриб, аввал муборак бошларига, сўнг тамом баданларига сурар эдилар”. Бу амални уч марта қилиб, ўнг кафтларини муборак юзларига қўйиб ётиб, бундан бошқа дуоларни ҳам ўқир эдилар.

Олтинчи одоб, уйқудан турганда шукрона айтгай.

Еттинчи одоб, яхши туш кўрса, изҳор қилиб, шукр қилгай. Ёмон туш кўрса, ҳеч кимга изҳор қилмагай.

(10) Иккинчи фасл. “Либос киймоқ одоби баёнида”. Бунда етти одоб бордир. Биринчи одоб, кишининг кўнгли бир либосга ҳирс қўймагай. Қайси либос муяссар бўлса, ўшани кийгай. Жаноби Расули акрам (с.а.в.) бир либосга боғланмай, турли либосларни кияр эдилар. Хоҳ кўйлак, шалвар, ридо, изор, жома, қабо, жубба ва хоҳ пўстин, этик ёки калиш бўлсин барчасини кияр эдилар.

Иккинчи одоб, либосда такаллуф қилмагайлар ва ўзига ярашган либос кийгайлар.

Учинчи одоб, кўйлак ва жомасининг енгини то енг учигача қилгайлар ва то бармоқларини учларигача жоиздир. Ундан узун қилмагайларки, макруҳ ва суннатга хилофдир. Ва яна кийим енгини кенг қилгайларки, суннатдур. Аммо тор қилмагайлар, бидъатдир. Ва кўйлак ва изорининг узунлиги почасининг ярмигача бўлгай, то путигача ҳам жоиздир. Ундан узун бидъатдир.

Тўртинчи одоб, аксар вақтларда оқ либос кийим кийиш суннатдир. Аммо қизил ёки сариқ либос эркакларга макруҳдир.

Бешинчи одоб, киши либосини покиза тутгай.

Олтинчи одоб, неъмат аҳли, яъни ўзига тўқ кишилар яхши либослар кийгайлар. Лекин кибр қилмасинлар. Донишмандлар “Латиф либос киймак шундай кишига жоиздирки, нафсини енгиб, ҳирсини ўлдирган бўлса”, – деб айтибдирлар.

Еттинчи одоб, янги либос кийгандан сўнг шукрона айтиб, эски либосини садақа қилгайлар.

Учинчи фасл. “Йўл юрмоқнинг одоби баёнида”. Бунда ўн етти-та одоб бор. Биринчи одоб, киши уйдан кўчага чиқишга юзланганда дуо ўқигай. Яна “Оят ал-курсий”ни ўқиган киши то уйига

келгунча барча офатлардан омон бўлгай. Шунингдек, уй остонасидан чиқишда ва киришда ҳам “Оят ал-курсий”ни ўқиса, хосияти кўпдир.

(11) Иккинчи одоб, янги ойни кўрганда тегишли дуолардан ўқисин. Агар юлдузни учганини кўрган киши унга тикилиб турмасдан, кўзини тубан қилсин.

Учинчи одоб, йўл юрганда тез-тез ҳам, жуда секин ҳам юрмасдан “ҳамма нарсанинг ўртаси хайрлидир” маъносидан келиб чиқиб ўртача қадам билан юрмоқ керак.

Тўртинчи одоб, икки оёғига кафш кийгай ёки иккиси ҳам ялангоёқ бўлгай. Узрсиз бир оёқ кийим билан юрмагайларки, бу хислат макруҳдир. Ва яна оёқ кийимни нажосатдан эҳтиёт тутгайлар.

Бешинчи одоб, юрганда ёлғиз юришдан ор ва номус қилмагайлар. Ўз ортидан кимнидир атайин эргаштириб одат қилмагайлар.

Олтинчи одоб, кўчада юрганда бирор кишига тор йўлда дуч келса, ундан жирканиб қочмагай.

Еттинчи одоб, йўлда юрганда ҳар тарафга беҳуда аланглаб қарамагайлар ва сергаклик ва огоҳлик билан юргайлар.

Саккизинчи одоб, йўлда ўзини эҳтиёт қилиб юргайлар. Хусусан, бозорларда ва аҳоли кўп жойларда макруҳ нарсаларга тегинмай, агрофидаги кишиларни туртмасдан, оёғини босмасдан юргайлар. Ва агар икки киши йўлда ҳамроҳ ва ҳамсуҳбат бўлиб кетаётган бўлсалар ўрталаридан кесиб ўтмагайлар. Айниқса, аёлларнинг ўртасини кесиб ўтмоқ бағоят макруҳдир.

Тўққизинчи одоб, йўлда қори кишилар билан юрганда уларга эҳтиром кўрсатиб ортидан юргайлар. Хусусан, ҳамроҳи устози бўлса, албатта ортидан юргайлар. Уларнинг оёғини босиб олмаслик учун эҳтиёт бўлиб қадам ташлагайлар.

(12) Унинчи одоб, йўлда ҳамроҳларини риоят қилгайлар. Агар илгари юрсалар ниятлари ҳурмат бўлгай ва агар кейин юрсалар ниятлари одоб мулоҳазаси ва ҳурмат бўлгай. Балки ҳамма дўстлар йўл юрганларида балиқлар сувда юргандек бўладилар ва олдин ва кейин юрганлари асло кўнгилларига келмагай.

Ўн биринчи одоб, йўл узра бир киши билан сўзлашиб турмагай. Саломлашиб тез ўтгайлар, агар зарур сўзлари бўлса, четга чиқиб сўзлашгайлар. Аммо манзилда ёки уйда ўтирганда бир-бирларининг ҳол аҳволларини батафсил сўрамоқликлари афзал-дурки, зиёратнинг сабаби дўстлик ва муҳаббатдир.

Үн иккинчи одоб, йўлда ётган тош ёки зиён етказувчи нарсаларни олиб ташлагайлар. Ва яна зарурат бўлмаса, бурни сувини ва оғзидаги балғамини олдига, ўнгу сўлига ташламагайларки, беадаблиқдир. Четта ёки орқа тарафига ташлагайлар, аммо асло қибла тарафга ташламагайлар.

Үн учинчи одоб, йўлда заиф ва мазлумларни кўрганда ёрдам бергайлар, ғамгин кишиларни кўрганда кўнглини кўтаргайлар.

Үн тўртинчи одоб, йўлда макруҳ нарсани кўриб кўнгли бузилса, дуо ўқигай. Ҳар киши ҳамду сано ўқиса, мубталони кўрганда ҳаргиз ўша балога мубтало бўлмагай.

Үн бешинчи одоб, аҳоли кўп жойда, бозорларда калиман тавҳидни ўқигаyki, хосияти кўпдур.

Үн олтинчи одоб, кўча бошларида бекорга ўтирмагайлар. Ва агар ўтирсалар йўл ҳаққини адо қилгайлар. Йўл ҳаққи бу номаҳрамларга назар солмаслик, саомга жавоб беришлик, амри маъруф қилиш, мазлумни фарёдига етишлиқдир.

(30) Учинчи боб. **Аҳли суҳбатнинг одоб ва шароити баёнида.** Ушбу боб ҳам тўрт фаслда тартиб берилди. Биринчи фасл “Тариқат машойихларининг суҳбатлари ва зоҳирий одоблари”, мазкур боб ўн олтига одобдан иборат.

Биринчи одоб, муршиднинг суҳбат ва хизматларида мурид тавозеъ билан қуйроқ жойда ўтиргай. Ва агар муршид юқориюқ ўтиришга амр қилса, бўйсуниб, кўрсатилган жойга ўтиргай, гарчи асҳоби киборлардан юқори жой бўлса ҳам. Ўтирганда ҳам намозга ўтиргандек ўтиргайлар, беҳуда ҳаракатланмай, ораста бўлиб ўтиргайлар.

Иккинчи одоб, пирнинг мажлисларида уларнинг амрларига ҳозир бўлиб, айтганларига жону дили билан шай тургайлар.

Учинчи одоб, муршиднинг сўзларини яхшилаб тинглаб, хотирасида маҳкам тутиб, унга амал қилгайлар.

Тўртинчи одоб, агар муршид ўзидан қолган таом ёки ичимликни берса, унга ҳеч кимни шерик қилмагай, ёлғиз ўзи тановул қилгай.

Бешинчи одоб, муршидга сўз айтмоқчи бўлса, аввал муршиднинг сўзни эшитишга вақти бор-йўқлигини билиб, яхшилаб ўйлаб сўнг сўзлагайлар. Ва агар вақт бўлса, қисқа қилиб ўз мақсадини айтгайлар.

Олтинчи одоб, муршидга сўз қотганда оҳиста ва мулоимлик билан сўзлагайлар.



Еттинчи одоб, муршиднинг хизматида ва суҳбатида хомушлик ва варзеш қилгайлар. Хусусан, шайх бирор жойга бормоқчи бўлса, қаерга бормоқчисиз деб сўрамагай. Ва шу каби бошқа ўринларда ҳам шундай йўл тутгайлар.

(31) Саккизинчи одоб, барча ҳолатларда хоҳ диний, хоҳ дунёвий ишда бўлсин ихтиёрини шайхига бергай. Ўз ихтиёрича бир иш қилмагай, хаттоки емак ва ичмакда ҳам.

Тўққизинчи одоб, шайхнинг маслаҳатисиз ҳеч бир иш қилмагай, гарчи зарурий амрлар бўлса ҳам.

Ўнинчи одоб, агар шайх маслаҳат ва машварат ташласа аввало тез раъй ва тадбирни изҳор қилмай, “ўзингиз яхшироқ билурсиз”, деб айтгайлар. Агар шайх кўп муболага қилсалар, ундан сўнг хотирига арзирлик нарса келса, шикастадиллик билан арз қилгай.

Ўн биринчи одоб, шайхнинг хилватхонасига ижозатсиз кирмагайлар, чақирмагуналаригача ҳаргиз бормагайлар. Агар шайхнинг хилватхонасига кирса, унинг доимий ўтирадиган ерига ўтирмагай. Шайхнинг либосларини ва бошқа нарсаларини киймагай.

Ўн иккинчи одоб, шайх билан бир хонада ухламагай. Агар шайх амр қилсалар, одобсизлик эмас. Лекин қаттиқ ухлаб қолмагай, балки сергак тургай.

Ўн учинчи одоб, шайхига ҳазил-мутойиба қилмагай, шайхнинг ҳузурида бошқа бировга ҳам ҳазил-мазах қилмагай. Яъни мақсад суҳбат экан, ундан бошқа нарсани қилмагай.

Ўн тўртинчи одоб, шайхнинг ҳузурида асло изҳори фазл қилмагай.

Ўн бешинчи одоб, асло таҳқиқ ва тадқиқ қилмагай.

Ўн олтинчи одоб, шайхнинг синовларига ҳушёр тургай.

(32) Иккинчи фасл. “Маънавий одоб баёнида”, мазкур бобда ўн олгита одоб бордур. Биринчи одоб, мурид шайхни ўз асрида ягонаи офоқ деб билгай.

Иккинчи одоб, шайхни муридлар аҳвол ва сирларидан воқиф деб эътиқод қилгайлар.

Учинчи одоб, қаттиқ танбиҳ берса ҳам шайхнинг эшигидан кетмагай, балки кўпроқ мулозамат қилгайлар.

Тўртинчи одоб, шайхнинг мажлисларида тамкин, виқор ва тамоми одоб билан ўтиргай ва ҳар қанча оғир ўтирса, файзни

кўпроқ олгай. Чунончи, сув агар коса ичида сокин турса, ҳар бир суратнинг акси тиниқ намоён бўлади. Агар сув ҳаракатда ва титроқда бўлса, ҳеч бир акс намоён бўлмас.

Бешинчи одоб, ишда ҳамиша шайхига юзлангай. Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий (қ.с.) айтадиларки, “муриднинг хатти-ҳаракати, пир бор-йўқлигига қарамай, унинг икки қошининг ўртасида бўлгай”.

Олтинчи одоб, шайх газабланиб турганда ўзини узоқроқ тутгай.

Еттинчи одоб, шайхининг ва ўзининг сирларини халқдан махфий тутгай. Ўз сирини эса шайхдан пинҳон тутмагай.

(33) Саккизинчи одоб, воқеалар кашфида ўз илмига эмас, пирнинг илмига мурожаат қилгай.

Тўққизинчи одоб, шайхнинг душманларига яқинлашмагай.

Ўнинчи одоб, мажлисларда шайхнинг юзига кўп ҳам карамагай.

Ўн биринчи одоб, шайхнинг ҳузурида мароқабача қилмай, унга юзланиб, нима дейишини кутиб ўтиргай.

Ўн иккинчи одоб, бирор воқеа юз берса, мурид шайхга мурожаат қилгай. Аммо воқеанинг сабабини талаб қилмагай.

Ўн учинчи одоб, шайхнинг суҳбатини дўстлик ва улфатлик вазҳидан қилмагай. Балки тариқат одоби ва ички руҳият тарбияси учун суҳбатда бўлгай.

Ўн тўртинчи одоб, шайхнинг мулозаматида ёмон қилиқ ва ҳаёлларининг барчасини ташлагай.

Ўн бешинчи одоб, сўз ва ишда шайхга малоллик келтирадиган нарсалардан тийилгай.

Ўн олтинчи одоб, шайхнинг ҳеч бир хатти-ҳаракатига ва сўзларига хоҳ тилда, хоҳ дилида бўлсин эътироз қилмагай.

Учинчи фасл. “Суҳбат аҳлига лозим нарсалар баёнида”, мазкур бобда ўттиз иккита одоб бордур. Биринчи одоб, суҳбатни хилват аҳлидан ихтиёр қилмоқда беғараз бўлгай.

Иккинчи одоб, аҳли хилват билан суҳбатда таҳорат билан бўлгайлар.

(34) Учинчи одоб, либос ва баданни покиза ва муаттар тутгайлар. Бадбўй нарсалардан холи бўлгайлар, токи хилват аҳли улардан нафрат туйғусида бўлмасин. Тишларини чиригидан холи қилиб, оғизларини хом пиёз ва саримсоқ ҳамда шунга ўхшаш ўт-

кир ҳидли нарсалардан покиза тутгайлар. Токи асҳобларнинг кароҳат топишига сабаб бўлмасин.

Тўртинчи одоб, яхшилар суҳбатига ҳарис бўлгай. Бир донишманд айтадики, намознинг қазоси бор, суҳбатнинг эса қазоси йўқдир. Яъни яхшиларнинг суҳбатини уларнинг вафотидан сўнг топиб бўлмас.

Бешинчи одоб, зикр ва дарс вақтларида ҳалқа бўлиб ўтирсинлар. Бунда бир неча фойда бордир. Бири шудирки, бир-бирларига юзлари бўлгай, бир-бирларидан хабардор бўлгай, яна бир-бирларидан ўрганарлар. Ким юқори, ким қўйи эканлиги шунда маълум бўлгай, ҳеч ким имтиёзи бўлмаган ҳолда бир мақомда ўлтиргай. Агар суҳбат аҳли орасида бир улуғ киши бўлса, одоби шуки, ўзгалар юзларини ул кишига қаратиб ўтиргайлар. Агар икки киши суҳбатга тушса, рўбарў ўтиргайлар. Агар ҳеч ким бўлмаса, одоби шуки, юзини қиблага қилиб ўтиргай.

Олтинчи одоб, ҳалқанинг ўртасида ўтирмагайки, макруҳдир. Агар зарурат бўлганда ўтирса жоиз. Чунончи бирор кишига зарур сўзи бўлса ёки бир хизматни қиломоқчи бўлса.

Еттинчи одоб, мажлисларда одоб ва ҳурматни сақлаган ҳолда ўтиргай. Суҳбат аҳлига жойни кенг қўйгай, икки кишининг ўртасига уларнинг ризолигисиз келиб ўтирмагай. Ўтирган жойида жаноби Ҳақ ёди билан бўлгай.

(35) Саккизинчи одоб, такаббурлик билан ўтирмагай. Чунончи, чап қўлини орқасидан ерга қўйиб таяниб ўтирмагай. Агар узрли ҳолида икки тиззасини букиб, икки қўли билан оёгини ушлаб ўтиришлик жоиздир.

Тўққизинчи одоб, суҳбат аҳли кирган ва чиққан вақтда ўрнидан тургай.

Ўнинчи одоб, афзал кишини юқори ўтиргизгай, таъзим қилгай. Ҳар кишини ўздан улуғ англаб, таъзимда бўлгай.

Ўн биринчи одоб, ўзини беодобона сўз ва хатти-ҳаракатдан, ноўрин сукунатдан сақлагай.

Ўн иккинчи одоб, улуғ ва кичикларнинг ҳар қайсиларига ўз мартабаларига лойиқ ҳурматда бўлгай. Кекса кишиларни ота мартабасида англаб, уларга хизмат қилгай.

Ўн учинчи одоб, тавозеъ аҳлига тавозеъ, муҳсинга эҳсон ва дуойи хайр қилгай.

Ўн тўртинчи одоб, агар мажлис аҳли орасида акса келса,

имкон қадар мулойим ва паст овозда, оғзига енгини ёки бошқа нарсани тутиб акса ургай.

Ўн бешинчи одоб, аксадин сўнгра ҳамд айтгай. “Алҳамдулиллаҳи роббил оламин” дейишлик афзалдур. Ҳамдни баландроқ овозда айтгайки, ёнида ўтирган кишилар эшитсин.

(36) Ўн олтинчи одоб, аксанинг ҳамдини эшитгувчи киши “Ярҳамукаллоҳу ва яшфика” дегай. Унга жавобан акса урган киши “Валака мислу залика” дегайки, бу мустаҳабдур. Эй азизим билгилки, аксага жавоб суннат ал-кифоядур. Лекин акса ҳамдини эшитгувчиларнинг барчалари жавоб бериши афзалдур.

Ўн еттинчи одоб, агар акса ургувчи ҳамд айтмаса, эшитгувчига жавоб айтмаслик суннатдур.

Ўн саккизинчи одоб, акса ургувчи ҳамд айтмаса, мажлис аҳли унга танбеҳ бергай.

Ўн тўққизинчи одоб, агар бир неча марта акса урса, унга жавоб бермагай.

Йигирманчи одоб, суҳбат аҳлига ўз хоҳиши ва рағбати билан хизмат қилгай.

Йигирма биринчи одоб, суҳбат аҳлининг ҳеч биридан хизмат кутмагай ва хизмат буюрмагай ҳам.

Йигирма иккинчи одоб, ҳоло жойни пок тутмак каби паст ва забун ишлардан номус ва ор қилмагай.

Йигирма учинчи одоб, суҳбат аҳли учун қилган хизматларини миннат қилмагай, балки хизмати қабул бўлишига шукроналар айтгай.

Йигирма тўртинчи одоб, суҳбатда ошною бегона барчага юзини очик, тилини ширин қилгайки, бу хислат карамли хулқлар ва чиройли одоблар афзалидир.

Йигирма бешинчи одоб, шариат амрларида суҳбат аҳлига мувофиқлик қилгай, хоҳ сўзда ва хоҳ амалда бўлсин улар фикрига қўшилиб ўтиргай.

Йигирма олтинчи одоб, ўз мулкини суҳбат аҳлидан дариг тутмагай, балки ўз мулкидан уларга бериб тургай. Лекин ҳаром ишларда бўлсалар, уларга қўшилмагай.

(37) Йигирма еттинчи одоб, мажлисда агар ҳадя келса, гарчи хос бўлса-да, “ҳадя шерикликдир” ҳукмига кўра аҳли суҳбатнинг барчаларини унга шерик қилгай. Ўзи билан мулозим кишиларга йўқ бўлсалар ҳисса ажратгайлар.

Йигирма саккизинчи одоб, биродарларини ёмонлик содир бўлса, афу қилгай. Уларнинг айбларини юзига солиб, узр айтишга келтирмагай.

Йигирма тўққизинчи одоб, агар биродар фиску фасодга мубтало бўлса, хиватда унга насихат қилгай токи тавба қилсин.

Ўттизинчи одоб, агар ҳамнишинидан бири макруҳ амр ёки қабих амал маълум қилса, уни ўзгартиришга ҳаракат қилгай.

Ўттиз биринчи одоб, азизларнинг насихатларини жону диллари билан қабул қилгай.

Ўттиз иккинчи одоб, суҳбатни ва зикрни саловот билан тугатиб, ундан сўнгра тарқалгайлар.

(40) Тўртинчи фасл “Суҳбат аҳлининг баъзи атвор ва аҳволи зикрида”, Мазкур бобда ўн тўрт одоб бордур. Биринчи одоб, солик кўнгли суҳбатдан паришон бўладиган киши билан суҳбат қилмагай.

Иккинчи одоб, суҳбат вақтида эснамагай, имкон қадар юқори тишини пастки тишига маҳкам босиб, уни даф қилгай. Агар бу билан иложи бўлмаса, чап қўлининг сиртини ёки енгини тутгай. Хоҳ намозда ва хоҳ ғайринамозда, лекин намознинг қиёмида ўнг қўлини қўйгай.

Учинчи одоб, суҳбат ва мажлисларда пинакка кетмагай.

Тўртинчи одоб, мажлисда ўзини бошқалардан устун қўймагай. Имкон қадар нисбати шарифасини мажлис аҳлидан маҳфий тутгай.

Бешинчи одоб, бир киши гапириб турганда то сўзини тугатмагунча сўзламагай.

Олтинчи одоб, суҳбатда сукутни ҳаддан орширмаслик. Бир кун тамоман сукутда юрмаклик замим ва макруҳдир.

Еттинчи одоб, кўп ҳам сўзламагай. Тариқат ақобирлари айтибдурларким, соликка сўзламак қачонки тили кўнглига кўнгли жаноби Ҳаққа ноиб бўлган вақтда жоиз бўлур. Бас, толиби илмга токи нигоҳдошт, ҳузур ва огоҳлик мақомида экан, унинг ҳолатида меъёрида сукут сақлаш авлодир.

Саккизинчи одоб, сўзламақда такаллуф қилмагай. Лекин сўзлаганда фасоҳат ва балоғат изҳори учун қўл билан ишорат қилиш мумкин.

Тўққизинчи одоб, солик ўз ҳоли ва мақомидан ортиқча баланд сўзларни айтмагай. Улуғлар айтибдурларким, илми такаллуфдан сўзламак ширқдур.

Ўнинчи одоб, ҳамсухбатлар билан жангу жадал қилмагай. Агар фиқу фасод ё бидъатдан мушоҳада бўлса, мужодала қилса бўлар. Билмак керакки, ҳеч киши мусулмон биродари билан уч кундан зиёда аразламоғи дуруст эмас. Толиби илмга билмак лозимдурки, ғазаб келган вақтда ғазаб ўтини ўчиргай, акс ҳолда ножоиз ишлар қилиб қўйгай.

(41) Ўн биринчи одоб, ёронларига кўп хушомад қилмагай.

Ўн иккинчи одоб, солиқ ҳамсухбатларига кўп мутойиба қилмагай. Ҳаддини адолатлик билиб иш тутгай. Агар гоҳи рост сўзлар билан ҳозир бўлганларни кулдирса, зарари йўқдир.

Ўн учинчи одоб, ҳеч кимни ғийбат қилмагай ва ғийбатга ҳам қулоқ солмагай. Ғийбат деб бир кишини орқасидан унинг кўнгли макруҳ тутадиган нарсаларни сўзламакни айтадилар.

Ўн тўртинчи одоб, мажлисда икки киши бир-бирларига махсус қилиб пинҳоний ёки имо-ишора билан сўзлашмагайлар. Яна мажлис аҳлининг баъзилари тушунмайдиган тилда ҳам сўзлашмагайларки, бу макруҳдир.

(50) Бешинчи боб. “Беморни зиёрат қилиш, таъзия ва мусибат аҳли одоби баёнида”. Биринчи фасл “Беморни зиёрат қилиш”, яъни аҳли беморларнинг ҳолини сўрмак одоби бўлиб, унда етти одоб мужассамдир.

Биринчи одоб, ошнолардан ҳар қайсиси бемор бўлса, бориб ҳолини сўрагайлар.

Иккинчи одоб, бемор агар кофир бўлса ҳам бориб кўриш жоиздур. Аммо исломга далолат қилиш, яқин ошно ёки улфат бўламан деб ният қилмагайки макруҳдир. Ва унинг ҳолини сўраганда сиҳат топгай, ҳидоят топгай деб дуо қилгайлар.

Учинчи одоб, беморнинг олдига кирганда очиқ юз ва яхши кайфият билан сўзлашгай. Янги либос кийиб бормагай. Кулиб кириб келиб бошига яқин ўтириб, ҳадеб беморнинг юзига қарайвермасдан, кўп ҳам қаттиқ ҳам эмас, ўрта оҳангда гапиргай. Беморни қариндошларидан бошқа одам ҳар куни келиб кўриши ҳам яхши эмас.

Тўртинчи одоб, беморга аввало ҳеч зарари йўқ, касаллик гуноҳлардан поклагувчи кафоратдир деб кўнглини кўтаргай. Сўнг “кўнглингиз нимани тусайди”, деб сўрагайлар. Агар бемор кўнгли тусаган нарса унинг соғлигига зарар қилмаса, хоҳ ўзи, хоҳ беморнинг аҳллари муҳайё қилгай.

Бешинчи одоб, беморнинг олдида кўп ўтирмай тез тургай. Агар беморнинг ўзи унинг қолишини истаса, бир оз қолгай ва беморнинг кайфияти кўтариладиган сўзлардан суҳбат қилгай. Эй азизим! Билгилки, беморнинг ҳолини сўраганда ўтириш муддати сигир соғиб олишлик вақтидир.

(51) Олтинчи одоб, беморни кўргани ҳолида уни дуо қилгай ва ўзи ҳам бемордан дуо сўрагайки, беморнинг дуоסי фаришта-ларнинг дуоסי билан биробар ва мустаҳабдир.

Еттинчи одоб, агар бемор ўлим тўшагида ётган бўлса, унинг қулоғига “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ” деб шаҳодат айтгайлар. “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб мухтасар қилсалар ҳам жумҳури уламолар қошларида кифоядир. Ва яна беморнинг ёдига охиратни, тавбани ва васиятни ҳам солгайлар ва буларга далолат ҳам қилгайларки, суннатдир.

Олтинчи боб. “**Зиёфат ва емак-ичмак одоби баёнида**”. Биринчи фасл “Меҳмондорчиликнинг одоби баёнида”, унда ўнта одоб бор. Биринчи одоб, фақирларни меҳмон қилгайлар ва бойларни хос қилиб зиёфат қилмагайлар.

Иккинчи одоб, меҳмонни кўп икром ва эҳтиром қилгайлар. Меҳмоннинг икромиди муддати уч кунгачадир. Тўртинчи кунни кўп такаллуф қилмаса ҳам бўлади.

Учинчи одоб, уйнинг деворини махсус қилиб меҳмон учун ҳаддан ортиқ безамагай. Меҳмоннинг тағига гулдор гиламлар солиш жоиздур.

Тўртинчи одоб, таомни меҳмоннинг қошига тез келтиргай, нонни ва ўзга таомларни кўп исроф қилмагай.

Бешинчи одоб, меҳмонга таом қўйгандан кейин таом емоққа изн бергай. Таомдан олишни мезбон бошлаб бериши мустаҳабдир. Ва охири бўлиб тугатгай, токи меҳмон тўхтаб қолмасин. Агар меҳмон мезбоннинг таниш ёронларидан бўлса, таомга биринчи бўлиб қўл узатмагай.

Олтинчи одоб, меҳмонни таомга ҳаддан ортиқ ундамагай. То уч мартагача ундагай. Ундан зиёда қилмагай.

Еттинчи одоб, меҳмонга таом емакликда мувофиқат қилоқлик керак. Зеро, у нофила рўзани ният қилган бўлса ҳам.

Саккизинчи одоб, меҳмонга лаззатли ва тотли таомини қўйгай. Агар таом оз бўлса ва меҳмоннинг очлигини англаса, ўзи

---

камроқ егай. Таомдан сўнг меҳмон кетмоқчи бўлса, изн бериб,  
уни эшиккача кузатиб қўйгай.

Тўққизинчи одоб, уйда нимаики бўлса, мемонга қўйгай.

Ўнинчи одоб, таом ейишда ортиқча такаллуф қилмагай, яхши  
ният билан қилган бўлса бўлур.





## АЛИ ИБН МУҲАММАД АЛИ АЛ-ХОРАЗМИЙ

(XVI аср)

Ким аҳмоқ билан суҳбат қурса,  
кунма-кун ўзининг асл мақсадидан узоқлаша боради.  
(Али Хоразмий)

Тўлиқ номи Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ибн Маҳмуд ал-Мухторий ал-Кубровий ал-Хоразмий. Мазкур олим тўғрисида маълумотлар жуда кам. У ҳақда ЎзР ФА ШИнинг “Шарқ қўлёзмалари тўплами”да қисқа маълумотлар ва асарлари тавсифи берилган, холос<sup>1</sup>. Унда айтилишича, дунёнинг ҳеч бир қўлёзмалар илмий тавсифи тўпламларида олим ҳақида, унинг асарлари тўғрисида маълумот берилмаган.

Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий ўз асарларини Шайбонийхонга (1500–1510) бағишлаб ёзганидан уни XV аср охирида Хоразмда туғилганлигини ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаганлигини айтиш мумкин. Нисбасидаги ал-Кубровий сўзи унинг кубровийлик тариқатига мансублигини англатади. Муаллиф Муҳаммад Шайбонийхон 1505 йилда Хоразмни босиб олган вақтда у билан бирга Самарқанд ва Бухорога келган. “Фатовойи Шайбоний” асарининг 960/1553 йилда Муҳаммад Темур номи котиб кўчирган нусхасида муаллиф шу йили Тошкент ҳоқими Наврўз Аҳмад (1544–1552) саройига борганлиги қайд этилади<sup>2</sup>. Бу маълумотга таянган ҳолда Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий XVI асрнинг 50-йиллари охирида вафот этган деган ҳулосага келиш мумкин.

“Шарқ қўлёзмалари тўплами”да Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмийнинг қуйидаги асарлари борлиги қайд қилинган ва илмий тавсифи берилган:

1. “Фатовойи Шайбоний”. Ҳанафийлик фикҳига оид ушбу фатво асари араб тилида ёзилган бўлиб, Шайбонийхонга

<sup>1</sup> Қаранг: СБР. VI. №4845; СБР.VIII. №5858–5872; СБР. X. №6905.

<sup>2</sup> СБР. VIII. №5858.

бағишланган. Асар 43 та китобга бўлинган, фикҳий масалалар баён этилган. Асарнинг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 15 га яқин қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар орасида муаллиф дастхати билан кўчирилган қўлёзма ҳам сақланади. Мазкур қўлёзмалар илмий тавсиф этилган.

2. “Фатовойи Алиййа”. Муаллифнинг Шайбонийхонга бағишланган фатвога оид китобидан бошқа асари. Шунинг учун “Шарқ қўлёзмалари тўплами” да алоҳида тавсиф қилинган<sup>3</sup>. Муаллиф асарни 1496 йилда ёзган бўлиб, кейинчалик уни кенгайтириб, Шайбонийхонга бағишлаган бўлса керак.

3. “Ал-Жомийъ ал-алиййа фи-л-васойиқ аш-шаръиййа ва-с-сижиллот ал-маръиййа” (Риоя этилган сижиллар ва шаръий васиқалар ҳақида олий тўплам). ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 9138 тартиб рақами билан сақланадиган ушбу асар икки дафтардан иборат. Биринчи дафтарга 25 мақола, иккинчисига 34 мақола киритилган. Асар сўнгида хулоса сифатида хотима берилган. Бу қўлёзма Хива хони Аллоҳқули Баҳодирхоннинг (1825–1842) сарой кутубхонасига тегишли бўлган.

4. “Китоби Сайдиййа” (Овнома). Асар муқаддима, 15 мақола ва хотимадан иборат. Овнинг шаръий ва қонуний шарт-шароитлари баён этилган. Ун биринчи мақолада маданий, ваҳший ва сув жонзотлари ҳақида, уларнинг шаръий ва тиббий ҳукмлари борасида сўз юритилган. Фойдали томонлари, истеъмолга яроқлилиги, тиббий жиҳатлари зикр этилган, булар ҳақида ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

5. “Равзат ал-муфтийийн” (Муфтийлар боғи). Фикҳга оид мазкур асар ҳам Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмийга тегишли бўлиши мумкин. Чунки ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 10702 тартиб рақами билан сақланаётган “Сайдиййа”нинг 04<sup>а</sup>-варағида муаллиф асарлари қаторида номи тилга олинган қайд мавжуд.

6. “Фавойид” (Фойдалар). Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмийнинг Шайбонийхонга атаб ёзган “Фавойид” асари ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 6133 тартиб рақами билан сақланади. Лекин “Шарқ қўлёзмалари тўплами”нинг биронта жилдида бу асар ҳақида маълумот, илмий тавсиф учрамайди.

Форс тилида битган “Фавойид” асарида муаллиф Шайбонийхонга давлатни бошқаришда нималарга эътибор

<sup>3</sup> СВП. VIII. №5870–5871.

бериш кераклигини кўрсатади, давлатнинг обод бўлиши учун керакли фойдалар ҳақида батафсил тўхталади. Асар охирида муҳтасиблар (ички ишлар нозирлари) нималар қилиши, қандай сифатларга эга бўлиши, қандай фаолият олиб боришлари каби мавзулар ҳам ёритилган. Асарда давлатнинг маънавий юксалишида зарур бўладиган одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар тўғрисида сўз юритилади.

"Фавойид" тўртта мажлисга бўлинган. Ҳар бир мажлис қонун, зарб, матлаб каби фаслларга ажратилган. Давлатнинг амал қилиши лозим бўлган маънавий омиллар – аждодларга муносабат, ота-оналар, қариндошлар ҳаққи, устодларни ҳурмат қилиш, фарзанд тарбияси, оила муносабатлари, эру хотин муомалалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, асарда сарой амалдорлари, олим ва мирзалар амал қилиши лозим бўлган маънавий хуққлар, деҳқонлар, бадавлат одамлар, ҳунармандлар, тижоратчилар эътибор бериши керак бўлган қадриятлар ҳақида ҳам зикр этилган. Кейин муҳтасиблик шарт-шароитлари, сифатлари, мусулмонлар орасида муомала-муносабатлар, жиноятчиларни жазолаш қонун-қоидалари тўғрисида батафсил сўз юритилади.

Ҳ.Аминов

### “Фавойид”дан<sup>1</sup>

(32<sup>a</sup>) Келтиришларича, Искандар Зулқарнайнинг муаллими Арасту ҳаким бўлган. Зулқарнайн подшоҳ бўлган вақтда Арастуни ўзига вазир қилиб олди. Арастунинг маслаҳатсиз бирор нарса қилмасди ҳам, еб-ичмасди ҳам. Бир куни Арасту муҳим бир йиғилишга келолмай қолди. Зулқарнайн унга хат ёзиб юборди. Арасту унга жавоб ёзиб: "Сенга аслида маслаҳат керак эмас. Чунки сен ишни қандай ҳал қилишни жуда яхши биласан. Фақат сен маслаҳат олиш савоби ва илм ҳурмати учунгина мактуб йўллагансан. Шундай бўлса ҳам, айтаман, ишни бундай қилиб ҳал қилган маъқулроқ", – деб юборди. Зулқарнайн ўша маслаҳатга амал қилди. Ана шунинг учун ҳам Искандар

<sup>1</sup> ЎЗР ФА ШИ-1. № 6133 рақамли кўлёзма.

Зулқарнайн ўз устозини ҳурмат қилгани сабабли бутун жаҳонни қўлга олди.

Ҳикоятда келтиришларича, Ҳорун ар-Рашид бир куни сарой дарчасидан ўзининг Маъмун, Амин ва Муътасим номли ўғиллари ўзларининг устозлари ҳисобланмиш луғатшунос олим ал-Кисойга хизмат қилаётганларини кўриб қолди. Ҳорун ар-Рашид тахтга келиб ўтирганидан сўнг давлат арбобларидан: "Катта подшоҳ кимлигини биласизларми?" – деб сўради. Улар: "Сизсиз, эй амир ал-муъминин!" – дейишди. Ҳорун ар-Рашид маъқулламаганидан кейин улар халифалар, фарзандлар деб ҳам кўришди. Лекин Ҳорун ар-Рашидга уларнинг жавоби маъқул келмади. Давлат арбоблари: "Ўзингиз айта қолинг!" – деганларидан сўнг Ҳорун ар-Рашид бундай деди: "Энг катта подшоҳлар муаллимлардир. Кисойини кўриб қолдим. Ўғилларим унга шу даражада хизмат қиляптиларки, бунга ўхшаш менинг биронта хизматкорим йўқ".

**(40<sup>a</sup>) Бир-бирига яқин кишилар ва дўстлар ҳақлари ҳамда унинг шартлари баёнида.** Билгилки, биродарлик риштаси, суҳбатлашиш муомалалари муъминлар орасидаги энг шарафли робитадир. Унинг ҳақлари ва одоблари еттитадир:

Биринчиси, вафо. Дўстлик ҳақларидан бири ўз биродарининг ҳаётлигида ҳам, ўлганидан сўнг ҳам унга яхшилик қилишдир. Яъни вафотидан сўнг унинг оиласига, фарзандларига яхшилик қилади. Муҳаммад ибн Абу Юсуф Исфажоний бундай деган эди: "Салоҳиятли дўст қайда борки, сендан сўнг оила ва фарзандларинг молу дунёнгни бўлиш билан овора бўлганда у нуқул сенинг гаминг билан бўлса, сен учун андуҳ чекса! Қоронгу кечаларда сени ёд этиб дуолар қилса, сенинг руҳинг тупроқ тагида роҳату фароғатда ётган бўларди!"

Нақд қилишларича, ўтган яхши инсонлар бирлари вафот қилиб қолса, дўсти унинг оиласига қирқ йиғгача ҳам қарашиб тураверар эди. Суфён ибн Уйайнага отасидан эллик минг динор мерос қолган экан. У барчасини ўз дўстлари ва диндошларига бўлиб берди. Унга: "Буларни оилангга қолдирсанг ҳам бўларди", – дейишганда "Дўстларим учун жаннатларни хоҳлайман-ку, бу ёлгончи дунё нима ҳам бўларди!" – деган экан.

Киши ўз дўсти учун молу дунёсини аямагани каби ундан яхши насиҳатини, тўғри маслаҳатини ҳам аямаслиги керак.

Уни ички айбларидан огоҳ қилиб туриши, ёмон гаплар, қабих ишлардан қайтариб туриши лозим. Дўстини дину давлат қарши бўлган ишларни қилмасликка ундаши, ҳалокатга олиб борадиган хатоликларга йўл қўймаслигини доим уқтириши лозим. Одамлар орасида дўстининг шарманда бўлиб қолишини мутлақо истамаслиги керак. Мўъминлар амири Ҳазрати Умар: "Менинг айбимни юзимга айтган кимсага Аллоҳ яхшилик қилсин", – деган экан. Қайси мўъмин биродарининг айбини кўриб, кўрмасликка олса, уни огоҳлантирмаса, унга хиёнат қилган бўлади ва бунинг учун эртага жавоб беради.

(40<sup>6</sup>) Дўстликнинг шартларидан яна бири дўстига ёрдам бериш ва уни ҳимоя қилишдир. Ҳақиқий дўстлик шуки, инсон ҳамиша ўз дўстини кузатиб, унинг йўқлигида уни ёмонлаган, айбини очаётган, ғийбатини қилаётганлардан ҳимоя қилиб туради. Бундай пайтда сукут қилиш, андишага бориш раво эмас. Дўсти ҳақида бўлмағур гаплар эшитиб, бепарво бўлиб жим туришлик худди дўсти одамхўр итлар орасига тушиб қолганда шафқатсизларча бепарво қараб турганга ўхшайди. Хожа Муҳаммад Порсо "Фасл ул-хитоб" асарида айтишига қараганда ғийбат қилувчининг гуноҳидан кўра ғийбатга жим қулоқ тутиб турганнинг гуноҳи каттароқдир. Зеро, ғийбатнинг таъсири унинг эшитувчисининг розилиги билан амалга ошади.

Дўстликнинг тўртинчи шарти шуки, дўсти учун молу дунёсини сарф қила билишдир. Аллоҳ таоло ҳам эҳтиёжи тушиб турганда бойлигини сарф қилганларни мақтаган. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса икки биродарни бир-бирини юваётган икки қўлга ўхшатганлар. Дўстликнинг ҳаққи шуки, ўзининг муҳим ишидан кўра дўстининг муҳим ишини муқаддам қўйишдир. Арабларда мақол бор: "Мақодир ун-нафақа мавозин ул-муҳабба", яъни "Сарфлашнинг миқдори билан муҳаббатнинг мезони ўлчанур".

(41<sup>а</sup>) Бешинчи шарт хато ва айбларни кечира билишдир. Билмоқ керакки, хато ва айблар икки ҳолатдан холи эмас. Ё биродарлик ҳаққига риоя қилишдаги камчилик ёки диний амалларни енгил санашлик. Биринчисида мутлақо кечиримлилик лозим бўлади. Иккинчи ҳолатда саҳоба ва уларга эргашганлар дўстига таълим ва насиҳат бериш керак деб ҳисоблайдилар. Иброҳим ан-Наҳаъий: "Дўстингни қилган гуноҳи сабабли

ташлаб кетма, чунки у эртага тавба қилиб қолиши мумкин!" – деганлар. "Фалончи дўстинг гуноҳ ва маъсиятга берилган. Уни ёмон кўрасанми?" – деб сўрасалар, унга: "Унинг қилаётган ёмон ишларини ёқтирмайман, дўстимнинг ўзини эса яхши кўраман" – деб айтгин!"

Иброҳим ан-Нахаъий гапларининг таъвили шуки, дўстини бир айби учун ташлаб кетмасдан, унинг айбини юзига айтиб, насиҳат қилиб йўлга солиб юборса, дўсти тавбага келиб, дўстлик риштаси янада мустаҳкам бўлади.

Олтинчи шарт шуки, дўстлар орасида очиқ юзли бўлиш, бир-бирининг ҳазилини тушуниш, берган даққисини тўғри ҳазм қила билиш ҳам керак. Ҳасан Басрий айтган экан: "Дўстларимизни оиламиз ва болаларимиздан кўра яхши кўрамыз. Сабаби, болаларимиз бизни фақат ўзини ўйлайдиган қилиб кўяди, дўстлар эса ҳаммани ўйлайдиган қилади". Ҳазрати Али: "Аллоҳ таолога энг сеvimли қалб дўстларига меҳрибон бўлганидир", – деган.

Еттинчи шарт тил билан ёрдам беришдир. Бу ғийбат қилмаслик, унинг айбини ҳамманинг олдида очмасликдир. Дўстининг сўзларида хато ва ғалаталикни сезиб қолса, дарҳол юзига солмаслик керак. Балки одамларга сездирмасдан юмшоқлик билан унинг гапларини тўғрилаш лозим. Дўстининг чиройли гапириши, гапга устомонлиги билан фахр қилишни билиш ҳам керак.

(41<sup>6</sup>) Айтадиларки, ақлли инсон қуйидагилар билан ошно бўлмайди: зарар берувчи фосиқ, ҳарисманд бахил, қайсар бидъатчи, такаббур бадхулқ, жоҳил аҳмоқ. Жоҳил шуки, келажакдаги мақсади бўлмайди. Аҳмоқ киши эса керакмас ва интилиш мумкин бўлмаган нарсани асл мақсад деб билади. Демак, ким аҳмоқ билан суҳбат қилса, ҳар куни ўзининг асл мақсадидан узоқлаша боради. Шунинг учун ҳам Ҳасан Басрий: "Аҳмоқдан узилиш ҳақиқатга яқинлашишдир", – деганлар. Суфён Саврий эса: "Аҳмоқнинг юзига қараш хатоликдир!" – деган экан.

Бадхулқ кишида эса ёмонланган сифатлар ғалаба қилган бўлади. Бундай сифатларга эга кимса бирорта ишнинг гадбирини тўла амалга ошира олмайди, балки ёмон сифатлари ғолиб бўлиб, ишнинг пачавасини чиқаради. Натижада мақсаддан маҳрум бўлиб қолади.

Бидъатчининг суҳбатидан эса бидъат-хурофотнинг таъсири унга ҳам ўтади. Мубтадеъларни жазолаш буюрилган бўлса, улар билан қандай дўстлашиш мумкин?!

Зарарли фосиққа эса суюниш ярамайди. Кимки Худодан кўрқмаса, унинг динга ҳам, дунёга ҳам фойдаси тегмайди.

(42<sup>a</sup>) Аббосийлардан еттинчи халифа Абдуллоҳ ибн Ҳорун ибн Маъмун айтган экан: "Одамлар уч хил бўлади. Аввалгиси – маънавий озуқа олиш сабабчилари. Уларнинг суҳбатидан қочиш мумкин эмас. Булар қалб соҳиблари бўлиб, қалблари илму маърифат билан тўла, вужудлари маънавият билан йўгрилган зотлардир. Улар ўз насиҳатлари ва таълимлари ила гофилларнинг ўлик қалбларини тириштирадilar. Иккинчиси – даво олиш сабабчилари. Улар касалликни даволловчи тиббиёт ходимлари бўлиб, уларга гоҳ-гоҳида муҳтож бўлинади. Учинчиси биродарлик ва суҳбатдошлик робитасини боғловчилар. Мусулмонлар орасида меҳр-муҳаббат оқибатида юзага чиқадиган бундай робитанинг бўлиши бир-бирларига нисбатан вафо, садоқат, меҳр, шафқат, ёрдам бериш, бировни ўйлаш каби шарафли маънавий хислатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Билгинки, сен биродар тутмоқчи бўлган кимсада бундай маънавий хислатлар бўлмаса, у билан дўст тутинмай қўя қол. Чунки ундай фосиқлар икки дунёнда сенга фойдаси тегмайди".

Ходимларнинг раҳбарлари устидаги ҳақларига келадиган бўлсак, еб-ичиш, кийинишда ўзи билан тенг тутиши, уларга тоқатидан ташқари ишни буюрмаслиги, ибодатини ўз вақтида адо этишига имкон бериши, кундузи иш буюрса, кечаси яна иш буюрмаслиги, нуқсон ва камчилигини кечириб туриши кабилардир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бири киши келиб: "Камчиликларни неча бор авф қилиш мумкин?" – деб сўраганда, ул зот: "Бир кунда етмиш бор ҳам авф қилиш мумкин!" – деган эканлар.

(58<sup>a</sup>) **Дехқонлар ва зироатчилар одоби ҳақида.** Билгилки, зироат ва деҳқончилик ҳунарларнинг энг яхшиси, касбларнинг энг фойдалисидир. Билмоқ керакки, деҳқонлар уч тоифа бўлади.

Биринчиси, ўзларининг мулки ва ери бўлади. Улар экувчи ва мардикорларга муҳтож бўладилар. Уларнинг одоби шуки, экувчиларга, шогирд ва меҳнаткашларга паст назар билан қарамасин. Улар эвазига мол-дунё тўплашни кўзламасин, бундай

арзимас нарсани деб охират зироатгоҳини вайрон қилмасин. Зотан, дунё охират зироатгоҳидир. Экин-тикинидан чиққан ҳосил билан бутун инсониятга фойда тегишини ният қилсин, ҳайвонлару паррандалар ва одамзодга ҳалол ризқ етказиб беришини ўйласин. Боғ ва экинларидан чиққан фойдадан бечораларга ҳам удушлар ажратсин, халқининг эҳтиёжларига ҳам сарф қилиб турсин. Агар ҳосилни кам олса, ёмғир кам бўлиб қурғоқчилик бўлса, кўнглига оғир олмасдан, тақдирга тан бериб, ризқ Худодан эканини ўйлаб, ишни янгидан бошласин. Бировнинг ерига кўз олайтирмасин.

Қишлоқ оқсақоллари иккинчи тоифага мансуб бўлиб, улар қишлоқ аҳли орасида тинчлик ва тотувликнинг барқарор бўлишини таъминласин. Ҳаммани тенг кўрсин, кучсизлар қолиб, кучлиларнинг ёнини олмасин. Доим ҳақиқат тарафида турсин. Халқнинг мулклари ва ҳосилларидан тама қилиб ўтирмасин. Яхши яшаб, ёмонликдан узоқ бўлсин.

(58<sup>б</sup>) Учинчи тоифа зироатчилар ва мардикорлар бўлиб, тоқатлари етгунча аввалги тоифадагиларга хизмат қилсин. Омонат ва диёнатни унутмасдан, хиёнат ва алоқалар бузилишидан узоқ турсин. Ёлғондан сақланиб, ер эгаларига рўйи рост гапирсин ва уларнинг моли дунёси кўпайишига ҳисса қўшсин. Чорпо ва ҳайвонларга зулм қилмасин, устларига оғир юк ортмасин, тоқатларидан ортиқча иш қилдирмасин. Фақат ўзини ўйлаб, Худонинг яратувчи эканлигини унутиб қўймасин.

(60<sup>а</sup>) **Молдорларнинг одоби ҳақида.** Моли дунё бир нарвон мисолидир. У билан олий даражаларга кўтарилиш ҳам мумкин, пасткашлик тарафига кетиш ҳам мумкин. Худо ва унинг бандалари олдида ёруғ юзли бўлиш, баланд обрўга эга бўлиш, дўзахга қулаш, халқ олдида шармандаю шармисор бўлишнинг ҳам имконияти моли дунёда мавжуд. Демак, молдор бўлишнинг ҳам ўзига яраша одоблари, қонун-қоидалари бўлар экан. Молдор инсон бойлигини Аллоҳ берганини унутмаслиги, камбағал ва бечораларга имкон даражасида ёрдам бериши, қариндош-уруғларига силаи раҳим кўрсатиб, меҳр-оқибатли бўлиши, бадавлат бўлиб кетганидан сўнг ҳам борди-келдини узмаслиги керак. Риё ва фахрланиш, мақтанчоқлик, исрофгарлик, макру ҳийла ва алдоқчилик каби иллатлардан ниҳоят даражада ҳазар қилиши лозим. Бундай иллатлар хайр-



еҳсон ва яхшиликларнинг савобини йўққа чиқаради. Бадавлат инсон қўшни-ҳамсояларининг ҳаққини билиши, бевалар ва етимларга ёрдам қўлини чўзиши ҳам керак. Молдор хайрли ишларга бош қўшишга, халққа фойдаси тегадиган макон ва бинолар барпо этишга жидду жаҳд кўрсатади. Молдорлар тилига эрк беравермасин. Жанозаларга қатнашиб, керак ёрдамини бериб турсин. Қарз сўраб келганларга қарз беришдан ўзини олиб қочмасин.

(60<sup>6</sup>) **Хунармандлар одоби ҳақида.** Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Энг ҳалол мол инсон ўз қўли касбидан еганидир", – деган эканлар. Билгинки, хунар ҳамда касб илм ва қудрат билан бўлади. Касб қилувчи ўз ишига пухта ва ҳалол бўлмоғи керак. Ростгўй, меҳр-оқибатли, тўғри йўлдан қайтмайдиган бўлсин. Касбини ҳаром ва шубҳали иш ва йўллардан асраб-авайласин. Кам бериб, кўп олишга интиямасин. Ҳаромдан бойлик орттирувчилар билан шериклик қилмасин. Бирор нарса қилса, айбли қилмасин, айбу нуқсонини яширмасин. Доим инсоф қилсин. Хунарманд хунари йўқлар, матонинг баҳосини биламайдиганлар устидан кулмасдан, уларни алдамасдан, матосининг қийматини одатдагидан оширмасдан иш юритсин. Нуқсонларини яшириб ўтирмасдан, озига ҳам қаноат қилишни ўргансин. Ҳалол касби билан топганидан садақа қилишни ҳам билсин.

(65<sup>6</sup>) **Тижорат одоби ҳақида.** Дунёвий тижоратнинг шартти шуки, ўзига кучли тижоратчи бўлиб олишни шиор қилгай. Молини Худонинг моли деб билсин ва шу молни халққа манфаат етказиб, хизмат қилишни кўзласин. Тижоратчи омонатга хиёнат қилмасин. Олиб-сотишда инсофли бўлсин. Савдо-сотикда рост гапирсин, ёлғон қасам ичмасин. Озгина фойдага ҳам қаноат қилсин. Матони олаётганда пастга уриб ташламасин, сотаётганда эса ортиқча мақтамасин. Сотадиган нарсасининг айбини яширмасин. Тижорат учун борган шаҳрида яхши инсонлар ва машойихларни бориб кўрсин, мазорот ҳамда зиёратга арзийдиган маконларни бориб кўрсин.

## МИРЗО СОДИҚ МУНШИЙ

(вафоти 1819 йил)

Ҳаёт дафтарига исён хатларини ғафлат  
қалами билан ёзиб қўймаслик керак.  
(*Мирзо Содик Мунший*)

Мирзо Муҳаммад Содик ибн Абдували Мунший Жондорий ал-Бухорий Бухоро яқинидаги Жондор тумани Хайробод қишлоғида туғилганлиги боис Жондорий тахаллуси билан ҳам юритилади. У Бухоро амирларидан Дониёлбий (1758–1785), Шоҳ Мурод (1785–1799) ва Ҳайдар (1799–1826) даврларида мунший ва кейинроқ сармунший бўлган.

Мирзо Содик Муншийнинг туғилган санаси маълум эмас, бироқ Қарши туманида 1235/1819 йилда 70 ёшига яқинлашган пайтида вафот этганлиги аниқланган.

Мирзо Содик Мунший ҳақида Бухоро тазкиранавислари ўз асарларида маълумот берганлар. Унинг ижодиёти Д.Каримова томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>, Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ томонидан 5 та асари санаб ўтилган<sup>2</sup>. Улар қуйидагилар:

1. “Тарихи манзум” (Назмий тарих). Иккита нусхаси ЎЗР ФА ШИДа сақланади (№2731/III, 3685/III).
2. “Даҳмаи шоҳон” (Шоҳлар даҳмаси). Бир қўлёзмаси ЎЗР ФА ШИДа сақланади (№40/I).
3. “Қазоу қадар” (Қазо ва қадар). Ушбу маснавийси ЎЗР ФА ШИДа сақланади (№40/II).
4. “Қасидаи шоҳ Дарвоз” (Шоҳ Дарвозга аталган қасида). ЎЗР ФА ШИДа икки нусхаси сақланади (№40/III, 3686/III).

<sup>1</sup> Каримова Д. Мирзо Содик Мунший Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиъати: Филол. фан. ном. дисс... автореф. – Самарқанд, 1997. –27 б; Ўша муаллиф. Содик Мунший – Жондорнинг ширинкалом шоири. –Тошкент: Фан, 2001. –119 б; Ўша муаллиф. Содик Мунший ва унинг “Ахлоқ” асари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. №2. –Б.63–65.

<sup>2</sup> Ҳожи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. –Тошкент: Шарк, 2005. –Б.154.

5. “Муншаот ва маншурот” (Иншо ва мактублар). ЎЗР ФА Шида уч нусхаси мавжуд (№302/II, 367/II, 299/1).

Шунингдек, Д.Каримова Мирзо Содик Муншийнинг яна иккита асари ҳақида айтиб ўтган<sup>1</sup>. Улар қуйидагилар: “Рафъи тумани Оҳугиру Хайробод” (Оҳугир ва Хайробод туманларига саёҳат), “Ошиқ шудани дарвеш ба духгаре” (Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлиши).

Мирзо Содик Муншийнинг адабий мероси 15 минг байтга яқинлиги айтилса-да, лекин бизга маълум қўлёзмаларда уларнинг адади 4670 байтни ташкил этади. Унинг сақланиб қолган девони 345 та ғазал, 14 мухаммас, 59 рубойи, ахлоқ мавзусидаги 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардан иборат<sup>2</sup>.

Мирзо Содик Муншийнинг ахлоққа оид асари ҳам бўлган, лекин ҳозирча унинг форсий матни топилган эмас. Мазкур асар Қўнғирот сулоласидан Аллоҳқули Баҳодирхон (1825–1842) тавсиясига кўра Саййид Мағфур ал-Хусайний ал-Хоразмий ал-мулаққаб би-л-Малул (XIX аср биринчи ярми) томонидан ўзбек тилига таржима қилинади. Китоб аввалида таржимоннинг 5 варақдан иборат муқаддимаси бўлиб, унда ёзилишига қараганда, асар таржимасига кўпроқ эркин ёндашилган, у кўпроқ мустақил асар кўринишини олган. Шунинг учун асарга таржимон “Ахлоқи Хоний” деб ном қўяди: “Чун, бу таълифга ҳазрати Хоннинг ҳумоюн ишоратлари сабаб эрди, “Ахлоқи Хоний” исми бирла мавсум бўлди”<sup>3</sup>. Китобнинг таржима қилиниш жараёнини вазир Муҳаммад Ризо қўшбеги кузатиб боради ва таржимонни моддий таъминот билан тўла баҳраманд қилиб туради. Бу таржима муқаддимасида алоҳида таъкидланган<sup>4</sup>.

Мазкур таржиманинг 1308/1890 йилда Хоразмда кўчирилган бир нусхаси ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 13223 тартиб рақами билан сақланади. Тадқиқотчи Д.Каримова мазкур кўчирилган санани таржима қилинган сана сифатида кўрсатиб,

<sup>1</sup> Каримова Д. Содик Мунший ва унинг “Ахлоқ” асари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. №2. –Б.63.

<sup>2</sup> Каримова Д. Содик Мунший – Жондорнинг ширинкалом шоири. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.24.

<sup>3</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №13223. –5<sup>а</sup>-варақ.

<sup>4</sup> ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №13223. –4<sup>а</sup>-варақ.

таржимон номини эса Хусайн Хоразмий, таржима бағишланган ҳукмдорни эса Абулғози Баҳодирхон деб янглишган<sup>5</sup>.

Таржима муқаддимасида таржимон томонидан Мирзо Содик Мунший уни Абдулазизхонга атаб ёзгани ва китоби номини "Ахлоқи Азийий" деб номлагани қуйидагича ифодаланган: "Ахлоқи Азийий" ки, салтанатпаноҳ Абдулазиз Баҳодирхоннинг ишорати бирла балоғатқарин Мирзо Муҳаммад Содик Муншийнинг таъбизодасидин таълиф топмиш бўлғай..."<sup>6</sup>

Мирзо Содик Муншийнинг мазкур одоб-ахлоққа бағишланган асари ғоят қисқа лафзлардан тузилган, ҳикматли гаплардан тартиб берилган. Шунинг учун таржимон уларни иложи борица изоҳлаб, кенгроқ шарҳлаб боришга мажбур бўлган. Таржимон бу ҳақда шундай ёзади:

"Эмди, азкиё хайлидин умид улким, бу шарҳ қилинғон ахлоқ китоби била турк лафзи бирла бўлғон шарҳнинг фикралари орасида алфоз равешлариким, мувофиқлиқлари тародуф зарифи била муяссар бўлур. Агар ғоҳи анда хато воқе бўлғон бўлса, маъзур тутғойлар. Нечунким, бу шарҳ қилинғон китобнинг мийноси ҳар муддаода икки фикрага мутараттаб қилмоқ бирла бўлаишким, ниҳояти эъжоз ва ғояти ийжоздин ҳам ўтмиш. Агар ул икки фикрани таркиб ва тартиб юзидин қовлаштуруб маъни афроди олинса, ани турк лафзиға хоҳ ийжоз ва хоҳ итноб ҳаддида бўлсун ўз мартабасиға кўра хуш ва фасих кўрунғайким, ёбусувор ҳарчанд тавсанронлиқ қилса, бедов от бирла ҳам наврад бўла олмас ва душоб ҳар нечаким ҳаловатбахш эса асалдек ширин мундоқ қайда бўлғай".<sup>7</sup>

Мирзо Содик Мунший асари сўзбошисида инсоннинг яратилишидан мақсад нималиги ҳақида тўхталади. Сўнгра адолат, саховат ва футувват (жавонмардлик), шижоат, рифқу (мулоимлик) шафқат, дурбинлик, яъни узоқни кўра билиш, ҳар бир нарсанинг оқибатини ўйлаш каби инсоннинг зоҳирий ва ботиний хислатлари, дунёнинг бевафолиги, шариятни пок сақламоқ

<sup>5</sup> Қаранг: Каримова Д. Содик Мунший ва унинг "Ахлоқ" асари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. №2. –Б.64; Уша муаллиф. Содик Мунший – Жоңдорнинг ширинкалом шоири. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.114. Шуни айтиш керакки, мазкур қўлёзма муқовасининг орқасида А.Носировнинг таржимон номини Хусайн Хоразмий деган қайди мавжуд.

<sup>6</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №13223. –3<sup>б</sup>-варақ.

<sup>7</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №13223. –4<sup>б</sup>-варақ.

сингари ишларга эътиборли бўлиш ҳақидаги ўғитлар ва, ниҳоят, донишманд-ҳақимларнинг панд-насиҳатларидан намуналар берилади. Асар таржимаси охирида таржимоннинг хонга назмий илтижо ва насиҳатлари ўрин олган.

Х.Аминов

### "Ахлоқи Хоний"дан<sup>1</sup>

(9<sup>б</sup>) Соҳиби тажриба бўлган азизлар айтурки, саховат ва жавонмардлик иззат ва шараф нурларини зиёда қилади. Бахиллик ва қитмирлик яхши атвор ва феълларни инсондан олиб қўяди. Олиҳимматлик халқнинг либосидаги зевар ва зийнат бўлиб, гавҳар билан намоёиш қилинади. Саховат эса ахлоқий бир гавҳардир. Ана шу гавҳар барча айбларни ўзининг яхшилиги билан ёпиб туради. Бахиллик эса шундай хислатки, унинг хусусияти хасислик бўлиб, барча яхшиликни ёмонликка сотгай. Кимки саховат қилишдан мақсади шухрат ва ном қозониш ғарази бўлса, у ҳақиқий яхшилик эмас. Шон-шухрат учун қилинган эҳсоннинг қиймати оддий ўтин билан тенгдир. Икром ва яхшиликнинг иплари қўлида бўлган кимсанинг муҳаббати халқнинг дилида доим сақланади. Сахийнинг номи қиёматгача бу ҳаётда ёзилиб туради. Бироқ ҳар инсоннинг фарқи ва қиймати бўлгандек, унинг мартабаси ҳам ҳимматининг даражасига қараб белгиланади. Демак, ҳаққоний саховат шуки, инсон қўлидан келгунча, имкони етгунча бировга қилган яхшилигидир. Кимни ноилож ва нотавон кўрса, ўзининг имконияти даражасида уни иложсизлик бандидан халос қилсин. Жавонмардлик эса яхши хулқ ва меҳр-шафқатни касб қилишдир.

(10<sup>б</sup>) Яширин эмаски, саховат билан шижоат бир-бирларини лозим тутган икки буюк хислатдир. Буларнинг ҳар бири бошқа-бошқа кишида топилмас. Вужуд зийнати саховат жавоҳирлари билан ораста бўлган кимсанинг ҳаёт саҳифасида шижоат номли гавҳар ҳам мавжуд бўлади. Киши хасис ва нафсининг қули бўлса, молу дунёга ҳарисманд бўлиб қолади. Ҳар ким ўзини эрлар қаторида санаб, мардлик даъвосини қилса, бу ёлғончи дунёга алданиб қолмасдан ақл билан иш тутмоғи керак. Ҳиммат ва ши-

<sup>1</sup> ЎЗР ФА ШИ-1. № 13223 рақамли қўлёзма.

жоат билагининг қуввати билан ўшандоқ душманнинг белини синдиргай. Ҳар кимда бу хислат бўлса, улуғ хосият, ҳар кимда бу сифат бор бўлса, буюк фазилатдир.

Кишида гар ҳиммат ўлса фузун,  
Далерона душманни қилгай забун.

Шафқат лутфу марҳаматдан иборат. Яъни катталарга хизмат, кичикларга марҳамат кўрсатиб, мулоиймлиқ билан ҳар кимнинг даражасига лойиқ, шаънига мувофиқ йўл тутмоқ керак. Кимки илтифотли ва марҳаматли бўлса, улуғ мартаба ва буюк бахтга мушарраф бўлганининг далилидир.

Парокандалар кўнглини шод қил,  
Парокандалиқ кунни ҳам ёд қил!

(11<sup>а</sup>) Махфий қолмасинки, узоқни кўра билиш ва ҳар ишнинг оқибатини ўйлаш фаросат ва донишмандликнинг мевасидан баҳрамандик нишонасидир. Кимнинг бу дунёда умиди бўлса, инсонийликнинг энг пасткаш мартабасига тушиб қолмасин. Бинобарин, узоқни кўра билиш ва оқибатини ўйлаб иш қилишни кароматнинг ярми деганлар. Ақлнинг далолати ва кўнглининг кўрсатмаси билан инсон ўз орзу ва истаклари йўлида ақл ва фаросатнинг зарҳал ёзувларига қараб йўл юради. Агар мана шундай қилса, шак йўқки, унинг ишлари олдинга кетади, орзулари ушалади, мақсадларига эришади. Кимнинг иши орқага кетаётган бўлса, мақсади ноиложлик дарёси тубида кўринмаётган бўлса, фикр ва ҳикмат билан идрок садафларини, покиза ақл гавҳарларини топа олади. Ўз ҳаёт кemasига ўзи эга чиқиб, дарғалик қила олса, инсон ёмон кимсалар ва шайтонлар ёмонлиги, фитнаси, васвасасидан узоқни кўра билиш, фаросатни ишлата билиш, ҳар ишнинг оқибатини ўйлаш билангина қутула олади.

Олиб бошни, номарддин қил фирор,  
Оёқ остида бошинг этгунча хор.

(19<sup>б</sup>) Одамнинг икки хислати бўлади: бири ёмон ва ифлос сифатлари; кейингиси яхши ва марғуб фазилат ва хосиятлари. Бу икки хислатнинг бири инсоннинг зоҳирига тааллуқли бўлиб, зоҳирий аъзолари билан уларни амалга оширади. Қўл, оёқ, кўз ва

қулоқ ҳамда бошқа аъзоларининг қувват ва ҳаракати билан ҳар хил феъллар содир бўлади, ҳар қайсисидан турли-турли ишлар юзага келади. Икки хислатнинг яна бири инсоннинг ботиний сийратига хосдир. Ҳийла, ҳасад, гина, сулҳ, садоқат, муҳаббат, самимият кабилар одамнинг кўнглида вужудга келса, унинг натижалари ҳосил бўлади.

(20<sup>a</sup>) Зоҳир аъзолари билан одамзоднинг истаган мақсад ва матлаблари ҳосил бўлиб, савоб олмоқ ёки гуноҳ орттирмоқ унинг натижаси бўлмай. Гўзал мақсадлари ва савобли матлаблари бўлса, буларни сарф қилмоқ керакки, бу хил давлатнинг ганиматини билмоқ керак. Худо берган бу неъматларни гуноҳ ва маъсият асбоби, фисқу фасод олати қилиб, азиз умрни, шарафли вақтни нафсу ҳавонинг хизматкори этиб олмаслик лозим. Назм:

Ҳайф ул ким абас ўтуб умри,  
Доимо касб этар ҳавою ҳавас.

(31<sup>6</sup>) **Донишманд ҳакимларнинг панд ва насиҳатлари баёни.** Ҳакимлар дерларки, ҳар ким олимлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, аралашиб юрса, (унга) дунёда яхши от қолдириб, комил инсон бўлиш муяссар бўлади. Ким инсоф ва диёнатли қарилар билан суҳбатлашиб турса, ҳар ишнинг оқибатини ўйлайдиган, кўнгли мулойим, узоқни кўрадиган бўлиб қолади. Қариларнинг суҳбати бир кимёдир, иксирдир. Агар мис бўлиб уларнинг суҳбатларида бўлсанг, олтин бўларсан. Демак, ҳар ким, хусусан, келажакда раҳбар бўладиганлар имкони борича яхшилар орасига қўшилиши, уларнинг яхши ишларидан файз ва ўрнат олиши, ёмонлардан узоқ юриши даркор. Ҳукамолар суҳбатдошларни ойнага ўхшатганлар. Ойнага боқсанг, аксингни соф ва аниқ қилиб кўрсатади. Қилич ёки шамширға қарасанг, қийшиқ ва синиқ кўрсатади. Демак, ойнадек софлар билан бирга бўлишинг керак, аксингни қийшиқ қилиб кўрсатадиганлар билан эмас.

(32<sup>a</sup>) Ҳакимлар айтур: "Беш нарсдан қочмоқ керак. Аввал ўз сир ва асрорин ёш болалар, шаллақи хотинлар ва нокасларга айтишдан қочиш. Зотан, уларнинг ақллари ноқис, дину диёнатлари суст, аҳду паймонлари ишончсиздир. Иккинчиси, ўз душманларига ҳам сирларин айтмасин. Чунки уларнинг душманлигида қарор бўлмагандан кейин дўстлигига ҳам ишонч йўқ. Учунчиси, ўз дўстларидан ҳам махфий сирларин яширмоқ керак. Баъзида

биронта озор етса, дўстлагинг унутиб кўядиганлар бўлади. Ҳар ерда сирларинг очиб, сени ёмонлаб, айбингни очадиганлар топилади. Тўртинчиси, бировга озор ва алам етказмоқдан қочмоқ керак. Зотан, ҳасоскор бу дунёда сендан аламини оладиганлар, зулмингга жавоб қайтарадиганлар ҳам топилиб қолади. Бешинчиси, гийбат қилишдан шер ва арслондан қочгандек қочмоқ керак. Зотан, гийбат кўп иллатларнинг бошидир. Баъзида гийбат қилинаётган шахс сенинг яқининг, яқин қардошинг, яқин дўстинг, келажакда яхши кўрганинг бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда унинг юзига қандай қилиб қарайсан".

(32<sup>6</sup>) Ҳақимлар айтур: "Беш нарсани ғанимат билмоқ керак. Ташвиш ва тараддуъ етмасдан бурун фароғат ва осойишни ғанимат билмоқ даркор. Соғликни бемор бўлмасдан бурун, давлатни фақирлик ва меҳнату машаққат етмасдан бурун, тирикликни ўлмасдан бурун ғанимат билмоқ керак".

Ҳақимлар айтур: "Етти нарса уйда бўлса, баракани зиёда қилур: Қуръони Карим, олим одам, меҳмонлар, фақирларнинг ҳожатлари раво бўлиб туриши, Қуръон тиловат этиб турилиши, уйда қизларнинг бўлиши ва солиҳ инсонларнинг ташриф этиб туриши".

Ҳақимлар айтур: "Беш одат жуда ёмондир. Куфр, такаббурлик, ноҳақ қон тўкиш, бахиллик ва ҳасад".

Ҳақимлар айтур: "Уч нарса кўнгилдан ғамни кетказиб, хушвақтлик етказур. Олимлар билан ҳамсухбат бўлмоқ. Дўстлар билан мувофиқ яшамоқ. Қарзни ўз вақтида бермоқ. Қарз сўрайверадиганлардан халос бўлмоқ".

(33<sup>3</sup>) Абдуллоҳ Ансорий айтган экан: "Бир неча нарсани қайтариб бўлмас: айтилган сўз, отилган ўқ, кетган қазо, ўтган умр".

Луқмони ҳақим айтур: "Уч нарса бахтлилик аломатидир: кам демак, кам емак, кам ухламак".

Искандар Зулқарнайн айтур: "Подшоҳлик тўрт хилдир: виқор ва оҳистакорлик, эҳсон ва жавонмардлик, тавозеъ ва шикасталик, дину диёнатлик".

Искандар Зулқарнайн яна айтган экан: "Бир неча нарсалар борки, улар бахтлилик аломатларидир: беҳуда ишлардан узоқ бўлмоқ, ташвишлардан фориғлик, одамлар орасида обрўга эришмоқ, тани соғлом бўлиш, қаноат соҳиби бўлишдир".

Хожа Муҳаммад Порсо айтган экан: "Тўрт нарса давлатмандликка етказур ва давлатнинг аслини маҳкам қилур: покизалик ва



саришгалик, инсофли маслаҳатгўй, уй ва оиласини эҳтиёт билан сақламоқ, бир ишни ўйлаб бошласа, уни охирига етказмоқ".

Букрот ҳаким айтур: "Тўрт нарса аблаҳлик нишонидир: инсон ўз айбини кўрмаслиги, бировларнинг айбини ахтариш, бахиллик ва хасислик, яхшилик ва жавонмардликдан қочиб".

(33<sup>б</sup>) Ҳинд ҳакимларидан бири айтур: "Тўрт ёмон хислат борки, тўртта яхши хислатни йўқотиб юборади: бири шукр қилмасликдир. Инсонга ато қилинган неъматларга шукрона келтириб, уларга муносиб бўлмоқ даркор. Акс ҳолда неъматлар заволга юз тутади.

Тўрт хислатнинг иккинчиси молу давлатга эришгандан сўнг дангасалик ва бепарволикка берилишдир. Дангасалик ҳамда бепарволик инсоннинг бошига битган бало бўлиб, молу давлатнинг қўлдан кетишига асосий сабабдир. Искандар Зулқарнайнга молу давлат келар экан, янада қаттиқ ғайрат кўрсатди, қул остидагиларга бепарво қарамади, уларга яхшиликлар қилиб турди. Натижада бутун дунёни қўлга киритди. Лекин жаҳон фатҳидан сўнг дангасаликка, лоқайдликка берилди. Аскарлари ва раият билан иши бўлмай қолди. Уларнинг ҳаёти ва ҳаракатларига бепарво қаради. Натижада давлати ва ҳашамати кундан-кун пасая борди ва жаҳон айвонидан йўқ бўлиб кетди.

(34<sup>а</sup>) Тўрт хислатнинг учинчиси кибрдир. Унинг самараси қайсарлик, манманлик бўлмай. Кимки манман ва қайсар бўлса, замона аҳли билан келишолмайди, дўстлари ҳам душманга айланади. Шайтон ҳам бир вақтлар Аллоҳнинг дўсти эди. Манманликка берилди, Одамни менсимади. Оқибатда абадий лаънатга гирифторм бўлди. Кибру манманлик, одатда, молу дунёнинг кўплиги, ҳашамат ва обрўнинг ортиши, илму ирфоннинг беқиёслиги натижасида юзага чиқади. Агар илм ва ибодат фақат нажотга сабаб бўлганда Азозил деган фаришта абадий лаънатга гирифторм бўлиб шайтонга айланмасди. Агар давлат кишига фақат шодмонлик ва озодлик берганида эди, Фиръавн ва Шаддод ҳамда Қоруннинг оқибат аҳволи яхши бўларди. Агар фақат адолат ва саховат боис файзу саодатга эришиш мумкин бўлганда, Ҳотам билан Нуширавон куфр ботқоғида қолмаган бўларди. Демак, инсон барча яхши хислатларга эга бўлишга интиломи, ёмонликлардан қочмоғи даркор экан. Бир нарсага суюниб қолмаслик, бир яхши хислатига мағрур бўлмаслик лозим.

Тўрт хислатнинг охиргиси иззатгалаб бўлмоқдир. У фақат ўзини ўйлаш, бахиллик ва қитмирлик натижасидир. Бу билан инсон ўз яқинларидан, дўстларидан узоқлашади, одамларнинг олдида шарманда бўлади. Ҳеч ким унга ишонмай қўяди.

(35<sup>a</sup>) Бир донишманд эса бундай деган: “Тўрт нарса тўрт нарсадан пайдо бўлади: ёмонлик фисқ-фасоддан, кибр кўп сўздан, уруш ҳазилдан, душман ҳасаддан”.

Арасту Искандарга уч сўзни васият қилган эди, Искандар унга амал қилиб жаҳонни қўлга киритди. “Эй, Искандар! Шопилинч қиладиган ишни оҳисталик билан қилишга ўрган. Қахру ғазаб келганда уни кечиримлилик ва авфга айлантира бил. Бировдан сенга ранжу ситам етса, унга меҳрибонлик қилиб, яхшилик айла”.

Бир донишманд айтган экан: “Бирорта ёмонликнинг халқ тилида тарқаб-ёйилиб кетиши бир яхшиликнинг айтилмагани ва йўқолганидан яхшидир”.

Бир донишманд деган: “Оқибатида пушаймонлик келтирадиган нарсалар булардир: носазо ва нолойиқ кишиларга иш топшириш; нокасларга яхшилик қилиш; нокаслар билан дўстлашиш; фиску фужурга берилиш”.

Яна бир донишманд деган: “Мамлакат учун тўрт нарсанинг зиёни бор: ҳокимлар ғафлати; вазирлар хиёнати; фуқаролар айблари; бошқаларнинг ҳасад билан қараши. Мана булар эса ҳукуматнинг доимийлигига сабабдир: адолат, саховат, мурувват, шижоат”.

Яна бир донишманд деган: “Беш нарса аблаҳлик ва пасткашлик аломатидир: худбинлик, мутақаббирлик, бахиллик, қақимчилик ва пасткашлардан умидвор бўлиш”.

(35<sup>b</sup>) Яна бир донишманд деган: “Тўрт нарса бахтлилик сабабидир: ваъдани тўғри бериб, амал қилмоқ. Барча ҳолатларда камтарлигида қолмоқ. Ҳамма вақт касбу камолга ҳаракат ва кўшиш кўрсатмоқ. Ҳалола ризқ топишга интилмоқ”.

Яна бир донишманд деган: “Тўрт нарса тараққий топмоққа сабабдир: дўстлар билан машварат қилмоқ; душманлар билан мадору ю муросада бўлмоқ; орзуларга берилишдан сақланмоқ; ҳар ишга чидамлилик кўрсатмоқ”.



## МУҲАММАД СОБИР УСТРУШАНИЙ

(XIX аср)

Подшоҳларнинг истеъдодсиз кишини тарбият қилиши жоҳиллик,  
истеъдодлиларни зоеъ қилишлари эса зулмдир.  
(Уструшаний)

Шарқнинг савдо-сотик ва ҳунармандчилик марказларидан бири бўлмиш Қўқон шаҳрининг сиёсий мавқеи Олимхон ҳукмронлиги даврида (1798–1810) кучайди. Умархон (1810–1822) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (1822–1841) ҳукмронлиги даврида Қўқон фан, маданият, адабиёт ва санъат марказига айланди. Хонлик даврида Қўқонда 52 та мадраса фаолият кўрсатган. Қўқон шоир, санъаткорлар шаҳри сифатида танилган. “Қўқон адабий муҳити” машҳур бўлган. Шаҳардан бир қанча адабиёт намояндалари – Амирий, Гулханий, Ғозий, Махмур, Мухйи, Зорий, Муқимий, Қорий, Комий, Фурқат, Ҳазиний, Насимий ва бошқа маърифатпарвар ижодкорлар етишиб чиққан; Макнуна (Нодира), Дилшод Барно, Анбар отин Увайсий, Лайли хоним, Маҳзуна, Муштарий каби аёл ижодкорлар ҳам шу ерда камол топган.

Муҳаммад Собир Уструшаний ҳам қўқонлик адиблардан бири бўлиб, унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида Уструшанийнинг “Тухфат ул-амир” (Амирга совға) номли асари сақланади<sup>1</sup>. Унда муаллиф ахлоқ-одобга доир турли ҳикоятларни келтиради. Асар форс-тожик тилида ёзиган бўлиб, ундан айрим парчалар ўзбек тилига илк бор таржима этилди.

М.Исмоилов

<sup>1</sup> Муҳаммад Собир Уструшаний. Тухфат ул-амир. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси. № 5012. –209-варақ.

"Тухфат ул-амир"дан<sup>2</sup>

(70<sup>a</sup>) Султонларнинг гўзал ахлоқлари ҳақида. "Равзат ус-сафо" (Сафо боғи) муаллифи ёзадики, аббосий халифалардан бирининг даврида Абу Наср Форобий Маккаю Мадинани зиёрат қилишни қасд қилди. Зиёратдан кейин Шом юртига бориб, Сайф у-давла номли подшоҳнинг бир илмий мажлисига кириб борди. Шоҳ унга ўтиришга ишора қилди. Қаерга ўтирай деб сўрагани, ўз ҳолига муносиб ерга ўтир деди. Форобий тахт ёнига бориб ўтирди. Подшоҳ ўз мулозимларига саройнинг махсус тилида "Бу турк ўта беадаб экан, уни дорга осиб лозим", деди. Форобий дарҳол: "Эй шоҳим, барча иш оқибати билан ўлчанади", – деди.

Сайф у-давла ажабланиб: "Сен бизнинг тилимизни қаердан биласан?" – дебди. Форобий: "Мен барча тилни биламан, олимман", – дебди. Подшоҳ Шом олимлари билан уни мунозара қилишга чақирди. Форобий ҳаммалари устидан ғалаба қозонди, олимлар унинг донишмандлигига тан бердилар.

(70<sup>b</sup>) Подшоҳ ҳам Форобийнинг суҳбатини ганимат билиб, илмий мажлис куриб, охирида унга кўп илтифот қилди, яъни биринчи айтган сўзини ўзгартириб, Форобийга танбеҳ эмас, таъзим кўрсатди.

Панд. Улуғлар айтганларки, мулкнинг хароб бўлиши икки нарса сабабидандир: бири – подшоҳнинг ожизлиги сабабидан, яъни мазлумларни золимлардан ҳимоя қилолмай қолса; иккинчиси – подшоҳнинг жабри сабабидан бечоралар кўзида ёш тўлиб кетса.

Панд. Подшоҳлар бозорга ўхшайдилар, кимки бозорга мушоаат қилса, ўзи учун энг зарур ва ўзи учун қадрли бўлган нарсани олиб кетади.

Ҳасан Басрий айтди:

"Қайси подшоҳ динни улуғласа, бутун олам аҳли уни улуғлайди. Кимки Худо билан дўст бўлса, барча махлуқотлар уни дўст тутарлар".

(71<sup>a</sup>) Подшоҳлар саховату эҳсонларининг фойдалари тўғрисида. Айтадиларки, Хуросон амири Мусаллим ибн Зиёд ўта саховатли, олиҳиммат киши эди. Ходимларидан бирига:

– Мен бир кишига минг тилло ҳада қилмоқчиман, нима дейсан? – деди. Ходим:

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 5012 рақамли қўлёзма.

– Эй мўъминлар амири, бу жуда катта пул, юз тилло берсангиз ҳам етади, – деди. Шунда амир:

– Эй аҳмоқ, бу пулни сенга бермоқчи эдим, хасислигинг туфайли шунча маблағдан бебаҳра қолдинг, – деди.

Жаъфари Содик раҳматуллоҳи алайҳ шундай насиҳат қиладилар: "Бировга эҳсон қилаётганигда очиқ юзли ҳолатда бўл, ўзингни хор, уни эса улуғ тут, махфий ҳолатда бўл, шунда халойиқ мақтовидан йироқда бўласан".

Бир подшоҳ ўз валиаҳд ўғлига шундай насиҳат қилган экан:

"Эй фарзанд, бировга эҳсон қилсанг, ўзингни ундан паст тут, ҳадянгни ўз қўлинг билан берма, балки ходимингга буюр, берган совғанг қиймати шу шаҳардаги эҳсонлардан кам бўлмасин, балки шундай эҳсон берки, олган одам бой кишига айлансин. Эй фарзанд, яна бир фойда шулки, ҳеч қачон савдогарлик қилма, токи бу иш подшоҳлар обрўсига лойиқ эмас".

(92<sup>6</sup>) **Подшоҳларда бўладиган нодир фазилатлар ҳақида.** Халифа Ҳорун ар-Рашид бир боғ ёнидан ўтиб кетаётганида боғ унга жуда ёқиб қолди ва бу боғни сотиб олмақчи бўлди. Боғ эгаси сотмаслигини билдириб: "Эй амирул-мўъминин, бу боғ бугун меники, аммо эртага кимники бўлишини ёлғиз Аллоҳ таоло билади", – деди. Бу панд халифага жуда таъсир қилиб, боғ савдосини тарк этди ва боғбонни мукофотлади. Яъни дунёнинг ўткинчи эканлигини эслади.

Хожа Абулқосим Ҳаким раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки, агар авлиёлардан бўлишни истасанг, хуқ-атворингни ёш болалар феълига ўзгартиргил. Зеро, болаларда беш хислат бўлади:

1. Болалар кунлик ризқнинг гамини емайдилар.
2. Қасал бўлсалар, Аллоҳ таолодан гина қилмайдилар.
3. Ўзаро қанча қаттиқ уришиб қолсалар ҳам аразлашиб юрмайдилар.
4. Озгина насиҳат ва сиёсат бўлса, дарҳол тартибга тушиб қоладилар.
5. Бировга ҳасад қилмайдилар.

Бир киши Искандарнинг хузурига келиб, бировдан шикоят қилди.

– Ундан сенинг барча ҳақларингни олиб беришимни хоҳлайсанми? – деди Искандар.

– Ҳа, албатта, – деди.

– Шарт шулки, унинг сендаги барча ҳақларини ҳам олиб берман, – деди Искандар. У киши эса кўрқиб кетди.

– Бор, ёмон хулқларингни ташла, – деб мурувват кўрсатди Искандар.

Бир ҳаким гап ташувчи, чақимчи ва гийбатчилар тўғрисида бундай деганди: "Хабар берувчи, хабар изловчи, хабар қабул қилувчилардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Зеро, хабар берувчи ғамдан саломат бўлмайди, хабар изловчи гуноҳдан сақланмайди, хабар қабул қилувчи эса дўзахдан омонда эмас".

(134<sup>а-б</sup>) **Латифалар.** Бир кишини жиноятда айблаб, Амир Зиёдининг олдига келтиришди ва унинг айбларини исботлашди. Амир уни қатлга буюрди. У бечора тавба-тазарру қилиб:

– Эй Амир, сен билан менинг ўртамизда қўшничилик ҳаққи бор, шунинг ҳурматидан мени озод қилгил, – деди.

– Қандай қўшничилик? – деб сўради Амир.

– Отамнинг ҳовлисида Басра томонга очиладиган бир эшиги бўларди ва шу эшик сенинг отангнинг ҳовлисига очиларди, – деб жавоб берди маҳбус.

– Отангнинг оти нима? – деб сўради Амир.

– Худо ҳаққи ҳозир кўрққанимдан отамнинг исми ёдимдан кўтарилиб кетди, – деди маҳбус.

Амир Зиёд кулиб, уни озод қилди.

Қудрат соҳибининг кечирмоғи унинг баланд даражали киши эканлиги белгисидир. Бу эса унинг янада камол топишига бир ишорадир. Интиқом ва ўч олиш эса барибир надоматга сабаб бўлади. Бу ақлга нуқсон ва паришонҳоликни келтириб чиқаради. Оқил киши нафс пасткашлигидан ва ёмон ниятлардан, паст мақсадлардан ва табиатан маломату шумлиқдан холи бўлмоғи лозим.

Ҳорун ар-Рашид бир куни ўзининг яқинларидан бири Ҳамид Тусийни қатл этишга фармон чиқарди, у бечора қаттиқ йиғлай бошлади. Бунинг сабабини ундан сўрашганда: "Оқиллар бу дунё учун йиғламаслар, аммо халифа ҳазратларининг ғазаб ва ғамлари тупроқ остида мен билан кетиб қолади, шунга йиғлайман", – деди. Халифа кулиб, уни озод қилди.

Подшоҳларнинг яхши одатлари ва гўзал хулқлари – марҳаматли ва мурувватли бўлмоқларидир.

Подшоҳлар истеъдодсиз кишини тарбият қилиши жоҳиллик, истеъдоддиларни зое қилишлари эса зулмдир.



## САЪДУЛЛОҲ ТҶҶРА САЪДИЙ

(1877–1937)

Шодлик мудом айласанг ихтиёр,  
Фақирларни оғритма ҳеч зинҳор.  
(Саъдуллоҳ Тўра Саъдий)

Хива хонлигидаги маънавий-маданий ҳаёт ҳақида гап кетганида ўша давр муаллифларининг асарларида одоб-ахлоқ мавзуси асосий эътиборда бўлганини кузатамиз. Хонларнинг ўзлари ҳам фарзандлари тарбияси учун бундай асарларнинг аҳамиятини яхши билганлар. Саъдуллоҳ тўра Саъдий Хиванинг сўнги хони Саид Абдуллахон (1918–1920)нинг ўғли бўлиб, бобоси Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1864–1910) саройида ўсиб улғайган. Феруз ўз невараси Саъдуллоҳ тўра Саъдийнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор қаратади. У Хивадаги Арабхон мадрасасида, Муҳаммад Юсуф ҳожи Доий (1831–1909) ҳузурида таҳсил олган. Ёшлигидан адабиётга қизиққан Саъдуллоҳ тўра “Тулистон”, “Бўстон”, “Шоҳнома” каби бир қатор форс адабиётининг дурдоналарини ўқиб борган. Таниқли муаррих ва шоир Муҳаммад Юсуф Баёнийга (1859–1923) шогирд бўлиб, 20 ёшлигидан шеър машқ қила бошлайди.

Саъдуллоҳ тўра Саъдийга замондошлари: “У жуда зеҳни ўткир одам эди. Бир кўрган нарсасини, хоҳ арабий бўлсин, хоҳ форсий бўлсин, дарров ёдлаб олар эди”, – деб таърифлаганлар<sup>1</sup>. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз шаҳзодаларнинг ижодига катта эътибор билан қараган. Шу сабабли бўлса керак, унинг буйруғи билан 1909 йилда сарой шаҳзодаларидан етти нафарининг шеърлари тўпланиб, “Девони ҳафт шуаро” номи билан Хива тошбосмасида нашр этилади. Ушбу тўпламга Саъдуллоҳ тўра Саъдийнинг ҳам ғазаллари киритилганди.

Бундан ташқари, Саъдуллоҳ тўранинг ўз ғазал, мухаммас,

<sup>1</sup> Бобоҷон Тарроҳ. Хоразм навозандалари / Нашрга тайёрловчи: Давлатёр Раҳим. –Тошкент: Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1994. –Б.35.

рубойларини тўплаб, девон тузгани ҳам маълум. Бу девон бир неча маҳоратли хаттотлар томонидан кўчирилган ва унинг чиройли ишланган қўлёзмалари ЎзР ФА ШИ фондида ҳам мавжуд. Тазкиранавис Лаффасий (1898–1942) унинг шеърини ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Саъдийнинг асарлари тамоми бир шўх маъшуқона бўлса-да, маъни жиҳатдан ҳар бир дона байти бир гавҳари якто эрди”<sup>2</sup>.

1920 йилда Хива хонлиги тугатилгач, Совет ҳукумати томонидан Хива саройи шахзодаларидан ўн нафари Россия, Белоруссия, Украина ҳудудларига сургун қилинган. Улар қаторида Саъдуллоҳ тўра Саъдий ҳам бўлган. Бир неча йилдан сўнг у ўз юртига қайтишга эришган. Лекин ҳукумат сиёсатидан қўрққан халқ уни яхши кутиб олмайди. Хива шаҳридаги ҳаммомлардан бирида ўт ёқувчи бўлиб, шу ерда ётиб-туриб юрган Саъдуллоҳ тўра Саъдий 1937 йилда “сиёсий душман” сифатида отиб ташланган.

Саъдуллоҳ тўра Саъдий ёшлигиданоқ форс адабиётига қизиқар, хусусан, Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1189–1292) ижодиётига ихлос қўйганди. Унинг машҳур “Бўстон” асаридан илҳомланиб, таъсирланиб, ўзининг “Муфарриҳ ал-қулуб” (“Қалбларни шодлантирувчи”) номи асарини яратди. “Муфарриҳ ал-қулуб” ҳам “Бўстон” сингари назмда, маснавий жанрида битилган, худди унга ўхшаб ўн бобдан иборат.

Саъдуллоҳ тўра Саъдийнинг ушбу китобни ёзишдан мақсади инсонни ғафлатдан йироқ қилиш ва инсон хулқини, феъл-атворини яхшилаш, инсонийлик хислатларини очиб бериш, адолат, ишқ-муҳаббат, қаноат, таваккал қилиш, садоқатли бўлиш, тавба каби бебаҳо инсонийлик фазилатларини баён қилиш бўлган. Асарда фақатгина инсоннинг фазилатлари ёритилмасдан, балки ўтган буюк тарихий шахслар, мисол учун Искандар, Ануширвон, саҳобалардан Абу Бакр, Умар кабилар билан боғлиқ воқеалардан кўплаб ҳикоялар келтиради.

Асар назмда ёзилган бўлиб, унга “Муфарриҳи қулуб” деб ном берилган<sup>3</sup>. Бундай номлашига сабаб, муаллиф ўз асарида инсон ҳаётида тарбиянинг ролига, инсон хулқ-атвори ва инсонийлик

<sup>2</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи: П.Бобожонов. –Урганч: Хоразм, 1992. –Б.36.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №1079. –5<sup>а</sup>-варақ.



фазилагларини тарғиб қилишга эътибор қаратган. Асар кириш, асосий қисм ва хотимадан иборат. Муаллиф кириш қисмида асарнинг ёзилиш сабаби, у ўз ичига нималарни олганлигини ҳамда 10 та бобдан иборат эканлигини, ҳар бири ўз номига эгаллигини ҳамда уларни ҳикоятлар, саргузаштлар билан бойитганлиги ҳақида зикр қилади. Улар қуйидагилар: “Адолат” (6<sup>а</sup>-15<sup>а</sup>), “Эҳсон баёни” (15<sup>б</sup>-19<sup>б</sup>), “Ишқ муҳаббат баёни” (19<sup>б</sup>-28<sup>б</sup>), “Тавозуъ” (28<sup>б</sup>-32<sup>б</sup>), “Қаноат” (32<sup>б</sup> - 36<sup>а</sup>), “Вафо қилмоқ” (36<sup>а</sup>-40<sup>б</sup>), “Таваккул” (40<sup>б</sup>-49<sup>б</sup>), “Сидиқ (содиқ бўлишлик)” (49<sup>б</sup>-54<sup>б</sup>), “Тавба” (54<sup>б</sup>-63<sup>б</sup>), “Муножот” (63<sup>б</sup>-67<sup>б</sup>).

Ушбу асарнинг 2 та қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИнинг асосий фондида сақланади. Биз 1079 рақамли қўлёзма нусхасидан фойдаландик. Бу асар нусхаси 68 варақдан иборат бўлиб, тахминан XX аср бошларида кўчирилган. Асар туркий тилда битилган. Саъдуллоҳ тўра Саъдийнинг “Муфарриҳ ал-қулуб” (“Қалбларни шодлантирувчи”) асаридан парчалар ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда. Табдилда баъзи сўзларни ҳозирги ўзбек тилига яқинлаштиришга ҳаракат қилдик.

С.Муҳаммадаминов

### “Муфарриҳ ал-қулуб”дан<sup>1</sup>

#### (13<sup>а</sup>) Ануширвон ўғлига панд-насиҳат қилгани

Эшитдимки, келганда ўлим равон,  
 Шундай деди ўғлига Анушервон.  
 Шодлик мудом айласанг ихтиёр,  
 Фақирларни оғритма ҳеч зинҳор.  
 Ўзинг роҳатинг, эй ўғил, хоҳлабон,  
 Ходимларингга сен етказмагил зиён.  
 Эмас донолар наздида бу писанд,  
 Қулоқда бу пандни тут, эй аржуманд.  
 Ки, қўйин боқувчи ухласа, эй писар,  
 Етургай қўйларига бўри кўп зарар.  
 Фақирларни хотирларин сақлагил,

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ-1. № 1079 рақамли қўлёзма.

Халқинг била сен шоҳсан англагил.  
Халқ илдиз бўлса, султон дарахт,  
Ки, маҳкам дарахт бўлар, гар бих сахт.  
Шунга қодир бўлсанг агар, эй писар,  
Қилиб қаттиқ кўнглинг, етурма зарар.  
Умр давлати истасанг бешумор,  
Адолатни қил ўзингга ихтиёр.  
Қилсанг агар зулм улар хилига,  
Урар тиг умрингни пинжиги.  
Таъма айлама қаҳри дилхоҳдан,  
Улус зулм кўрса агар шоҳдан.  
Десанг бўлгой, эй ўғил ботамиз,  
Такаббур кишилардин бўлгил гуриз.  
Шоҳ бўлса мудом айш ила комёб,  
Фуқарони аҳволи бўлғай хароб.  
Илоҳи, қайси шоҳки олий киром,  
Они одати адл эрур субҳу шом.  
Халқини адли ила шод этар,  
Карам бирла ҳам ғамдин озод этар.  
Унга дастгир бўлиб, эй корсоз,  
Узоқ умр ила уни қил сарафроз.

(14<sup>a</sup>) Хусрав Парвизнинг ўғлига насиҳат қилгани

Эшитдимки, Парвизи шоҳи аржуманд,  
Бериб ўғлига деди бир неча панд:  
– Унинг бирла бўл ҳар ниятда сен,  
Назар қуйи, ислоҳи раиятда сен.  
Ки, зулм айласа беадад шоҳ агар,  
Халойиқ бариси у шоҳдан қочар.  
Агар зулм фош айласанг, эй писар,  
Ўшал зулм умринг танобин узар.  
Хароб айлағай шери зан,  
Анга тенг эмас тифлу зан.  
Ки, бир бева оҳи била, эй писар,  
Неча шаҳар ёнмиш сар-басар.  
Бу оламдин ўтгай ёмон, яхши ҳам,  
Қўйиб кетса ким яхши отини, не ғам!

Худотарс мардум каби бўлгил, эй ёр,  
 Ки, бўлгай ҳамма ишда парҳезкор.  
 Бадандишни қилма сардори халқ,  
 Топар доимо ундан озор халқ.  
 Сиёсат ул одамга қилмоқ хато,  
 Агар у киши бўлса соҳиби даъво.  
 Унга тортиб риштасин, қилма паст,  
 Ки, бўлса ақл у кишида шикаст.  
 Санга душманинг гарчи бўлса гулом,  
 Уни айла лутфинг била шодком.  
 Бурунги ишин ҳеч фикр айлама,  
 Ёмон ишларин яна зикр айлама.  
 Илоҳи, ўшал шоҳи олий ҳашам,  
 Эрур адолат ишида собитқадам.  
 Қилибон карам бирла хандон уни,  
 Хизр умридек айла умрин уни.

### (28<sup>6</sup>) Тавозуънинг баёни

Агар оқил эрсанг сен, эй некҳол,  
 Тавозуъга кўп айлагил иштиғол.  
 Қилур эрса ҳар ким тавозуъни бас,  
 Онга дўстлиг жумла этгай ҳавас.  
 Тавозуъ сани аржуманд айлагай,  
 Шараф юзидин сарбаланд айлагай.  
 Чун саркашдурур оташи хавилнок,  
 Эрур қойил ажзиға бечора хок.  
 Ки дид айлаб ўтдин худо сар-басар,  
 Ки туфуроқдин қилди хайли башар.  
 Кишини хулқ-хўйи тавозуъ бўлур,  
 Онга дам-бадам жоҳ рофеъ бўлур.  
 Тавозуъ қилиб қалбингни рўшно,  
 Неча душманингни қилур ошно.  
 Тавозуъ сани айлабон сар фароз,  
 Юзингга қилур боб иқбол боз.  
 Сани хокдин қилди донойи пок,  
 Ни хуш қилсанг афтодалиг мисли хок.  
 Булутдин чу бир қатра томди ҳамон,

Хижл бўлди дарёни кўрган замон.  
Булутдин чу бир қатра томди ҳамон,  
Хижл бўлди дарёни кўрган замон.  
Чу ул қатра ўзин тутибон ҳақир,  
Деди бор дарёки, йўқ ман фақир.  
Ўзига тавозуъни айлаб равиш,  
Садаф ичра топмиш дурур парвариш.  
Ке бу ажзидин билгил они раҳим,  
Қилибдур карам бирла дурриятин.  
Бўлсанг Саъдиё бўлғоман сарбаланд.  
Кибрлиғ ила бўлмагил худ писанд.


(40<sup>6</sup>) **Таваккулнинг баёнида**

Таваккул қил пеш, эй роҳбар,  
Муфиди санга йўқтур ондин дигар.  
Эрур шоҳга лозим бу иш доимо,  
Ки қилса таваккул ишни бажо.  
Ки то айлабон ҳақ анга ёрлиғ,  
На иш қилса анга мадақорлиғ.  
Таваккул Худо лутфидиндур асар,  
Ки иймон ва тавҳиддиндур ҳам самар.  
Таваккулдур дилни аҳволидин,  
Гириҳни ки очмоқға ашқолидин.  
Таваккулни маънисин этсам ки ёд,  
Вакилиға қилмоқ дурур эътиمود.  
Ўз ишини кофийсиға сидқ этуб,  
Қилур шукр онга берса не ризқ этуб.  
Ки ул бандани рўзисин бергувчи,  
Кифоят ҳаммага кориға қилғуси.  
Санга десам эй соҳиб мағфират,  
Таваккул қилурни агар тўрт сифат.  
Во бўлмаса сидқи вакилға агар,  
Вакилға эмас эътиمود сар басар.  
Сифат аввали дур ки макру фириб,  
Борисиға устод бўлғай қариб.  
Иккинчи ўзи билганинг ҳар не бор,  
Ани қилмоқ изҳор қодир булар.

АЖДОДЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН

---

Учунчиси гар бўлса ҳар ким рафиқ,  
Керак бўлмоқи онга доим шафиқ.  
Агар тўртланчи син этсам ки ёд,  
Муваккилга ул айлабон эътимод.  
Ке қилса муваккил на ишни айён,  
Онинг коридур кунгли бўлгой аён.



## ҲАМДАМИЙ ХОРАЗМИЙ

(XIX аср)

Ҳар кишидан халқ бўлса норизо,  
Ул бўлуր юз минг балога мубтало.  
(Ҳамдамий Хоразмий)

Ҳамдамий Хоразмий ҳақида манбаларда маълумотлар йўқ. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган. Унинг “Насиҳатнома” асари қўлёзма нусхалари ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланади. Ҳамдамий “Насиҳатнома”ни машҳур форс-тожик адабиёти намояндаси Фаридудин Атторнинг “Панднома” асари асосида яратган.

Фаридудин Аттор (1145–1221) Нишопурда доричи-табиб оиласида туғилиб ўсган, шу ерда мангу қўним топган. У Нишопур ва Машҳад мадрасаларида таҳсил олиб, ўз даврининг анъанавий фанларини чуқур эгаллаб, забардаст шоир, олим, хаттот, машойих даражасига етади. У баракали ижод билан шугулланиб, ўзидан 150 га яқин асарлар мерос қолдирган. “Тазкират ал-авлиё”, “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Мусибатнома” номли асарлари, шунингдек, юздан ортиқ қасидалари, мингдан зиёд ғазаллари, 500 минг байтдан иборат рубойлари унинг адабий-бадий меросини ташкил қилади.

Ўрта асрлар мадрасаларида – бошланғич курсларида “Чаҳор китоб” номли асар ўқитилган. Ушбу асар таркибига Фаридиддин Атторнинг “Панднома”си ҳам киритилганди. Ҳамдамий Хоразмий ушбу асарни туркий тилда назм билан таржима қилади, ўзидан янги қўшимчалар киритиб, мустақил асар яратади ва унинг номи-ни “Насиҳатнома” деб қўяди. Бу ҳақда қуйидагича баён этади:

Ҳамдамий берди санга бу пандни,  
Ҳамдамий эзди санга бу қандни.  
Бор яраштир қоғоз ила хомани,  
Яхши ёзгил бу “Насиҳатнома”ни.  
Ёздинг эрса, ёд тутгил зинҳор,  
Ҳамдамийдан сақлагил бир ёдгор.  
Бу “Насиҳатнома”ни қилдим баён,

Шайх Аттор айтиб эрди, бил аён.  
 Бошда тожиклар тили бирла эди,  
 Ҳамдамий туркий тили бирла деди.  
 Токи файз олгай чиққанда хомадан,  
 Туркийлар ҳам бу “Насиҳатнома”дан.  
 Бу “Насиҳатнома”ни бил минг байт,  
 Дўстларга менадан бориб ғойибона айт.  
 Минг байт эрмас эрур бу минг ўғул  
 Ким, эмас ҳеч қайсининг сўзи чуғул.  
 Минг ўғилдур барча носих, барча пок,  
 Барчаси маънода хуш, ҳам дарднок.  
 Ҳар бирининг тилида бир турли панд,  
 Аҳли дилларнинг қошида бу писанд.  
 Ҳамдамий айтур сўзга азм айладим,  
 Бу “Насиҳатнома”ни назм айладим.

Ҳамдамий Хоразмий ушбу манзумасида одоб-ахлоқ масалаларини ўзига хос тарзда, тушунарли, содда тилда баён қилади. Нафсга қул бўлмаслик, молу дунёга ҳирс қўймаслик, ҳасад, бахиллик каби иллатлардан қайтаради; одамларга яхшилик қилиш, меҳмонга иззату ҳурмат кўрсатишлик, саҳийлик, илмга тарғиб, олимлар билан бирга бўлиш каби фазилатлар улуғланади.

Асардан парчалар илк бор эълон қилинмоқда.

С.Муҳаммадаминов

### “Насиҳатнома”дан

Тўрт ишдур барчаларга беназир,  
 Бор тўрт ишга амал қил, эй фақир.  
 Аввал улким, ақддан берсанг хабар,  
 Ада ила бўлсанг, иккинчидан, агар.  
 Ҳам риёзатга белингни боғлагил,  
 Халқ аро, тўртинчи, ҳурмат сақлагил.

\*\*\*

Тўрт хислатдур жаҳонда бегумон,  
 Ким эрур одам вужудда ёмон.  
 Бириси ужбу такаббур бошида,  
 Бири ҳам қилмоқ бахиллик ошида.

Қаҳри келганда кечирмай қаҳрини,  
Ютса, тўртинчи, ҳасаднинг заҳрини.  
Кимки қилди бу сифатлар бирла ҳўй,  
Дунёда ҳеч ерда топмас обрўй.  
Барча ерда гар десанг ўтсин сўзинг,  
Бор бу ишлардан йироқ тугил ўзинг.  
Қўй бу ишларни қаноат пеша қил,  
Оқибат ўлмоқ керак андиша қил.

\* \* \*

Тўрт ишким, анда бордур кўп хатар,  
Оқил эрсанг, қил ул ишлардан сўзинг.  
Подшаҳларга яқин бўлмоқ бири,  
Ким турар бўлса ажаб бўлгай тири.  
Бил, иккинчи, дўстлик золимлара,  
Оқил эрсанг, ёр бўл олимлара.  
Келди учинчи, хотинларга, эй ном,  
Дунёни, тўртинчи, суймак, вассалом.  
Дунёни бил ҳалқа урган бир илон,  
Ичи оғу, таши олтиндек ҳамон.  
Олтин учун суйма дунёни шаҳрини,  
Ким кўрарсан ул илоннинг заҳрини.  
Оғзин очиб ул илон оғу сочар,  
Ҳар киши оқилдурур ондин қочар.  
Шол кий, алданма дунё кўркина,  
Ўхшар улким ҳуққабознинг бўркина.  
Шол кий, хайр этгил ишлаб абр каби,  
Безама ўзингни хотинлар каби.  
Қари дунё безаниб бўлмиш келин,  
Чун ҳино деб қонга ботирмиш қўлин.  
Кезибон ҳар лаҳза бир ерга борур,  
Ҳар беш-олти кунда бир эрга борур.  
Бошда эрининг юзига хуш-хуш кулар,  
Сўнгра унинг саққолин бир-бир юлар.  
Улдурур эрким, бўлиб ундан йироқ,  
Кечибон ундан қилибдур уч талоқ.

\* \* \*

Тўрт нарса келди давлатга далил,  
Бўлди гар давлатли бўлса, яхши бил.



Бири улким, ҳиммати бўлса теранг,  
 Қўли очиқ, кўзи тўқ ҳам кўнгли кенг.  
 Бири ҳам бўлса керак аҳли савоб,  
 Зарра-зарра адлидан бергай жавоб.  
 Ҳақ азобидан, учинчи, қўрқмоқ,  
 Муъмин бўлсанг, ол бу дафтардан сабоқ.  
 Гар эришса, аслсизларга киши,  
 Тонг эмасдур, тинмаса ҳаргиз иши.  
 Аслсизнинг суҳбати жон эритур,  
 Суҳбатининг ўти имон эритур.  
 Бўлмагил ножинсларга ҳамнишин,  
 Ким, эмас ундан баттарроқ ҳеч қийин.  
 Қайдаким ножинс кўрсанг, эй фақир,  
 Ерни қазиб, кўрмайин деб унга кир.

\* \* \*

Жазм билгилким, эрур, эй некном,  
 Тўрт маъно тўрт маънодан тамом.  
 Ақл юзидан топар илминг камол,  
 Яхши ниятдан амал топгай жамол.  
 Оре, бўлмоқдан тузалгай ниятинг,  
 Шукр қилмоқдан кўпайгай неъматинг.  
 Ақлсиз ишлаатса бўлмас илмни,  
 Сабрсиз тўхтатса бўлмас ҳилмни,  
 Ақлсизлар кўнглида йўқ ҳеч нур,  
 Ақлсизлардан киши топмас ҳузур.  
 Илм аҳлига қилур уйқу зиён,  
 Гар танинга бор эса жонинг, уён.  
 Олимики илмига қилмас амал,  
 Қўйки, “кал-анъом” эрур, “бал ҳум азал”.  
 Шукр қилмоқдан топар неъмат камол,  
 Ҳақ таоло шукрини қил, неъмат ол.

\* \* \*

Тўрт нарса билки боргандан кейин,  
 Қайтариб бўлмас, уларни айтайин.  
 Бири сўзким, дединг эрса қайтмас,  
 Яхши билмай оқил уни айтмас.  
 Бирисиким, ҳар на ҳукм этса қазо,  
 Қайтмас ул ҳам унга бергил ризо.

Қайтмас учинчи, ёйдан чиққан ўқ,  
Ҳеч ўтган умрнинг қайтари йўқ.  
Сўзни андоқ сўзлаким, гар бўлса фош,  
Демасин ҳеч ким кўзинг устида қош.  
Кимки сўзни билмайин фарёд этар,  
Бегумон ўз жонига бедод этар.  
Сўзни яхши билмайин қилма баён  
Ким, қилур сўз кулли айбингни аён.  
Этмагил йўлдошларингнинг ғийбатин,  
Емагил мурдор ўликларнинг этин.  
Айлагил шайтонга лаънат ҳар замон,  
Ҳеч мўъмин бирла тортишма, ёмон.

\* \* \*

Уч аломат бил мунофиқларда сан,  
Жоиз эрмас уларга гўру кафан.  
Бири улким, ваъдага айлар хилоф,  
Ул қаро кўнглидур, эрмас ўзи соф.  
Ўзига одамларни душман билур,  
Ул омонатга хиёнат ҳам қилур.  
Билма, эй хўжа, мунофиқни амин  
Ким, эмас ҳаргиз мунофиқ сўзи чин.  
Ҳар кимнинг бўлса мунофиқ йўлдоши,  
Тез янчилгай тош остида боши.

\* \* \*

Тўрт нарса келди аблаҳга далил,  
Оқил эрсанг, айтайин бир-бир бил.  
Аблаҳ ўз айбини билмас дунёда,  
Ўзгаларнинг айбини айтур сояда.  
Муттасил дунё учун меҳнат чекар,  
Кўнглига бухлу ҳасад тухмин экар.  
Ҳар кишининг ким эрур яхши сўзи,  
Орттирур ўз обрўйини ўзи.  
Кўрма, эй хўжа, бахилнинг юзини,  
Оқил эрсанг, тотма унинг тузини.  
Бил бахил жаннатдан маҳрум бўлур,  
Юзини кўрма бахилнинг шум бўлур.  
Истасанг омон балолардан йўлинг,  
Яна чеккилким, икки ишдан қўлинг.

Бири дунёдан, иккинчи нафсдан,  
 Чеқдинг эрса қўлингни, бўлдинг эсон.  
 Бўлдинг эрса нафс бирла мубтало,  
 Юзланур ҳар дам санга юз минг бало.  
 Ҳар кишидан халқ бўлса норизо,  
 Ул бўлур юз минг балога мубтало.  
 Ҳеч кимдан аяма хуш сўзингни,  
 Халқ аросинда азиз эт ўзингни.  
 Ҳар кишини оғритибсан, кўнглин ол,  
 Яхши эрмас бул ишинг, сан уёл.  
 Ҳар кишинингким, иши озордур,  
 Тангри ул бадбахтдан безордур.  
 Кимки жавру зуам бўлди пешаси,  
 Оқибат кесгай оёқин тешаси.  
 Яхшиликни бор унутма ҳар қачон,  
 Ҳеч инсон бирла боришма ёмон.  
 Кимки кучи яхшиликка етмаса,  
 Яхшидур бори ёмонлик етмаса.  
 Кимки гийбатдан тилини боғлади,  
 Билки шайтони лаинни доғлади.  
 Гийбат этмоқлик гуноҳидур касир,  
 Ҳар на қилсанг, виждонинг сўрар бирма-бир.  
 То қўлингдан келса хуш сўз сўзлагил,  
 Яхшилик қил охиратни кўзлагил.  
 Ўлмагинг қайғурмагил, эй кўп ҳавас,  
 Чун бўлурсанким эрур қайғу абас.

\* \* \*

Тўрт нарса келди иззатга далил,  
 Истасанг иззат буларни яхши бил.  
 Илмнинг қадрини билгил беҳисоб,  
 Халққа бергил жаҳонда хуш жавоб.  
 Дўстлардан ҳам ўзинг олгил хабар,  
 Айлагил душман балосидан ҳазар.  
 Ҳар кишида бор эса ақлу тамиз,  
 Ул керакким, илмни тутгай азиз.  
 Қоил эрсанг, бор азиз эт ўзингни,  
 Ҳеч кимдан аяма хуш сўзингни.  
 Ҳар кишинингким, эрур аччиқ сўзи,  
 Ҳеч ерда топмас обрў ўзи.

\* \* \*

Тўрт иш бадбахликқа чекти йўл,  
Ҳар киши бадбахт бўлса, билки ул.  
Ҳар касу нокасга ул жоҳил эрур,  
Ҳам бахилу, жоҳилу қоҳил эрур.  
Дунёда ҳар кимки қорнин тўйдирур,  
Семиртиб нафсини, руҳин ўлтирур.  
Ҳар кишиким тушса нафснинг кўйина,  
Ҳеч бас келмас ўзининг хўйина.

\* \* \*

Ҳар кимга бахту саодат бўлса ёр,  
Яхшиликдан тўрт хислат унда бор.  
Хайр қилса миннат этмас ҳеч кима,  
Дунёда нуқсони етмас ҳеч кима.  
Ҳеч кимнинг айбин очмас дунёда,  
Барча эл бирла қариндошдур яна.  
Кимки бўлса ўз элидан норизо,  
Ҳеч бўлмас ҳожатаари асло раво.  
Кимни кўрсанг, унинг йўлида азоб,  
Тўғри йўлга солки, топгайсан савоб.  
Раҳм қилгил дунёда сан ўзгага,  
Ўз юкингни солма зинҳор ўзгага.

\* \* \*

Юз ўғир икки кишидан, эй фақир,  
Айтайин, тингла бу сўзни бирма-бир.  
Бириким, душман эрур юзи қаро  
Ким, эмас унинг юзин кўрмак раво.  
Бири юз дўндирмак аблаҳ дўстдан  
Ким, сени аблаҳ чиқарур пўстдан.

\* \* \*

Яхшидур ул ҳамки хуш, овози суст,  
Айтсанг ҳар сўзни ўз маҳалида дуруст.  
Улки йўқдир ҳиммати оламда ул,  
Ақли нокомилдур ундан узоқ бўл.  
Кимки ғийбатдан тилини боғлади,  
Билки шайтони ланни доғлади.  
Ҳар кимнинг айбин юзига демагил,  
Кимсани номусидан айирмагил.

Ҳар киши эл молига бўлса ҳасуд,  
Билки ул кўрмас икки оламда суд.  
Ҳар киши ёлгончидур, бил беҳаё,  
Беҳаёлардан киши кўрмас вафо.

\* \* \*

Қоҳилу дангасалик ила қилма хато,  
Беш кун умринг учун ул ҳам фано.  
Бўлди ходимлар ери дориссалом,  
Гар қўлингдан келса хизмат қил мудом.  
Ҳар киши олимларга хизмат қилур,  
Еру кўк ул ходимга раҳмат қилур.  
Қимки хизмат қилмоққа боғлар белин,  
Халқ тутар меҳнат замонида қўлин.  
Хизмат эт олимларга, эй номурод,  
Токи бўлгайсан икки оламда шод.  
Меҳмон тангри атосидур санга,  
Меҳмонинг келса, хизмат қил анга.  
Ҳар киши хизмат қилур меҳмонига,  
Ўзини яқин тутар раҳмонига.  
Қимки меҳмонига хуш сўз кўрсатур,  
Ризқи кўпайиб, бирига юз кўрсатур.  
Бўл такаллуфдан йирок, эй мезбон,  
Бўлмагай дилгир сандан меҳмон.  
Меҳмон бир ҳадиядур Аллоҳдан,  
Ҳар кишига бир келур ногоҳдан.  
Қимки боғлар эшигин меҳмонига,  
Буйсунмабди тангрининг фармонига.  
Қимки берса бир ёлонғоч танга тўн,  
Ҳақ эвазига бергай унинг бирига ўн.  
Меҳмонинг бўлса ҳарки хос-авом,  
Хиралик қилмай қўл олдига таом.  
Ҳар кишига бахту давлат бўлса ёр,  
Хайру эҳсон бирла бўлгай ошкор.  
Емагил ҳаргиз бахилнинг нонини,  
Гар қўлингдан келса, кўрма миннатини.  
Бил бахилнинг нонидур ранжу ино,  
Асхиё нони эрур нуру сафо.  
Айлагил меҳмона иззат, эй халил,  
То азиз этсун сани рабби жалил.


Меҳмон келса ўз ризқини ер,  
Кимки меҳмондан қочар бил қора ер.  
Меҳмон келса кўзингни ёритур,  
Йўл тузи бирла юзингни аритур.  
Меҳмонингни согин, қайтарма оч,  
Гарчи ул кофир эса эшигингни оч.

\* \* \*

Қариларнинг хизматига бел боғлагил,  
Кўрсанг ўзингдан кичикка раҳм қил.  
Қил кичикликда яшаганларни ёд,  
То қарилик чоғида топгайсан мурод.  
Кўп емаклик турлук иллатга чекар,  
Кимки кўп ер, хасталик тухмин экар.  
Ётлик қилма, қариндошингни кўр,  
Кўрдинг эрса, лутф қил, ҳолини сўр.  
Ўз қариндошини ҳар ким сўрмас ул,  
Ҳаргиз жаннатнинг юзини кўрмас ул.  
Ким қариндошдан кесар дунёда раҳм,  
Тангри қилмасдур унга уқбода раҳм.  
Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,  
Ҳеч мўъминга раво кўрмас ёмон.  
Нафсингни солма ёмонлик йўлига,  
Тушма ҳаргиз шайтоннинг қўлига.  
Қайдаким тухмат бор унда бормагил,  
Тек туриб тикка бошингни ёрмагил.

\* \* \*

Яхши ҳамдам истасанг, эй кўп ҳавас,  
Дунёда ўткарма умрингни абас.  
Кимки қайғу чоғи маҳрамдур санга,  
Билки, ҳар иш тушса ҳамдамдур санга.  
Ҳамдам уддурким, санга бош ўйнагай,  
Хаста бўлсанг, кўзида ёш ўйнагай.  
Ҳамдам эрмас кимки сендан нон аяр,  
Ҳамдам эрмас кимки сендан жон аяр.  
Ҳамдамини кимки топди шоддур,  
Кўнгли хушдур, қайғудан озоддур.



## МАҚСУДХҲҲА ТОШКАНДИЙ

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

*Эй, ўғлим! Панд-насиҳат қилсанг,  
аввал ўзинг амал қил.  
(Мақсудхўжа Тошкандий)*

Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа эшон ат-Тошкандийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам. У XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда яшаган маърифатпарварлардан биридир. Мақсудхўжа Тошкандийнинг ёзган асарларига қараганда, у араб ва форс тилларини мукаммал билган, гўзал ашъорлар ҳам битиб турган.

Мақсудхўжа Тошкандий ўзидан 1917 йили Тошкентда нашр этилган “Мажмаъ ал-адаб” (Одобга оид фикрлар тўплами), 1909 йили Тошкентда нашр этилган “Махзан ал-мақсуд” (Мақсадалар хазинаси), 1903 йилда Тошкентда нашр этилган “Мақсуд ал-мутааллимин” (Илм ўрганувчиларнинг мақсади) асарларини мерос қолдирган. Уни машхур қилган асари, шубҳасиз, “Мажмаъ ал-мақсуд” (Мақсадлар тўплами) номли икки жилдлик асардир. Мазкур китоб 1902, 1906, 1912, 1917 йиллари икки китоб ҳолида нашр этилган. Асар таниқли фақиҳ Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Бухорий (ваф. 1346) қаламига мансуб “Мухтасар ал-Викоя” китобига ёзилган туркий тилдаги шарҳ ҳисобланади. Маълумки, мазкур китоб ўрта асрлар мадрасаларида фикҳ фанидан ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилган. XX аср бошларида ҳам унга эҳтиёж катта эди. Бинобарин, шарҳ қилувчи томонидан туркий тилда унга муфассал шарҳ битилиши туркистонлик талаба ва илм аҳли орасида шуҳрат қозонишига сабаб бўлди.

Мақсудхўжа Тошкандийнинг “Мажмаъ ал-мақсуд” асари 1996, 2005 йилларда керакли луғат ва изоҳлар билан бирга ўзбек тилида нашр этилди<sup>1</sup>. Нашрнинг биринчи жилдида шарқшунос

<sup>1</sup> Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-Викоянинг ўзбекча шарҳи. 1-жилд / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, А.Ҳасаний, У.Ҳасаний. “Талоқ” китобини М.Умар тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Мансур. Муҳаррир Ш.Холмурод. –Тошкент: Адолат, 1996. –640 б; Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа.

Маҳмуд Ҳасанийнинг “Сўзлари мухтасар, маъноси бепоён китоб” деб номланган сўнгсўзи ўрин олган бўлиб, унда шарҳловчи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Мақсудхўжа Тошкандийнинг “Мақсуд ал-мутааллимин” асари бошланғич дарслик китоблари каби бўлиб, XX аср бошларидаги жаҳид мактаблари учун мўлжаллаб ёзилган, уч қисмдан иборат. Муаллиф асарини ёзиш сабабини асарнинг титул varaғида шундай ифодалайди: “Ушбу алифбо рисоласини аҳли исломни фарзанди дилбандлари ўқуб, андак вақтда хат таниб, саводлари чиқмоқлари учун тошкандлик шориҳи “Мухтасари Виқоя” Мулла Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа эшон..., шоядки, тез фурсатда саводлари чиқиб аҳкоми шаръийани таълим олмакга кўшиш ва тарадду қилсалар, ... деб таълиф қилдим”.

Биринчи бўлимда алифбо, ўқиш қоидалари батафсил тушунтирилади ҳамда арабча-ўзбекча лугат бир неча турларга бўлиниб ифодаланади. Кейинги бўлимда муқаддас калималар ва намозда ўқиладиган дуолар маънолари билан берилган. Охирги бўлим “Насиҳатнома” деб аталади: ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун муаллиф томонидан тузилган, одоб-ахлоққа оид фикрлари, бошқа донишмандларнинг айтганлари, кичик ҳикоятчалар ўрин олган.

“Мақсуд ал-мутааллимин”нинг “Насиҳатнома” қисми илк бор ҳозирги ўзбек тилида эълон қилинмоқда.

Ҳ.Аминов

### “Мақсуд ал-мутааллимин”дан<sup>2</sup>

(50) Эй, ўғлим! Панд-насиҳат қилсанг, аввал ўзинг амал қил. Сўзни ўз аҳволига қараб сўзла. Одамларнинг қадр-қийматини бил. Ҳамма одамнинг ҳаққини жойига келтиргин. Сиригнни ҳеч кимга айтма. Дўстингнни бошингга қаттиқ иш тушганда синагин. Аблаҳ ва нодон кишилардан қочгин. Доно ва зийрак одамга дўст бўлмоқни ихтиёр қил.

Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-Виқоянинг ўзбекча шарҳи. 2-жилд / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, А.Ҳасаний, У.Ҳасаний. Масъул муҳаррир Ш.Исмоилов. Муҳаррир: Ш.Холмурод. —Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. —648 б.

<sup>2</sup> Мақсудхўжа Тошкандий. Мақсуд ал-мутааллимин. —Тошкент, 1903. —80 б. (Тошбосма).



Эй, ўғил! Бир иш қилсанг, доно кишининг маслаҳати билан қил. Сўзни далил билан сўзлагин. Ёшлиқни ғанимат бил. Икки дунёнинг ишини яхши қувватли вақтингда ва ёшлигингда ростлагин ва тайёрлагин. Дўсту ёрларингни иззат ва ҳурмат қил. Дўсту душманга қавоғингни очиб юргин. Устозни отангдан яхшироқ бил. Сарф ва харажатни топишингга қараб қил. Жами ишда ўртача юрадиган бўл.

Эй, ўғил! Сахийликни одат қил. Меҳмонни яхши кутиб ол. Бировнинг уйига кирсанг, кўз ва тилингни эҳтиёт қил. Кийимларингни ва баданингни пок қилиб юргин. Кўпчилик билан бўлиб, илм ва одоб ўрган. Ёшларга илм ва одоб ўргат. Агар мумкин бўлса, ўқ отишни ва от минишни ўрган ҳамда билмайдиган кишиларга ҳам таълим қилгин. Ковуш, маҳси ёки этикни кийсанг, ўнг оёқдан кийгин, ечишда эса чапдан ечгин. Ҳар кимнинг ишини ўз аҳволига қараб қил.

(61) Эй, ўғил! Кечаси сўзласанг, оҳишта ва мулойим сўзла, кундузи сўзласанг, ҳар тарафга қараб, ундан сўнг гапир. Емоқлик ва ухламоқлик одобларини билиб ол. Ўзингга ёқмаган нарсаларни бошқа одамларга ҳам раво кўрма. Бирор иш қиладиган бўлсанг, аввал билиб, кўриб, тадбир билан бажар. Ўрганмасдан туриб усталик қилма. Хотинга ва ёш болаларга сирингни айтма. Зоти паст одамдан вафо кўраман деб умид қилма. Ўйламасдан биронга иш қилма, қилмаган ишни қилган деб ҳисоблама.

Эй, ўғил! Бугуннинг ишини эртага ташлама. Ўзингдан катталарга ҳазил қилма. Катта одамларга сўзингни узун қилма. Илмсиз, жоҳилларни ўзингга ҳазилкаш қилма. Муҳтож кишини қўлингдан келганча ноумид қайтарма. Бир одам билан илгари уришган бўлсанг, эсингга келтириб юрма. Ўз бойлигингни дўст ва душманга кўрсатма. Қариндошларингдан узилма. Яхши одамларни ғийбат қила кўрма. Манманлик қилма, кибру ҳавога берилма.

(62) Эй, ўғил! Кўпчилик тик турган бўлса, сен ҳам уларга мувофиқ бўл. Одамлар орасида тишингни кавлама. Одамларнинг олдиларида баланд овоз билан тупурма ва бурнингни қоқма. Сўзни ҳазил аралаштириб, кинояли гапирма. Бирон кимсани одамлар орасида хижолатга қўйма. Кўзу қош билан бирор кимсанинг айбу нуқсонига ишора қилма.

Эй, ўғил! Бир сўзни иккинчи марта гапирма. Қаттиқ кулдирадиган сўздан ҳазар қил. Одамларнинг орасида ўзингни, хо-

тинингни ва болаларингни мақтама. Ўзингни хотинларга ўхшатиб қўйма. Ҳамма одамларнинг ҳурматини бажо қил. Ёмонлик қўлидан келадиган киши билан ҳамсуҳбат бўлма. Ўлган одамни ёмонлик билан эслама, бунинг фойдаси йўқ.

(63) Эй, ўғил! Қўлингдан келса, ҳеч ким билан жанг ва ҳусумат қилма, уруш ва жанжалдан ўзингни четга ол. Бировнинг кучини синайдиган бўлма, синалган одамни эса ёхши инсон деб бил. Ўз нонингни бошқа кимсанинг дастурхонида ема. Шошилиб иш қила кўрма. Дунё учун ўзингни машаққатга солма. Ҳар ким ўзини таниган бўлса, уни сен ҳам танигин. Аччиғинг чиққанда ўйлаб-ўйлаб гапир. Офтоб чиқадиغان вақтда ухлаб ётма. Таом емаётган одам олдида ўзинг овқатланма. Кўпчиликнинг олдига тушиб юрма, ҳамма билан баробар юр. Одамлар гаплашаётганда орага сўз қўшма. Меҳмоннинг олдида бировга газаб қилма, меҳмонга иш буюрма. Юрганда ҳар тарафга қараб юрма, ерга қараб юр. Жинни ва маст одамга гапирма. Ишёқмаслар ва нокаслар билан кўчаларнинг бошида ўтирма. Ҳар фойдаю зиён учун обрўйингни тўкма. Сафарга чиқсанг, пичоқсиз, узук ва тангасиз бўлма. Тавозуъли бўл, мутакаббир бўлма. Худойи таолога сидқ ва эътиқод билан умр ўтказ; нафсга қаҳр, халққа инсоф, катталарга хизмат, кичикларга марҳамат, бечораларга саховат, дўст-ёрларга панд ва насиҳат, душманларга мулоимлик, жоҳил ва нодонларга жимлик, олимларга тавозуъ билан умр ўтказгин. Ҳеч кимнинг бойлигидан тама қилма; бойлик келса қайтарма, лекин тўплашга хирс қўйма, уни яхши тарафларга сарф қил.

## АБДУРАҲМОН САЙЁҲ ТОШКАНДИЙ

(XIX аср охири – XX аср боши)

Дин ва дунёнинг зийнати адаб биландир  
(*Абдураҳмон Сайёҳ*)

XIX аср иккинчи ярмида Шарқ мамлакатларида юзага келадиган миллий озодлик ҳамда тараққиёт ғояларини илгари сурган маърифатпарварлар фаолияти Россия империяси мустамлакасига айланган Туркистон ўлкасида турли кўринишларда шакллана борди. Бу даврда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби жадидалар ўз фаолиятлари давомида илм-фан, маърифат, одоб-ахлоқ масалаларига катта эътибор билан қараганлар<sup>1</sup>.

Абдураҳмон Муҳаммад Содик ўғли Тошкандий ҳам XX аср бошлари матбуотида “Сайёҳ” таҳаллуси билан танилган маърифатпарвар зиёлилардан бири бўлиб, у XIX аср охири – XX аср бошларида ноширлик қилиш билан бирга одоб-ахлоқ, диний ва маърифий соҳаларга оид қатор китоблар ёзган. Жумладан, биргина “Меъёр ул-ахлоқ” асарининг охириги қисмида Абдураҳмон Сайёҳнинг муаллифлигида нашрга тайёрланган “Маккаи мукаррама тарихи”, “Байт ул-муқаддас тарихи”, “Арабнинг қадимий тарихи”, “Бани Исроил тарихи” каби ўнга яқин асарлар номлари келтирилган. Бундан ташқари, у сиёсат, ислом, тарих, маънавият соҳаларида чоп этилган кўплаб китобларга ноширлик қилган. Шунингдек, ўзи ҳам бир неча китоблар ёзгани маълум.

Абдураҳмон Сайёҳнинг ўлка аҳолиси саводхонлигини ошириш, маҳаллий ва дунёвий янгиликлардан, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан хабардор қилишга қаратилган фаолиятини унинг бош муҳаррирлигида 1915–1917 йилларда Тошкентда нашр қилинган “ал-Ислоҳ” журнали фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Мазкур журнал нафақат Туркистон ўлкасида, балки қўшни мусулмон мамлакатларида ҳам машҳур бўлган. Журнал-

<sup>1</sup> Маънавият юдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б.339.

да ислом, шариат ва фикҳий масалалар, одоб-ахлоқ муаммолари, машҳур диний асарлардан таржималар, ўлка ҳаётига оид баҳс-мунозаларалар бериб борилган<sup>2</sup>.

Абдурахмон Сайёҳ қаламига мансуб асарлардан иккитаси “Меъёр ул-ахлоқ” ҳамда “Танвир ул-аҳдоқ фи-макорим ул-ахлоқ” асарлари ўрта асрларда яшаб ўтган ислом оламининг йирик алломалари илгари сурган ғоялар асосида ёзилган бўлиб, одоб-ахлоққа оиддир. Мазкур асарларда муаллиф ахлоқнинг моҳияти хусусида фикр юритар экан, аввало Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ҳамда имом Ғаззолий, Фахриддин Розий каби алломалар асарларига мурожаат қилади. Асарда муаллиф томонидан анъанавий мусулмон одоб-ахлоқи масалаларига янгича ёндашувлар алоҳида аҳамиятга эга.

“Меъёр ул-ахлоқ” асари 1912 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида тошбосма услубида чоп этилган<sup>3</sup>. Китоб икки қисм (ҳисса)дан иборат бўлиб, ҳар икки қисми еттитадан бобни ўз ичига олган. Китобнинг биринчи қисми, асосан, ахлоқнинг назарий масалаларига бағишланган. Китобнинг иккинчи қисми эса ахлоқнинг амалий масалаларига бағишланган бўлиб, унда инсон ахлоқи ва ахлоқнинг ижобий ҳамда салбий категорияларига мисоллар асосида тавсифлар берилган. Китоб сўнгида инсон ахлоқи ва руҳияти учун хос бўлган ўттиз иккита хислат тавсифланган. Унда исломий анъаналардан келиб чиққан ҳолда ибодат, тақво, шукр, дуо, сабр каби тушунчаларга изоҳ бериш билан бирга инсон ахлоқининг муҳим сифатлари бўлган адаб, афу, шафқат, саховат ва эҳсон, тавозеъ ва эҳтиром, шижоат, диёнат, вафо, содиқлик каби категорияларни таҳлил қилади<sup>4</sup>. Китоб сўнгида берилган маълумотга қараганда, Абдурахмон Сайёҳ “Меъёр ул-ахлоқ” асарининг учинчи ва тўртинчи қисмларини ҳам нашрга тайёрлаган<sup>5</sup>.

Умуман олганда, “Меъёр ул-ахлоқ” асари нашрида Туркистон ўлкасидаги таълим муассасаларида мусулмон болалар таълим-тарбиясида одоб-ахлоқ мавзусини содда ва тушунарли қилиб ёритиш мақсад қилиб олинганлигини кўриш мумкин. Зеро, ўша давр нуқтаи назаридан маҳаллий ҳамда рус-тузем мактабларида ўрта асрларда яратилган одоб-ахлоқ ҳақидаги анъана-

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-жилд. Туркистон Чор Россияси мустамакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000. –Б.261.

<sup>3</sup> Абдурахмон Муҳаммад Содиқ ўғли Тошкандий. Меъёр ул-ахлоқ. –Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифжонов матбааси, 1912.

<sup>4</sup> Абдурахмон Муҳаммад Содиқ ўғли Тошкандий. Кўрсатилган асар. –Б.146.

<sup>5</sup> Абдурахмон Муҳаммад Содиқ ўғли Тошкандий. Кўрсатилган асар. –Б.166.

вий китоблар ўқув дастурларидан четга чиқарилган бир пайтда уларда илгари сурилган гоёлар ҳамда исломий анъаналар доирасида, маҳаллий маърифатпарварлар томонидан давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ишланган одоб-ахлоқ дарсликларига эҳтиёж катта эди.

Абдурахмон Сайёҳ ахлоқ мавзусига ўзи яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда фикр билдирган. Одоб-ахлоқ масаласига Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний каби ўша даврнинг бошқа маърифатпарварлари сингари Туркистон жамиятини ҳалокатдан, қолоқликдан илм-фан тараққиётига олиб чиқувчи омил сифатида қарайди. Илгари сурган фикр-мулоҳазаларида “чиройли одоб-ахлоққа эришишнинг йўли бу ҳукамолар, яъни замон олимлари таълимини, билимини олишдир”, деган хулосага келади.

Масалага шунуқтаи назардан ёндашган ҳолда “Меъёр ул-ахлоқ” асарининг 1912 йилда Тошкентда “Ғулом Ҳасан Орифжонов” матбаасининг тошбосма нашри асосида инсонлар одоб-ахлоқининг айрим жиҳатларига бағишланган қисмларидан таржима қилинди. Шунингдек, мазмунан “Меъёр ул-ахлоқ” асарида яқин, аниқроғи, айрим ўзгартиришлар билан ўзбек тилида нашр этилган “Танвир ул-аҳдоқ фи-макорим ал-ахлоқ” (Ғўзал ахлоқлар борасида кўз гавҳарини нурлантириш) номли асарининг 1913 йил Тошкентда амалга оширилган тошбосма нашридан таъдил қилинди.

Ў.Султонов

### “Меъёр ул-ахлоқ”дан<sup>1</sup>

(20) **Ахлоқ илми ҳақида.** Имом Ғаззолий ахлоқ илмини тиб илмига қиёс қилиб, шундай деганлар: “Бадан сиҳат-саломатлиги муҳофазаси учун тиб қоидаларига риоят қилиш ва касаллик юз берганда табибларга мурожаат қилиш лозим. Шунингдек, маънавий ҳаётийлик муҳофазаси учун ҳам ахлоқ илми таълими мутахассисига мурожаат қилмоқлик лозим ва вожибдир. Бадандаги жисмоний касаллик, шубҳасиз, унинг ҳалокатига олиб келади. Ва маънавий касаллик – ахлоқсизлик ҳам маънавий ҳаётнинг ҳалокатига сабаб бўлади”.

Жисмоний касаллик инсон ҳаётини ниҳоясига етказар экан, кишилар эътиборли бўладилар ва табибларга бориб муолажа оладилар. Шундай экан, маънавий касаллик ҳам маънавий

<sup>1</sup> Абдурахмон Сайёҳ Тошкандий. Меъёр ал-ахлоқ. – Тошкент, 1912. – 100 б. (Тошбосма).

жаётни йўқликка олиб келишини англаган ҳолда ахлоқ илмига эътибор қаратишлари лозим.

(21) **Ахлоқнинг фазилатлари.** Инсон икки нарсанинг мажмуидан иборатдир. Уларнинг биринчиси жисм бўлса, иккинчиси руҳ, уни нафс ҳам дейдилар. Жисмни кўз билан кўрса, қўл билан ушласа бўлади. Руҳни эса зоҳиран ҳис этиб бўлмайди. Балки ақл билан унинг сийратига қараб топиш мумкин. Шу сабаб кўз ва кўриш каби зоҳирий сифатлар инсон жисмига тааллуқлидир. Аммо феъл-атвор, амаллар ва одатлар руҳга хос хислатлардирки, улар инсоннинг ботиний суврати ойнасидир. Токи инсоннинг барча аъзолари мутаносиб ва баробар бўлмас экан, зоҳирий ҳусн мукаммал бўлмайди. Шундан қиёс қилиб айтиш мумкинки, инсоннинг феъл-атвор ва хатти-ҳаракатлари меъёрида бўлмаса, унинг ботиний ҳусни мукаммал бўлмайди. Ёки айтиш мумкинки, у инсоннинг ахлоқи етук бўлмайди.

(22) **“Халқ” ва “хулқ”.** Зоҳирий сувратни “халқ” (“*фатҳа*” билан) ва ботиний сувратни “хулқ” (“*замма*” билан) дейилади. Одатда, фалон шахс хушхалқ ва хушхулқдир деб айтадилар. Бу гапни айтишдан мақсад у кишининг ҳам зоҳирий ва ҳам ботиний ҳусни орасалиги, бекаму кўсталигидир.

“Ахлоқ” хулқнинг кўплагидир. Форсий тилда “хулқ” сўзи ўрнида унинг кўплиги “ахлоқ” лафзини қўллайдилар.

(23) **“Хулқ” таърифида.** Хулқ инсон нафсини, аниқроғи, унинг ички дунёсини даволовчи сифатлардан биридир. Ундан инсонда тааммул, яъни фикрлаш, мулоҳаза қилиш ҳолати содир бўлади. Агар кишида шундай ҳолат бўлса, у ақлли ва мақтовга лойиқдир. Бас, бу сифатни чиройли хулқ ёки хушхулқ дейилади. Агар хатти-ҳаракатда салбий ҳолат юз берса, уни бадхулқ дейилади.

Шуни унутмаслик керакки, хулқ фақат иш-ҳаракатнигина ифодаламайди. Балки нафсга хос сифатлардан бирининг ҳам номидир. Масалан, баъзи инсонлар саховат хулқига эга бўладилар. Гарчи уларнинг ҳолати йўқчилик сабаби билан узрли бўлса ҳам. Баъзи инсонлар эса баҳиллик хулқига эга бўладилар.

(30) **Инсон нафсининг уч қуввати ҳақида.** Худойи таоло инсон нафсида, яъни руҳида уч хил қувватни яратган. Булар – ақлий қувват, газабий қувват ва шаҳвоний қувват. Ҳукамолар ҳам инсонни нафсидаги ушбу уч қувват хусусида иттифоқ қилганлар.

*Ақлий қувват.* Ақлий қувват бу шундай қувватки, фикр у билан ҳосил бўлади. Турли инсонлар ўртасидаги фарқлар – яхшилик

ва ёмонлик, ботин ва ботил шу қувват орқали вужудга келади. Бу қувватга тааллуқли нарсаларнинг жойи инсон бошида, миясидадир. Агар ақлий қувват ўртача меъёردа бўлса, унинг соҳиби олижаноб, оқил, тамизлик сифатларига эга, сўзлари маъноли бўлади. Ўртачадан ташқари, зиёд ёки ноқис бўлса-чи? У ҳолда агар зиёд бўлса, унинг соҳиби макру-ҳийла, тубанлик, кек ва ҳасад сифатлари билан, ноқис бўлса, унинг соҳиби калтафаҳм сифати билан бўлади.

(31) *Ғазабий қувват.* Бу қувват ёввойилик каби наботот ва ҳайвонот олами учун ҳам мансубдир. Бу қувват агар мўътадил бўлса, унинг соҳиби қалби бақувват бўлади. Агар зиёд бўлса, унинг соҳиби бемаънигарчилик ортидан юришга мойил, ноқис бўлса, соҳиби ҳам заиф қалб бўлади.

*Шаҳвоний қувват.* Бу шундай қувватки, у инсонлар билан бирга наботот ва ҳайвонот оламига ҳам дахлдордир. Озуқа ва шу каби бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёж мазкур қувватдандир.

Мазкур уч қувватни ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли ҳукамолар таълимини олишдир.

(32) **Уч қувватнинг ҳар бирининг фазилатлари ва разолатлари ҳақида.** Ақлий қувватдан ҳосил бўладиган фазилатлар қуйидагилардир: ақд, ҳифз – сақланиш, зикр, зако, фаҳм, тамиз, нутқ, сидқ, ҳиммат.

Ақлий қувватдан содир бўладиган разолатлар қуйидагилар: тубанлик, макр ва қабиҳлик, жаҳд, ёлғончилик, нодонлик, қўполлик, ёмонлик, риёкорлик кабилар.

Ғазабий қувватдан ҳосил бўладиган фазилатлар қуйидагилар: афу, Ҳилм-мулоимлик, раҳимдиллик, инсонийлик, гўзал хулқ, азм, удуғворлик, ҳиммат, ташаббус, тавозеъ, мардлик, олижаноблик, шижоат.

Ғазабий қувватдан содир бўладиган разолатлар қуйидагилар: кибру ҳаво, қовоғи солиғлик, ҳимматсизлик, шафқатсизлик, шухратпарастлик, ҳасад, зулм, ёмон хулқ кабилар.

*Шаҳвоний қувватдан содир бўладиган фазилатлар қуйидагилар:* диёнат, қаноат, сир сақлай олиш, саховат, сабр, хуррият, интизом, ҳаё, виқор, иффат, тақво.

(50) **Инсоннинг турли кишилар билан бўладиган муносабатлардаги сийратлари ҳақида.** Уларнинг аввали тўрт қисмдир. Булар ота ва она, муаллимлар, удуғлар ва подишоҳлар.

**Ота ва она.** Ота ва она билан муносабатда хузуъ ва хушуъда, яъни доимо ҳурмату эҳтиромда бўлмоқлик лозим. Инсон улар-

ни ранжитмаслиги, гарчи хато сўзласалар ҳам суҳбатда сўзини бўлмаслиги лозим. Инсон ҳеч қачон улардан яратганга шикоят қилмаслиги керак. Ота-она тик турган ерда ҳаргиз ўтириламайди, доимо уларнинг хизматида қойим мақом бўладилар.

(51) **Муаллимлар.** Англаш лозимки, ота-она инсоннинг жисмонан туғилишига сабабчи бўлсалар, муаллимлар уларнинг руҳиятига сабабчидирлар. Муаллимлар инсонга ота-она мартабасидадир, эҳтимол зиёд ҳамдир. Муаллимга исён бу неъматга куфр келтиришдекдир.

**Улуғлар.** Агар инсон улуғлар билан бўлса, аввало, уларга мулозаматни жойига қўймоғи даркор. Бир ишда улуғларга ишонилган бўлса, уларнинг қўл остида саъй-ҳаракатда бўлади. Тилида ва дилида валинеъматига шукроналикни адо қилиб, уларнинг фикрларини маъқуллаб, сир-асрорларини бегоналардан пинҳон тутадилар. Улуғлардан бирор иш ишониб топширилса, саъй қилиб, уни маромига етказадилар. Агар валинеъматдан бир ҳафагарчилик содир этилса, инсон уни ўзига душман мақомида тутмаслиги керак.

(52) **Подшоҳлар.** Агар инсон подшоҳнинг яқинларидан бири бўлишга мушарраф бўлса, аввало, унга дуоғўйликда қойим бўлгусидир. Мулоқотда хузуъ ва хушӯда бўлади. Биринчи бўлиб сўзламайди ва бирор нарса ҳақида сўрамайди. Сўзлаганда ҳам баланд овозда гапирмасдан, қўли ва бошқа аъзоларини тартибга келтирган ҳолда секин, мулойимлик билан сўзлаши лозим.

### “Танвир ул-аҳдоқ фи-л макорим ул-ахлоқ”дан<sup>1</sup>

Муаллим деб нафсни ислоҳга келтиргувчини айтилу. Агар ота-она жисмни камолига сабабчи бўлсалар, муаллим нафснинг жавҳари камолига сабаб бўлу.

(Абдурахмон Сайёҳ)

(20) **Маиший ҳаёт заруриятлари.** Одамларнинг ишлари усиз анжом топмайдир, бу тўрт нарсадур:

Биринчи – деҳқончилик, таом иши унинг билан дуруст бўлгай.

Иккинчи – тўқувчилик, кийим, либос иши унинг билан дуруст бўлгай.

<sup>1</sup> Абдурахмон Сайёҳ Тошкандий. Танвир ул-ахлоқ фи-л макорим ул-ахлоқ. –Тошкент, 1913. –150 бет. (Тошбосма).



Учинчи – бинокорлик, токи маскан ва иморатлар бино қилмоқ унинг билан дуруст бўлмай.

Тўртинчи – сиёсат қилувчи, токи кишиларнинг ишлари унинг билан интизом топмай. Чунки бир киши ўзининг барча ишларини ҳам ўз қўли билан анжом бера олмайди.

(21) **Уй тадбирлари хусусида.** Уйнинг тадбирида инсонлар ушбу тўрт нарсага муҳтож бўладилар. Биринчиси – мол, иккинчиси – хизматкор, учинчиси – хотин, тўртинчиси – фарзанд. Мол-мулкка ҳожат шу сабабданки, Худойи таоло инсонни таомга муҳтож қилиб яратган. Ва анинг емиши табиий эмасдур.

... Шулардан бири хотиндан икки мақсад бордир. Биринчиси табиий, иккинчиси ихтиёрий. Табиий мақсаднинг кўриниши шудирки, Худойи таоло жисмнинг ёлғиз қолмаслигини тақдир қилган. Ложарм жисмларнинг баробарга келмоғлари лозимдир. Чунки агар жисмлардан бири кетса ва у ўз ўрнига бошқа келмаса, насл тўхтайдди. Модомики, Худойи таоло оламни тақдир қилган экан, инсоният насли тўхтамаслиги лозимдир. Ихтиёрий мақсаднинг сабаби шудирки, эр кишининг табиати, мижози иссиқ, хотин кишининг мижози совуқдир. Бинобарин, эр кишига ташқарида бўлмоқ ва машаққатли ишларга мубошират қилмоқ муносиброқ келди. Вақтики, эр киши доим ташқарида бўлса, унга бир шерик, елкадош лозимдирки, у уйнинг ишларини саранжом қилгай. Бу хотин бўлгай.

(22) **Хотин танлаш хусусида.** Уйланишда хотиннинг ҳусну жамоли, моли ва насаби учун рағбат қилинмагай. Чунки агар хотинда ушбу хислатлар бўлса, ўзини эрига ҳақдор, эрнинг устидан ўзини устун деб билгай. Бу эса хотинда фитна ва фасодга сабаб бўлгай. Эр киши хотинга фарзанд ё наслнинг давом этиши учун рағбат қилгай. Фарзандга рағбат қилмоқ учун хотиннинг табиати дуруст, яъни соғлом ва салим бўлмоғи лозимдир.

(23) **Хотин тутиш ҳақида.** Эр киши хотинга бу олти нарсани риоят қилгай. Биринчиси, хотиннинг кўнглига нақш қилгайки, ундан мақсад уйнинг муҳофазасидир. Яъни доим мубошарат қилмоқ эмасдур. Иккинчиси, уйнинг муҳофазаси ва саранжом-саришталигини хотинга топширгай ва ҳеч бир ҳолатда унга тегишли ишларга даҳл этмагай. Учинчиси, (ортиқча) ишқ ва муҳаббат изҳор этмагай, уйдаги молларни хоҳлаганча сарф қилмоққа ихтиёр бермагай. Тўртинчиси, ўзининг сирларини хо-

тиндан махфий тутмагай. Хотинга тобеъ бўлмагай, аксинча, уни ўзига тобеъ қилгай. Бешинчиси, бадхулқ ва бадкирдор хотинларни уйига қўймагай, суҳбат қилмагай. Олтинчиси, агар бадкирдор хотинга дучор бўлса-ю, ҳеч сулҳга келмаса, ундан нари кетгай.

**Уйнинг интизоми хусусида.** Уйнинг интизоми учун бир неча маслаҳатларнинг мавжуд бўлмоғи лозимдир. Булар – ақл, дилнинг ва жисмнинг қувватлилиги, унинг шаҳватга ғолиб бўлмоғи ва шаҳватнинг унга ғолиб бўлмаслиги, тавфиқ ва ҳидоятнинг ошнолиги кабидирки, то ҳар ишда адал ва эътидолни қўлдан бермаслик учун.

**Фарзанднинг аҳволи хусусида.** Фарзанднинг тарбияси унинг ота ва онаси табиати, нафсоний хатти-ҳаракатлари муҳотида камол топади. Шу сабабли ҳам насабнинг эътибори ақлан ва шаръан жуда муҳимдир. Ва яна фарзандни ақл ва шариатга мувофиқ адаблантирмоқ лозим. Фазилат аҳллариининг мажлисларидан маҳрум қилмагайлар. Ортиқча ҳазил ва мутойибадан ман қилгайлар. Мумкин қадар ёшлигидан мақбул амаллар ва яхши сийратларга одаблантирмоқ лозим. Чунки агар ёшлик вақтида тарбия ёмон бўлса, кейин ўша номуносиб амаллардан қайтариш қийин бўлгай.

(24) **Авлод тарбияси хусусида.** Фарзанд тарбиясида ота-онага бу тўрт нарса зарурдир. Булар – тааддуби жисмоний, тааддуби нафсоний, ҳусни табсият, ҳусни тарбият. Тааддуби жисмоний шудирки, фарзанднинг ҳаракати ва баданини сиҳат қоидаларига мувофиқ қилмоқ ҳамда кўп емоқ ва ичмоқ, бемаъни кийинмоқдан, қасам ичмоқ, сўкмоқ, ёлғон гапирмоқдан ман қилмоқ, ёмон ҳамсуҳбатлардан сақламоқдир.

Тааддуби нафсоний шудирки, яъни илм ва одоб ўргатмоқ, шариатнинг аҳқомлари билан таништирмоқ, ўтмишни тарих мутолааси ила бирдирмоқдир. Яна Каломуллоҳ, ҳуснихат, луғат, сарф-наҳв, ҳандаса, ҳисоб, жуғрофия, илми фикҳ, яъни ҳалол ва ҳаромни, илми ҳадисни ўргатмоқликдир. Ана ўшанда фарзанд зарарли нарсаларни ўзидан узоқ тутиб, манфаатли нарсаларни яқин тутмоққа қодир бўлади.

Ҳусни тасбият, яъни фарзандга яхши сўзларни ўргатиб, ёмон сўзларни сўзлашга ман қилмоқдир. Ҳусни тарбиятлардан яна бири фарзандга яхши мазҳабни ихтиёр қилдирмоқ, яхши одабларга ўргатмоқдир.

(25) **Аҳли навъ бирла тадбир тузмак хусусида.** Маълум бўлсинким, аҳли навъга ота ва она, муаллим, хожа ва подшоҳ киради.

**Ота ва она.** Ота ва онага таъзим ва иззат-икромни бажо келтирмоқ, қанчалик баланд мартабага етган бўлсалар ҳам уларга таъзим қилишдан ор-номус қилмаслик лозимдир. Яна ота-онанинг ҳар қандай мақсадлари бўлса, шу йўлда саъй ва тарадуд қилмоқлик, тану жонлари ва моллари билан уларга хизмат қилмоқлик, хизматни чин кўнгилдан бажармоқ, ҳеч вақт уларнинг кўнгилларини оғритмаслик, ҳеч кимга уларнинг устидан шикоят қилмаслик лозим бўлади.

(26) **Муаллим.** Муаллим деб нафсни ислоҳга келтиргувчини айтилар. Агар ота-она жисмнинг камолига сабабчи бўлсалар, муаллим нафснинг жавҳари камолига сабаб бўладилар. Агар бу йўлда муаллим бирор нарсага муҳтож бўлса, [ота-онанинг уларга] қўлдан келганча ёрдам бермоқ, улардан кўнгилга оғир сўзлар айтилса, фарзанд тарбияси йўлидаги марҳамат даражасида билгайлар.

**Хожа,** яъни раҳбар. Агар киши бировнинг хизматида бўлса, ул валинеъмат, яъни раҳбарнинг топширган хизматларини тамомига етказишга саъй ва тарадуд қилгай. Раҳбар ёнида бўлса-бўлмаса қилган хизмати шукрида бўлгайлар, унинг сирларини бегона кишилардан махфий тутгай. Агар бирор бир ишни маслаҳат қилмоқчи бўлса, мулойимлик билан арз қилгай.

(27) **Подшоҳ.** Агар киши подшоҳ ёки ҳокимларнинг ҳузурига борса, таъзим қилиб, одоб билан тик тургай. То бир нарса сўралмагунча сўзламагай, агар сўралса, мулойимлик билан жавоб бергай. Баланд овозда сўзламагай, қўл ва оёгини ҳам беҳуда ҳаракатлантирмагай, беҳуда кулмагай. Агар киши гапирётганда подшоҳ эшитмай бошқа ёққа қараса, сўзлашдан тўхтагай. Подшоҳнинг шафқат ва марҳаматини кўриб, унинг ғазаб ва қаҳридан бепарво қолмагай, балки ҳаминиша ёдда тутгай. Ва ҳаминиша подшоҳга жуда яқин бўлмоқликдан ўзини тортгайки, то ҳасадчиларнинг зиёни етмасин.

**Аҳли навъ бирла баробарлар ила тадбир тузмак хусусида.** Булар куйидагилар:

(28) **Ҳақиқий биродарлар** – бу туғишган биродарлардан ҳар бирларининг ўз шаънларида, яъни мартабаларида лойиқ ва

муносиб ҳурмат ва икромларини бажо келтургайлар. Ҳар бирлари билан сўзлашганда ақл, илм, фазлу камолларига муносиб даражасида сўзлашгайлар.

**Ошно-дўст.** Ошнолар икки қисмдир – ҳақиқий ва оразий, яъни юзаки. Ҳақиқий дўст ноёбдир, вақтики бунга муассар бўлинса, у билан қуйидагича муомала қилгайлар.

1. Агар бундай дўстдан хато ва қусур содир бўлса, кечиргай;
2. У билан доим мулоҳазада бўлгай, унга тухфа ва ҳадялар қилишни унутмагай;
3. Агар у бирор мусибатга дучор бўлса, унинг бирла шай бўлгай;

4. Агар у бирор нарсага муҳтож бўлса, дўстининг ҳожатини сўрашидан олдин чиқаргай;

5. У билан ҳар соҳада маслаҳатда бўлгай;
6. Унинг кўнгли яқин ёру оғайниларига шафқат-меҳр изҳор қилгай токи икки ўртада муҳаббатнинг зиёда бўлишига сабаб бўлгай.

(29) Юзаки дўст, улар кўп бўлади. Агар улар билан алоқа қилмоқ зарур бўлса, муомаласи қуйидагичадир.

1. Бундай дўстлардан ҳам яхшиликни дариг тутмагайлар, лекин ўзларининг ҳеч бир сир-асрорини айтмагайлар, айрим хос сўзларни уларнинг олдида айтмагайлар;

2. Уларни зоҳирий муомала билан хурсанд этиб, кўнгиллари унга мойил этгайлар;

3. Агар ошнолардан бири ғойиб бўлса, бошқа ошноларнинг ҳузурини унинг аҳволини сўрагайлар, токи ҳамма билан шу тариқада зиёда муҳаббат қилгайлар;

4. Мол ва асбобига матлаъ қилиб, ўз аҳволини улардан махфий тутгайлар;

5. Агар бундай юзаки дўстлардан биридан садоқат ва ростлик содир бўлса, унга иззат-икром кўрсатгай, токи бошқаларнинг ростлик билан муҳаббат этмоқликларига сабаб бўлгай;

6. Барча ишларда юзаки дўстлар билан шундай муомала қилгайки, улар уни ҳақиқий дўст деб тасаввур этгайлар.

(30) **Дўст танлаш хусусида.** Агар киши дўст қилмоқни хаёл қилса, қуйидаги тоифа инсонлардан танлагай. Биринчиси, илми ва диндор кишилардан, токи уларнинг суҳбатларидан илму дониш зиёда бўлгай; иккинчи, хушсухан ва хушфаҳм, макр ва хийладан йироқ кишилардан; учинчиси, давлатманд кишилар-

дан, токи агар касбу тижоратда нуқсон содир бўлса, уларнинг ҳимматларидан унинг тадорики мумкин бўлгай.

(42) **Ўрта тоифа кишилар хусусида.** Бу тоифадагилар дўст ва душманга нисбатан ўрта даража кишилардир. Улар тўрт қисмдир. Биринчиси – солих, иккинчиси – носих, учинчиси – сафиҳ, тўртинчиси – мунофиқ.

Солих тоифасидаги кишилар доимо ҳақ динга итоатда бўлиб, уларга яхшилик қилмоқ, ҳожатларини чиқармоқ лозимдир. Носих тоифа кишилар халойиқни ҳақ тарафга тарғиб қилгайлар, шу сабаб киши уларнинг сўзларини ақд ва шаъриятга мувофиқ бўлса, қабул этгай. Бинобарин, аввало бу каби насиҳат этгувчининг гаразани фаҳмламоқ лозимдир. Ёмон киши халойиқни разолатга, номуносиб ишларга бошлайди. Бу тоифа кишиларнинг сўзига эътибор қилинмагай ва сукут сақлаб бепарволигини изҳор қилгайлар. Мунофиқ кишиларнинг зоҳири ботинига, ботини зоҳирига мувофиқ келмас. Мақсади ҳосил бўлгунча ҳар кимга дўстлик қилиб, жонсипорлик изҳор қилар, тилёғламалик қилар. Лекин хаёли ўз манфаатида бўлади. Бу тоифа кишилардан дўстлик умид қилмоқ хатоликдир.

(45) **Уй-жой тутмоқ хусусида.** Инсонга солих ва диёнатли кишилар орасида истиқомат қилмоғи, ўз ҳожатига муносиб уй-жой тутмоғи лозимдир. Яъни жуда катта ёки жуда ҳам кичик эмас. Қачонки моли зиёда бўлиб борса, ўз ҳовлисини зийнат ва мукамал қилишга сарф этгай. Агар дунёвийлик жиҳатидан бирор нарсадан айрилса, жуда ҳам ғам-ғуссага тушмагай. Чунки оламда ҳеч нарса доимий эмасдир.

(47) **Ҳаётнинг тақсими хусусида.** Дунёдаги барча ишлар қуйидаги беш қисмга тақсимлангандир. Улардан ҳар бири қуйидаги беш нарсага тааллуқли бўлади.

1) Қазо ва қадарга тааллуқли ишлар: хотин, фарзанд, ризқ, салтанат, умр.

2) Касб воситасида ҳосил бўладиган ишлар: илм, фурусият, яъни от минмоқ, фалоҳат, яъни деҳқончилик, савоб, гуноҳ қилмоқ.

3) Малака ва одатга тааллуқ ишлар: еб-ичмоқ, сустлик, жимоъ, юрмоқ, ухламоқ.

4) Инсоннинг асл зотига тааллуқ ишлар: саховат, ростгўйлик, тавозеъ, хуррият, муҳаббат.

5) Меросга тааллуқ ишлар: зехн, разолат, қувват, шижоат, ҳусн.

**(50) Ҳар бир нарсанинг ҳосил бўлиш сабаблари хусусида.** Ҳар бир нарсанинг юзага келиши унинг сабаби биландир.

Масалан, камолот, яъни етуклик ақлнинг кучлилигидан ҳосил бўлади.

Иззат қаноатдан ҳосил бўлади.

Ҳожатнинг раво бўлиши иффат, яъни парҳезкорликдан ҳосил бўлади.

Иффат эса номашруъ нарсалардан кўз юймоқлик билан ҳосил бўлади.

Сир ва асрорнинг махфий қолмоғи бошқаларнинг сирларини махфий тута олмақликдан ҳосил бўлади.

Ризқ талаб (ҳаракат) қилмоқликдан ҳосил бўлади.

Неъмат шукр қилишдан ҳосил бўлади.

Завол неъматга куфр келтиришдан ҳосил бўлади.

Ошнолик, дўстлик очиқюзлилик билан ҳосил бўлади.

Жудолик кўп итоб қилмоқликдан юзага келади.

Муҳаббат ҳадя билан ҳосил бўлади.

Душманлик ваъдага хилоф иш тутишдан юзага келади.

Ғафлат нафснинг ножоиз хоҳишларига пайравлик қилишдан ҳосил бўлади.

**(51) Фужур,** яъни гуноҳга ботмоқ гуноҳга беписандликдан ҳозир бўлади.

Фисқ хилватда ўтирмақликдан ҳосил бўлади.

Фақирлик ва камбағаллик исрофгарчиликдан ҳосил бўлади.

Залолат ва хорлик тама билан юзага келади.

Маҳрумлик дангасалик билан юзага келади.

Гина бадхўйликдан ҳосил бўлади.

Ғазаб жаҳолатдан юзага келади.

Жаҳолат енгилтақлик билан юзага келади.

Удуғликка етишиш ва баланд мартабалик тавозеъ билан ҳосил бўлади.

Тавозеъ ҳилм билан юзага келади.

Ҳилм узокни кўра билмоқликдан, илмдан юзага келади.

Илм касб (ҳаракат, ғайрат қилиш) билан ҳосил бўлади.

Касб (ҳунар) ростлик билан ҳосил бўлади.

Ростлик саодат ва нажотга сабабдир. Унинг акси кизб, ёлгонга сабабдир.

Дин ва дунёнинг зийнати адаб билан ҳосил бўлади.

**(52) Адаб Саййид** ал-мурсаин соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам фазилат ва ахлоқларига доимий амал қилмоқликдан ҳосил бўлади.

Агар сирларингни душманинга ошкор бўлишини истамасанг, дўстинга айтмагил.

Агар одамларинг ўзингга хайрихоҳ бўлишлиklarини истамасанг, бошқаларга хайрихоҳ бўлгил.

Агар ранж ва меҳнатингнинг зое бўлишини истамасанг, одамларнинг ранжу меҳнатларини зое қилмагил.

Агар ғамсиз бўлмоқни истасанг, ҳасад қилгувчилардан бўлмагил.

Агар хафалиқдан узоқ бўлмоқни истасанг, қўлингдан ночор чиқиб кетган ҳар нарсага куюнмагин.

Агар обрўманд бўлмоқни истасанг, тавозеъ ва виқор, яъни оғирроқ бўлишликка одат қилгил.

Агар хижолат бўлиб қолмасликни истасанг, қилмаган ишингни қилгандек ҳисоб этмагил.

Агар ҳамма одамларнинг ўзингга дўст ва ошно бўлмоғини истасанг, ҳеч кимнинг гина ва адоватини кўнглингга олмагил.

Агар халойиққа кулги бўлишни истамасанг, юриш ва туришингни яхши қилгил.

Агар зийрак ва донолардан бўлмоқни истасанг, ўз сурагингни бошқаларнинг ойналарида кўргил.

Агар одамларнинг энг яхшиси бўлишни истасанг, молингни имкон қадар одамлардан дариг тутмагил.

Агар мартаба ва қадрингнинг баланд бўлмоғини истасанг, бошқаларнинг қадрини билгил.

(54) Агар озода кишилардан бўлмоқни истасанг, бежо тамаларни кўнглидан чиқаргил.

Агар одамлар арз қилиб мурожаат қилгувчилардан бўлишни хоҳласанг, қўлинг остидагиларни азиз тутгил.

Агар комил одам бўлишни хоҳласанг, ўз нафсингга лойиқ кўрган нарсаларни бошқаларга ҳам муносиб кўргил.

Агар кўнглингга ҳеч бир жароҳат етмаслигини истасанг, нодон билан баҳс ва мунозара қилмагил.

Агар тилингнинг узун бўлмоғини истасанг, қўлингни қисқартиргил.

Агар одамларнинг ораларида мақбул бўлмоқни истасанг, қарам ва эҳсон қилувни ихтиёр этгил.

## МУНДАРИЖА

С Ў З Б О Ш И (О.Бўриев).....	3
Ҳасан ибн Яҳё ал-Зиндавистий.....	6
“Равзат ал-уламо”дан.....	7
Абу Зайд ад-Дабусий.....	10
“ал-Амад ал-ақсо”дан.....	11
Ибни Мискавайҳ.....	18
“Таҳзиб ул-ахлоқ”дан.....	18
Носируддин Тусий.....	23
“Ахлоқи носирий”дан.....	23
Муҳаммад Имомзода ал-Чуғий.....	28
“Ширъат ал-ислом”дан.....	31
Али ибн Ҳусайн ас-Сугдий.....	34
“Китаб ал-хамсин”дан.....	35
Бурҳонидадин аз-Зарнужий.....	47
“Таълим ал-мутааллим”дан.....	50
Жалолиддин Даввоний.....	58
Ҳусайн Воиз Кошифий.....	64
“Ахлоқи муҳсиний”дан.....	65
Кошифийнинг “Мавоҳиби алийя” асарида одоб-ахлоққа доир маълумотлар.....	75
“Мавоҳиби алийя”дан.....	77
Абдуллоҳ Исфаҳоний.....	78
“Роҳат ал-қулуб”дан.....	79
Али Сафий.....	87
“Одоб ул-асҳоб”дан.....	89
Али ибн Муҳаммад Али ал-Хоразмий.....	104
“Фавойид”дан.....	106
Мирзо Содиқ Мунший.....	113
“Ахлоқи хоний”дан.....	116
Муҳаммад Собир Уструшаний.....	122
“Тухфат ул-амир”дан.....	123
Саъдуллоҳ тўра Саъдий.....	126
“Муфарриҳ ал-қулуб”дан.....	128
Ҳамдамий Хоразмий.....	133
“Насиҳатнома”дан.....	134
Мақсудхўжа Тошкандий.....	142
“Мақсуд ал-мутааллимин”дан.....	143
Абдураҳмон Сайёҳ Тошкандий.....	146
“Меъёр ул-ахлоқ”дан.....	148
“Танвир ул-аҳдоқ фи-л макорим ул-ахлоқ”дан.....	151



**КБК: 87.60**

**A 35**

Аждодларимиз маънавий меросидан / масъул муҳаррир О.Бўриев;  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институти. –Тошкент: Фан, 2014. –160 бет.

**КБК: 83.3(5Ў)**

**УЎК: 17(173-177); 2(241)**

**ISBN 978-9943-19-285-0**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия  
этилган.*

Муҳаррир: *Б.Абдулхайров*

Мусахҳиҳ: *М.Қодирова*

Техник муҳаррир, саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

**Нашриёт лицензияси АІ №138, 27.04.2009 й.**

Нашриёт рақами: з-74. Теришга берилди 10.09.2013.  
Босишга рухсат этилди 23.01.2014. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
Арно гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози.  
Нашриёт-ҳисоб т. 9,05. Босма-шартли т. 9,76.  
Тиражи 800 нусха. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.  
Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.  
E-mail: fannashriyot@yandex.com

ЎзР ФА “Фан” нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 5-бўйортма.  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

“Toshkent tezkor” МЧЖ босмахонасида муқоваланди.  
100200, Тошкент, Радиал тор кўчаси, 10-уй.

